

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЕТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҮЛДОШ ЖУМАБОЕВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФАЛСАФА ВА АХЛОҚИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИДАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги Олий ўқув юртлари талабалари учун
кўлланмаласифатида тавсия этган.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Йўлдош Жумабоев қаламига мансуб мазкур қўлланмада энг қадимги фалсафий ва ахлоҳий фикрлар сарчашмаларидан тортиб то асримизнинг биринчи ярмигача бўлган даврдаги фалсафа тарихи ичам тарзда тадқиқи! қилинган. Рисола муаллифи ўша тарих ичидан муштараклик излайди ва топади ҳам. Зотан, эзгу фикр, эзгу сўз умри боқнийдир.

Аэзиз китобхон! Сиз ушбу рисолада турли замонларда яшад ўтган мутафаккирлар таълимотларининг ҳали ўрганилмаган жи ҳатлари тадқиқинга ҳам дуч келасиз. Ўйлаймизки, ушбу қўлланмасизга маъқул бўлади.

Масъул мұхаррир:

МУЗАФФАР ХАЙРУЛЛАЕВ — Узбекистон Фанлар Академиясининг академиги.

Тақризчилар:

ҲАЙДАР АЛИҚУЛОВ — фалсафа фанлари, доктори, профессор;
САЪДУЛЛА ИҮЛДОШЕВ — профессор.

МУҚАДДИМА

Ўзбек халқи Марказий Оснёдаги бошқа қардош халқлар қатори узоқ тарихга эга. Унинг пайдо бўлиши ва шаклланиши кишилик жамиятининг энг қадимий даврларига бориб тақалади.

Марказий Осиё халқлари ўзларининг тарихий тараққиёти жараённида ранг-баранг ва мазмунан бой маданий мерос яратганлар, илм-маърифат ва маданият соҳасида жаҳон цивилизацияси хазинасига салмоқли ҳисса қўшганлар.

Ушбу қўлланмада халқимизнинг илғор мутафаккирлари томонидан яратилган қўп қиррали, мазмунан тегран, ўзига хос фалсафчий ва ахлоқий қарашлар тарихи хақида фикр юритилади. Бу ишга қўл урилганидан мақсадд ҳақимизни, айниқса, ўсичб қелаётган ёш авлодни минг йилликлар давомида яратилган бебаҳо фалсафий-ахлоқий тафаккур тарихи таълимотидан баҳраманд қилишдир.

«Маънавият — дейди И. А. Каримов — тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади...»

Қадимги аждодларимиз комил писон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмусини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар... Агар биз адолатли давлат, эркин жамият қурмоқчи бўлсак, бу олижаноб мақсадни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидатар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим»¹.

Ҳар бир халқ ва миллат, айниқса ёш авлод ўз тарихини билмаса, асрлар давомида ота-боболари ва буюк

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иктисолий истиқболининг асосий тамойиллари». Т. 1995 й. 53—56-бетлар.

алломалари қолдирған бебаҳо маънавий меросдан бе-баҳра қолса, миллий анъаналари ва урф-одатларини ўзига сиңдира олмаса, ўзини-ўзи англай олмаса, ўзининг кимлигини, ўзлигини тушунмай қолади.

Марказий Осиё ҳалқлари дастлаб чор Россиясига ва кейинчалик собиқ Советлар империясига 130 йилдан ортиқ давр мобайнида иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан қарам бўлди. Бу ҳол ўтмиш тарихини, бой маданий меросини ҳар томонлама чўқур ўрганишга тўла имкон бермади.

Айниқса, 74 йил ҳукм сургани коммунистик мафкура якка ҳокимлигига таянган собиқ социалистик тузум шаронтида маданий меросни ўрганиш масалалари чегаралаб қўйилди. Мактабларда, олий таълим билимгоҳларининг ўқув дастурларида миллатнииг тили, тарихи, маънавий мероси билан боғлиқ фанларни ўрганишга кам эътибор берилди, бу фанларнинг ўқув соатлари жуда қисқартирилиб, уларнииг баъзилари эса мутлақо йўқ қилинди.

Мустақилликка эришганимиздан ғоят мампун бўлсак арзийдикни, эндиликда биз мустабид тузум қарамлигидан қутулдик. Узимизнинг миллий мустақил таракқиёт йўлимизни босқичма-босқич аниқ белгилаган ҳолда жаҳондаги бошқа ривожланган мамлакатлар қатори юксак цивилизацияни демократик ва ҳуқуқий жамият қуришга иштиляяпмиз.

Бундай олижаноб ва гоят мураккаб вазифаларини амалга оширишда эътиборнингизга ҳавола этилаётган ушбу қўлланма Сизга мустаҳкам маънавий мадад ва юксак илҳом бахш этади деган умидламиз.

Мазкур ўқув қўлланмани тайёрлашда фалсафа фанлари номзоди, доцент М. Сәнэрбоев (5-бобнииг 5-мавзун), доцент Р. Маҳмудов (4-бобнииг 6-мавзун), кафедра аспирантларидан: Қ. Жияихўжаев, Ж. Рўзқулова, Ф. Қобулловлар томонидан тайёрланган материалдан кенг фойдаланилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛК ФАЛСАФИЙ- АХЛОҚИЙ ФИҚРЛАРНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛЛАНИШИ

1. Энг қадимий фалсафий ва ахлоқий фикрлар сарчашмалари.
2. Марказий Осиё қадимий ёзма ёдгорликларида фалсафий ва ахлоқий фикрларниң ифода этилениши.

1. ЭНГ ҚАДИМИЙ ФАЛСАФИЙ ВА АХЛОҚИЙ ФИҚРЛАР САРЧАШМАЛАРИ

Марказий Осиё ҳалқларининг социал-иқтисодий ва маънавий ҳаёти қадимги даврларда қай даражада ривожланганлигини узук-юлук ҳолда бўлса ҳам бизгача етиб келган баъзи бир ёзма ёдгорликлар ва тарихий обидалардан билишимиз мумкин. Бундай маълумотларга асосланиб ахмонийлар ҳукмронлиги (милоддан олдинги VI асрларда) давригача содир бўлган тарихий воқеаларниң мазмуни ва хусусиятлари ҳақида фақат фараз қилишга тўғри келади. Шўндай бўлишинга қарамай, кишилар ўзаро муносабатларининг фалсафий мазмунни ҳақидаги илк содда тасаввурлар орасида, уйғониб келаётган онгдан дарак берувчи шакланган ранг-бағанг, мазмұнан бой энг қадимий маънавият сарчашмаларини пайқаб олиш мумкин.

Марказий Осиёдаги фалсафий ва ахлоқий фикрларниң дастлабки куртаклари қадимий эртаклар, афсоналар, ривоятларда ва ҳалқ мақолаларида ўз ифодасини топган. Ёзув пайдо бўлишинга қадар ҳалқ руҳини ифодаловчи мазкур асарлар қадимги кишилар маънавий фаолтигининг бирдан-бир мацбани бўлган.

Мавжуд тарихий манбалар қадимий Эрон қабилалари ва элатлари орасида халқ оғзаки ижоди кенг ёйилганилигидан далолат беради. Танықли шарқшунос олим Е. Э. Бертельснинг таъкидлашича «Милоддан аввалги биринчи минг йилларнинг ўрталарида шарқий Эрон элатлари орасида кўп ривоятлар мавжуд бўлган. Аммо улар, ўз-ўзидан равшанки, бирон-бир ёзма хужжатларда қайд қилинмаган; бу ривоятлар оғзаки тарзда, эҳтимол баҳшиликни ҳунар қилиб олган кишинлар томонидан тарқатилиб келинган»¹.

Айрим тадқиқотчилар² ҳаққоний тарзда қайд қилганиларидек, Шарқ фалсафасига хос бўлган хусусиятлардан бири шуки, даставвал у тўғри ҳаёт кечириш санъати, донолик мажмуаси сифатида юзага келиб, борликқа амалий муносабатда бўлиш намунасини берган. Уша қадимий замонлардан қолган моддий ва маънавий маданият ёдгорликлари бундай баҳонинг тўғрилигини ишонарли тарзда тасдиқлаб туриоди. Мазкур ёдгорликларни ўрганиш Марказий Осиёнинг улкан ҳудудида яшаган аждодларимизнинг маънавий маданияти ва ахлоқ-одоби минглаб йиллар давомида жамоа-уруг тузуми белгиларнни ўзида сақлаб келгац, деган хуносас ясаш имконини беради.

Қадимий грек таріхчisi Геродот (милодгача V аср) «Тарих» китобида, Марказий Осиёнинг энг қадимий халқлари ибтидоий жамият шаронитда яшаганлар ва асосан дехқончилик ҳамда ҷорвачилик билан шуғулланганлар; уларда ниқоҳ муносабатларининг гуруҳ шакли ҳукмрон бўлган³, деб кўреатади.

Страбон ўзининг «Жўғрофия» спода массагеларнинг ҳаёти ва ахлоқий тасаввурлари ҳақида ғоят қимматли маътумотлар беради. Унинг таъкидига кўра, жуда қадим замонларда Марказий Осиё ҳудудида хилма-хил — қайсар, ёввойи ва уришқоқ қабилалар яшаганлар, улар ўзаро муносабатларида ҳалоллик ва одилликни ҳамма нарсадан афзал кўрганлар⁴.

¹ Е. Э. Бертельс. История персидско-таджикской литературы. Изд. со. т. 1, М., ИВЛ. 1960, 61-бет.

² Геюшев. Этническая мысль в Азербайджане. Баку. Изд-во «Гянджлик». 1968, 13-бет. С. Н. Григорьян. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. М. Изд-во «Наука», 1966, 13—14-бетлар.

³ Геродот. История в девяти книгах, Изд-во «Наука», 1972.

⁴ Страбон. География, кн. VII, Ленинград, «Наука», 1964, 47-бет.

Н. Я. Бичурин ўзининг уч томтик «Қадимги давр-
ларда Урта Осиёда яшаган халқлар ҳақида маълумот-
лар тўплами» асарида ёзадики, гаогшиецлар (уйғур-
лар) қабилаларида ҳамма ака-укаларнинг хотин битта
бўлган. Урф-одатга кўра бир эрлик хотин бир бурчак-
лик қалпоқ кийиб юрган; кўп эрлик хотин ака-ука эр-
ларининг сонига яраша қалпоқ бурчакларни кўпайти-
риб борган⁵. Шуниси ажабланарлики, никоҳга асослан-
ган турмушда бундай удум — самури (*samuri*)⁶ ҳинд
қабилаларининг бирида ҳанузгача сақланиб қолган.

Марказий Осиё ҳудудида яшаган қадимий халқлар-
нинг ҳўжалик ва социал-сиёсий тараққиёти даражаси-
ни, маълумотномаларни, улар ҳаётининг укладини таҳ-
лил қилиш, шак-шубҳасиз, ўша қадимий замонлардаги
маънавий муҳитин очиб берувчи матнлар мөҳиятини ту-
шунишга ёрдам беради.

Марказий Осиёнинг мэданий ёдгорликлари кўрсатиб
турганидек, эрамиздан солдинги биринчи минг йилларни
нинг бошларига келиб қадимий эрон қабилалари мис
ва темирни ишлатишини ўзлаштириб олганлар, улардан
фақат уй-рўзгор буюмлари (пичоқлар, нина-бигизлар
ва безаклар, билакузуклар, узуклар, зираклар) гина
эмас, балки меҳнат предметлари (болтлар, чўкишлар)
ва ҳатто қуроллар ҳам ясаганлар.

Сунъий сугоришга асосланган дехқончилик кўник-
маларини ҳосил қилиш ҳамда айрим кўчманчи қабилалар-
нинг ўтрок чорвачиликка ўтиши ўша замонларда
ҳўжалик соҳасида эришишган муҳим ютуқлардан бирин
бўлди.

Марказий Осиёнинг қадимий жамоаларида табақа-
ларинш куртаклари пайдо бўлди. Жамият учта социал
гурухга: ўз`оқсоқолларига эга бўлган чорвадор-дехқон-
лар, ҳукмдор етакчиси бошчилигидаги жаигчилар, катта
коҳин бошчилигидаги коҳинларга бўлинган. Мулкий
жиҳатдан иотенглик юзага келгани бопс бойлар ва кам-
бағаллар табақаси шаклланган. Улар ўртасидаги зид-
диятлар кучая борган, буният пегизида эса илк дав-
латлар пайдо бўла бошлаган.

Ибтидоий жамият охирига келиб, ижтимоий табақа-
лашувга ҳамда ижтимоий гуруҳ ўртасида низолар юзага
келишига қарамай, ўша замоннинг мафкуравий тасав-

⁵ Н. Я. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.—Т. 1953, 263-бет.

⁶ The History of India, by 11 ш. Elliot, t. IV р. 101—102-бетлар.

вурлари (биз ушбу ҳолда уларни жамиятнинг маънавий устқурмаси сифатида белгилаймиз) табнат ва ижтимоий ҳаётнинг барча хилма-хил ҳодисаларига умумий қарамлик билан характерланади. Бошқача сўзлар билан айтганда, ижтимоий онг синкетик (қоришиқ) ва натуралистик бўлиб қолаверган.

Таниқли шарқшунос олим, академик Н. И. Конраддининг мулоҳазасига кўра, ижтимоий-фалсафий фикр тарихида инсоннинг ўзига хос сифати бўлган ақл-идроклининг келиб чиқини хусусидаги масалада мутафаккирларнинг фикри асосан иккита «олиш» ва «касб этиш» концепцияларидан ташкил топган. Биринчи концепция шундан иборатки, инсон ақл-идрокни ўзидан юксакда бўлган илоҳиётдан олган (одатда бундай илоҳиёт худо образида майдонга чиқади). Иккинчиси шундан иборатки, инсон бошқа ҳамма турлар орасидаги алоҳида тур⁷ сифатида яшаши фактишининг ўзидан ақл-идрок хоссасини касб этган. Дарвоқе, кейинги концепция, чамаси, кейинчалик шундай бир база бўлиб хизмат қилинки, унинг негизида инсоннинг ахлоқни хислатлари туғма эканлиги тўғрисидаги тасаввур юзага келган ҳамда кўнгина қадимги юнон ва Шарқ мутафаккирлари ўз наزارий концепцияларида ана шу тасаввурга таянганлар. Ақл-идрокнинг келиб чиқини ҳақидаги ҳар иккала концепция турли хил кўринишларда ифодаланганки, улар афсоналар, ҳикоялар, эртаклар, ривоятлар, дин, фалсафа ва фан тушунчаларида ўз аксини тола олганлар.

Бироқ, қарашлар ва ғоялар қанчалик хилма-хил бўлмасин, инсон моҳиятини далиллаш нечоғли заиф бўлмасин, шуни унумаслик керакки, тафаккур тарихида кўтарилган инсон муаммосининг ўзи уни тўғри тушуниш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Кишиларнинг кундатлик муштарак меҳнати, уларнинг яшаш учун кураши ақл-идрокли ва ижтимоий мавжудот сифатида инсоннинг шаклланиши, унда ахлоқий онгнинг шаклланиши учун асос бўлди. Минглаб йиллар давомида моддий неъматларни яратиш борасида биргаликда меҳнат қилиш жараёнида ахлоқ-одобнинг оддий нормалари, инсонлар ижтимоий ҳаётининг асосий қондатари ташкил топган. Овчилар, чорвадорлар ва

⁷ Н. И. Конрад. О смысле истории, в кн.: «Запад и Восток». М., Главная редакция восточной литературы, 1972, 470—471-бетлар.

дәхқонлар яратган бу қоидалар авлоддан-авлодга ўтиб, аста-секин улар учун олатий-аҳлоқий нормаларға, улар хулқ-атворининг мезонларига айланди.

Қадимги замон кишилари тафаккурининг кучли ва ожиз жиҳатлари, улариниг ўй ва орзу-умидлари, баҳт ва саодатга интилишлари, ўз ақл-идроклари ва кучларига ишонишларни қадимий Эрон эпосларининг (Арта ва Армайта, Митра ва Анахита ва ҳоказо) афсонавий образларидан гавдаланади.

Қадимий Эрон элатларининг илк тасаввурларидаги воқеликка муносабатнинг иккита характерли хусусиятини пайқаш мумкин. Бир томондан, табиатга ва унинг бебош кучларига қарши курашда инсоннинг фәоллиги, иккинчи томондан, тафаккурининг воқеликдан туриб ҳайратомуз парвоз қилиши кўзга ташланади. Бундай тафаккур парвози, айниқса, тотемизмла ва дунёни анимистик ҳис этишда (табнат ҳамда унинг барча предмет ва ҳодисаларининг ялии жонлилиги ҳақидаги тасаввурда) акс этадики, унга кўра қандайдир. таъсир кўрсатувчи ички руҳ ҳар бир предмет учун хос эмиш. Ўз табиатида руҳлар эзгу ва ёвуз, яхши ва ёмон руҳларга бўлниб; улар ўртасида тўхтовсиз кураш боради.

Сеҳргарлик шамандарининг афсунгарлиги (фарёд-фифон қилиш, тақлидий қилиқ-ҳаракатлар ва ҳоказолар) воситаси билан табиатга фаол таъсир кўрсатниш, уни инсон хоҳиши-иродасига бўйсунидириш борасидаги уринишларда табнат оғатлари билан беллашишга қодир эканлигига ишонгани ижтимоий инсон кучи билан табиатдаги кудратли кучларга ишонадиган, табиатдан кўрқадиган инсоннинг занфлиги бир-бири билан қўшилиб кетар эди⁸. Тирикчилик қийинчилклари, табиат билан кураш қийинчилклари остида эзилган, азоб тортган қадимги замон кишиси учун дунёга ана шундай кураш табиий бир ҳол эди.

Ибтидой фикрлашнинг аиа шу белгилари Марказий Осиё ҳалқларининг қадимий мифологиясида яққол акс этади. Чунончи, илк асарларда афсонавий қаҳрамонларнинг кураши абстракт ва ҳатто сирди характерда бўлиб, ундан анча кейинги замонларда кураш аниқ моҳият касб этади. Энди афсонавий қаҳрамонлар ёвуз куч рамзи бўлган фақат аждаҳолар, девлар, жинлар-

⁸ И. С. Брагинский. Из истории таджикской и персидской литературы. М., изд-во «Наука», 1972, 110—111-бетлар.

тагина қарши әмас, балки босқинчилар, золим ҳокимларга, яъни реал ёвуз күчтарга ҳам қарши курашадилар.

Мифологик ва афсонавий қаҳрамонларнинг образлари халқ хотирасинда асрларча яшаб ва қайта ўзгартирлиб келиндиккі, уларнинг акс-садолари ҳозирги кунға қадар Марказий Осиё ҳалқтарининг, шу жумладан ўзбек ҳалқининг бадний ижодидан ҳам сақланиб қолган. «Китоби Жамшид», «Эрхубба афсонаси» каби ўзбек эртакларида қадимги шаҳарлар ва қалъаларнинг бунёд этилиши ҳақидағы воқеалар тағсити ҳикоя этилади.

Марказий Осиё ҳалқтарининг мифологиясы ва афсоналари қаҳрамонона әпослар учун замин тайёрлаб берди. Бизгача етиб келған ёзма ёдгорликтер қолдиклари далолат беріб турғаныдек, ўша қадимий замонларда Марказий Осиёдагы скиф күчманчилари ва ўтроқ ҳалқлари орасыда күпгина эпик ривоятлар бўлиб, уларнинг асосини Марказий Осиё ҳалқтарининг ватаппарварлик кураши ташкил этган. Бу ривоятларда затанга ва ҳурриятга бўлган қизғин муҳаббат тараним этилади: уларда ор-номус, дўстларга ва сафдошларга садоқат каби энг эзгу нисоний туйғулар ўз ифодасини топади. Ўз бурчини адo этиш, душман устидан ғалаба қилиш йўлида қаҳрамонлар ўз жонларидан кечишга, ҳар қандай машаққатларга бардош беришга, ўз қабиладошларининг ор-номуси учун курашишга доим шайтурадилар. Эпос қаҳрамонтарининг асосий ахлоқий белгилари — мардлик ва жасоратдир. Куч ва мардлик қадимий замон кишиларининг энг биринчи ва энг зарур фазилатлари бўлган.

Шунин қайд қилиб ўтиш жөнзки, Марказий Осиё ҳалқтарининг қадимий замон әпосида аёллар эркаклар билан тенг мавқеда бўлғантар, ҳеч бир соҳада эркакларга бўш келмаганлар. Бу ҳол Марказий Осиё әпосининг ўзига хос хусусиятга эга эканлыгидан далолат беради.

Қадимий муаллифларининг ривоятларидан қизиқ бир удум бизга маълум: агар сақ бирон қизга уйланмоқчи бўлса, у билан кураш тушиши шарт бўлган. Агар қиз енгиб чиқса, енгилган киши унинг асирига айланниб, батамом унинг ихтиёрида бўлган: қизни факат енгиб билган йигитгина унинг ҳукмдори бўла олган⁹.

⁹ Клавдий Элиан. Древние авторы о Средней Азии. Ташкент. Госиздат. 1940. 23-бет.

Халқ оғзаки ижодининг жуда бой материаллари тарихий маълумотлар билан ҳам тўлдириладики, бу маълумотларда аёлларининг фақат жасур жангчи сифатидагина эмас, балки юксак ахлоқий хислатларга эга бўлган ажойиб инсон сифатида ҳам иш тутишлари ҳақида, уларниң ибрат олса арзийдиган инсонлар эканлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Марказий Осиё эпосининг Зарина, Спаретра, Тўмарис каби монументал сиймолари худди ана шуцдай инсонлардир.

Сак маликаси Зарина ва Мидия саркардаси Стрингей ҳақидаги ривоят, чамаси, ривоятлар ичидаги энг қадимиши бўлса керак; унда Марказий Осиё ҳалқларининг Мидия ҳукмронлигидан озод бўлиш учун олиб борган курашини акс эттирувчи воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Антик дунё тарихчиларидан Геродот ва Эфорниш хабар қилишича, милоддан олдинги VIII асрда Ассурия қулагандан кейин Мидия Осиёда етакчи мавқени эгаллаган ҳамда милоддан олдинги VI аср охирингача Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган.

Марказий Осиё ҳалқлари хорижий босқинчиларга қарши сабот-матонат билан кураш олиб борганлар. Биз қўйироқда тилга оладиган Ктесий айтиб қолдирган ривоятда ўша замонлардаги уруш ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Зарина жангчи аёлнинг ўз халқи мустакиллигининг ҳомийиси, шаҳарларни бушёд этувчининг улуғвор образи сифатида намоён бўладиди, ана шу аёл раҳнамолигига саклар юрти гуллаб-яинишайди. Аммо Зарина фақат бақувват ва доно йўлбошчигига бўлиб қолмай, оташин муҳаббат соҳибаси ҳамдир. У жангда ярадор бўлиб, асири тушиб қолади. Асирилкда Мидия жангчиси Стрингей билан учрашади. Йигит ва қиз бир-бирини сезиб қолади. Садоқатли севгиги уларниң икковини ҳам мукаррар ҳалокатдан қутқаради.

Спаретра билан Тўмарис ҳақидаги ривоят Марказий Осиёда аҳамонийлар ҳукмронлик қилган даврга таалуқли бўлиб, бу ҳукмронлик иккиси асрдан сал кўпроқ вақт давом этган. Милоддан олдинги VI аср ўрталарида аҳамонийларнинг Марказий Осиёга қилган босқинчилик юришлари анча узоқ давом этади, ана шу ҳудудда яшаган ҳалқлар босқинчларга мардонавор қаршилик кўрсатадилар. Ктесий биз учун сак маликаси Спаретра билан унинг эри Амергниш исмини сақлаб қолдирган. Эрон давлатини бунёд этган Кир Амергни асири

қилиб олади. Спаретра әркаклар ва аёллардан қўшин ташкил этиб, жангда Кирни тор-мор келтиради ва ўз эрини озод қиласди. Ана шу ривоятда бизинг оддимизда, бир томондан, жасур ва саботли жаигчининг сиймоси, иккинчи томондан — фидоий маъшуқа, эрининг содиқ умр йўлдоши намоён бўлади.

Саҳоватли ва довюрак Тўмариснинг Кир билан кураши тарихини баён этар экан Гиродот массагетларнинг эпик ривоятидан фойдаланади. Ҳикоя замирида хақиқий факт ётадики, бу фақат эпик тус олган ҳолда Геродотгача этиб келгали эди.

Кир Мидия билан Вавилонни забт этиб, Каспий денгизининг шарқидаги ялангликлар томони йўл олади. Бу ерда эса малика Тўмарис ҳукмдорлиги остида массагетлар яшар эди. Тўмарисга қарши жангларда Кир Амударё ортидаги чўллар ичига кириб кетиб, орқа томонида қолган таянчларидан узилиб қолиб, маглубиятга учрайди ҳамда жангда ҳалок бўлади¹⁰. Тўмарис Кир билан жангга киришар экан, галаба қилганимдан кейин истилочини қон симиришга мажбур этаман, деб қасамёд қиласди. Ғалабадан кейин у ўз ваъдасининг устидан чиқиб мағлуб «шаханшоҳ» нинг бошини қон тўлдирилган мешкопга солишини буоради. Ушбу ривоятда материархал белгилари ифодаланганки, унинг аксадолари қорақалпоқтарни Гулойим ва унинг 40 нафар канизаклари ҳақидаги «Кирқ киз» эпосида сақланиб қолган.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё халқларининг уруғчилик-қабилавий ҳаёти шаронтида аёллар асосан юқори мартабаларни эгаллаб, жуда ҳурмат-иззатда бўлганлар. А. П. Бичурин хабар қилишича, Айсан¹¹ аҳолиси хотин-қизларни жуда ҳурмат қилган, «хотин ниманки деса, эр чурқ этмай бажарган»¹².

Қадимий замонлардаги Марказий Осиё халқларининг адабий ёдгорликлари, халқ оғзаки ижоди этнографи М. О. Коевенинг «Матриархат» асарида, Швейцария олимни И. Я. Баҳофеннинг «Оналик ҳуқуқи» китобида, инглиз тадқиқотчиси В. Бриффолтнинг уч томлик «Оналар» асарида аёллар ахлоқ-одобни шакллантириш-

¹⁰ Ўзбекистон тарихи. 1 жилд, Т. 1996, 70-бет.

¹¹ Айсан мулки Шарқий Эрон ерларини ишғол қилган.

¹² А. П. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, т. 3. М., Изд-во АН СССР, 1953, 153-бет.

да катта роль ўйнаганликлари тасвириланади. В. Бриф-фолт фикрига кўра, аёл киши жинслар ўртасидаги, кекса ва ёш авлодлар ўртасидаги муносабатлар хусусида дастлабки ахлоқ нормаларини барқарор этган. Қадимий адабиётда ватанишарварлик ва жасорат, ватан ва ўз ҳалқи баҳт-саодати йўлида юксак филойлик қилишга шайлик сак чўпони Широқ ҳақидаги ривоятда баёни этигани. Мазкур ривоят замининда, чамаси, ҳақиқатан ҳам содир бўлған воқеалар ётади. Бихистун қоясига (500 метр баландликда) битилған ёзувларда Марказий Осиёда яшаган қабила — сака-тиграҳаудаларга қарши Доро қилған юриш ҳақида хабар қилинади. Бу юриш эрамиздан олдинги 519 йилда рўй берган. Сак чўпони Широқ ҳақидаги қисса ана шу воқеага алоқадордир.

Грек тарихчиси Геродот ҳинкоя қиласидики, сакларнинг ғлобошиблари ҳарбий кенгашига йигилган пайтларда лар олдига чўпони Широқ келади ва форсларни яксон қилиш режасини тактиф этади. Бу режанинг муваффакият билан бажарилиши учун оддий молбоқар ўз жонини қурбон қиласиди. Широқнинг йўлбошибларидан бирдан-бир илтимоси ўзи ҳалок бўлғанидан кейин боталари ҳақида гамхўрлик қиласи бўлди. Улар рози бўлгандан кейин Широқ ўз бурни ва кулоқларини кесиб ташлаб, Доро олдига келади. У душмани маизилидан ќочиб ўтганилигини, сак йўлбошибларидан зулм кўрганилигини, қасос олиш учун сакларнинг лашкарларини қамал қилинда форсларга ёрдам беришга шайлигини, Доро лашкарини фақат ўзигагина маълум бўлған сўқмоқлар орқали саклар қароргоҳига олиб ўтиб қўшишини айтади. Доро унинг сўзларига ишонади ва кўп минглик лашкари билан йўлга тушади. Улар етти кун йўл юрадилар, бутун озиқ-овқатлари тугайди. Қайтишнинг иложи бўлмагач чўлу биёбон ўртаспда қолиб кетадилар. Мингбоши Раносбат йўл кўрсатувчидан: улур шоҳин алдашга ва кўп сонли форслар лашкарини бир томчи ҳам сув топијмайдиган, қуш учса қаноти куядиган, бирон маҳлук кўринимайдиган ва қутулиб чиқиб кетишининг иложи бўлмаган бундай чўлу биёбонга бошлиб келишга сени нима мажбур этди, деб сўрайди. Дозюрак Широқ бундай жавоб қиласиди: «Мен галаба қилдим, чунки сакларни, меннинг юртдошларимни сизларнинг ҳамлангиздан сақлаш учун мен сиз форсларни очлик ва чапқоқлик азобига мубтало этиб, ҳолдан

тойдиришга муваффақ бўлдим»¹³. Қаҳрамон ҳалок бўлди, аммо у ўз ҳалқи ва Ватани олдиаги фарзандлик бурчни буюк ва бетимсол мардлик билан ало этдики унга ҳамон қойил бўламиз ва ҳавас қиласмиз.

Бундан бирмунча кейинги даврларда Марказин Осиёда юзага келган эпик ривоятлар қаҳрамонларининг образларида ибтидоий жамият емиригини ва қулдорлик жамияти қарор топиши даври учун характерли бўлган ахлоқий онгнинг ривожланиш даражаси акс этади. Алломиш, Байси-Бейрек, Беён-Сулув, Козу-Керпеч ҳақидаги эпик асарларда ва бошқа ривоятларда қаҳрамонлар кўчманчи қабилалар ёки элатларининг йўлбошчилари сифатида майдонга чиқадигарки, улар бекиёс катта жисмоний кучга ва олижаноб маъниав хислатларга эга кишилардир; улар ўз замони кишини хулқ-авторининг барча прогрессиб ахлоқий нормаларини гавдалантирувчи идеал инсон даражасига қўтарилади.

Биз таҳлил қилиб чиқишига урингани материалла асосида шуни айтиш мумкинки, бириничидан, қадими музаллифларнинг этик тасаввурлари аслида ҳалқ бой лигидир, иккиничидан, бу тасаввурлар асосан дунёви тартиботларини акс эттиради, учиничидан, улар анч кейинги даврлардаги бир қадар тартибга солинган даряли ҳамма этик манбалар замонидаги пойдеворни яратиб бердиilar.

Хулоса қилиб айтганда, энг қадимги фалсафий фикрлар сарчашмалари ҳалқ оғзаки ижоди намуналари орқали бизгача тўла-тўкис стиб келган. Юқорида келинган ривоят, афсона, ҳикоялардан кўринаидики, инсонлар яшашиб учун қўрашганилар, озодлик, тинчлик, мустақиллик учун жонларини фидо қилингилар. Кадимги ҳалқларининг ҳаёт ҳақидаги каравалари бир-бирларига ғамхўрлик қилиш, бошқаларининг баҳт-саодати учун ўзининг ўлимгача маҳкум этишида янада аниқроқ кўринади.

Дастлабки фалсафий фикрлар ўз даври нуқтани назаридан анча содда кўринишда бўлган. Шу билан бирга содда фалсафий қарашлар кейинги даврдаги фалсафий фикр тараққиётини таъминлашга катта ҳисса қўшган.

¹³ Геродот. История в девяти книгах. Кн. III. М. Изд-во «Наука», 1972, 89—94-бетлар.

2. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҚАДИМИЙ ЁЗМА ЕДГОРЛИКЛАРИДА ФАЛСАФИЙ ВА АХЛОҚИЙ ФИҚРЛАРНИНГ ИФОДА ЭТИЛИШИ

Ёзув кашф этилиши билан маънавий маданият ри-
южининг чинакам тарихи бошланади. Беруний ҳақли
խвишда таъкидлаганидек... «бордию қалам абадий
бидалар қолдирмаганды, халқларниң ривоятларини
из қаердан билб олган бўлур эдик?»¹

Марказий Осиёнинг исломгача бўзиган даврдаги
мумий тарихини, хусусал фалсафий ва ахлоқий тарихини
ўрганиш учун қадимий форсий ёзувлар², қадимги
рек муаллифлари Геродотининг (эрамиздан олдинги
У аср) «Тарих» ва Страбонининг «Жуғрофия»³ асарла-
й, зардуштийлик динининг «Авесто» деб аталган мұ-
қаддас китоби ҳамда бир қатор манбалар катта аҳа-
миятга эга бўлиб, улар Марказий Осиё тарихининг фа-
қат қадимги даврининг эмас, балки феодализмгача бўл-
ган даврининг ҳам тарихи учун асосий тадрижий чега-
валарни аниқлаб олиш имконини беради. Булар қато-
нига, жумладан, қадимий турк Ўрхон — руний матнла-
ри (Қултегин, Тунюқуқ)⁴, хитой манбалари за бошқа-
тар киради.

Авесто шак-шубҳа йўқки, Марказий Осиё халқла-
ниң маънавий маданиятининг қарор толиши ва ри-
фжланиши тарихини ўрганиш учун бебаҳо манбадир.

Авесто тадқиқотчилариининг деярли ҳаммалари ҳам
қдиллик билан Авестонинг асизда диний характерда
ўлиши билан бир қаторда унда фалсафа, сиёсат, ах-
лоқ, турмуш, адабиёт масалалари ҳам кенг кўламда
ифода этилганини таъкидлагайдилар. У билан танишиб
йқин Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон ҳамда бутун
Іқин ва Ўрта Шарқ халқларидаги илк табиий-илмий
асавурларни ўрганиш учун ҳам, дунёниң ана шу
интиқаларида яшайдиган хатқалариниг ижтимоий-сиё-

¹ Абу Райхон Беруни. Избранные произведения, т. 2.
Анжент. Изд-во АН УзССР, 1963, 57-бет.

² Бекустинская память. М., Изд-во «Восточная литература»,
1950.

³ Геродот. История в девяти книгах. Страбон. География.
.. Нед-во «Наука», 1964.

⁴ Мна шу ёзувлар таржималарининг тўла тексти кунидаги
итоблардан қаралсин: И. В. Стеблева. Поэзия Тюрков VI—VIII
веков. М., 1965, 71—143-бетлар; А. Қаючов. Қадимият обида-
ти. Тошкент, Бадний адабиёт нашриёти, 1972, 134—182-бетлар.

сий ва фалсафий фикрлари шаклланишининг хусу́й ятларини аниқлаш учун ҳам жуда бой материал беради.

К. Г. Залеманинг фаразига кўра, Авесто таҳмини эрамиздан олдинги IX асрдан IV асрга қадар тузилган. Шу сабабли яхли ҳолдаги Авестонинг келиб чиқиши ҳақида гапириш тўгрироқ бўлади, чунки унинг айрик қисмлари фақат тадрижий жиҳатдангина эмас, баъжуғорий номларининг ифодаланини жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қиласиди: Авесто зардустийлик ҳуғонлик қиласиган турли мамлакатларда яратилган.

Зардустийлик уругчилик тузуми ҳукмронлик қилинаварда пайдо бўлади, кейин у қадимий Шарқда дорлик даврида ривожланади ва инҳоят, аришакири ва сосонийлар⁵ замонидаги илк феодализм лавр тубдан ўзгаради. Шу боисдан Авесто кенг ёйилган маълакатлардаги маҳаллий ҳусусиятлар унга таъсири қўймай қолмади.

Дастлабки қарашда гўё Авесто соғ диний китоблар тутилади, дарвоҷе, кўп тадқиқотчилар, айниқса XIX асарда⁶ худди шундай деб ўйлаган ҳам эдилар. Аммо бу деб эмас. Авестода иккни жиҳатини: диний-мифологий ва фалсафий жиҳатларни бир-биридан фарқ қиласи зарур.

Дарҳақиқат, Авестода кўни мавҳумликлар иносон оғразида берилади, ғоялар эса жонни мавжудотга айлантириллади. Авесто тадқиқотчилари бундай деб таъқидлар: Авестонинг мазмунини таҳдил қилишда шундай ёдда тутиш лозимки, бир томондан, Авесто — подшалар ва коҳинилар ҳокимиётини муқаддаслаштирувчи китоб, иккинчи томондан, унда уругчилик тузуми гизларини тавсифловчи халқчил-поэтик элемент ўзига хос бир тарзда акс эттирилади.

Олимларнинг фикрига кўра, «Гата», «Ясна», шунингдек, «Яшта» ларнинг (маданиятлар) айрим қисмлари — Авестонинг энг эски қисмлариидир. Шу боисда Авестонинг фалсафий ва аҳлоқий ғояларини таҳти этишини «Гата»ning мазмунини таҳдил қилишдан бошлаш мақсаддага мувофиқдир, чунки буида зардустийлик нинг иносонга, иносонининг жамиятдаги ўрини ва роли муносабати тўлароқ очилади.

⁵ Ушбу масала қўйицаги китобларда батафсил таҳдил этиланган: И. С. Брагинский. Из истории таджикский и персидский литературы, 100—103-бетлар; А. О. Маковельский. Авеста, Баку, 1948—52-бетлар.

⁶ Е. Э. Бертельс. Юқорида кўрсатилган асар. 103-бет.

Авесто таълимотига кўра, иккита куч: яхшилик ва
худоларни мавжуд бўлиб, улар бир-бирларига
дий ва муросасиз душманлик қилиб келадилар. Ях-
шилик кучларига Ахура Мазда, ёмонлик кучларига Анг-
риманью бошчилик қиласи. Инсоннинг ҳаётини, унинг
рахти ёки баҳтсизлигини ана шу куршинги натижаси
затгилаб беради. Бир томондан, зардустийлик фалса-
фа да инсон субъект сифатида эмас, балки худо таъ-
сис ўрсатадиган обьект сифатида иш тутади, яъни ин-
сан йўлбошчилар, подшолар ва коҳниларнинг «ўта-
чи» образлари келтириб чиқарилади. (Бу жиҳат-
тардустийликнинг христианлик ва иудаизм билан
худо таъсис ўхшашлигини кўриш қийин эмас, бу кейинги
а динда ҳам, инсонни худо «ўз тани ва жонига»
иб яратган деб даъво қилинади, гёё худо билан
и айнан бир хил эмишлар). Иккинчи томондан, ин-
худоларнинг хизматкори, самовий ва дунёвий ҳо-
ар хоҳиш-иродасини бажо келтирувчи ролида май-
на чиқади. Аммо шундай бўлишига қарамай, зар-
дустийлик хоҳиш-ирода ва танлаш эркинлигини инкор
айди. Бундай хусусиятлар нафақат инсонга, балки
зонот дунёсига ҳам таалуқлидир. «Молга сен, тан-
ни олиш, молбоқарга ёки молбоқар бўлмаган кишига
иам бўлишни таалаб олиш имкониятини бериб қўй-
сан» деб мурожаат қиласи. Зардуст Ахура Маздага
«Рӯна» 3, 9-боб⁷).

Еншилар ўз амалий ишлари, ахлоқий сифатлари
и яхшиликка мойил эканликларини кўрсатишлари
яу билан ёвуз кучларга қарши курашда эзгу руҳлар-
и ўмаклашишлари лозим, ақс ҳолда номуносиб хатти-
кат қилувчи киши осонгина ёмонлик қопқонига
иб қолиши мумкин, чунки Зардуст ёлғончиликка
и қўйганлар учун абадул-абад азоб-уқубатлар тай-
сан қўйган. Ана шу сабабдан ҳам инсон ўз зиммасига
и яян мажбурият олар экан, уни адо этиш учун жа-
ғар бўлиши даркор.

Кишиларнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги диний
тзвури амалий фаолият билан боғланган бўлиб, уни
затлантирувчи кучни ташкил этади ва айни вақтда
и диний жиҳатга эга бўлади, чунки инсонга Ахура Маз-
дага хоҳиш ва иродасини ижро этувчи сифатида қа-

⁷ Авестодан келтириладиган матилар парчалари Е. Э. Бер-
тольди томонидан қилинган таржималардан олинди: «Отрықи иб-
ъя», сб. «Восток», кн. 4, М., Госиздат, 1924, 3—14-бетлар.

ралади. Бундан, инсон қандай бўлиши кераклиги ҳақида зардустийликда тўғридаи-тўғри айтилмаган, деган маъно чиқмайди. Аксинча, Зардустнинг асосий йўлйўриклари, инсон Ахура Мазданинг кўмакчиси сифатида албатта саховатли бўлиши керак, деган мазмунга эга.

Дунёда қандай жой энг севимли жой, деган сабозга Ахура Мазда бундай жавоб беради: «Тақводор кийни ўт-олови ва сут-қатиги, ичиди хотини, болалари ва яхши чорваси бўлган уй қурган жойичидан ҳам энг яхши жойдир» («Ясна», 2). Ушанда бундай уйда «чорвамўл, ноз-неъмат мўл, ем-хашак мўл, кучуклар мўл, хотинлар мўл, болалар мўл, ўт-олов мўл ва хилмачил рўзғор буюмлари мўл бўлади» («Ясна», 3). «...Ҳақиқатдан ҳам шундай жой, Авестода айтилишича, ғажа, ўт-олов, экип-тикин, мева-чева етиштприладиган ҳаммадан ҳам кўпроқ чорва боқиладиган жой энг яхши жойдир» («Ясна», 4).

Авесто меҳнат моддий ноз-неъматлар манбаи (энг аввало қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш ва турмушни яхшилаш кўзда тутилади) бўлганлиги учунгина эмас, балки у меҳнатни асосан ахлоқий жиҳат, яхшилик манбаи деб билганлиги учун ҳам инсонни меҳнат қилишга чақиради. Зоро, зардустийлик этикаси нуқтаи назаридан саховатли бўлиш учун инсон биринч галда меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз-неъмат яратиши зарур. Шу боисдан ишёқмаслик қолган ҳамма нуқсонларнинг кони, деб қаралиши тасодифий эмас. Бинобарин, деҳқончиликдаги меҳнат, Зардуст таълимотига кўра, яхшиликнинг намоён бўлишидаги асосий етакчи шакл, Ахура Мазда сиймосида инсоний тус олган қонунга бўйсунишдир. «Дон эккан қиши, тақводорлик уругини экади, у Маздага ихлосмайдик эътиқодини олға суради, у имонни озиқлантириб туради...» («Ясна», 32). Бу қонунни бажариш 10 минг марта ибодат қилиш билан баравар, юзлаб қурбончи қўнимига тенг. Экин экиш — демак ердаги ёвузликни йўқотишдир, чунки «дон етилганда девларни тер босади. тенирмс пайдо бўлганда девлар гангиг қоладилар, уни чиқсан девлар саросимага туша бошлайдилар, нон пайдо бўлган пайтда девлар қўрқанларидан зўр бериб долладилар» («Ясна», 32).

Меҳнатнинг фавқулодда улкан аҳамиятга эланлиги хусусида Авестодан кўп фикрларни келиш

мумкин. Аммо юқорида келтирилган далилларимизниң ўзи шундай бир хуоса чиқариш учун кифояки, инсон олий мавжудот сифатида меңнат қилиш, моддий ноз-нең-матларни яратиш ва етиштириш қобилиятига эга. Бордию, у ана шу қобилиятни рүёбга чиқармаса, унда ўз инсонлик мөдиятидан маҳрум бўлади, ёлгончилик ва ёвузлик кучларига маъқул тушадиган ёввойига айланади. Меҳнат, шундай қилиб, инсондаги инсонийлик кўрсаткичидир, у инсоннинг ахлоқий хулқ-авторига баҳо беришда мезон бўлиб хизмат қиласди.

Зардуштийлик этикасининг характерли хусусиятларидан бири шундан иборатки. Авестода кўпгина ахлоқий-этик тушуичалар инсоний тусе берилган абстракция шаклида баён этилади. Худди яхши фикр—Ахура Мазданинг атрибути ва ёвуз фикр—Ангра Маньюнинг атрибути бўлгани каби Ангра Манью теварагидаги бошқа ёвуз иблислар орасида биринчи ўринни ишғол қилувчи Ако Мана маҳлуқ сифатида фараз қилинади. Ёвуз руҳлар—девлар, жинлар, иблис ва бошқалар—гуноҳлар, адашишлар, иллатлар ва ҳоказоларнинг инсоний шаклда бўрилишидир. Бу ҳол кишилар тасавурларини бутун Коннотга кўчириш билан алоқадор бўлиб, Коннотда кучлар муттасил равишда қутбларга ажralиб туради, яъни саховатли тангрилар ва руҳлар, ёвуз тангрилар руҳлар билан донмо тўқнашиб турадилар.

Авестодаги ахлоқ-одоб гоялари қуйидаги учликда: Гумата (*humata*—Яхши фикр), Гукта (*Hukta*—Яхши сўз) Гваршта (*hvarsta*—Яхши иш)да ифодаланади. «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман». «Мен яхшиликдан иборат Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман» (*«Ясна»*, 14), деб таъкидлайди Ахура Мазда.

Инсоннинг фикри, унинг сўзлари ва ишларига бирбирига қарама-қарши икки куч: В oxy Мана (*«Эзгу фикр»*) ва Ако Мана (*«Ёвуз фикр»*) таъсир кўрсатади. Барча фикрлар, сўзлар ва ишлар ичida аслида Эзгулик ва Ёвузлик ётади» (*«Ясна»*, 30).

«Яхши фикр» деганда, деб ёзади А. О. Маковельский, тоҳий қонун руҳидаги, яқин кишининг меҳрибон бўйиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўлашишга шайлик, ёвузликка қарши, кишилар баҳт саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан т ва тотувликда яаш, дўстликка нисбатан мусаффорда бўлиш гоялари тушунилади. Инсон ўз фикр-

хәёлида бошқаларга ҳасад құлмаслығы лозим, яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилемайди, чунки бундай ҳолатда у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолатни унугтади ва ножўя ҳаракатлар қиласди⁸.

Бироқ, қадимий кишиларнинг фикрлар, сўзлар ва ишлар дунёсини бир-биридан фарқ қилишларни асосий илоҳий тартиб сифатидаги учликдан иборат деб тушуниш ҳақиқатга зид бўлган бўлур эди, чунки дунёнинг учликдан иборат деб диний талиқин этилиши — илк солда тасаввурларнинг анча кейин пайдо бўлган маҳсулидир. Ўз-ўзини англишнинг ривожи жараёнида ўзида фикрлаш, гапириш ва ҳаракат қилиши лаёқатини пайкаран қадимий одам айни шу вақтда мазкур лаёқатлар аслида унинг ўзиники эканлигини хәёлига ҳам келтиrolмайди ва шу бойсдан уларни ўзидан ажратиб ташлайди ҳамда ноинсоний тус беради. Авестонинг ривожланиш жараёнини ўрганиш пайтида бу, айниқса, яққол кўринади. Тўғри, коҳинлар ва ҳукмдорларнинг муқаддас китоби бўлиб қолган кейинги даврларлари Авесто ҳам ўзининг «дунёвий» келиб чиқишини кўрсатувчи аниқ белгиларини сақлаб қолганки, бу белгилар ҳалқ урф-одатларини, анъаналарини, ахлоқ-одобини ўша қадимий замонлардаги бутун ижтимоий-иқтисодий укладни ва ижтимоий психологияни ўзида акс эттиради.

Демак, Авестодаги учликнинг ҳақиқий манбаларига ёндашиладиган бўлса, улар қадимги замон кишиларнинг ахлоқий тасаввурларига батамом мувофиқ бўлиб тушади. Фикр, сўз ва ишнинг бирлиги ибтидоий инсоннинг ажралмас хислати эди. Унинг ахлоқ хусусидаги тасаввурлари — ўзи мансуб бўлган жамоа билан узвий боғлангандир. Жамоанинг фикри унинг ҳам фикри, жамоанинг сўзлари унинг ҳам сўзлари, жамоанинг ишлари унинг ҳам ишлари бўлган. Индивидуализм ибтидоий инсонга ёт эди. Хуллас у жамоага, жамоа эса унга мансуб бўлган. Ижтимоий ва шахсий маидаатларнинг уйғулиги — уруғчилик жамиятининг характерли белгисидир. Жамоанинг ҳар қандай (ҳатто жуда ҳам мушкул бўлган) топшириғини бажариш унинг аъзодари учун муқаддас қонун эди. Ана шуларнинг ҳаммаси кишиларнинг моддий ҳаётини эҳтиёжларидан, табиат стихияли кучларининг бешафқатлигидан келиб чиқсанки, бу кучлар олдида кишилар ҳали ожиз эдилар.

Вақт ўта бориши билан илгариги ахлоқий тушунчалар шахсий мазмун касб эта боради. Масалан, анча

⁸ А. О. Маковельский. Ўша китоб. 18-бет.

кейинги даврлардаги зардустийликда «яхши сўзлар» деганда аҳдларга риоя қилиш, берилган сўзнинг устидан чиқиш, ҳамма савдо-сотик ишларида ҳалол бўлиш, қарзларни тўлаш, ўғрилик ва талончилик қилмаслик, ўзгаларнинг молини ўзиники қилиб олмаслик, бузуқликдан ўзини тия билиш ва ҳоказолар тушунилган. Зардустийликнинг бу хилдаги йўл-йўриқлари уруғчиллик тузумининг емирилнш даврига хосдир.

Зардуст таълимотига кўра, жисмоний ва маънавий дунё учта даврдан иборат («Гата», 45).

Биринчи давр энг қадимий давр бўлиб, у илк ҳаётни билдиради, бу ҳаётда ҳар иккала дунёда (жисмоний ва маънавий дунёда) яхшилик тантана қилган; дунёда ёруғлик ва инсоний саодат ҳукмрон бўлган. Жиноят қилган ягона ва биринчи одам — ҳоким Йима Вивахвант бўлиб, «кишиларни батамом рози қилмоқ учун уларга мол гўшти едирган» («Ясна», 32—8-).

Иккинчи даврда — яхшилик руҳлари билан ёмонлик руҳлари ўртасида, шунингдек бу дунёдаги уларнинг ич-лосмандлари ўртасида муросасиз кураш боради.

Учинчи давр — келажакда адолат тантана қиласди.

Дунёда ана шу бўлгуси саодатли ҳаётни Арту ўрнатиб, одил подшолар бошқаради. «Яхшилик таълимини ва садоқатини амалга ошириб ... яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига баҳт-саодат келтирадиган таълимни амалга оширсинлар» («Ясна», 48, 5—6 боблар)⁹.

Зардуст таълимотига кўра, 15 ёш балогат ёши ҳи-собланган. Иигитча балогатга етганда уни Зардуст қо-қунларига ўргатганлар. Бунда художўйлик, меҳнатсе-варлик, ҳалоллик фазилатларига алоҳида эътибор бе-рилган.

Зардустийликнинг ахлоқий йўл-йўриқларида оддий ахлоқ нормаларига риоя қилишига катта эътибор берилади. Зардуст таълимотига кўра, бурчнинг энг биринчи даъватларида бири — маънавий соғлиқ ҳақида ғамхўрлик қилишdir. Аёллар сиҳат-саломатлиги ҳақида қайғуриш, айниқса улар ҳомиладор бўлган ва бола ту-ғаётган пайтда ғамхўрлик қилиш зәур. Диндорлар тозаликка (ўз тозаликларига, каналлар, кўллар, сув ҳавзалари ва ҳоказоларнинг тозалигига) риоя қилишлари лозим.

⁹ И. С. Брагинский. Уша китоб, 174—118, беътар.

Зардыштийлик ахлоқ қоидаларыда ўз вақтида овқат-ланиш қатый белгилаб қўйилади, чунки бусиз инсон ўз ахлоқий бурчларини бажара олмайди. Авестода инсоннинг маънавий ҳаёти унинг моддий таъминланганлигига алоқадорлиги эътироф этилади. «Еб-ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди, эр-хотинлик вазифасини адо этишга қуввати етмайди, у бола туғдира олмайди» («Ясна», 33, 3-боб).

Авестода рўза тутиш қатъян ман этилади, чунки у организмни ҳолдан тойдиради, пиравард натижала инсон ўз зиммасига юкланган вазифаларни, Ахура Мазданинг яқин кўмакчиси сифатидаги вазифаларини адо эта олмайди. Оч қолиши ва тўйиб овқат емаслик кишиларнинг ахлоқ-одобига ҳам салбий таъсир кўрсатади. «Озиқ-овқат яхшиланиши билан халқпинг ахлоқ-одоби ҳэм кучаяди. Нон мўл-кўл бўлса, илоҳий сўзлар яхшироқ идрок этилади» («Ясна» 33, 3-боб).

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, ислом линидан фарқли ўлароқ зардыштийлик ахлоқи май истеъмол қилишни тақиқламайди, аммо май меъёри билан ичилиши керак. Майни меъёрида истеъмол қилиш Авестода кўрсатиб ўтилганидек, энг аввало киши организмишинг мустаҳкамланишига (овқатнинг яхшироқ ҳазм бўлиши, қон яхши юриши, яхши ухлаш ва ҳоказоларга), унумли ақлий меҳнат қилишга ёрдам беради, кишијар ўртасида дўстона муносабатларнинг қарор топнишга кўмаклашади, ахлоқи ёмон кишилар билан хушхулқ кишиларни шундоққина ажратиб беради.

Зардыштийлик ахлоқида дунёвий бахт-саодатга муносабат масатаси юзасидан ҳам исломга қарама-қарши бўлган нуқтани назарни пайқаб олиш мумкин. Зардыштийлик ахлоқи, З. Геюшев¹⁰ қайд қилиб ўтганидек, дунёвий ноз-неъматлардан воз кечишини талаб этмайли, балки, аксинча, дунёдаги барча неъматлардан ўз меъёрида лаззат олишини, ўзининг бутун ҳаётини «яхши кун кўриш учун даркор Сўлгиги нарсалар мўл-кўлчилигига» («Ясна», 30), хушчақчақлик ва бахтиёрлик билан ўтказишни тавсия этади.

Зардыштийлик ахлоқи ҳайвонларга бешафқат бўлишини қатъян ман этади. Ҳайвонларни калтаклаш ва қийнаш — диний ва ахлоқий нуқтани назардан катта гуноҳдир.

¹⁰ З. Геюшев. Этическая мысль в Азербайджане. Баку, Изд-во Гянджлик, 1967, 22-бет.

Зардыштийлик ахлоқи кишиларин фойдали ҳайвонлар ҳақида жон күйдиришга, уларға ўз вақтида овқат беріб туришга, уларни урмаслик ва қийнамасликка, йиртқич ҳайвонлардан құрықлашга даъват этади. «Чорвадорлар түқ бўлсин учун, чорвани муттасил парвариш қилмоқ лозим» («Ясна» 48, 5—6-боблар).

Авестонинг «Хорд Авесто» деб аталадиган қисми бирмунича кейинги даврга мансуб бўлиб, унда дунёвий ҳаётгә умидсизлик билан қараш тарғиб қилинади. Авестонинг бу қисми Аршахийлар ва Сосонийлар замонида, Марказий Осиёда қулдорлик емирилаётган ва феодал жамият қарор топаётган даврда яратилган эди.

Авесто пахлавий тилидаги «Бундихешн» китоби билан тугэйди. Унда ахлоқ муаммолари ва уларни ҳал этиш очиқдан-очиқ диний этика таъсирида бўлганлиги кўриниб турниди. «Ҳозир яхшилик ва ёмонлик ўртасида иккиласиб турган кимса қиёмат кунида яхшилик учун ҳам, ёмонлик учун ҳам жавоб беради». («Ясна» 48, 4-боб). Бордюю, шсонининг ҳаёти яхши фикр, яхши сўз, яхши ишлар бир бўлган ҳолда ўтса, уннинг имон-эътиқодли жоня, зардыштийликка кўра, абадул-абад роҳатлаззатда ўтади ва ўз танасининг улкан қиёмат айёмида жони билан қўшилишини кутади. Мабодо у ана шу бирликка қарши юрса, унда гуноҳкорнинг жони ўлимидан кейин қиёмат кунида ҳаққоний равишда жазо олади.

Авесто гуноҳкорнинг азоб-уқубатда қолган жонини шу тариқа талқин этади. Гуноҳкорнинг жони: «Сизлар ким, мен ёруг жаҳонда ҳеч қачон кўрмаганим ярамас ва маңфур кишилармисизлар?» деб сўрайди. Ёвуз девлар жавоб қиласидар: «Биз девлар эмасмиз, сен ... ўйлаган, гаширган ва қилган ёвуз фикрлар, ёвуз сўзлар, ёвуз ишлармиз. Ор-номуссиз бўлган бизлар сен туфайли янада кўпроқ ор-номуссиз бўлиб қолдик: маңфур бўлган бизлар сен туфайли тагни ҳам кўпроқ маңфурроқ бўлаб қолдик, сен туфайли бизлар тавқил-лаънатда янада кўпроқ шармандаю шармисор бўлдик» («Яшта», 22).

Фикри, сўзи ва иши бир-бирига тўғри келмай қолган гуноҳкорнинг жони ёвуз кўлагалар дунёсида изчил, одим ташлаб юради: биринчи одимни Душватга (ёвуз фикрлар), иккинчи одимни — Дужукхтга (ёвуз сўзлар), учинчи одимни — Дужварешга (ёвуз ишлар) ва тўртинчи одимни зимзиё зулматга ташлайди.

Шундай қилиб, бошқа муқаддас китоблар сингаріт Авесто ҳам одамни ҳәётлигідаёқ жазоланиши мүмкінligи билан құрқитибгина қолмасдан, балки үлемидан кейин ҳам ундан ўч олинишини қайд қилиб, кишиларнинг ўй-фикрларига таъсир қилишга интилади. Ахлоқ ва ҳуқуқ қоидалари жаңнат роҳат-фарогати-ю, дўзах азоб-уқубатларини ваъда -қилиш билан мустаҳкамлағади.

Авесто ахлоқий қарашларининг умумий манзараси ана шундай бўлиб, у Марказий Осиё халқлари тарихини энг қадимий замонлардан тортиб то ислом давригача қамраб олади. Авестода фақат битта халқнинг эмас, балки турли-туман халқлар ва элатларининг ҳам ахлоқий тасаввурлари акс этган, чунки биз тарихга қанчалик чуқур кириб борсак, келиб чиқиши битта бўлган халқлар ўртасидаги тафовут белгилари шунчалик кўпроқ йўқолиб боради. Бунга сабаб, биринчидан, қадимий манбаларнинг жуда ҳам камайиб кетиши ва гоят муҳим нарсаларининг қамраб олиши бўлса, иккинчи томондан, буни халқларнинг ўз тараққиёти ҳам белгилаб беради. Бир қабиланинг айрим шохобчалари ўзларининг дастлабки илдизларидан қанчалик кам узоқлашган бўлсалар, бир-бирларига шунчалик яқин турганлар ва шунчалик кўп ўхшашликларга эга бўлганлар.

Марказий Осиёning қадимий халқлари ахлоқи тўғрисидаги тасаввурларни ўрганиш учун Авестодан ташқари манихейлик ёзма манбаларини тадқиқ этиш ҳам катта қимматга эга.

Манихейлик ёки Монийлик бидъатчилик ҳаракати бўлиб, эрамизнинг III асрода, яъни Зардуштийликдан кейин тахминан минг йил ўтиш Эронда вужудга келган. Бироқ, ушбу оқимнинг асосчиси Моний (216—276 йиллар) Зардуст сингари ярим афсонавий пайғамбар эмас, балки тарихий шахсdir.

Моний даври — қуидорлик тузумидан феодал тузумга ўтиш давридир. Янги даврга ўтиш янги динларнинг, Моний қиёфасидаги янги пайғамбарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Қолғаи бошқа ҳамма динларнинг ўрнини босиши лозим бўлган Моний тарғиб этган диннинг ўзига хослиги айнан зардуштийлик, христианлик ва буддизм турли гояларни йиғиб жамлашдан иборатдир. Ана шу «бидъатчилик» ҳаракатининг шаклланиш даври Эронда сосонийлар ҳукмронлигининг қарор тошиш жараёнинга тўғри келади. Ўша замонининг ҳоким-

лари монийликни таъқиб қилмадилар. Аммо кейинчаллук монийлик уларнинг мустабид давлатларига қарши қаратилганинг ишонч ҳосил қилгац, сосонийлар бу оқим тарафдорларини таъқиб қила бошлидилар. 276 йилда Моний узоқ мамлакатлардан қайтиб келгач, Вараҳран I Сосонийнинг буйруғи билан зиндонга ташланди ва ёвузларча ўлдирилди.

Моний бой адабий мерос қолдириган бўлса ҳам, лекин унинг баъзи бир асарларигина, шунда ҳам узуқ-юлуқ өа қисқа-қисқа, асосан арамей (суря), мўътадил форс ва сўғд тилларида ёзилган асарларигина бизгача етиб келган. Тўғри, кейинчалик Монийнинг асарлари турли тилларга таржима қилинган, суря, форс, парфия, сўғд, копт, хитой ва уйғур тилларида узуқ-юлуқ ҳолда сақланиб қолинган.

Моний асарлари илмий қомус руҳида бўлиб, уларни ўқишда изоҳлар талаб этилади. Моний дунёқарашни кенг масалалар доирасини: мифология, фалсафа, тарих, космогония, жугофия, алхимия, фалакиёт, математика, ботаника, тибиёт ва бошқа соҳаларни ўз ичига қамраб олади.

Монийнинг ахлоқий доктриналари асосан унинг асарларида: «Сир ул асрор» («Сири асрор китоби»), «Китоб-ул-худа вост тадбир» («Раҳбарлик ва бошқарув китоби»), «Шабуркан» («Шапуракан») ва бошқаларда баён этилган. Шуниси қизиқки Беруний Монийнинг сўнгги китобига ғоят юксак баҳо бериб, уни форс китоблари орасида энг ишонарли китоб деб таърифлайди, чунки «Моний ўз қонунида ёлғон сўз айтишни таъқиқлаган ва шу сабабли у тарихни бирон-бир тарзда соҳталаштиришга мудъож бўлмаган»¹¹.

Дунё — элё ва зулматнинг абадий кураш майдони, инсоннинг вазифаси эса — ёвузликни узил-кесилт йўқ қилиш учун эзгуликка кўмаклашишдир, деб тан олиш монийлик этик доктринасининг асосини ташкил этиди. Моний ўз замонидаги билимларнинг ҳамма соҳаларини қамраб олишга уринган ва уларни ўз фалсафаси иуқтади назаридан талқин этиб, инсонлар оммасини амалий этика ва инсонсеварлик воситаси билан ҳаётга яқинлаштиришга ҳаракат қилган.

Файлласуфнинг таълимотига кўра, жамият кишиларнинг икки тоифасидан иборат бўлиши лозим. Бирин-

¹¹ А. М. Богоутдинов. Очерки по истории таджикской философии. Таджикиздат, 1961, 17-бет.

чи топға — мұмтоз зодагонлар (қашшоқликда яшовчи аслзодалар) бўлиб, улар кам миқдордаги молдий неъматлар билан қаноатланиб, зоҳидларча ҳаёт кечириувчилардир. Улар турмуш қурмайдилар, монийлик жамоаси аъзоларига дуо қилиб, уларнинг гуноҳларини кечириши худодан штижо қиладилар. Иккинчи тоғфа — меҳнаткашлар оммаси ва савдогарлар бўлиб, улар юксак ахлоқий ҳаёт кечиришлари, ҳеч кимни (инсонни ҳам, ҳайвонларни ҳам) ўлдирмасликлари, гўштли таомлар ейншдан ўзларини тийишлари ва шу билан Зиё ҳамда Эзгу кучларнинг ғалаба қилишига кўмаклашишлари лозим.

Моний айтадики, иккита дунё мавжуд: бири — кишилар реал тарзда яшайдиган дунё бўлиб, унда адолатсизлик, зулм, зўравонлик ҳукм суради, инсон камолотга эриша олмайди; иккинчи дунё, «Зиё дунёси» деб аталаидиган дунё, «абадий мўъжизакор» бўлиб, гўё унинг илоҳий қобиги олмосдан ясалган, у ҳеч қачон емирилмайди ёа ёвуз ишитли биронта ҳам душман унда юра олмайди. «Барча энг гўзал нарсаларни у яратган», шу жумладан кишиларни ҳам у яратган, кишилар эса «заррача бўлса ҳам зулмдан холидир... бунда ҳар бир киши ўз истагича ҳаракат қилади ва ўз хоҳнишорласи билан яшайди».

Монийнинг худди ана шу гоялари феодал зодагонларни қўрқувга солган, улар бу гояларни мулк ва бойлика тажовуз қилиш, камбағаллар орасида кенг тарқалган мол-мulkин баббаровар тақсимлаш шиорига даъват этиш деб билганлар.

Монийнинг фикрича Зиё ва Зулмат, Яхшилик ва Ёмонлик дунёси ўртасида муросасиз кураш боради. Яхшилик ана шу курашда ғатаба қўлмоги учун инсон ўзининг бутун фикрлари, ишлари билан яхшилик кучларига ёрдам кўрсатиши лозим. Бунинг учун инсон ўнта ахлоқий ақидага рисю қўлмоги ва уни бажармоги зарур. Ак-Надим ана шу ақидалар мазмуни ҳақида ўзининг «Фикрист» китобида айтиб ўтадики, бу китобга кўра монийчилар муаллимларга («пафосат фарзандларни») ёки мужаммасунларга ёки қуёш ёғду сочганларга («билимлар фарзандлари»); кассисун ки коҳинларга («фаҳм фарзандлари»); сиддиқун ёки имомлиларга («илоҳ ўғлонлари»); саммаун ёки қулоқ солувчиларга («ақл-идрок ўғлонлари») бўлинади.

Моний таълимотига кўра, инсон соғ мусаффоликка,

«генохлардан холиликка» фақат таркидунё қилиб ҳаёт кечириш орқалигини эришиши мумкин. Монийлик ахлоқи диндорлардан иложи борича кам овқат ейишни, рўза тутишни, ортиқчаликка йўл қўймасликни, мўътадил ҳаёт кечиришини талаб қиласди. Моний ўз муридларини дунёвий ишларда «сурбет» бўлмасликка ва (бу) дунёда кўп нарсаларга пинтилмасликка даъват қиласди. «Зеро ўлимдан кейин ҳеч кимсада рўзгор асблори билан ҳовли ҳам, уй ҳам қолмайди». Моний айтадики, мен ўз умрим давомида кўп ҳокимларни кўрдим, улар дунёда «ахлоқсизлик қилиб маимманликка берилиб юрдилар, аммо пировардида аламтарга ва тубанникка дучор бўлдилар».

Шундай қилиб, Моний таълимотида диний ақидалар билан бир қаторда мифология элементларини (масалан, Зиё дунёси ҳақидаги утопия, бунда адолат, озодлик, ахлоқий камолат тантана қиласди) ҳам кўриш мумкинни, улар халқ оммасининг ўй-фирқлари ва орзу-умидларини ифодалайди. Умуман олганда Моний таълимоти, гарчи уни анча кейинги даврлардаги зоҳидликдан фарқ қилиш лозим бўлса-да, диний зоҳидлик характеристига эга бўлган таълимотдир.

V аср охири ва VI аср бошида Эронда «Маздакизм» деб аталган бошқа бир диний-фалсафий таълимот юзага келиб, у Марказий Осиёда ҳам кенг ёйилди.

Маздакизмнинг ва у билан боғлиқ бўлган халқ ҳаракатларининг юзага келишини феодал эксплуатацияси нинг кучайиши, жамоачи деҳқонлар билан феодал зодагонлар ўртасида синфий курашнинг кескинлашуви тақозо этган эди.

Маздакизм Моний таълимоти билан кўп ўхшаш жиҳатларга эга. Адабиётларда маздакизм монийлик таълимотини тўлдириб, унинг зоҳидлик-ноумидлик гояларини дунёга умид билан қараш гояларига алмаштирганилиги, бу умидворлик гоялари унга кўпроқ таъсирчанлик характеристи бахши этганлиги факти ҳаққоний тарзда қайд қилиб ўтилади. Бу таълимот илдизлари зардуштийликка ҳам бориб тақалади¹².

Манбалар далолат бериб турганидек, маздакизм таълимоти Маздак номи билан боғлиқ. Маздак Нишопур шаҳрида туғилган. Унинг отаси Бомлод ўз даврининг машҳур кишини бўлган. Мазкур таълимот асосчи-

¹² Н. В. Пигулевская. Маздакитское движение. Известия АН СССР. Сер. истории и философии, т. 1, М.—Л., 1944, 172-бет.

сининг шахсий ҳаёти фожиали тугайди: у 529 йилда Сосонийлар империясининг бошлиғи Кубоднинг ўғли Ануширвон томонидан қатл этилади. Маздак моз-мулкни умумийлаштиришин талаб қилди, феодал аристократлар ҳокимиятини йўқотмоқчи бўлди.

Маздакизм тўғрисидаги маълумотлар унга муҳолиф бўлган муаллифлар туфайли бизгача етиб келган. Шу боисдан ҳам узук-юлуқ маълумотлар жуда ҳам бузилганини, ана шу таълимотиниг моҳиятини ва асл мазмунини очиб бермаслиги таажжубланарли эмас. Бу муаллифлар уни ахлоқсиз бир таълимот деб таъсифлайдилар, уни «хотинларнинг умумийлиги» ни барқарор этишга даъват этувчи, кишиларни «ёмон йўлга» солувчи «мудҳиш тарих» деб атайдилар¹³.

Монийлик каби маздакизмнинг ҳам дунёни тушунниш негизида бир-бирига қарама-қарши иккита этик асос: яхшилик ва зиё, зулмат ва ёмонлик кураши ётади. Бундай яхшилик ва зиё асослари кишиларнинг онгли ва эркин ижоди маҳсулни бўлса, зулмат ва ёмонлик ўз табиатига кўра фақат кўр-кўронга ва ўзбошимчалик билан иш кўриши мумкин, булар кишиларнинг хурофий ва жоҳилона хулқ-атворларининг маҳсулидир.

Маздак таълимотига кўра, гарчанд дунёда порлоқ этикавий асос устун бўлса ҳам, у ёмонлик ва зулмат кучларини тўла-тўқис бўйсундира олмаган. Лекин бундай аҳвол вақтингча бўлиб, уларнинг галабаси муқаррар ва қонунийdir, ваҳоланки зулмат кучларининг галабаси тамомила тасодиғга боялиқ. Айни чоғда порлоқ асос ҳаракатсиз турмайди, аксиича, у курашади, ёмонлик ва зулмат кучлари устидан узил-кесил галаба қилиши учун ўзига йўл ахтаради. Маздакнинг айтшича, дунёда ёмонлик ва зулмат кучлари ҳукмронлик қилас экан, кишилар бефарқ бўлишлари керак эмас. Вазифа яхшилик кучларига ёрдам беришдан ва бу билан уларнинг тантана қилишини осонлаштириш ва тезлаштиришдан иборатdir. Маздакизм этик таълумотининг характерли хусусияти шундаки, у ахлоқий асосларни ва инсон хулқ-атвори сабабларини инсоннинг ўзидан, унинг табиатидан келтириб чиқармайди, балки бу асосни жамиятда ёвуз кучларнинг ҳукмронлик қилиши билан боғлиқ қилиб кўрсатади.

Маздакнинг фикринга кўра, социал нотенглик юзага келгандан кейин зулмат ва ёвузликнинг муваққат ғалаба

¹³ Низам-аль-Мульк. Сиасат-намэ. М.—Л., Издво- АН СССР, 1949, 190-бет.

баси бошланади. Бу социал нотенглик эса кишилар ўртасида ғаразгўйлик, зиқналиқ, ўгирлик, ёлғончилик, маккорлик, шафқатсизлик, урушлар, турли-туман фалокат ва бахтсизликлар каби иллатларни келтириб чиқаради. Аёлларга ва мол-мулкка нотснг эгалик қилиш асосан ана шу иллатларнинг бутун илдизини ташкил этади. Шу боисдан у ёвузлик кучларини ва у келтириб чиқарган барча иллатларни бартараф этиш учун нотенгликни пайдо қилувчи асоснинг ўзини йўқотиш, аёллар ва мол-мулкни ҳамманинг бойлигига айлантириш зарур деб ҳисоблади.

Маздак айтар эдики, худо кишилар ўзаро тенг тақсимлаб олсинлар деб ўз неъматларини кишиларга берди. Бироқ, худбинлик манфаатлари таъсири остида ушбу тақсимлаш тобора ноҳақ тус ола борди. Шу боисдан, деб таъкидлари у, бадавлат кишилардан мол-мulkининг бир қисмини тортиб олиб, уни камбағаллар ўртасида тақсимлаб бериш одил иш бўлади, чунки камбағаллар ҳам мол-мулк эгаларичалик ана шундай хукуққа эгадирлар.

Ҳар бир инсофли кишининг ёвуз кучларга қарши фаол кураш олиб бориши ва бу билан абадий эркинлик ваadolatning тантанаси йўлида ёвуз кучларнинг мағлубиятини жадаллаштириш вазифаси худди ана шундан келиб чиқади. Маздакизм монийликдан асосан шу билан фарқ қиласиди, у фақат фалсафий доктринагини баўлиб қолмай, балки амалий характерга ҳам эга эди, ўз идеалларини амалга оширишга интилар эди.

Шуни айтиш керакки, маздакийлик ахлоқи умуман олганда хатто ҳайвонларга ҳам шафқатсизлик қилишни ман этар эди. Аммо у ер юзида яхшилик ва бахт-саодат тантана қилиши учун ёвузликка, ижтимоийadolatcizlikka қарши курашда зўрлик ишлатиш ва хунрезлик қилишга йўл қўяр эди.

Ушбу таълимотнинг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланиши ва унинг фақат Эрондагина эмас, балки Марказий Осиё ва Озарбайжонда ҳам кенг ёйилишининг сабаби ана шунда. Маздакийларнинг ижтимоий ва иқтисодий нотенгликни йўқотиш ҳамда одилона тартиблар ўрнатиш зарурлиги ҳақидаги талаби деҳқонлар жамоасининг ва ғоят оғир аҳволда бўлган шаҳар меҳнаткашларининг турли гуруҳларининг манфаатларига мос эди. Натижада ҳамма ерда деҳқонлар қўзғолонлари кўтарила бошланди, бадавлат кишиларнинг мол-мул-

ки тортиб олиниб, жамоачи дәхқонларга бўлиб берилди.

Феодал зодагонлар маздакийлар ҳаракатини жуда катта хавф деб билиб, унинг тарафдорларини шафқатсизлик билан жазоладилар. Бу ҳаракат аёвсиз равишда бостирилди. Аммо маздакизм таълимоти ва унинг илғорғоялари кўп асрлар мобайнида Эроннинг ўзида ҳам, шунингдек Марказий Осиё ва Озарбайжонда ҳам ҳалқ қўзғолонларининг ғоявий байробги бўлиб хизмат қилиб келди. (Масалан, Абумустим, Муқанна ва Бобек қўзғолонлари маздакизм таълимотининг кучли таъсири остида кўтарилган эди)¹⁴.

Маздак таълимоти ғоявий асосларига кўра ўша пайтда ҳукмронлик қилган феодал мафкурасига қарама-қарши бўлган, феодал жамиятининг негизларига пуртур етказган, ҳақ-ҳукуқсиз ҳалқ оммасининг кенг доиралари манфаатларини ифодалаган. Бу таълимот Марказий Осиёда бир қатор бошқа мафкуравий концепцияларнинг юзага келишиға, мусулмон Шарқи мамлакатларида ҳам, христианлар яшаган Гарб мамлакатларида ҳам ҳалқларнинг озодлик ҳаракатида катта аҳамият касб этган ҳурфиксрилилк оқимига таъсир кўрсатган эди.

Узбекистон ҳалқлари фалсафий фикри тараққиётiga эллинизм маданияти таъсирини таъкидлаш жоиздир. Эрамиздан аввалги IV асрда Искандар Македонскийнинг истилолари Мисрдан Сүғдиёнагача юони фалсафий фикри ва маданиятининг кенг тарқалишига катта таъсир кўрсатди. Рим ва Шарқ тафаккур тарзининг ўзаро таъсири ва қўшилуви ўрта асрлар маданияти тарихида ўта муҳим ҳодиса — пантензмни вужудга келтирди.

Пантензмнинг классик шакли — неоплатонизм I — минг йиллик ўрталарида Юон фалсафий йўнашларини сиқиб чиқариб катта эътибор қозонди. Неоплатонизм йирик илмий марказларда ҳукмрон оқимга айланди. Унинг пантензми эллинистик давлатлар мафкураси тараққиётининг монотенистик анъаналарига ҳамоҳанг эли. Гоҳида неоплатоник мактаблар давлат томонидан рафбатлантирилди. I асрда тез суръатлар билан ғивожла наётган насронийлик динида ҳам кўплаб мазҳаблар вужудга келдики, уларнинг кўпи неоплатоник ва стоик ғояларни тарғиб этар эди. Бу оқим, секталарни расмий

¹⁴ А. М. Богоутдинов. Очерки истории таджикской философии. Таджикгосиздат. 1961. 21-бет. История философии. Т. 1. Изд-во АН СССР. М., 1957, 240-бет.

черков томонидан таъқиб этилиши натижасыда кўплаб-сектачилар Шарққа кўчиб кетдишлар ва у ерларда академиялар ташкил этдилар. Масалан, қадимги туркларда несториан жамоалари катта шуҳрат қозонганлар. IV—V асрларда ўн минглаб несторианлар Византиядан Эрон ва Марказий Осиёга кўчиб келдилар. Улар ўзлари билан бирга ажойиб китобларни ҳам олиб келишган эди. Марв, Харрон, Гундишонур ва бошқа шаҳарларда несторианлар қадимги олимлар асарларини йиғиб мутолаа этардилар, тури академиялар ва тибий мактаблар ташкил этар ва черковлар очар эдилар.

Несториан ва менофистларининг кенг мутаржимлик ва маърифий фаолияти туфайли Моварооннаҳрга юон классик маданияти, асосан Арасту мантиқи ва табобат бўйича асарлари кириб келди.

Неоплатонизм фалсафаси¹⁵ марказида ягона рух ҳақидаги таълимот ётади. Ягона ақл ва ҳиссиёт ила билиц, мумкин бўлмаган нарса вужуди мутлоқдир. Ўнга хусусият (атрибут)лар ётдир; зеро, ҳар бир хосса ўзининг муқобилига эга ва демак, айримликдан ҳолидир. У замон ва макондан ташқаридир. Ягона илоҳий шахс эмас ва унга муҳаббат, фикр, сўз кабилар ётдир. Шунинг учун ҳам, дунёнинг яралиши бўладиган табиий жараёндир. Бу жараён хулулийя (эмансация) жараёнидир. Хулулийянинг биринчи босқичида ягона илоҳдан дунёвий ақл вужудга келади ва шу билан бирга берлиқнинг дастлабки зиддияти ҳам, яъни обьект ва субъектга бўлиниши рўй беради. Иккинчи босқич — дунёвий рух—ғоялар дунёси макони. Бу ғоялар — шаклларга монанд равишда моддий оламда ишарсалар вужудга келади. Бу жараён хулулийянинг учинчи, сўнгги босқичида юз беради. Ягона илоҳ бўриқ моҳияти бўлса, моддий олам зулмат отамидир.

VI—VII асрлардаги Марказий Осиё ҳалқларининг одоб-ахлоқка доир фикрларини ўрганиш учун муҳим аҳамиятга молик бўлган адабий ёдгорликлар орасида руний ёзувлар ёки «Ўрхун-Руний ёзма ёдгорликлари»¹⁶ муайян қўзиқиши уйғотади.

¹⁵ Ўрхун—Руний ёдгорликлари ҳақидаги манбалар: Н. М. Ядинцев. Отчет и дневник о путешествии по Орхону и в Южный Хангай в 1891 году. Сб. трудов Орхонской экспедиции. СПб. В. В. Радлов. Труды Орхонской экспедиции; Атлас древностей Монголии. СПб. 1892; С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности тюрков. М.—Л., Изд-во АН СССР, 1952; И. В. Стеблев а. Поэзия тюрков VI—VIII веков. М., Изд-во «Наука», 1965; 1965; А. Каюмов. Қадимият обидалари. Тошкент, F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972,

VI аср ўрталарига келиб Олтой, Еттисув ва Марказий Осиёнинг турли қабилалари ва халқлари бирлашмасидан кўчманчиларининг катта бир давлати — турк хоқонлиги ташкил топадики, у Марказий Осиё мамлакатларида ўз ҳокимиятини ўрнатади ва араблар истило қилгунга қадар яшаб келади. Руний ёзувларида ўша қадими замонларнинг тарихий воқеалари тасвирланган.

Гарчи биз Ўрхун — Руний ёдгорликларидан, масалан, Авестодаги ва бошқа дипни фалсафий дастурамаллардаги каби бевосита фалсафий ва ахлоқ муаммоларини кўрсатувчи тўғридан-тўғри далиллар топа олмасак ҳам, ҳар ҳолда ана шу хужжатларнинг мазмунини ўрганиб чиқишининг ўзи мушоҳада этаётганимиз, даврнинг ахлоқий шарт-шароитлари манзарасини яратишга ёрдам бериши мумкин.

Култегин ёдгорлигидаги Кичик ва Қатта ёзувларни, Тўниюқуқ¹⁶ шарафига битилган ёзувларни ва бошқаларни таҳлил қилиш ҳар жиҳатдан қизиқарлидир. Мазкур ёзувларда турк ҳоқонларининг тарихи, уларнинг турмуш тарзи ўз ифодасини топган. Бутун Ўрхун Руний матнлари ягона руҳ билан — турк қабила итифоқининг мустақиллиги ва қудрати гояси билан йўғрилгандир. Турк йўлбошчиларининг чақириқларида бирлик ва жиспликка даъват янграб туради.

Ёзувларда асосий қаҳрамон бўлмиш Култегин ўз халқининг асл ватанпарвари сифатида тасвирланади. «Сизлар, тириклар қанчаю қанча бўлманглар — сизлар мурдаларга айланасизлар... Мабодо Култегин бўлмаганда эди, сизларнинг ҳаммангиз ҳалок бўлур эдингиз»¹⁷ дейилади битикларда.

Кўчманчилик ҳаёти шароитида, урушлар бетўхтов давом этиб турган бир пайтда турли турк қабилаларининг ягона итифоқи учун саркардалар ғоят зарур бўлганки, ала шу боис ўша саркардалар ўзларида кўп фазилатларни мужассам этишган. Хоқонлар (Култегин) ва уруғ оқсуяклари (Тўниюқуқ) намояндлари бўлмиш Ўрхун обидаларининг қаҳрамонлари образлари ўша

¹⁶ Култегин — Билга хоқоннинг укаси, хоқонликнинг машҳур лашкарбошларидан бирى, 731 йилда вафот этган. Тўниюқуқ доно маслаҳатгўй сифатида Илтериш хоқоннинг (Билга хоқоннинг отаси), Копогон хоқоннинг ва сўнгра Билга хоқоннинг юришларига раҳбарлик қилган.

¹⁷ И. В. Стеблева. Поэзия Тюрков VI—VIII веков, М. 1965, Изд-во «Наука», 122-бет.

даврнинг энг саҳоватли кишилари сифатида тасвир этилган. Айни чоғда Үрхун Руний ёзувларида халқнинг мардлиги ва қаҳрамонлиги ҳақида ҳеч нарса гапирилмайди, аксинча, масалан, Катта ёзувнинг муаллифи Йўллитегин аждодлари идеалларига содиқ эмас,— деб «турк халқи» ни койиди. Бунёд этиш ҳуқуқи олий ҳокимиятга бериб қўйилган, халқ эса гўё ижод этишга қобил эмас эмиш. Йўллиқегиннинг ҳокимият тепасига келишини қўйидагича тавсифланади: «Мен ичи—озиқасиз, кийимсиз, яъни ночор ва аянчли халқ устига (ҳукмрон бўлиб) келганим йўқ».

Бу хилдаги мумтоз ғояларнинг сиёсий сабаблари мутлақо равшан. Қадимий турк мафкурачилари ҳоқонларнинг жангу жадалларини кўкларга кўтариб мақтаб, бу билан туркларнинг ҳукмрон сулоласи обрў-эътиборини, уларнинг авлод-аждодларини тангри маъқул кўрганинги барқарор этишга уринганлар. Ҳоқон ҳам илоҳий асоснинг тимсоли («илоҳийнамо», «само фарзанди») ва айни чоқда у, шубҳасиз энг яҳши инсоний фазилатларга эга.

Тўньюқуқ шарафига битилган ёзувларда манзара бутуилай бошқача. У туркларнинг жангу жадалларига раҳбарлик қилибгина қолмасдан, балки буюк ҳоқоннинг маслаҳатчиси сифатида майдонига чиқади, давлат ишларини олиб бориш ҳақида фикр юритади, турк бекларини ва халқини кўпдан-кўп душманлардан қўрқмасликка ва мардонавор жангга киришга даъват этади.

Тўньюқуқнинг образи ғоят ёрқин бўлиб, унинг идеаллаштирилиши Шарқда узоқ давом этиб келган ва муҳим бўлган адабий анъана билан, яъни ҳоким билан донишмандининг ҳамикиҷат иш тутиши самарали бўлишини чиройли бўёқларда тасвирлаш анъанаси билан боғлангандир. Аслини олганда Тўньюқуқ билимли, доно ва узоқни кўрувчи давлат арбобининг тимсолидир. Бундай идеаллаштириш унга бағишланган ёзувларнинг бирида, айниқса яққол кўринади. Муайян ёзувларда, агар «ҳоқон—довюрак», «маслаҳатгўй — доно» бўлса, унча кўп бўлмаган турк халқини «ҳеч қандай душман енга олмайди» дейтиган.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё халқлариning ёзма ва оғзаки ёдгорликларида акс этган энг қадимиий замонлардан тортиб то VIII асрга қадар мавжуд бўлган ахлоқий-этик фикрларниң характерли, белгинари ана шулардан иборатdir.

Ёзма ёдгорликларни ўрганиш ва илмий таҳлил қишиш шундан далолат бериб турибдики, ана шу давр мобайнида Марказий Осиёда этик фикр асосан халиқнинг ахлоқ-одоби ҳақидаги тасаввурни билан чамбарчас бўғланган, у ҳам ахлоқий, ҳам дунёвий асосга эга бўлган. У халқ ва умуман демократик кучлар манфаатларини ва жамият аиъналарини ифодалаган, ер юзида сқилидрок ва адолатнинг тантана қилиши учун гоявий курорл бўлиб хизмат қилган.

Кўриб чиқилаётган даврдаги фалсафий ва ахлоқий фикрларнинг бошқа бир характеристики белгиси шундан иборатки, улар кишилар турмушининг социал шароитлари ўзгариши билан муайян гуруҳ ёки табақаларининг манфаатларини тақозо этган талаблар ҳам ўзгариб борганингини кўрсатиб турибди.

Марказий Осиёда илк фалсафий-ахлоқий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши мавзун бўйича қуидаги адабиётларни тавсия этиш мумкин.

1. Бертельс. История персидско-таджикской литературы. Избр. соч. б. 1. М. 1960.
2. Брагинский И. С. Из истории таджикской и персидской литературы. М. 1972.
3. Богоутдинов А. М. Очерки по истории таджикской философии. Сталинобод. 1951.
4. Геюшев Э. Этическая мысль в Азербайджане. Баку. 1968.
5. Жумабоев П. Ж. Үрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Т. 1980.
6. Конрад Н. И. Запад и Восток. М. 1972.
7. Қаюмов А. П. Қадимият обидалари. Т. 1972.
8. Маковельский А. О. Авеста. Баку. 1960.
9. Мұминов И. М. Сайланма асарлар. Т. 1.
10. Стеблева И. В. Поэзия тюрков VI—VII в.в. Т. 1965.
11. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т. 1995.
12. Искандаров Б. Үрта Осиёда фалсафий, ижтимоий-сийси фикрлар тарихидан лавҳалар. Т. 1994.

II БОБ

ИСЛОМ — МУСУЛМОН ХАЛҚЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

1. Ислом фалсафаси ва унинг моҳияти.
2. Ислом ва унинг асосий оқимлари.
3. Тасаввув (сўфиизм) фалсафаси.

1. ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

VIII асрга келиб, Марказий Осиёда турк ҳоқомлиги таназзулга юз тутди; унинг ўринига бир неча мустақил ва ярим мустақил давлатлар ташкил топди. Бу тарқоқлик ва тўхтовсиз урушлар, ижтимонӣ табақаланиш, кўп-лаб диний таълимоглар ва динитариниг мавжудлиги Марказий Осиёнинг араблар томонидан фатҳ этилинига замни бўлди. Араблариниг келиши Моварооннахр сиёсий ва мағкуравий ҳаётни кескин ўзгартириб юборди. Араблар тарқоқ давлатларни ягона давлат — ҳади-фаликка бирлаштирилдилар. Кейинчалик, Марказий Осиё халқлари ягона мағкуравий байроқ остида ҳам бирлаштирилди.

Ислом фалсафаси мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръонда баён этилган. Қуръон 114 сурадан иборат бўлиб, суралар бир неча оятлардан иборатdir. Ислом фалсафаси марказила худо — Оллоҳ ҳақидаги таълимот ётади. Оллоҳ — ягина. Оллоҳ ўзида яратувчи, ҳаракатга келтирувчи, оламшумул ҳакам ва ҳолоскорни мужассам этади. Қуръонда Оллоҳ олам ва ундаги мавжудотларни олти кун мобайнида яратганилиги хақида айтилади. Осмон етти қаватдан иборат бўлиб, ҳудонинг таҳти жойлашган арши аъло етмиш минг нарда билан ўралган. Бундан ташқари, Оллоҳ жашнат ва жаҳоннамни ҳам яратган.

Қуръон якка ҳудоликни тарғиб этади. Бу жиҳатдан ислом насронийлик ва яхудий динига иисбатан ачса изчилдир, чунки насронийликда ягона худонинг учсанганилиги — Ота—Худо, Угил—Худо ва Муқаддас Рӯҳ ҳақида таълимот мавжуд. Бу ҳол насронийликда турии секталарнинг вужудга келишига олиб келган. Насронийликнинг яна бир муҳим масалаларидан бири — бу Исо Масиҳ табиати ҳақидаги ақидадир. Нижил (Яғи Аҳд)га биноан, Масиҳ Муқаддас Рӯҳдан тугилган, маълум вақтдан сўнг эса, у Худо қошига қайтган. Демак, Исода ҳам илоҳий, ҳам иисоний табиат мужассам. Бу қарама-қаршиликни турии мазҳаблар очишига урининган, жумладан — несторианлар ва монофистлар. Несторианлар фикрича, Исонинг илоҳий ҳам иисоний габиати бир-бирига боғлиқ эмас, шунинг учун Биби Марям «волидан худо» эмас, у иисонии туққан. Монофистлар эса, Исода фақат илоҳийлик мужассамлигини тан оладилар. Бу хил қараштарни Ислом рад этади.

Ислом таълимоти бўйича инсон Худо томонидан яратилган ва унинг бандасидир. Оллоҳ уни тупроқдан яратган. Одам Атонинг қобирғасидан эса Момо Ҳавони яратган. Одам Ато шайтоннинг измига кириб, аҳдга шак келтиради.

Оллоҳ жинларни ҳам, фаришталарни ҳам яратган. Худога яқин бўлган фаришталар — булар **Жаброил**, Мекойил, Исрофил ва Азроилдир.

Фаришталар Оллоҳ амрига биноан инсон олдида бош эгган пайтда, улардан бири—Иблис—бундан бош тортган. Шунда Оллоҳ Иблисга лаънатлар ёғдириб, уни ерга юборади. Шунинг учун шайтон лаъин—Иблис одамларни Оллоҳ йўлидан оздиришга аҳд қиласди.

Ҳар қандай диннинг муҳим жиҳати — тақдири азал ва эркинлик ҳақиқати таълимотидир. Исломда бу масала ечими насронийлик ва бошқа динлардагига ўхшашдир.

Куръонда ёзилнишича, «Оллоҳ ҳар бир ҳомиладор аёлнинг бўлажак фарзандидан ва «гойиб ва шоҳид нарсаларнинг барчасидан хабардор», ўтмиш ҳам, ҳозирги замон ҳам, келажак ҳам унинг иродасига боғлиқ. Даҳрий миясига келган ҳеч бир фикр Худонинг бедор ингоҳидан четда қолмайди. Лекин, иккинчи томондан, «Оллоҳ одамлар ҳолатини, токи уларнинг ўзлари ўзгартигуларигача ўзгартирмайди».

Нажот йўли Худога ишонч — имон йўли сифатида бедгилтаб берилиган. Қуръонда кўп мартараб таъкидланганки, яхудийлар ва масиҳийларга гарчи Китоб юборилган бўлса-да, улар тўғри йўлдан адашдилар, аҳдларни унтушиб юбордилар; Мұхаммад алайҳиссалом эса Оллоҳнинг Иброҳимга берган йўриқларини яна қайтадан етказиб беришни ўз вазифаси деб билди. Бу йўл йўриқлар моҳияттан ягона худога бўлган эътиқоддан иборатдир.

Исломда нажот йўли билиш йўлидан, илмдан иборатдир. Тўла ва тугал билим фақат Оллоҳагина тегишилидир. Ислом ҳақиқатни излашни тақиқламайди. Оятларнинг ҳақиқий маъносини тушунмоқ учун улар устида чуқур ўйлаш керак.

Оллоҳ билимни — ҳақиқатни ояту иноятлар орқали тарғиб этади. Куръон бўйича, ҳар бир табиий ҳодиса ва ҳаётий жараён—Оллоҳнинг иродаси ва г'юятидир. Оллоҳ мутлоқ ҳақиқат эканлиги учун, ҳақиқатни билиш, унга интилиш—Худога чиндан эътиқод қўйишдир.

Ҳаргиз Оллоҳнинг шаънига ёлғонни тўқимаслик кепрак, чунки бундай «кимсалар ҳеч нажот топмаслар» (16 : 116). Зероки, ёлғончиллик — бу инсон ақлу заковатининг Шайтон лаъни таъсирида адашувидир.

Нажот ғояси билан яна бир қанча тасаввурлар — қиёмат қойим, жаннат ва дўзах, одиллик ва раҳмдиллик каби ғоялар билан узвий боғлиқ.

«Қиёмат қойим, рўзи машҳар», «охират куни» — бу ҳар бир инсоннинг қилинишлари учун жавоб бериш куниди. Фаришта Исрофил барчага охират куни бошланганлигидан хабар беради. Бегуноҳлар арши аълоннинг ўнг томонига, гуноҳкорлар эса — чап томонга саф тортадилар. Уларнинг эзгу ишлари ва гуноҳлари тарозида ўлчанади ва шунга кўра ҳар бир одамнинг жаниатий ёки дўзахий эканлиги аниқланади. Урушда ҳалок бўлганлар гуноҳларидан форигидирлар. Имомлилар ва ўлимидан олдин тавба-тазарру ила гуноҳларидан озод бўлганларга Оллоҳ раҳмдил, гуноҳкорларга нисбатан эса одиллар. Исломда Оллоҳ Мусо пайғамбарга адолатиарварлик, Исо Масиҳга раҳмдиллик ишоят этган, Мұхаммад алайҳиссаломда ёса бу икки фазилат мужассам.

Жаннат ва дўзах ҳақидаги тасаввурлар Қуръонда жуда тўлақонди ёритилади. Етти иогонали жаҳаннам асосан оловдан иборат бўлиб, унда Оллоҳга ишонмаганлар абадул абад қўйноқ азобида тўлғанадилар. Дўзах — бу «абадий ўлим ва азоблар» жойидир.

Жаннат ҳақида ўқир эканмиз, Ердаги дунёвий лаззатлар манзараси кўз олдимизда намоён бўлади, лекин шу билан бирга у илоҳий ҳодисотлардан ҳоли эмас. Жаннатда боғ-роғлар, дарёлар, хоҳлаган мева ва қушлар гўштлари мавжуд.

Нажот топғанларни фаришталар (малаклар) шундай кутиб оладилар: «Сизларга сабр этганингиз учун тинчлик тилаймиз» (13 : 24). Хуллас, Жаннат — бу мутлоқ эркинлик, ҳуррият ва баҳтили ҳаётдир. Жаҳаннам эса — қуллик, хўрлик ва ўлимдир.

Комил муслимнинг ахлоқий-маънавий қиёфаси қўйидаги оялларда ўз аксини тоғган: «намоз ўқиганда итоаткор, қуруқ сафсатабозликка учмайдиган, ҳамиша покиза, авратларини эҳтиёт қиласидиганлар, ваъдаларига вағодор, намозни канда қилмайдиган мўъминлар баҳтиларлар. Улар ҳамиша фирдавс богида бўладилар» (23 : 11).

Мүмин ва мусулмон бўлган бандага фарз бўлган амаллар ва ибодатлар бештадир. Буни «аркон ад-дин» деб атайдилар. Бу рукилар қўйидагилардир: I. Имон (яъни динни исломга ишонч). Имоннинг талаблари еттиладир:

1) Ҳам қалб билан, ҳам тил билан Қалимаи шаҳодатни келтириш, демакким, Оллоҳдан ўзга маъбуд йўқлигига ишониш;

2) Фаришталарнинг мавжудлигига ишониш;

3) Тўрт муқаддас китоб — Забур (Довуд пайғамбарга юборилган китоб (Псалтиры), Таврот (Мусо пайғамбарга юборилган), Инжил (Исо Масиҳга юборилган) ва Куръон — Каломуллоҳ (Ҳазрати Мұхаммадга юборилган) мавжудлигига ишониш;

4) Пайғамбарларнинг мавжудлигига ишониш. Пайғамбари аввал Ҳазрати Одам Ато эрурлар. Куръонда зикр этилган пайғамбарлар сони 25 тадир: Одам, Идрис, Нуҳ, Худ, Солиҳ, Иброҳим, Ліут, Исмоил, Исҳоқ, Ёқуб, Юсуф, Айюб, Шуъбайб, Мусо, Хорун, Довуд, Сулаймон, Юнус, Нлес, Олия, Зулкафл, Закариё, Яхё, Исо ва Мұхаммад алайхисе—саломлар. Мұхаммад пайғамбар — Ҳабибуллоҳ Оллоҳининг севиклиси эрур.

5) Қиёмат куни келишига ишониш;

6) тақдирнинг илоҳийлигига ишонмоқ;

7) ўлгандан кейин қайта тирилишига ишониш.

II. Солъат, яъни ҳар куни беш вақт намоз ўқи-моқдир.

III. Совм, яъни рамазон ойида ҳар кун рўза тут-моқдир.

IV. Закот, яъни ҳар йил бир маротаба мол-мулкининг 1/40 (2,5%) бўлганини фақирларга улашиб бериш.

V. Ҳаж. Имконияти бор муслим Маккаи Мукаррамага бориб зиёрат амалларни адо қўлиши керак. Ўз майлига кўра йўқсилларга садақа бериш ҳам маъруф амаллардан ҳисобланади. «Дин асос (руки)лари ва Имон талабларидан ташқари яна бир жиҳати — эҳсондурким, у илоҳиётда сидқидилдән ақидаларга ишониш ва маросимларни адо этиш мазмунида талқин қилинади.

Негомда ахлоқий-ҳуқуқий қонун-қондалар мажмун— шариат XI—XII асрларда тутал шактланган бўлиб, у Куръон ва Сунна асосида фақиҳлар томонидан ишлаб чиқсанган ва «Ҳидоят», «Виқоя», «Муҳтасари Ҳидоя», «Муҳтасари Виқоя» номли китобларга жамланган.

Шарнатда қонун муқаддас ҳисобланыб, унга ҳар бир киши ижтимоий ҳолатидан қатын назар Оллоҳнинг бандаси сифатида бирдай риоя этиши лозим. Шарнатда гуноҳ ға жиноят бир-бирига тенглаштирилади: ҳар қандай жиноят—гуноҳдир ва ҳар қандай гуноҳ жиноят эрур.

Мусулмон жамияти ижтимоий ҳаётининг турли жаб-ҳалари ислом томонидан қўллаб-қувватланганни ҳолда, фақаттана бир фаолият—судхўрлик ҳамиша таъкиқланган.

Савигини айтганда, бу хил насиҳат ва ўйтитлар бани Одамнинг Оллоҳ олдида тенглиги ва ҳар кимнинг на-жот тениши мумкинлигини асослашга қаратилган. Куръонда бандаларга иисбатан итиқ сўзлар айтилган. Мусулмонлар тариқати уларнинг ҳуқуқларини ҳам ҳи-моя этади.

Бойлик, давлат—қисқа мулдали ердаги ҳаётининг бир кўриниши холос, «келажак эса сенинг Худойининг олдида дадир...» Бойлик бевосита қораланмайди, аксинча, бой на шу билан бирга имонли одам, «қариидошига ва камбағалларга лозим ҳақ берадиган» мўъмин мақтовга сазовор. Мол-мулкни беҳудага ироф қилиш қорала-нади: «Ирофгарлар чиндан ҳам шайтонларга биродар; шайтонлар ўз Раббийсидан миннатдор бўлмаган». Дав-лат ҳам Оллоҳнинг шарофати ва ундан берасмад фой-даланиш—гуноҳдир.

2. ИСЛОМ ВА УНИНГ АСОСИЙ ОҚИМЛАРИ

Ҳазрати Мұхаммад вафотидан йигирма йил кейин халифаликни бошқариш учун қураш жараёнида исломда учта оқим юзага келди: суннийлар, шиалар ва хори-жийлар. Шиалар Суннатни тан олмаган равишда ўзла-ршининг сунналарини—Ахборни ишлаб чиқишиди. Шиа-лар «хулафон рошидир»—чорёrlар—Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон ва Ҳазрати Али ичидаги фақат сўнгисини—Алини тан олар эдилар.

Шиаликнинг суннийликдан бош фарқи шундаки, улар дунёвий ҳокимиятни тан олмайдилар. Ҳокимият, шиалар эътиқодича, имомларга, яъни мусулмонларнинг диний раҳнамосигагина тегишилдидир. Имомлар «илоҳий иноятлар» ни бажо келтирувчи тар сифатида ортиқча манбаларга муҳтоҷ эмас эдилар. Бундай ман-

бани суннийлар ишлаб чиқдилар. Ыжмо—мўъминларнинг биргаликда чиқарган хукмлари мажмуудир.

874 йилда шиаларнинг ўн иккинчи имоми Мұхаммад ибн Исмоил сирли тарзда йўқолди. Шиалар ғойиб бўлган имомни Маҳди деб эълон қилиши ва бир кунмас бир кун қайтиб Пайғамбар авлодларининг поймол этилган ҳақ-хуқуқларини тиклашга чиндан ишонч боғлашди. Х асрда шиалар катта муваффақиятларга эришдилар: бир неча йирик давлатлар туздилар, кейинчалик эса шиалар давлат дини (расмий дин) сифатида Эронда сақланиб қолди. Суннийлар—мусулмонларнинг жуда кўп қисми Қуръонни ва Суннани муқаддас деб билишади.

Сунна—Ҳадислар, яъни Мұхаммад Пайғамбар гуфторлари ва уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ривоятлар мажмуудир. Оғзаки тарзда мавжуд бўлган бу ривоятлар бир неча муҳаддислар томонидан жамланган ва китобат қилинган. Энг машҳур тўпламлар Исмоил Бухорий («Саҳиҳи Бухорий») ва ат-Термизийлар қаламига мансубдир.

Шиалардан фарқли ўлароқ, суннийлар дунёвий ва диний ҳокимиятнинг бўлишининг лоқайд әдилар. Илк радикал оқимлардан бўлган хорижийлар суннийларга ҳам, шиаларга ҳам адоват кўзи билан қараган. Хорижийлар тўрт халифадан фақат иккитаении — Абу Бакр ва Умарни чинакам хулафо деб билардилар. Мўътадил хорижийлар — ибодийлар (абодийлар) қонли урушлардан воз кечдилар ва кейинчалик майда давлатлар тузишга муваффақ бўлдилар. Ўта радикал хорижийлар азрақийлар, суфрийлар ва ҳ.к.— шафқатсиз ва қаттиқ-қўллиги билан машҳур әдилар. Хорижийларнинг фикрича, мусулмон жамоасида барча одамлар тенг бўлниши керак. Халифа шу мусулмонлардан сайланиши лозим. Ҳар бир киши халифа бўлиши мумкин. Фармон берувчи, ижро этувчи ва ҳакамлик ҳокимияти хуқуқларин жамоага тегишли бўлиши керак.

VIII аср ўрталарига келиб, шиалик ҳам баъзи оқимларга бўлиниб кетди. Радикал шиалар—исмоилийлар—пайғамбар авлодидан бўлмиш етти имомни ҳақиқий деб тан оладилар. Етгинчи имом — Исмоил имоматни бошқариш хуқуқидан маҳрум бўлган әди. Исмоилийлар қишлоқ жамоаларининг камбагал гуруҳлари манфаатларини ифода этардилар. Улар илк ислом гояларининг тарафдорлари сифатида тобора марказлашаёт

ган расмий ҳукуматга қарши чиққан эдилар. Исмоилийлар сунний халифалар билан хийла узоқ қонли урушлар олиб бордилар. Лекин исмоилийлар кенг маданий-маърифий ишлар билан ҳам шухрат қозондилар. Исмоилийлардан чиққан Носириддин Тусий, Рашидиддин ва бошқа мутафаккирлар ўз даврининг машҳур алломалари эдилар. Ибн Синонинг отаси ҳам исмоилий бўлган, зеро Наср ибн Аҳмад Сомоний даврида Бухорода исмоилия кенг тарқалган эди.

Исмоилийнинг фалсафий таълимоти юон гностицизми ва неоплатонизм таъсирида шаклланган. Исмоилийлар таълимотига биноан, борлиқнинг ибтидоси ақлий йўл билан билдиб бўлмайлигига олий бир сир бўлиб, у турти сифатлардан ҳолидир. Үндан Ақли Кулл вужудга келгапки, у илоҳийлик сифатларига эга. Ақли Куллдан Нафси Кулл юзага келади, үндан эса ўз наебатида моддий олам яралади. Сўнгра Макон, Замон ва Инсон вужудга келади. Исмоилия тизими жами етти погонадан иборат. Юқори погоналар — комил, қуйилар эса нокомилдирлар. Пайгамбарлар сони ҳам исмоилияда еттига ҳисобланади (еттинчиси — «Соҳиб-уз-замон» Мұхаммад ибн Исмоилидир). Исмоилийлар жамоаси ички тузилиши ҳам етти погоналидир.

Исмоилийлар давлати, жумладан қорматийлар (масалан, Миндердаги Фотимийлар) давлати исломнинг ижтиёмоний тенглик ва демократия ғасларига асосланган эди. Лекин бу демократия фақат ҳур ва озод кишинларгагина тааллуқли эди. Мўътадил шиаларга эса друзлар, зайдийлар, нусайрийлар (алавийлар), алиилюҳийлар ва XIX асрда пайдо бўлган бобийлар, беҳсийлар каби оқимлар киради.

Суннитлик Исломда кенг тарқалган оқим. Шунинг учун ундан ўрта асрларда хеч қандай оқимчалар ажralиб чиқмаган.Faқат XVII асрга келиб, суннитликдан ваҳҳобийлар диний ва сиёсий оқими ва кейинроқ аҳмадия оқими ажralиб чиққан.

Суннитикда — Ҳанифия (імоми Аъзам), Маликия, Шофиъия ва Ҳанбалия каби тўрга мазҳаб мавжуд бўлса, шиаликда эса битта — Жаъфария мазҳаби мавжуддир. Мазҳаб моҳияттан шариатга хос диний-ҳуқуқий тизим (система)дир. Марказий Осиёда кўпроқ Ҳанифия мазҳаби кенг тарқалган. Ҳанифия мазҳаби бошқаларига нисбатан мукаммалроқдир. Бу мазҳабдагилар ҳалқ удумлари, миллий маросимларнинг сақланиб қолини-

шига түсқинлик қијмас эди. Мураккаб масалаларни ҳал этишда Қуръон ва Сунна талабларига аниқ жавоб берса олмаган тақдирда сүннийлар қиес (ұхшатма тарзіда ҳукм чиқариш) ши құллаганлар. Бу нараса шариат әмбекиятларининг янада кешгайнишига олиб келди.

Қуръонни Карим оятларининг ботиний, зоҳирин ва сиңғы мазмұнларға эта әканитиги мусулмон фалсафаси ва илохиёт илмининг ривожланишига түрткі бўлди. Илк мубоҳасалар тақдирни азал ва эркинлик масалаларни борасида эди. Жабарийлар — инсоннинг ҳар бир қизмиши ва майли Оллоҳ ва унинг иродаси туфайли рўй беради деб, таъкидласалар, қадарийлар уларга қарама-қарши ўлароқ инсон ўз хатти-ҳаракатидан эркин ва шунинг учун ҳам ўз кирдикорлари ва геноҳлари учун ўзи жавобгардир, дейдилар.

Қадарийлардан кейиничалик мўътазилийлар ажратиб чиққан. Мўътазилия асосини Восил иби Ато ислом ақендиға рацонализм унсұрларини кирифтган.

Мўътазилийлар ижодиёти мусулмон фалсафасида «соғ» табиий-фалсафий таълимнотга асос бўлди. Улар фалсафани — худо борлиқининг мавзум ибтидоси әканитиги ҳақидаги гоя билан бօғаниқ ҳолда ривожлантирилдилар.

Мўътазилия, айниқса, халифа Ғаълемун даврида кенг тарқалди. Мўътазилия таълимноти бешта асосий ақидалар иборат:

1) Тавҳил — яккахудолилик ғояси. Бу ақида ягона, ҳар қандай сифатлардан ҳоли, содда ва олий мөхият сифатида худо ҳақидаги қарашларни ўз ичига олади;

2) Адолат — худонинг әзгулик маибап әканитиги, одиллиги ҳақидаги гоя;

3) Нариги дунё ҳақидаги ғоя. У геноҳ, ахлоқий лутғлар, қиёмат қойним, жаһнат, дўзах, најкот каби қарашларни қамраб олади;

4) Ҳокимият учун курашларга аралашмаслик;

5) Халифанинг олий ҳокимияти ҳақидаги ғоя.

Мўътазилийлар қарашларни аксар мусулмон эътиқодига зид келарди. Мўътазилия ақондининг мажбураны сингдирилиши сүнгги халифа — Мутаваккил (847—861) томонидан Қуръон ҳақидаги ҳар қандай мубоҳасаларниң тақиқланишига олиб келди. Сүнгги халифалар эса бидъет ва шаккоклик тарқалишининг олдини олиш мақсадида 892 йилдан бошлаб фалсафага оид китобларни

сотиши ман қилдилар. Шунга қарамай, мұғтазилия XIV әсрға ғана таъсириңін йүқтөмді.

Хасринг биринчى ярмида (Куръон ҳақидаги баҳс-жар тугаганидан 100 йыл кейин) исломнинг расмий, ортодоксал фалсафасы қалом (арабча — сүз, таълимот) шаклланады. Қалом таълимоти тарафдорларини мутакаллимлар деб аташарди. Мутакаллимлар таълимоти шариги ортодоксал оқымлардан фарқылы ұлароқ рационализм ва Арастушынг формал мантиқига асосланған зди. Қалом таълимоти мұғтазилия ғояларини танқид этиш жараённанда вүждуга келди. Қалом таълимоти асосынан собиқ мұғтазилий Абу Ҳасан ал-Ашъарий дир. У мұғтазилияның яхшилик ва ёвузлик, худо дөв ҳақидаги таълимотта қайтыш деб, Куръоннинг яратилғанлығы ҳақидаги таълимот асоссыз, у худонинг хусусияти сифатында абадий эканлигини тарғиб этди.

Фатализм (тақдирі азат ақидасы) ва әркінліккін бир-бірі билан кепиштириш мақсадыда ал-Ашъарий худо инсонниң үнгасы бүлгап жамики хусусиятлары билән ва шу билан биргә ғана хатты-харакаттарыда әркін қылғын яратған, деб үқтирады.

Лекин ғана рационал үслубини ал-Ашъарий фақатгина ғана мұхаббифтарини танқид этишда құлдар тағы да зди. У Куръон ақыдаларини ҳеч қандай аллегорик ёки мантиқий талқынсиз қабул этишин талаб қыларды. Мутакаллимлар универсал биринчى сабаб ва оралиқ сабаблар ғоясина ишкор этиб, материя бүлнімас, үндеги бүләділік үзгәрішлар яратылыш жараённаның қайта-қайта тақрорлапши маңыздылар, деб үқтирады здилар. Шунинг учун борлық абадий эмас, уннинг мавжудлығы яратувчи— Олжоқ иродасында боғлиқдир, деген здилар.

Ашъарийлардан тамомилға мустақил равиша да ва айни үша даврда Абуль-Қосым Самарқандий ва Абу Мансур Матуридий шунга үхаш таълимот яратылар. Самарқандий Куръон ҳақида, қоғоз, қалам ва спәх яратылған, лекин уннинг мазмұны абадийдир, деб ёзған зди. Үннинг фикрича, Оллох дин—имонни яратған, инсон зса уни қабул қылышы ёки қабул қылмаслығыда әркіндір, лекин буннинг учун у ёки тақдирланады ёки жазоланады. Инсоннинг зэргү ишларыда худо ҳамиша үнгасы ҳамдам, ёмон ишларыда зса уни тарқ этады. Бухоролик мутафаккирлар ҳам мұғтазилий ва жабарийларга қарши ақидада турады здилар.

Ашъарий ва Матуридий кейинчалик суннийликдан илоҳиёт масалалари бўйича асосий сиймо сифатида танилдилар. Ашъарий таълимоти Шофийй мазҳаби тарқалган мамлакатларда, Матуридий таълимоти эса Ҳанифий мазҳаби хукмрон ўлкаларда расмийлаштирилди.

Исломийнг Марказий Осиёга кириб келиши катта аҳамият касб этди: у маҳаллий ҳалқларнинг маданияти, давлатчилиги ва кундалик хаёти тарзи тараққиётида муҳим омил бўлди. Ислом қадриятлари аҳолининг кундалик ҳаётига сингиб кетди ва чўқур из қолдири. Мавжуд эътиқод, диний маросим ва байрамларни ислом сиқиб чиқаргани йўқ, аксинча кўп ҳолларда бирискув, чатишув рўй берганини кўрамиз. Мусулмон байрамлари ва урф-одатлари ҳам ҳалқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ислом маҳаллий динларга ҳам кўп ҳолларда ижобий таъсир кўрсатган.

Ислом маърифий соҳада ҳам муҳим омил бўлди. XX аср бошингача барча мактабларда дунёвий фанлар ҳам ўқитилар эди.

Фалсафа соҳасида илк даврларда ҳам ислом, ижтимоий фикр ривожига ижебий таъсир кўрсатди. Лекин ислом илоҳиётни шаклланисиб бўлгач (И мом Газзолийдан кейин), консерватив анъаналар ҳукмрон бўлиб қолди.

Жуда кўплаб маросимлар ва қонун-қондаларга қарийб бир ярим минг йил давомида ҳеч ўзгаришениз амал қилиниб келинди. Ҳозирги пайтда ҳукуқ ва давлатчилик борасидаги ақонд ўринига янги қондаларга амал қилинади. Бироқ исломнинг, мусулмон аҳлоқининг магзи ҳисобланмиш умумбашарий қадриятлари ўзининг ҳаётий эканлигини исботламоқда ва хануз одамларнинг маънавий ҳаётига баракали таъсир этмоқда.

3. ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИ

Тасаввув (сўғизм) таълимоти Шарқ мусулмон ҳалқлари маънавий ҳаётни тарихида ўчмас из қолдирган ижтимоий-фалсафиј оқимлардан бири ҳисобланади. Фаридиддин Аттордан Мир Алишер Навоийгача, Жалолиддин Румийдан Абдураҳмон Жомийгача, Аҳмад Яссавийдан то Девонан Машрабгача ва ҳатто ундан кейинги даврларда ҳам тасаввув Марказий Осиё ҳалқлари ижтимоий-фалсафиј дунёқарашининг асосий йўналишларидан бири сифатида ҳукмронлик қилиб келди.

Тасаввуф инсонни покликка, түғрилилкка ундовчи, ҳалол мәхнат әвазига яшаш орқали кишиларга ҳақиқатта (худога) етишиш йўлини белгилаб беришдек яхшиликни тарғиб қилувчи оқимдир. Лекин минг афусулар бўлсинким, узоқ йиллар давомида ҳукмронлик қилган собиқ совет тизими шароитида тасаввуфга «диний-мистик» пессимиликтк оқим деб қаралиб келинди, уни объектив ҳолда тадқиқ қилиш асосида бу таълимотнинг асл моҳиятини очиб бериш йўлида қилинган ҳаракатлар тақиқланди.

Истиқлол қуёшидан баҳраманд бўлган ҳалқимиз эндиликда ўтмиш қадрнятларимизга, шу жумладан тасаввуф таълимотига ҳам ўз муносабатларини тубдан ўзгартириб уларни эъзозлаш, кўз қорашибидай сақлаш, тўғри ва холисанилло таҳлил қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Тасаввуф таълимотининг тадқиқотчилари «Сўфий» сўзининг маъноси тўғрисида хилма-хил фикр ва мулоҳазалар мавжуд эканини таъкидлайдилар. Айрим тадқиқотчилар сўфий сўзининг арабча «Суф» деган сўздан келиб чиқиб, мато, ҳирқа деган маънони англатади, дейдилар. Абулҳасан Али Хижвирийнинг шарҳлашича «Сўфий—ҳирқапўш, яъни юнгни суф дейилади: фуқаронинг истилоҳида, ўз дилига нигоҳини қаратган, ҳаёлини хақдан бошқа нарасдан фориғ этган киши сўфий деб аталаған»¹. Унинг таъкидлашича, ҳирқапўшлар азалий софликка восил бўлганлар: асхоби суффа, яъни тиловот ва таваллочилар гуруҳини ҳам сўфиylар деййилган. Асхоби суффо ҳазрати Пайғамбар тириклигидәёқ таркидунё қилган тақводор кишилар бўлиб, сўфиylар шуларга тақлид қиласидилар, деб тушунирадилар.

Бошқа бир нуқтаи назарга кўра «Сўфий» юони ти-лидаги «Сафос»—донишманц сўзидан олингандир. Бу фикри Абу Райхон Беруний ҳам маъқуллаб, ўзининг «Осовул Боқия» асарида ушбу сўзни юонича «суф», яъни файласуф сўзининг охирги қисмидан келиб чиқсан бўлиши эҳтимол деб ёзди.

Яна бир ривоятларга қараганда «Суф» сўзининг ҳар бир ҳарфи аниқ маънони билдиради: «С»—самат,—сафо, савм (парҳезкор); «в»—здоъ, вафо, вирд; «ф»—фақр, фано, фикр.

Аслида «сүфий» сўзи «суф» деган арабча этимологик бирлашмадан ташкил топған. Тигызғанда жақиқатга түгрикелса керак. Сўфиийлар кўп холларда жун чакмои ёки қўй терисидан тикилган пўстин кийинб юришини одат қилингандар учун уларни жун кийимлар (форечаси — пашминамуш), яъни сўфиий деб юритгандар. Икканичи томондан сўфиий сўзининг «суф» сўзидан ясалниши арабтили қонун-қондадарига ҳам мос келади.

«Сўфиий» «суф» сўзидан ясалган бўлса, ўз наебатида, «сўфиий» дан «тасаввуф», «мустасуф», «мутасуф», «мутасаввуф» сўзлари ҳосил бўлган. «Мустасуф» ўзини сўфиийларга ўхшатиб, тақлид қилиб юрадиган, аммо асл мақсади амал-мансаб, молу мулкка интилиш бўлганинишиларга нибатан ишлатиладиган сўз бўлса, «мутасуф» тариқат ва ҳақиқатда муайян манзилларни эгаллаган, бироқ сўфиий даражасига кўтарилса олмаган кишидир. «Мутасаввуф» — қалбаи сўфиёна ғояларга майли бор, тасаввуфни эътиқод — мақсад қилиб олган, лекин тариқатнинг амалиётини ўтамаган, расман сўфиий бўлмаган одам².

Тасаввуф VII асрнинг охири ва VIII асрнинг бошлирида Яқин Шарқда мусулмон ўлкаларида вужудга келди ва кейинчалик Марказий Осиёга ҳам кенг тарқалди. Тасаввуф ислом дини асосида вужудга келгани. Бироқ у ислом динига қадар бўлган эътиқодларнинг ҳамда динларнинг таъсирида ҳам ривожланди.

Дастлабки сўфиийлар дабдабали ҳаётдан юз ўгириб, зоҳидларча ҳаёт кечиришни таңлагандар. Уларга ҳос бўлган асосий хусусиятлардан бири сабр-тоқат ва қаноат билан дарвешона яшаш ҳатто одамлардан узоқлашиб, улар билан учрашмасликка ҳаракат қилиш, ўз умрини тоат-ибодат билан ўтказишдан иборат бўлган.

Дастлабки сўфиийлардан Басралил Ҳасан (622—728), Молики Динор (644 йилда вафот этган), Иброҳим Ал-ҳам (728 йилда вафот этган)ларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу сўфиийлар ҳақида хилма-хил ривоятлар сақланиб қолинган. Масалан, Коронлик Увайс одамлар билан учрашмас экан, мулоқотда бўлшини ёқтирас, одамлар еган овқатни емас, фақат қуруқ нон билан ҳаёт кечирган экан. Иброҳим Адҳам эса Балх шаҳридаги шоҳлик тахтидан воз кечиб, сўфиийлик турмуши

² Қаранг: Биродар Искандаров. Тасаввуф фалсафаси. Т., 1965.

тарзини қабул қилиб, Мадинага кетіп бутун умрнің тоат-ібодатда ўтказған.

Сұфий бошқа одамлардан үзиншіг пок ва ғарібона турмуш кецириши, доимій тоат-ібодатда бўлиши ва фақат илоҳий руҳга қўшилиши мақсад қилиб қўйишни билан тубдан фарқ қиласы. Сұфий учун на дунёдан, на охиратдан таъма бўлмаслиги керак. Ягона истак — бу Худонинг дийдорига етишишдан иборат. Шу ўринда машҳур сўфий аёл Робиа Адвия (714—801)нинг қўйидаги сўзини келтириш ўринилди. Робиа тангрига ўз мурожаатларида иола қилиб айтар экан: «Эй парвардигорим, эй Ёри азиз, агар жаиннатнинг таъмасида тоат қиласидиган бўлсам, жаиннатнингдан бенасиб эт. Агар дўзахингдан қўрқиб ибодат қиласидиган бўлсам, мени дўзах ўтида кўйдир — минг-минг розиман. Аммо Сенинг жамолингни деб тунларни бедор ўтказар эканман ётвараман мени жаиннатнингдан маҳрум этма!»³.

IX асрларга келиб, сўфийликнинг назарий асосларни ишлаб чиқилди. Эндиликда сўфийлар Тангри таолога қуруқ, кўр-кўрона мутелик қилишининг ҳожати йўқ эканини таъкидлаб, Худо ғазабидан қўрқиб амри маъруфии бажариш Оллоҳга бўлган садоқатнинг белгиси эмас, балки унинг риё экантигини тушуниб етадилар. Шунга кўра Оллоҳни жон-дилдан севиш, унинг зоги ва сифатларини таниш ва билиш, кўнгилни нафси губордан сақлаб ва поклаб, ботиний мусаффо бир ҳолатда Илоҳ васлига етишиш гояснини тарғиб қиласидилар. Инсон руҳи илоҳий экан, мақсад ана шу илоҳий оламга бориб қўшилишдан иборат деб биладилар.

Сўфийликнинг назарий асосларини ишлаб чиқишида сўфийлик йўриқларини белгилаш ва илоҳий ҳақиқатларни эл орасига ёйишда Зуннун Мирий (796—861), Боёзид Бистомий (вафоти 875), Жунайд Багдодий (вафоти 910), Ҳаким Термизий (вафоти XI асрининг 11-ярми) ва Мансур Ҳаллож (858—922) ларнинг хизмати бениҳоя катта бўлган. Энг асосийи шунда эдикни, сўфийларнинг амалий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш тадбиқ усуллари шаклланади, шарнат, тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушучалар юзага келади ва улар ҳар бир сўфий учун ҳақиқатга етишиш ва агадийликка эришувнинг зарурый шарти ҳисобланади.

³ Қаранг. Биродар Искандаров. Тасаввуф фалсафаси. 7-бет.

Сўфийликка ўзини бағишилаган киши шариатнинг барча талабларига бўйсуниши шарт. Исломда ахлоқий-ҳуқуқий қонуни-қондалар мажмуаси ўз ифодасини топган. Биринчи навбатда сўфий беш вақт намоз ўқиши, рўза тутиши, закот бериши, имкониятига қараб ҳажга бориши керак.

Тариқат (арабча — йўл, усул демакдир). Бу босқичида сўфий тирикчиликнинг барча ташвишларидан воз кечиш ва мурид сифатида ўз ихтиёрини пир-эшонларга топширмоғи керак. Тариқат босқичида сўфий ботиний илмни эгаллаб олмоғи лозим.

Маърифат босқичида сўфий илоҳий илмларни ўрганмоғи ва ўзлаштирмоғи керак. Маърифат — ўзини англаш ёки ўз нафсини билиш жараёнидир, айни вақтда бу Худони таниш йўли ҳамдир. Маърифат оламни қалб кўзи билан кўриш йўли. Маърифат ғойиб оламни билиш. Оллоҳни излаш йўлидир. Маърифат — бу оламнинг илоҳий моҳиятини, унинг илоҳий бирлигини билмоқ йўлидир⁴.

Ҳақиқат босқичи. «Шахс» сифатида тугаб худога етишиш, унга сингиб кетиш ва натижада абадийликка эришиш, яъни фано босқичидир.

Ошиқ ўзлигидан кечиб худо билан топишади. Та-саввуфда ҳақиқат диннинг ички моҳиятидир (яъни Оллоҳни ички нигоҳ билан кўриш ва унга етишиш). Ҳақиқат аҳли башарий сифатлардан илоҳий сифатларга юксалган кишилардир. Шариат эса диннинг ташқи кўринишидаги белгиси. Бу Худога хизмат қўлиш учун зарур. Ҳадислардан бирида «Мавту қабла анта мавти» дейилган, яъни «ўлмасдан бурун ўлинг». Боязид Бистомийнинг «Илон пўст ташлагандай, мен ўзимдан кечдим...» деган сўзлари ҳам бунга монанд. Нега илон пўст ташлайди? У шундай қилмаса ўлар экан. Мистик тафаккур ҳам ўлиқдан кечишини ўлишмас, янгича тирикчилик, идеал ҳаёт юксакликларига кўтарилиш деб баҳолайди. Жалолиддин Румий бир ўринда «Ўлимга юз бургилу, пардани чоқ эт. Лекин лаҳадга эттувчи ўлимнимас, янги рух тутдирувчи ўлимни танла» мазмунида сўзлайди. Бу «ўлим» нинг номи эса фанодир. Атоқли олим И. С. Брагинский Жалолиддин Румий шеъриятида фано тушунчаси «фавқулодда жасорат билан талқин этилган» лигини айтиб, фано концепцияси

⁴ М. К. Орипов. Та-саввуфда билиш назарияси. Сирли олам. Т. 1996, 7-б.

ни такабурликка қарши хоксөрлик йүснинда характерлаш мумкин, бу эса, оқибатда, ҳар бир алоҳида инсон шахснинг улуғланиши демак, инсон эса мураккаб камолот йўлини босиб ўтиб, худога етишади ва унга ўхшайди, деб қайд қилиб ўтади.

Тасаввуфнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти пантеистик характерга эга. Шарқ фалсафасида пантеизм икки хил шаклда мавжуд бўлган: биринчиси — ваҳдат ул-вужуд, иккйинчиси «ваҳдати мавжуд».

Ваҳдат ул-вужуд (яъни олам бирлиги) таълимотига кўра оламдаги турли хил нарса ва ҳодисалар ўзларининг илк манбай Оллоҳ таолонинг ягона вужудидан иборат. Худо жумлан оламининг яратувчиси ва у ҳамма нарсаларда мужассамланган. Демак, ҳақиқий борлиқ яратувчининг ўзи, бошқа нарсалар эса унинг турли сифатларда кўринишлари, (жилваланиши, тажаллиёти) дид.

Ваҳдат ул-вужуд таълимотининг намоёндалари Худони рамзий равишда ўргимчакка ўхшатадилар: ўргимчак ўзидан ишлар чиқаргандай, Худо ҳам ўзидан бутун борлиқни ҳосил қиласди; бирдан-бир реал нарса худо, қолган ҳамма нарсаларни эса унинг шуъласи, нури деб талқин қиласди.

Пантеизмининг иккинчи шакли «ваҳдати мавжуд» бўлиб, унинг намоёндалари моддий олам ва табиатнинг мавжудлигини эътироф этиб, уни худо деб атайдилар. Уларнинг фикрича худо моддий оламга сингиб кетган бўлиб, шу моддий оламнинг ўзи бирдан-бир яратувчи дидир.

Шунци қейд қилиб ўтиш жонизки, пантеизмининг биринчи шакли—ваҳдати ул-вужуд Шарқда кенг тарқалган йўналышлардан бири эди.

Тасаввуф таълимотига кўра, моддий борлиқ билан ҳақиқий борлиқ бир-бирларига мукобил, бир-бирларига узвий боғлиқ, чунки моддий олам ўзининг моҳиятига кўра ягона руҳий ибтидодаи пайдо бўлгандир. Шу бойисдан оламдаги ҳодисалар шаклан бир-бирларидан фарқлансаларда, илк манбанига кўра улар ягона бирликка асосланадилар.

Хулди мавж (тўлқин), ҳубоб (кўпик), гирдоб, қатрава жола (шудринг)ларнинг илк манбай сувдан таркиб топгани каби, худо ҳам барча нарсаларининг илк манбай сифатида деңгизга қиёс қиласинади. Биз кўриб турган мураккаб ва раинг-баранг ҳодисалардан иборат мод-

дий олам ҳақиқий борлық, ҳақиқий вужуднинг кўзгу-
даги кўриннишидир.

Оллоҳ таоло яратган маҳлуқотлар орасида ўз яратувчинини англашга, у билан ҳамсұхбат бўлишга қо-
дир мавжудот — бу инсондир. Инсон илоҳий исем ва
сифатларнинг тўла интикоси үлароқ илоҳий ижодиёт-
нинг сўнгиги мақсадини ўзида мужассамлаштиради ва
Мутлоқни англашга қодир маҳлуқ ҳисобланади⁵.

Тасаввуфда билиш муаммоси асосий ўрнига эга.
Тасаввуф таълимотида олам — ботиний ва мавжудий
олам сифатида иккита маънода шарҳланганидек (лекин
иккаласининг маинбац ҳам ягона ибтидога эга), билим
ҳам иккита сифатдан иборат: илк билим ва сўнгги би-
лимдан ташкил топишлиги қайд этилади.

Ботиний илоҳиёт оламини, яъни яратувчини кўриш,
идрок этиш, англаш мумкин эмас, ҳолбуки ботиний
оламнинг зоҳирний кўринини бўлмиш моддий оламни
кўриш, сезиш, идрок этиш, англаш ва тасаввур этиш
мумкин.

Сўфиёна билим ҳақида бундай деб айтиш мумкин
эмас, чунки илк билим ҳам, сўнгги билим ҳам инсон-
нинг дилида яширган бўлади. Нима керак бўлса,
инсон уни ўз қалбидан топади, бошқаларидан излашва
ҳожат йўқ. Аксинча ташқаридан олинган билим — қу-
логинг билан эшишиб ёки китоб ўқиб олинган билим
худди бирорининг қудуғидан олинган сувга ўхшайди. Бу
сувни келтириб, ўзингнинг қуриган қудуғингга қўйсанг
ҳам, унда сув узоқ вақт сақланмайди. Ташқаридан
олинган билим ҳам шундайки у инсон қалбини зангла-
тади, унда кибр, молпарастлик ва амалпарастликка
берилши каби иллатлар пайдо бўлади.

Тасаввуфда моддий дунёни билиш ҳиссий билишдан
бошланиб, ақлий билиш билан якунланади.

Оламини билдишда инсондаги сезги аъзолари алоҳида
ўрин тутади. Уларнинг бештаси: кўриш, эшишиб, ҳид
билиш, таъм билиш, тана орқали сезиш — ташқи сезги-
ларини, фаросат, тасаввур, ҳаёл, хотира, ақл — ички
сезги аъзоларини ташкил қиласади.

Ташқи сезгилар қабул қиласан иарсаларини умумий
ҳислар, яъни ички сезгилар қабул қиласиб олади ва му-

⁵ М. К. Орипов. Ваҳдат ул-вужуд «Илоҳиёт, коннот ва ин-
сон бир бутунлиги», «Ёш куч». Т., 1994, № 4, 8-бет,

айян нарсаннинг қандай нарса эканлигини аниқлаб тасаввурга етказиб беради.

Фаросат — сөзиларда пайдо бўлган нарсаларнинг суврати ва тимсолини билиш қобилияти, бунинг натижасида хаёл юзага келади, хотира эса хаёлни сақлаш хазинаси, ақи — буларнинг ҳаммасини мантиқ асосида умумлаштириб бериш қобилиятидир. Айнан шу тариқа зоҳирий нарсаларни билиш қўйи даражадан юқори даражалар сари боради.

Шайх Азиз ад-Дин Мұҳаммад Насафий (XIII аср) фикрига кўра инсон пайғамбаримизни тан олиб, унинг йўлига кирса, у аҳли шариат, мўминдир. Имон келтирган мусулмон кечаю кундуз тоат-ибодат билан шуғулланиб, Оллоҳни эслаб юрса, уни тақводор дейдилар. Агар мўмин зуҳду тақво билан чекланмай, ҳар иккала олам сирлари ирфонига эришган бўлса, у дошишманддир. Хақ таоло бундай одамни ўзига яқинлаштириб, мусоҳиб (ҳамсұхбат) айласа, уни мұҳаббати билан сийласа ул зот авлиёлик сифатини эгаллади. Агар Оллоҳ ўз мусоҳибига мұҳаббати ва ички нурланиш қобилиятынни баҳш этишидан ташқари, уни яна ўзининг каломи шарифийни бошқаларга етказувчи ҳисобласа, уни пайғамбар дейдилар⁶.

Исломда учта оқим — илми калом, илми ҳикмат, илми ваҳдат (тасаввуф) бир-биirlари билан ўзаро алоқада ривожланган. Лекин улар ўзларининг ўрганиши манбаинга қараб бир-биридан фарқ қынлган. Масалан, Шайх Шаҳобиддин Сухраверди (XIII аср) «Ҳикмат ул-қалифија» («Ҳикматлар кашфиёті») асарида илоҳиёт олами билан моддий оламини билиш йўлларини кўрсатиб берган. Моддий олам «Ҳикмат ул-баҳсия», яъни диалектик илм ёхуд назарий илм манбаидир ва у далил-иеботларга асосланади. Моддий олам ҳақидағи илмининг манбаи ҳақиқат (Худо)дир. У ички нурланиш илми — Маърифатдир ва бу илм далил — ҳисобларга әмас, балки диге сөзиларига асосланади. Бу илм соҳибларини ағди диге деб атashади.

Аҳни ҳикмат илм ва маърифатни бир-биридан фарқламайди. Улар илмни ҳам, маърифатни ҳам ташқи сламии билиш воситаси деб ҳисоблайдилар. Тасаввуфда эса илм — бу назарий билиш соҳасига хос бўлиб, моддий олам ҳодисаларини билиш воситасидир.

⁶ Қаранг: М. К. Орипов, Тасаввуф, билиш ҳақида, ўша асар, 7-бет.

Тасаввуф таълимотича билишдан мақсад илоҳий моҳият ва илоҳий ҳақиқатни англашдир. Билим (маърифат) илоҳий кучни барча хосса ва хусусиятлари билан билишдан иборат.

Оллоҳнинг шундай бир сўзи бор: «Мен яширин хазина эдим ва сизни севиб қолдим, токи Мени билб олииглар ва жинлар (малакатар), одамларни яратдим токи Мени билсиллар деб». Иносон барча махлуқотнинг гултоғи, Оллоҳнинг ердаги халифаси экан, демак унда Оллоҳ сифатлари бўлиши мантиқий ҳол. Оллоҳ таоло илму ҳикматининг бир қисмини инсон қалбига жойлаған, яъни инсон яширин хазинани «сақловчи хазинадордир». Шунинг учун ҳам инсон илоҳий моҳиятни билishiга интишиши керак. Бироқ бу йўқса, у бир қанча босқичлардан-мақоматлардан ўтмоғи лозим. Бу ўринда инсонни солик (яъни саёҳ), (яъни йўловчи), «сузлик» эса (йўл) ва илк маибага қайтиш йўли маъниода тушуниш мумкин. Мақомат ёки мақом — манзил, бекат деган маъноларни билдиради.

Асосий мақомлар қўйнадигилар: 1. Тавба. 2. Варъя. 3. Зуҳд. 4. Фақр. 5. Сабр. 6. Ражо. 7. Хавф. 8. Таваккул. 9. Ризо.

1. Тавба — қайтиш, яъни ахлоқий камолотга қайтиш демак. Тариқатга қадам қўйган одамининг ишити ва моҳияти биринчи навбатда унинг тавбасида аёнлашади. Бу демак, солик Худога стишниш йўлига ғов бўладиган жамики нарсалардан қайтишга қасамёд этади, бутун интилини, таважжуҳини Оллоҳга қаратади, аввалги ҳаёт тарзидан буткул воз кечади. Тавбанинг моҳияти ўз шуқсоиларни қўра билиш, қабиҳ ишлар, қабиҳ феъл, қабиҳ фикрдан қайтиш, дунёнинг маънисизлагини англаб, зулму адолатсизликдан қайтишини билдиради.

2. Варъя — парҳез, тақво деган маъниони билдиради, маънавий зарар келтирадиган (бузгучини) шубҳалардан сақланиш демакдир. Варъянинг уч хил кўриниши бор:

— тил варъя, яъни тилни беъмани гаплар учун ишлатмаслик, гийбат-туҳматга берилмаслик;

— кўз варъя, шубҳали нарсалардан сақланиш;

— қалб варъя, яъни пасткашликни тарқ этиш ва ноҳуш қилиқларни қилмаслик. Хуллас, тилга, кўзга, кулоққа ва оёққа банд солиш.

3. Зуҳд — варъянинг давоми ҳисобланади, парҳез, ҳазар қилиш демакдир. Таом ва ичимлиқдан сақланиш,

ҳалол ва ҳаромни ажратиш, мол-дунёга берилмасликни билдиради.

4. Фақр — қашшоқлик, бенаволик деган маъниони билдиради. Худога бандаликни сидқидилдан бажо келтириш, тупроқ—номи-нишонсиз бўлиш, ўта фақиропа ҳаётдан мамнун бўлиш, уни шараф деб билиш ва шу асосда камолликка эришиш:

5. Сабр-тоқат, чидам. Сўфиylар тилида қийинчиликлардан шикоят қўлмаслик, айниқса Худодан ўзгага нола-илтижо қўлмаслик. Сабрли ўзини бало гирдобига солиб, балолардан қўрқмайдиган оламдир. Сабр қилган солик ўз манзилига етади. Сабр-иймоннинг ярми дейдилар, чунки сўфиининг душмани бўлмиш нафс сабр орқали жиловланади.

6. Хавф — қалбнинг ишонч ва иймондан чиқиши, иккиланиш ва таҳликага тушишдан келиб чиқади. Шайтон найранги ҳам кўнгилга хавф түғдирини мумнини. Солик азобдан эмас, балки макрдан — нафс макридан қўрқмоғи керак.

7. Ражо — умидворлик. Қалбнинг келажакда маҳбуб васлига этишадиган умидворлиги, хавфдан қутилиш умиди.

8. Таваккал — барча яхши-ёмон ҳодисалар, ишларни худодан деб тан олиш, парвардигорга суюниш. Таваккал илоҳий файзга эътиқодли кишининг иймонидир. Бу маърифат камолидан келадиган иймондир.

9. Ризо — қалбдан кароҳат, яъни кир-кизыналарнинг кетиши, нафс, розилигидан чиқиб, ҳақ розилингига киришдир. Қазо амрига таслим бўлган қалбнинг сурuri⁷.

Шундан кейин илоҳий кучни билish жараёни бошланади. Бу жараёни мушоҳададан бошланниб кашф ва илҳом билан ниҳоясига етади. Кашф — бу сирли тўсиқларни (пардаларни) бартараф этиш орқали муқаддасликка эришишдан иборат.

Тасаввуф таълимотига кўра нафс инсондаги барча сифатлар — эзгулик ва ёвузлик, фазилат ва разолатнинг манбаси ҳисобланади. Демак, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам инсоннинг ўзиладир. Сулукнинг мақсади нафсни табиий иштиёқ, манший орзу-ҳавас шаҳвоний истаклардан тозалаш ва тарбиялашдан иборат. У инсондаги руҳ ва вужуд (жисмоният, моддият) хусусиятларининг ифодаси ўлароқ инсоннинг ички ҳолатидир. Ун-

⁷ Қаранг. Биродар Искандаров. «Сирли олам», 34—35-бетлар.

да салбий хоҳиши, ҳайвоний ҳисснётлар билан бирга юксак ғоялар, олижаноб интилишлар, яхши ниятлар ҳам маскан топган. Ана шу бир-бирларига қарама-қарши интилиш гояларидан таркиб тоиган нафсанынг турли қисмлари (унсурлари) ўртасида доимий кураш боради. Ақл (Рұх) салбий истек ва интилишларни ўзига бүйсундириб, уларни жиловлаш учун курашади, аммо нафсдаги салбий иллатлар ақл устидан ўз хукмронлигини ўтказишга ҳаракат қиласы.

Асосий масала мана шу биң-бириңге мүқобил кучларнинг қайси бири ғалаба қозониб чиқишига боғлик. Қачон нафсдаги турли салбий ҳисснётлар ақлта бүйсундирилса ва ақл томонидан бошқариладиган бўлса, инсон ўз-ўзини англайди, камолотта эришади, ўзининг юксак фазилатли инсоний бурчини бажарышга муваффақ бўлади. Нафси ана шундай тўғри йўлга солувчи воситалардан бири илмдир.

Тасаввуф таълимитика 7 миң нафс маежуд эканлиги эътироф этилади:

— Нафси аммора — ўткир нафс, кишини ёмон йўлга ундовчи нафс. Бу нафс инсонининг жисмоний табиатига хос хусусиятларини, ҳайвоний ҳис-туйғу ва турли иллатларни ўзида мужассамлайтиради. Унинг белгилари: жоҳиёнлик, хасислик, очкўзлик, кибр, ғазаб, шаҳвонийлик, ҳасад, лоқайдлик, гийбат, хусумат ва бошқалар.

— Ал-нафсал — лаввома, (таъна қилувчи, қораловчи, танбеҳ берувчи нафс). Унинг белгилари: бошқаларни айблашга мойиллик, ўйдирма сўзлар тўқиши, шухратпарастлик, муросасизлик, яъни одамлар билан чиқишимаслик, мунофиқлик, шон-шухрат ва амалга муҳаббат.

— Ал-нафс ал-мулҳама — илҳомланган нафс, яъни Худонинг шарофатига сазовор бўлган нафс. Унинг сифатлари: саҳоват, қаноат, илм, таслим, бўйсуниш, итоатлик, сабр, мурувват, карам, ҳиммат. Бу сифатларга солик тоат-ибодат ва яхши ишлар билан эришади.

— Ал-нафс ал-мутмайинна — тинчланган, юпатилган, жиловланган нафс. Унинг хусусиятлари: сабр, таваккул, шавқ, ташаккур, тақдирга тан бермоқ. Бу мақомда солик бошига тушган ҳар қандай қийинчилик ва дард-ҳасратларга бардош беради ва бу қийинчиликларни Оллохнинг синови деб қарайди. Бу мақомда со-

лик ҳақиқий олам сари қадам қўяди, ҳақиқатга эришиш учун курашади.

— Аи-нафс ар-ридйа — қаноатланган нафс. Унинг хусусиятлари: Худодан бошқа ҳамма нарсаларни тарк этиш, вафо, художўлик (Худодан қўрқиш), ридо (атрофда содир бўлаётган нарсаларга қаршилик кўрсатмаслик). Бу мақомда соликнинг қалби дунё ташвишларидан бутунлай ҳоли бўлиб, Худонинг хайр-саҳовати деңгизида чўкади ва авлиёлик мартабасига ўтишга бошлиди.

— Аи-нафс ан-мардийа — инсоний нафс. Унинг белгилари: ўткир зеҳнлик, дунёни тарк этиш, барча тирик жонизворларга меҳр-шавқат билан қараваш, ўзгаларнинг гуноҳларини кечириш, уларга меҳр-муҳаббат ва ҳамдардлик билдириш. Ўзининг юксак сифат ва фазилатлари билан ўзгаларга ибрат ва намуна кўрсатиши. Нафси мардийа даражасига эришган солик билан яратувчи ўртасидаги бирлик муҳаббатда ифодаланади.

Бу нафснинг соҳиби аввало инсоннинг ҳаёти ва тирикчилиги учун зарур бўлган барча илмлар ва касбларни ўзлаштиради, сўнг Худонинг розилиги билан солик ғойинот оламидан шаҳодат оламига қайтади. У бу оламда фақат яхши ишларни қилишга қодир бўлган ориф, авлиё ҳисобланади.

— Аи-нафсан — Комилта -- камолот топгани, камолотга етган нафс. Бу нафс олдинги мақомларда эришилган барча ижобий ва яхши сифатларни ўзида мужассамлаштиради. Бу нафс соҳиби комил инсон ҳисобланади ва Ал-Қаҳҳор даражасига эришади, унга Гониб деган унвон берилади. Еттинчи мақомда солик вазифаси Худога сафар қилиш жараённада, рух, ақлнинг ҳақиқат васинига етиб юксалиши, Худони англаб, ўзининг ҳолат маконини топиши; зот ал-Кулл — (Кулли ақл зотини) —Худони англашдан иборат.

Сулукнинг мана шу юқорида қайд этилган етти мақомига эришган солик ўз нафсини тадрижий тарбиялаш орқали юксак маънавият ва маърифат соҳиби бўлади⁸.

Сўфийлар назаридаги нафс инсонни дунёга боғлайдиган «зәнижир». Ҳадислардан бирида. «Рожаъна минал жаҳодил асгори илол жиҳодил акбар», яъни «Кичик

⁸ М. К. Орипов. Сулук ҳақидаги ҳақиқатни билиш. «Сирли олам». Т., 1995, № 95, 9-бет.

курашдан улуғ курашга қайтмоқдамиз», дейи.лган. Бу улуғ кураш — нафсга қарши кураш. Шунинг учун нафс қули эмас, балки унга ҳоким бўлиш лозим. Нафсни енгмоқ учун жиҳод даркор. Хусусан, нафсни енгиб, кўнгилни поклаш «тажриба» ларидан бирни шуки, дарвеш қирқ кун мобайнинда оз овқатланиб, оз ухлаб давомли ибодат орқали чилла тутиши керак бўлган. Буни тасаввуфда «хилват» (ёғизлик) дейдилар. Бунинг учун дунёдан этак силкиб, моддий муносабат ва алоқадорликдан кечини маъшуқи азали ҳаёли билан заҳмат тортиш лозим. Сўфиylар иккни турли. Ақл борлигини ёътироф этадилар:

1) Ақли кулл — илоҳий, қудратли, мутлоқ ақл бўлиб тангрининг фаол тажаллисидан иборат (Платоннинг «дунёвий ақл» — ноус (noys) ҳақидаги гояси). Илк маротаба Оллоҳдан дунёга келган бу ақл «Ақли аввал» ёки «Рухи аъзам» деб аталган. Шунингдек бу «ақли кулл»ни сўфиylар яна «ҳақиқати муҳаммадийя» деб ҳам аташган. «Ақли кулл»дан «нафси кулл» майдонга келганици, у лавҳа маҳфуз деб номланган. Бу Платон айтган дунёвий рух гоясига уйғун келади. Буюк мутафаккирлар Форобий ва Ибн Синонларининг бу борадаги ақидалари ҳам шундай, бу — Шарқ ва Гарб фалсафасида ворислик ва умумийлик борлигидан далолатдир.

2) Ақли жуз — инсоннинг ҳаёти, яшаш одоби, фаолиятига тегишли. Ақли жуз иккига ажратилган: а) ақли маод — илҳом ва ирфон билан тарбияланган инсонни охиратдан огоҳ қиласидиган ақл ва б) ақли маош — мавжуд дунёни, ҳаётни тушунишга хизмат қиласидиган ақл. Ақли маод — имон соҳибларнига, ақли маош эса барча кишилар учун хос деб ҳисобланган.

Сўфиylар фикрича, илм — ақлга, ирфон (маърифат манзили, шарти) — туйғуларга асосланади. Бу гояни, айниқса, Эрон мутасаввуфи Муҳаммад Фаззолий (1059—1111) ёқлаб чиққан. Худо ва уйнинг васлига эришиш учун, унинг моҳиятини англаш учун ақлнинг кучи ожиз. Худога фақат инсон ўз шахсий муҳаббати орқали эришиши мумкин. Шунга кўра, худо билан инсон ўртасида индивидуал, «интим» боғланиш мумкин эканлигига ишора қиласиди. Бу гояни ифодалаш учун тасаввуфда маҳсус рамзий белгилар мажмуй ишлаб чиқилган. Масалан, ёр, бут, санам, муғбачча, «томчининг денгизга интилиши», «булбулнинг гул ишқида мангу

ҳасрати», «парвона ё самандар ва шаму оташ» сингари рамзинй терминалар ва ўхшатишлар гүёй инсонни мутлоқ гўзалликка (Оллоҳга) илоҳий камолотга етиш орзуумидларининг ифодасидир. Ҳаққа сингиб кетиш, унга етишиш зикр ила амалга ошади. Зикр тил, дил ва бадан ила бўлиши жиҳатидан уч турлидир. Бадан ила кечадиган зикри («тил ва дил зикри» билан уйғунликда) Гарбда «экстаз» истилоҳи билан атардишар. Зикри жаҳрий — баланд овоз билан ижро қилинадиган очиқ-ошкора зикр. Зикри ҳуфия — пинҷоний бўладиган зикрдир. Лекин бу мақсадга эришиш усули холос, мақсад эса инсоннинг илоҳийлашувидир. Тасаввуфнинг Форсийа оқимининг намояндаси Мансури Ҳаллож (Х аср) «Ана-л Ҳақ» деб хитоб айтаганда, яъни менинг ўзлигим худонинг ўзлигидир, деганида иодон муллалар томонидан ўлдирилган. Аҳмад Яссавий бир ўринда «Билмадилар муллолар Анал-Ҳақни маъносин, Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмали муносиб»⁹, дейди. Дарҳақиқат, бу «имм» инг сиро нишада? Бу тўғрида буюк сўфий Жалолиддин Румий бундай деган: «Агар девордан сўз эшитсанг, билгилки, девордан эмас, унинг ортида кимдир деворни эшик дегандир. Авлиёлар эса ўлимдан олдин ҳам эшик, ҳам девор ҳукмини тинглайдилар. Уларда ўзликтан ном-нишон қолмайди. Улар гўёки Ҳақ қўлидаги қалқондирлар. Қалқоннинг жунбуши қалқоннинг ўзидан эмас. Ва «Анал Ҳақ» инг маъниси мана будир: қалқон айтади: «Ман орада йўқдурман, ҳаракат Ҳақнинг қўлидандир». Бу қалқонни Ҳақ англанг...»¹⁰. «Анал—Ҳақ» лик борлиқни яратган ва оламдаги ҳамма нарасада зуҳурланмиш вужуди мутлоққа биринчи ишончи бўлиб, инсоннинг илоҳийлашиш эҳтиёжини ифодалайди. Бу мәслакдаги ошиқларининг мазҳаби ҳар қандай диддан «ичкари», «куфр» лари «имондан ичкари» дир. Нодон мутаассиблар эса мана шу ҳақиқатни англай олишмаган.

III. Шуни қайд этмоқ зарурки, тасаввуфнинг ҳам амалий, ҳам назарий томони мавжуддир. Сўфиизм ислом диний таълимоти доирасидан дастлаб зоҳидлик, кейинчалик мистика шаклида ривожланган¹¹. Диний ақидаларни турлича талқин этиш ва бошқа иқтисодий-сиёсий

⁹ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент, 1990. 254-бет.

¹⁰ Уша ерда, 255-бет.

¹¹ Урга Осиё ҳалқлари хурфикрилилги тарихидан. М. М. Ҳайруллаев таҳр. ост. Т., 1990, 104-бет.

омиллар натижасида VIII—IX асрларда пайдо бўлган турли ислом мазҳабу оқимлари сўфийлик тараққиётига таъсир кўрсатган IX асрда Хуросонда «Футувват» (Жавонмардлик) ва «Айёрон» («дайдилар») иочи билан танилган косиб-хунармандларнинг яширин ташкилотлари тузилди. Бу жамиятларининг зоҳидлик гуруҳлари билан яқиндан муносабатда бўлганиклари ва турли ижтимоий ҳаракатларда иштирок этганини маълум. Хуросонда зоҳидлик ҳаракати заминидаги вужудга келган яна бир йирик мистика мактаби — «маломатийя» дир. Бу оқим маркази Нишопурда бўлган. Е. Э. Бертельс маломатийя оқимиға мансуб кишилар учун ўз-ўзини комиллаштириш, юракни поклаш бош вазифа ҳисобланганлигини ёзган. Лекин бу иш мутлақо шахсий ҳаракат тарзида атрофдагилардан яширини, кўз-кўз қилинмасдан амалга оширилини шарт бўлган. Маломатийя — бу, инсоннинг ўз-ўзини таҳтилдан ўтказиш, таҳлил этган сайнин иуқонлар учун ўзини аямаслик ва уларни маломат тилида фош қилмоқ йўлидир. Бу йўлда одам барча ёмон хислатларини сира яширмасдан ошкор қиласверган. Аммо бунииг акси ўлароқ, у яхши фазилатларни қатънат билан пинҳони сақлаган. Молнарастлик, жаҳолат, ҳайвоний нафсга қарши кураш; ботаний ахлоқ ва ниятиниг поколигига эришини маломатийя ҳаракатининг асосий шиорлари эди. Маломатийя ҳаракатининг амалий томонлари кучли бўлганигини кўнгадиқотчилар эътироф этишади.

IX—X асрларда Хуросон ва Моварооннаҳрда қатор сўфиёна оқимлар вужудга кела бошлади. XI аср мутасаввуфи Жуллобий Хужвайри (1074 й. вафот этган) «Қашф ал-маҳжуб» деган рисоласида IX—XI асрларда Ироқ, Эрон, Хуросон ва Моварооннаҳр ҳудудида мавжуд бўлган тасаввуфнинг 11 оқими ҳақида хабар беради¹². Булар: Мухосибийя, Кассорийя, Тайфурийя, Жунайдийя, Нурийя, Саҳлийя, Ҳакимийя, Ҳаррозийя, Ҳафиийя, Сайёрийя, Ҳилмонийя, (ёки Ҳулумийя), Форсийя (ёки Ҳалложийя) дир. Жуллобий фикрича, улардан ўнтаси ҳукмрон мусулмон пешвоиари томонидан ъхши қабул қилинган, иккитаси эса рад этилган, дейди. Жуллобий бу икки оқимнинг таълимоти ўша давр расмий ислом дини (ашъорийя) га энд бўлган, дейди.

¹² Абул-Хасан Джуллаби Али Хужвири. Научно-критический текст. Подг. к изданию В. Жуковский. М., 1926, 164-бет.

Хилмонийа, Абу Хилмон Дамашқий (Х) таълимоти. Юқорида номи зикр этилган Мансури Халлож шу тариқат солики эди.

Форсийа, яъни хурросонлик Форс Диноворийшинг (Х) сўфиёна сулукни, уларнинг таълимоти «Хулумийа» (эмонация) ва «Таносух» (инсон жонининг ўлимдан кейин танадан танага кўчиди юриши) ҳақидаги таълимот ақидаларига асосланган. Уларни «аҳли бидъат» деб аташар эди.

Энди, қолган ўита сулук тавсифи қўйиндагича, хусусан: улардан айримлари: Кассорийа, яъни Абу Солих Ҳамдун ибн Аҳмад ибн Аммор Қассор (866 йилда вафот этган)нинг сўфиёна тариқати. Машхур «маломатийа» сулукни ҳам шу тариқатдан бошланади. Абдураҳмон Суламий ҳам шу мазҳаб солики эди.

XI асрда маломатийа оқимиidan қаландарийа сўфийлик оқими вужудга келди. Машхур сўфий Шаҳобиддин Суҳравардий (1154—1234) «Авориф ал-маориф» китобида шундай маълумот келтиради: қаландарийа оқимиининг муридлари (иродатмайд, шогирл) шарнат юзасидан мажбурий ҳисобланган намоз ўқиш, рӯза тутишга амал қилимасдилар, жулдур кийимда юришардилар. Улар ташки кўрниш ва феъл-атвор аҳамиятсиз эканлиги, муҳими қалб тозалигиги, маънавий гўзал бўлиш кераклигини уқтирадилар¹³.

Тайфурнийа — Боязид Тайфур ибн Исо Бистомий (875 ёки 878 йилда вафот этган) сулукни. Қўплаб тариқатлар ушбу оқим билан бевосита алоқадор бўлган. Тайфурнийа таълимоти «ваҳдати вужуд», «фано», «сўқр», «ёҳуд сархуштиқ» (худога бўлган ишқининг кучлилигидан мастрлик ҳолатига тушиш) ақидаларига асосланган эди.

Жунайдийа — Абулқосим иби Мұхаммад Жунайд Бағдодийнинг (910 йилда вафот этган) сўфиёна тариқати. Унинг асосий сўфиёна ақидаси саҳвдир. Ҳушёрлик, мурид сўқр босқичидан ўтиб фоний бўлгач боқийликка эришмоқ учун ўз ички оламини, аҳволини илоҳий ҳушёрлик билан назорат қила олиши керак. Қейинчалик кўплаб тариқатлар шу ақидани шиор қилиб олган эдилар (хусусан, нақшбандийа таълимотининг «хушдар дам» («ҳар онда ҳушёрлик») ақидаси бунга ми-

¹³ И. М. Мўминов. Философские взгляды Мирзы Бедиля. Т. 1957, 14—17-6.

солдир. Юсуф Ҳамадоний (XV а.) ва унинг муриди Ҳожа Абдулхолик Ғиждувоний ҳам шу ақида эдилар¹⁴.

Ҳакимйа — Абу Абдулло Мұхаммад ибн Ҳаким Термизий (ҳижрий 1068 йилда вафот этган) сулуки. Ҳаким Термизий тасаввуфда авлийлар мұхым ахамияттаға эга бўлганлиги ҳақилаги ақида тарафдори эди. (Маърифати бутунлай Оллоҳга боғланган орифга валий ёки орифи биллоҳ дейилган).

Юқорида номлари зикр этилган сўфиёна оқимларниң кўпин Ҳурносон ва Мовароунинаҳрда фаолият юргизгани. VIII—XI асрларда яшаб ижод этган мутасаввуфлардан Тамимий (723), Муборак Марвазий (787), Жақиқ Балхий (810), Бижр Ҳофий (841), Боязид Бистомий, Абутхайр Майхоний (1048), Ҳарақоний (1034), Кушайрий (1073), Фармодий (1084), Абдулло Анзорий (1089) лар машҳур эди. Муриллар учун инсоний камолот тимсоли бўлган, тариқат ўйлидаги маънавий устозилини шайх, мурод, муршид, маъшуқ (ёр, дўст истилоҳларининг талқини каби унинг бошқа маъноси худо демакдир), пири тариқат, пири майкада, пири суҳбат, пири комил, соҳибдил каби истилоҳлар билан номланганлар. Пири муршидларниң ўзи ҳам инсоний ва маънавий камолотнинг қай даражасига эришганлигига мувофиқ турли уивонларга эга бўлганлар; қутб, автод (пешво), ғавс (чуқур тафаккурга гарқ бўлган), қутб ал-қутб ва бошқалар.

Шарқшунос олим И. П. Петрушевский X—XI асрларда Ҳурносон сўғизмийнинг маркази бўлган, дейди. Бу даврда у Ҳурносонда сўфийлар хонақоҳлари сони 200 га етгани ва 300 дан ортиқ машҳур сўфийлар бор бўлганлигини ёзди¹⁵.

4. XI—XV асрларда ҳам Яқин Шарқ, Ҳурносон, Мовароунинаҳрда юздан ортиқ сўфиёна таълимотлар бўлгани. Абдулло Анзорийдан ва Кушайрийдан ташқари Аҳмади Жом (1141 йилда вафот этган), Юсуф Ҳамадоний ва унинг шогирдлари Ғиждувоний ва Ҳожа Аҳмад Яссавий (1166—1167 йилда вафот этган), Фариддин Аттор (1119—1230), Саъдий Шерозий (1184—1291), Баҳовуддин Нақшбандий (1388 йилда вафот

¹⁴ И. М. Мўминов. Философские взгляды Мирзы Бедиля. Т. 1957. 14—17-б.

¹⁵ И. П. Петрушевский. Ислам в Иране. Л., 1966, 325-бет.

этган) ва унинг шогирдларидан Хожа Аҳрор (1401—1490) ҳамда унинг мўътақидлари Абдураҳмон Жомий (1414—1492) ва Мир Алишер Навоий (1441—1501) ва бошқалар тасаввуф аҳлидан эдиар.

Абдулло Ансорий ва Аҳмади Жом ўз шеърларида юксак инсониарварлик ғояларини тараним этганилар. Масалан, Аҳмади Жом барча динлар баробарлигини шундай таърифлаган:

*Ислому куфир жумла шуд ба роҳи ишӣ,
Онро ки ў ба роҳи ҳудованд ошност.*

яъни:

*Ислому куфрудир ишӣ тӯлида бир,
Худони билганига ҳаммаси бирдир¹⁶.*

Абдулло Ансорий ҳам бошқа динларга мансуб кишиларни ҳақоратлашни, мансабига ва раангига қараб одамларни ажратишни қоралайди:

*Ҳақоратли ўзгаларга ташлама нигоҳ,
Тоқи таҳқири кӯзлардан бўласан узоқ.
Ким бўлмасин хоҳ дарзеш у ёки подшоҳ,
Бир асл, бир жавҳардандир боққин тузукроқ¹⁷.*

Бошқа бир байтда:

*На дар рангу пўст нигар,
Дар нақди дўст нигар.*

яъни:

*Дўст қора танили бўлсин ёки оқ,
Гап унда эмас, аслига сен боқ.*

Буюк сўфий Аҳмад Яссавий ҳам на мусулмонга, на кофирга — ҳеч бирорвга озор бермаслик шартдири, дейди:

*Суннат эрмиш, кофирир бўлса, берма озор,
Кўнгли қаттиғ дилозордан худо безор.*

Ансорий ўзининг «Табақот ус-сўфийа» асарида: «Инсон қалблари учун хизмат қилиш ибодатдан ҳам манфаатлироқдир», — дейди. Яна бир шеърида худди шу ғоя қўйидагича талқин этилади:

¹⁶ Урта Осиё ҳурфикрлилиги тарихидан. 114—115-бетлар.

¹⁷ Уша ерда. Бундан кейинги шеърий парчалар ҳам шу китобдан олинди. 116—117-бетлар.

*Худо дег якки қаъба бўйгандир ҳосил,
Бири ташқи каъбаю, иккинчиси дил,
Қурбингча дилларни зиёрат қилиғил,
Минглаб каъбалардан афзалроқ бир дил.*

Шайх Саъдий:

*Дил ба даст овар ки ҳажжи акбар аст,
Аз ҳазорон каъба як дил беҳтар аст,
Яъни:
Бир дилни шод қилгил ҳажжи акбардир,
Минглаб каъбалардан бир дил беҳтардир,*

деганда Абдулло Аисорий ҳижматини тасдиқлайди.

Худонинг борлиқдаги барча нарсаларда тажалли этиши ҳақидаги гоя эса Аҳмади Жомининг қўйидаги шеърида ўз аксини топган:

*Манам дар кули мавжудот пайдо,
Манам дар кисвати одам Ҳувайдо.
Ба зоҳир зоти ман дар жумла ашест,
Манам жуз ман набошад хеч пайдо.*

Мазмани:

*Мен барча мавжудотларда бўламан пайдо,
Мен одам либосида ҳам бўйдим Ҳувайдо.
Зотим барча ашёларда бўйлар намоён
Барни мену, ўзга нарса бўлмайди пайдо.*

Сўфий мутафаккирлар айрим руҳоний, шайхларининг риёкорлиги ва мунофиқлигини, ҳукмдорларнинг адолатсизлигини лаънатлаганлар. Уларни ҳақиқа зулм ва ситам қилмасликка ундағанлар. Абдулло Аисорий замонасининг вазири Низомул—Мулкка нома ёзиб, уни ҳалқка шафқат қилиб, адолатли ҳукм юритишга чақирган. Қубравия тариқати вакиллари (XIII аср, Хоразм) Чингизхон қўшинларининг Хоразмни забт этишларини бир қалича муддатга орқага сурғанлар.

Сўфиий — мутафаккирлар «инсони комил» — баркамол инсон ақидасини тарғиб этиб, одамларни камолотга эришинш учун маънавий ривожланиш даражаларидан ўтмоққа ва шу асосда одамийлик, самимийлик ва бошқа гўзал инсоний фазилатларни эгаллашга чорлаганлар. Хусусан, Абдулло Аисорий:

Илм излаган азиздир, мол-мулк излаган эса
жирканч,
Илм бошингга тождир, жоҳиллик эса
бўйнингга кишиан,

дея одамларни илм-маърифатга даъват этади.

Аҳмади Жом эса инсоннинг руҳий ва жисмонан эркинлиги, озодтигини шарафлаб шундай деган эди:

Гар қул бўйласам яшайин озод!
Тумагандир қуллик учун онам зот.

Бу хитоб ўша даврнинг мавжуд зиддиятлари, иллатларига қарата айтилган эди. Шу каби юксак инсонпарварлик гоялари билан сугорилган тасаввуфнинг мазмунан бой, шаклан ранг-баранг таълимоти асрлар оша инсоният маънавият олами эътиборини ўзига жалб қилиб, Шарқ фалсафаси тарихидагина эмас, балки жаҳон фалсафа тарихи тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келди. Ҳозирги авлод ўз тақдирига таҳсиллар айтса арзийдики, эндилиқда биз Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги шарофати туфайли минг йилликлар давомида қарор топган ана шу бебаҳо маънавиятимизнинг битмас-туганмас бойликларини чуқур ўрганиш, илмий таҳлил қилишдек имкониятларга эга бўлдик.

Мусулмон ҳалқларининг маънавий мероси ва тасаввух фалсафаси мавзуи бўйича қуидаги адабиётларни тавсия этиш мумкин.

1. Қуръони Қарим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т. Чўлон, 1992.
2. Ал-Бухорий. Ҳадис. (Арабчадан Абдулғани Абдуллоҳ таржимаси). I—VI томлар, Т., 1990—1992.
3. Ислом асослари. Т. «Ўқиути», 1991.
4. Мехнат Суймени. Ислом дини асослари, Т., 1993.
5. Азимов Қ. Ислом ва ҳозирги замон. Т., 1991.
6. Каримов Г. М. Шарнат и его социальная сущность. М., 1978.
7. Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература, М., 1965.
8. Степанянц М. Т. Философские аспекты суфизма. М., «Наука», 1987.
9. Гойбизэр хайлидин ёнгани чироклар (тўплам). Т., 1994.
10. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввух ва шарнат. Т., 1991.
11. Искандаров Биродар. Тасаввух фалсафаси. Т., 1995.
12. Орипов М. К. Поклик ва комиллик рамзи. «Ёш куч». Т., 1994. № 1.

13. Орипсб М. К. Ваҳдат ул-вужуд. «Ёш куч». Т., 1994, № 4.
14. Орипов М. К. Тасаввуфда билиш назарияси. «Сирли олам», Т., 1996, № 1.
15. Орипов М. К. Сулук — ҳақиқатини билиш йўли. «Сирли олам», Т., 1995, № 95.
16. Комилов Н. ТиксоЛлар тимсоли. Т., 1991.
17. Комилов Н. Шоҳу гадо ҳикмати. Т., 1997. «Шодлик», № 2.

III БОБ

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ШАРҚ РЕНЕССАНСИ (УЙГОНИШ) ДАВРИ ФАЛСАФАСИ

1. IX—XIII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИҚТИСОДИЙ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА МАҲНАВИЙ МАДАНИЯТ

1. IX—XIII асрларда Марказий Осиёда иқтисодий ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва маънавий маданият.
2. Шарқ уйғониш даври фалсафаси.
 - 2.1. Мұхаммад Мусо Хоразмий.
 - 2.2. Абу Наср Форобий.
 - 2.3. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад Хоразмий.
 - 2.4. Абу Райҳон Беруний.
 - 2.5. Абу Али иби Сино.
 - 2.6. Юсуф Хос Хожибининг аҳлоқий дидактикаси.
 - 2.7. Аҳмад Юғнакийниң аҳлоқий қарашлари.
 - 2.8. Паҳлавон Маҳмуд ва унинг аҳлоқий ўйтлари.

IX—XIII асрлар — Марказий Осиёда тарихий воқеаларга ғоят бой бўлган даврдир. У Марказий Осиёҳа ҳалиқлари моддий ва маънавий маданиятининг ривожланишидаги ёркни саҳифалардан биридир. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бў даврни шартли тарзда «Ренессанс» даври деб атасади. Иқтисод, фан ва маданиятининг ғоят гуллаб-яшинаши бу давр учун харakterli бўлган. Аммо, ана шу даврдаги Марказий Осиёниң ижтимоий тузуми ҳақида галирганда, унинг ғоят мураккаблигини, ижтимоий муносабатларниң хилмакиlliгини, давлатлар ҳокимиётининг сиёсий жиҳатдан бетўхтов ўзгариб турганлигини қайд қилиб ўтмасликниң иложи йўқ.

Маълумки, VIII аср бошида Марказий Осиё ва Эрон халқларининг арабларга қарши бошлаган ҳаракатлари деярли бир ярим аср давом этди. Гурек, Да-вонта, Ибн Сурайж, Абумуслим, Муқанна, Рафи иби Лейс тарафдорлари ва бошқалар бошлигидаги озодлик кураши ниҳоят Марказий Осиё ва Хуросонда араб ҳалифалиги ҳокимиятининг қулашига олиб келди. IX асрнинг биринчи ярмида мамлакатни идора қилиш маҳаллий феодал династиялар — Сомонийлар, сўнгра Қорахонийлар, ундан сал кейинроқ эса Фазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар кўлига ўтди. Марказий Осиёнинг хорижий истилочиҳардан халос этилиши мамлакат иқтисоди ва маданийтигининг қайта тикланишига имкон берди, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишини жадаллаштириди.

IX—XI асрларда Марказий Осиё бутун Яқин ва Ўрта Шарқдаги ривожланган ҳудудлардан бири эди.

Мовароуниҳар ва Хуросонда Сомонийлар даври маданий ҳаётнинг гуллаб-яшнаши билан характерланади. Бухоро, Урганч, Самарқанд, Марв ва шу каби шаҳарлар маданий марказлар сифатида дунёга донг таратди. Фан, адабиёт, архитектура ва тасвирий санъат айниқса гуллаб-яшиади. Рудакий ва Дақиқий каби атоқли сўз санъаткорлари, машҳур «Шоҳнома» достонининг муаллифи Фирдавсий, буюк қомусчи олим Абу Али ибн Сино, тиббиёт соҳасидаги атоқли олим Абу Мансур ибн Нўҳ ал Камарий, ажойиб тарихчилар Баламий ва Наршаҳий ҳамда кўпгина бошқа машҳур арбоблар Марказий Осиёда ҳудди ана шу сомонийлар ҳукмронлик қилган даврда яшадилар ва ижод қилдилар.

Маданий ҳаётнинг гуллаб-яшнаши асосан иқтисод, қишлоқ ҳўжалиги ва хунармандчилик ишлаб чиқариншигининг ўсиб кетган эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, булар феодализмнинг Ўрта-Осиёда ўз илк босқичидан ривожланган босқичига ўтиши билан алоқадор эди¹. Ана шу даврда Бухорода Исмонл Сомоний мақбараси каби ажойиб архитектура ёдгорлиги ҳам қурилган эди-ки, бу ёдгорлик ўзининг ташки кўриниши мураккаб тузилиши билан ҳамои кишиларни ҳайратга солиб келади. Бухоро шаҳри деворларини мустаҳкамлаш ва қонгайтириш, шаҳар аҳлини сув билан таъминлаш бо-

¹ Я. Г. Гулямов. Эпоха Абу Райхана Беруний. В сб. «Беруний и гуманистические науки», Ташкент, 1972, 26-бет.

расида күп ишлар қилинди; янги-янги канадлар, йўллар ва ҳоказолар бунёд этилди.

XI аср бошида (яъни мўгулларгача бўлган даерда) Марказий Осиёда Тянь-шань бош тизма тогининг ҳар икки томонида Қорахонийлар сулоласен ҳукмронлиги қарор топади.

Марказий Осиёнинг Қорахонийлар томонидан босиб олиниши Сомонийлар давлатида юзага келган зиддиятларга барҳам бериши керак эди.

Ижтимоний-иқтисодий жиҳатдан қараганда Марказий Осиёнинг Қорахонийлар томонидан забт этилиши турмуш укладини кескин ўзgartирди. Аҳоли камбағал қатламлари кўчманчиликдан ўтрок турмуш кечиришга ўтди. Ўтрок турмуш тарзи ҳокимият билан аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг сиёсий таркибини тубдан ўзgartиріб юборди.

Давлатни бошқариш системасида ҳам Қорахонийлар даврида қатъний ўзгариш юз берди. Ўтказилган ислоҳотлар остида марказлашган давлатининг амир томонидан яккабошлиқ усулида бошқарилишидан иборат эски система қулади. Давлат янги сиёсий таркибга эга бўлди.

Қорахонийлар давлатининг бир қанча туманларга бўлинисб кетиши шаҳарларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди, чуки шаҳарлар Қорахонийларнинг босқинчилик юришлари найтида деярли зарба кўрмаган эдилар. Шаҳарлар маъмурӣ марказларга, ҳунармандчилик жамланган марказларга айланса бошлади. Уларда руҳонийлар, фан ва санъат арбоблари мустаҳкам ўришиб олдилар. Шаҳарлар билан ёнма-ён қишлоқлар пайдо бўлиб, энди шаҳарлар ўтрок дехқонлар билан кўчманчилар ўтасида воситачилик ролини ўйнай бошлади.

Қорахонийлар сулоласининг ҳукмронлиги гултаб-яшинаган даврда хонларининг бутун куч-ғайрати фақат ҳарбий куч ёрдамидагина эмас, шунингдек кишида катта ҳурмат уйғотувчи ажойиб архитектура ишоотларини куриш, фан ва маданиятининг ривожланиши ҳақила муайян даражада жон куйдириш йўли билан ҳам ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Чунончи, ўймакорлик санъати XII асрда юксак камолотга етган эди. Бронзадан бадиий буюмлар ишлаш санъати, айниқса ривожланди.

Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларидан биринь бўлган Пойкенидни тиклашга ҳам уриниб кўрилди. Бу-хорода 1127 йилда Арслонхон қурдирган жоме масжиди ёнидаги баландлиги 52 метрли ажойиб минора ҳали ҳам қад кўтариб турибди.

Ана шу даврда фан ва маданият, адабиёт ва санъат анча гуркираб юксалиб борганилиги кўзга ташланди. Айрим Қорахонийлар дунёвий фанларининг ривож тошишига бирмунча мойиллик кўрсатар, олимлар билан тез-тез учрашиб турага эдилар, ўз саройларида каттакатта кутубхоналар барпо этган эдилар, бу кутубхоналарга эса араб ва Гарбий Европа олимларининг энг яхши асарлари, илмий рисолалари жамланар эди. «Қутадгу биллик», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Қобуснома» ва ҳоказолар ўша замонининг ахлоқий-дидактик асарлари орасида алоҳида ўрини эгалладики, булар феодал жамияти юқори табақаларишинг ахлоқий қондалари ва хулқ-атвор нормаларининг ўзига хос бир мажмуаси эди. Уларининг пайдо бўлишини ўзгариб кетган социал структурага, янги ижтимоий муносабатларга жавоб берадиган асосий хулқ-атвор қондаларини маълум тартибга солиш жуда ҳам зарур бўлиб қолганлигига боғлашади. Қорахоний ҳокимлари ўз ахлоқий тушунчаларига мос келадиган хулқ-атвор нормаларини белгилаб қўйиншдан манфаатдор эдилар. Қорахонийлар даври яна шуниси билан ҳам характерларни, XI—XII асрларда туркий тилда сўзлашадиган ва кейинчалик ўзбеклар деган ном олган халқининг шаклланиши жараёни асосан ниҳоясига етди, ўзбек тилининг келиб чиқиши эса ага шу халққа бориб тақалади.

Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону лугатит турк» фундаментал асари XI асрнинг ажойиб адабий обидаларидан биринь бўлиб, унда фақат турк тилларининг тарихини эмас, балки фанининг бошқа тармоқларига ҳам онд бўлган, айниқса, ахлоқий муаммолар ҳақида гоят қимматли маълумотлар берилган. Маълумки Қорахонийлар давлати илгари Сомонийларга қарашли бўлган худудга жойлашган бирдан-бир давлат эмас эди. XI аср бошида ана шу ҳудудининг жашуби-гарбий қисмида, Шимолий Ҳиндиистон чегараларидан тортиб то Каспий денгизининг жашуби қиргоқтаригача чўзилган, ҳозирги Афғонистон ва Шимолий-Шарқий Эрон вилоятларини ўз ичига олган кенг майдонда Газнавийларниң қудратли давлати, шундан сал кейинроқ эса

Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари ташкил топдики, улар Марказий Осиёда мӯгуллар ҳукмронлик қилган давргача яшаб келди.

Тарихий фактлар шундан далолат бериб турибдики, Фазнавийларнинг қудратли давлати фақат Эрон, Марказий Осиё халқларинигина эмас, балки Шимолий Ҳиндистон халқларини ҳам асоратга солиш эвазига бунёд этилди. Фазнавийларнинг бетўхтов босқинчилик юришлари ана шу жойлар ҳалқларига беҳисоб кулфатлар ва хонавайронликлар келтириди. Ҳонавайрон этувчи солиқлар машаққати остида катта-катта унумдор ерлар ташландиқ вайроналарга айланди, айрим жойларда сунъий сугориш ишдан чиқди.

Лекин шундай оғир сиёсий вазият ҳукм сурган бир шароитда ҳам илмий ва ижтимоий — фалсафий фикр ривожланди, ишдан тўхтамади, жуда кўплаб олимлар бу ерга зўрлаб келтирилди, уларга бу ерда илмий иш қилиш учун қулай шаронит түғдириб берилди. Ана шу олимлар орасида Абу Райхон Беруний ҳам бўлиб, у ўз асарларининг кўп қисмини, хусусан уни бутун дунёга машҳур қылган «Ҳиндистон» асарини ҳам шу ерда ёзди. Ўша даврдаги бошқа йирик асарлар қатори Байҷақийининг фундаментал тарихий асарини, Гардизийининг «Зайн ал-Ахбор» деб аталган асарини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Мовароунинар ва Эроннинг жуда катта ҳудудида Салжуқийларнинг буюк давлатини ташкил точиши Фазнавийлар давлатининг қулашига олиб келди, ҳамда Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маъниавий ҳаётига анча-мунча ўзгаришлар киритди. Бу ўзгаришлар энг аввало кўчманчилар ҳаётига даҳлдор бўлдики, улар асосан дехқончилик билан шуғулланиб, тезда ўтроқ турмуш кечиришга ўтдилар. Салжуқий ҳоким бутун империя қудратининг тимсоли бўлиб, империя эса бутун хон урганининг мулки деб эълон қилинар эди. Шундай бўлишига қарамай, Салжуқийлар ўтказган сиёсий ислоҳотлар империянинг парокандалигини бартараф этишга қодир эмас эди, бу парокандалик кўпинча қон-қардошлар орасидаги низоларга олиб келлар эди. Бунга ўша пайтда қабул қилинган мулк системаси ҳам муайян даражада кўмаклашарди.

Салжуқий ҳокимлари ва давлат арбобларининг шахсий сифатларига келганда, улар бу жиҳатдан Фазнавийлар династиясининг шахсий сифатларидан афзал

әдилар. Чунончи, дастлабки салжуқ хонлари муюмалада жуда ҳам оддий бўлиб, кийим-кечаклари эса ўз жангчилариниқидан деярли фарқ қилимас эди, ўз жангчилари билан улар баббаравар меҳнат қилишарди.

Тўғри, салжуқийларнинг ҳарбий юришларда муттасил иштирок этишлари хонлар ва лашкарбошиларининг билим ва маданий савияларига таъсир кўрсатмай қолмади. Ҳатто қудратли султон бўлган Санжар ҳам на ўқиши, на ёзиши билган. Салжуқ ҳокимлари камолотининг наст даражада бўлиши, табиийки, фан ва маданиятнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсата олмади.

Хоразмининг Салжуқийлар ва Қорахонийлар қарамлигидан халос бўлиши бу ўлканинг анча даражада юксалишга олиб келди. Хоразм ўзининг моддий ресурслари ва маънавий анъаналари туфайли қудратли имкониятга эга эди. Бу мамлакат ўзининг бой ва юксак маданияти билан азалдан шуҳрат қозонган эди. Хоразм шоҳи Маъмун ибн Маъмун (999–1017 йиллар) замонида Хоразм катта муваффақиятларга эришди, иқтисоди ва маданияти ривожланди, ҳарбий қудрати мустаҳкамланди. Урганичда сарой қошида йирик маданий марказининг барпо этилиши учуннегизни билан боғлиқдир. Бу даврда Маъмун академияси деб аталган илм маркази қарор топди ва бу ерда ўша даврнинг энг талантли олимлари тўпланиган эди. Урганичда Ибн Сино, Беруний ва бошқа буюк олимлар бирмунича вақт яшаб ўз асарларини яратдилар. XI–XII асрларда ҳунармандчиликнинг муваффақият билан ривож топиши ҳамда Гуз сахросидаги ва Хоразмдан узоқ-узоқтарда жойлашган мамлакатлардаги кўчманичилар билан савдонинг ўсиши туфайли Хоразмининг моддий ресурслари тобора кўпая борди. Бунга Хоразмининг, бир томондан, Поволжъедан Марказий Осиё срқали Мўғулистон ва Хитойга, иккинчи томондан, Эроға борадиган карвон ва савдо йўллари ўтадиган жойда — жуғрофик жиҳатдан қулай жойлашуви ҳам кўмаклашди. Хоразмининг бу йўл устида бўлганлиги шуни белгилаб бердики, у ача шу даврда Шарқ ва Ғарбининг деярли ҳамма ривожланган мамлакатлари билан савдо қилас эди. Мақдисийнинг сўзларига кўра Поволжье ва Русдан Урганч орқали славян қуллари (улар арзимаган пулга сотилар эди), шунингдек, қимматбаҳо мўйналар, чорва, чармажун, шам ва ҳоказолар келиб турар эди. Шарқ мамла-

катларидан бу ерга ип ва йпак газлама, бүёқлар, тайёр кийим-кечак, дориворлар, заргарлик буюмлари, қанд-курс, құруқ мева; пахта ва ҳоказолар ортилған қареншлар келарди. Хоразмнинг ўзида аинчагина тако-миллашган сүфориш системасынга асосланған қишлоқ хұжалыгы жуда ҳам ривож топди. Құпайиб кетған моддий бойликтар эса ҳарбий құдратни мустақамлаш учун асое бўлиб хизмат қилди, ҳамда хоразмшоҳлар олиб борган ташқи сиёсий ишларнинг муваффақиятли чиқишига гаров бўлди.

XIII асрнинг биринчи чораги охирига келиб Хоразм бутун Марказий Осиё ва Яқин Шарққа деярли батамом әгаийк қиласы. Бироқ, Марказий Осиё халқларининг Хоразм құшинлари томонидан Мовароунинахри озод этилишигига боғлаган умидлари шучга чиқди. Хорижий истилочилар — қора хитойлар зулмидан озод бўлиш амалда Хоразмнинг ҳарбий-сиёсий күчлари келтирған тутекунийк ва азоб-уқубатлар, зўравоиликлар билан атманий, дейиш мумкини. Бунга жавобан кўп вақт ўтмай каттэ-кatta қўзғолонлар бошланғанligи таажжубатарни әмас. Хоразмшоҳ Мұхаммад томонидан 1206 йилда Бухорода ҳунармандлар қўзғолонининг ва 1212 йилда Самарқанд халқ қўзғолонининг бостирилтиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мўғуллар истилосига қадар Марказий Осиё халқлари ва давлатларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳәёти умуман олганда ана шундай эди.

Мўғуллар ҳукмронлик қилған давр Марказий Осиё халқлари тарихида энг фожиали ва хор-зорлик авжига чиққан замонлардан бири бўлди. Истилочи мўғулларнинг бир ярим асрлик ҳукмронлигини Мовароунинахрининг ва бошқа забт этилган шаҳар ва қишлоқларининг аҳолисига чексиз кулфатлар келтирди. Мўғуллашкарлари ўзлари забт этган шаҳарлар ва қишлоқларин батамом вайрон этди, кишиларни доимо кўркув ва штоат остила тутиб келди, Самирқанд, Бухоро, Марв, Урганч ва бошқа шу каби йирик шаҳарларнинг халқлари, айниқса, кўп азоб-уқубатларни бошлиридан кечирдилар. Ирригация системаси вайрон этилди. Марв воҳасининг ва Амударё ўңг соҳилининг кўп районлари батамом таназзулига юз тутди. Мехнат қилувчилар етишмаслаги туфайли деҳқончилик хұжалиги аинча қисқарди, бутунлай яроқенз бўлиб қолди. XIV асрнинг 60-йилларидан ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ҳам, деҳқон-

чилик ҳам хатто XII аср ва XIII асрнинг бошларидағи даражага ета олмади.

Босиб олингац вилояттар дархол Чингизхонининг ўғиллари ўртасыда тақсимланди, улар эса Марказий Осиё халқарини аёвсиз тарзда әзиб келдилар. Хилтамахи: солиқлар ва ўлпонлар солиши жуда ҳам ҳаддан ошиб кетди, қашшоқ ва иочор аҳволга солинган қишлоқ, шаҳар аҳолиси ғоят оғир шароитда яшади.

Мұхтожлик ва хилтама-хил азоб-үқубатлар туфайли жипслашған халқ оммаси мүгүл зотимларига қарши курашға қатынғат билан күтарили. Чунончы 1238 йылда Бухорода элакчи уста Маҳмуд Торобий бошчилигида қўзғолон боштанди. Торобий ҳаракати мўғулларга қарши соғ озодлик ҳаракати туспини олиб, бирнинчи галда халқни жуда ҳам әзиб ташлаган солиқларга қарши қаратилған эди. Кўзғолончилар феодал тартиблар тургунлигини йўқотишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймаганикларига қарамай, ана шу улкан қаршилик кўрсатиш маконининг мўғуллар томонидан тезда аёвсиз бостирилишига қарамай, Маҳмуд Торобий бошчилик килтән кишилар ўзларининг шундай куч-қудратлари ва жипслекларини, мўғуллар тартиботига бўлган шундан нафратларини намойиш этдиларки, натижада истилочинлар ва маҳаллий феодаллар аввало солиқ системасини тартибга солиши, ҳарбий ва гражданлик ҳокимияти келтираётгани азоб-үқубатлар ва ўзбошимчаликни чеклаш борасида бирмунча ён берди. Бироқ, истибоддининг бу шафқатсиз формасини ислоҳ қилиш йўлидаги бу занф уринини албатта, Марказий Осиёнинг бутун ҳудудидаги камбагал аҳоли аҳволини ўзгартира олмади.

Марказий Осиёда мўғуллар ҳукмрон бўлган даврдаги энг йирик қўзғолонлардан бири сарбадорлар ҳаракети бўлиб, унда аҳолининг жуда кенг қатламлари: деҳқонлар, ҳунармандлар, ўрта ҳол деҳқонлар, ақлий меҳнат намояндатари қатнашдилар. Сарбадорлар қўзғолони фақат мўгулларга қарши ҳаракат бўлиб қолмай, у маҳаллий йирик феодалларга, мусулмон олий руҳонийларига, бой савдогарларга ҳам қарши қаратилған эди.

Хорижий муштумзўрларининг чидаб бўлмас даражадаги зулми ва ўзбошимчалиги халқининг сабр қосасини тўлдириб юборди. Бетўхтөв давом этиб турган муайян озодлик ҳаракати хорижийларининг сиёсий режимини

муттасил заифлаштира борди ва XIV асрда Марказий Осиёда мӯғулларнинг бир ярим асрлик ҳукмронлигига чек қўйилди.

2. ШАРҚ УЙГОНИШ ДАВРИ ФАЛСАФАСИ

IX асрдан XV асргача бўлган даврда мусулмон мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан гуркираб ривожланди, бу давр ажойиб шоири носирлар, олиму мутафаккирлар ва давлат арбоблари силсиласини етиштириб берди. Турли халқлар маънавиятининг иттиҳоди антик давр мёросини тиклаш ялови остида рўй берди. Дунёвий фанларнинг тез суръатларда тараққий этиши кенг таржимонлик фаолиятига таъсир кўрсатди. Бу жарабои, айниқса ҳалифа Мамун даврида (813—833) Бағдодда «Байт ул-Ҳикма» ташкил этилган пайтда тезлашди. Форс ва яхудий мутаржимлар юонон фалсафаси ва табобати, ҳинд ҳисоби, ал-химия ва иттиҳади нуҷумга онд асарларни араб тилига ўгирадилар. Бундан ташқари, эрон ва суряча манбалардан ҳам кўплаб таржима қилинарди.

Айниқса, Арасту, Афлотун ва неоплатончиларнинг қарашлари Яқин Шарқ ва Марказий Осиё фалсафаси тараққиётiga катта таъсир кўрсатди.

Шарқ ренессанси даври қўйилаги умумий ҳусусиятларга эга: 1) маданият, дунёвий фанлар ва ислом ақидашунослигининг тараққиisi; 2) юонон ва рум, форс, ҳинд ва бошқа маданиятлар ютуқларига суюниш; 3) минералогия, жўғрофия, кимё ва бошқа табиий фанларнинг ривожи; 4) услуб (методология) да — рационализм, мантиқнинг устунлиги; 5) инсоний дўстлик; 6) фалсафанинг кенг даражада ривож жониши; 7) адабиёт, шеърият, риториканинг кенг миқёсда ривожланиши; 8) билимдонликнинг қомусий характеристерда эканлиги.

Бу даврга келиб, Марказий Осиё, Эрон, Ироқ ва Сурия каби Марказлар илму фан ва маданиятнинг йирик ўчоғига айланди. Хоразм, Бухоро, Ҳиротда — маҳаллий хонликларда илмий марказлар ташқил топган эди. Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Фарғоний, Беруний каби Марказий Осиёлик олимларнинг доиғи етти иқтимига тараган эди. Мамлакатлар ўртасидаги чегаралар ҳамма учун очиқ эди, шунинг учун олимлар кўпинча бир шаҳардан иккинчисига, бир ҳукмдордан бошқа бир ҳукмдор саройига кўчиб турар эдилар. Масалан, Хоразмда олимлик мартабасига эришган ал-Хоразмий кейинчалик

узоқ вақт Бағдодда Маъмун академиясига раҳбарлик қилган. Беруний Ғазнада, Ибн Сино Эронда яшаб ижод. этган.

2.1. Мұхаммад Мусо Хоразмий

Мұхаммад Мусо Хоразмий (780—850) Шарқнинг буюк мутафаккири, қомусий олимидир. Унинг илми ну́жум, геодезия, риёзиёт, жүгрофия ва бошқа илмий соҳаларда қилған хизматлари каттадир.

Мутафаккир Гурганч шаҳрида туғилған ва илк билимларини шу ерда олған. Лекин ўз умрининг кўп қисмини у араб ҳалифалигининг ўша даврдаги пойтахти— Бағдодда ўтказған. Бағдодда «Байтул-Ҳикма» — «Билим уйи» академиясига кўп йиллар раҳбарлик қилған. Бу академия кутубхонасида қадимги юнон ва рим, суря ва араб тилларида битилған нодир манబлар сақланар эди. Хоразмийнинг бевосита раҳбарлигига ўша даврнинг йирик олимлари Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдулло Марвазий, Марврўдий, Аббос Жавҳарий, Хўжандий, Туркий ва бошқалар фаннинг турли соҳалари, айниқса, фалакиёт ва риёзиёт бўйича илмий тадқиқотлар олиб борардилар. Мазкур академия асосчиси ҳалифа Маъмун (813—833) топширигига биноан 827 йилда фан тарихида буюк тажриба — Ер куррасини градусли ўлчаш амалга оширилади. Бу амалиёт суря чўлларида. Жабал — Синжар ҳудудида 36°—кенглигига ўтказилған эди. Бир градусга тенг бўлған меридиан ёки узунлиги 56 2/3 араб мили, яъни тахминан 112 км га тенг эканлиги хисоблаб топилған. Бу ўша давр учун буюк кашфиёт эди.

Хоразмий илмий фаолиятининг мақсади табиатни билиш, дунёни тажриба йўли билан ўрганиш ва илму фан ютуқларини бевосита жамият ҳаётига, ҳалқ ҳўжалигига татбиқ этишга қаратилған эди.

Мұхаммад Хоразмий бир қанча китоб ва рисолалар муаллифидир. Булардан энг машҳури алжабр фанига оид «Китоб ал жабр вә ал-муқобала» асаридир. Бу асар риёзиётда янги бир мустақил фан-алгебра (ал-жабрнинг оврупачалаштирилған шакли) нинг вужудга келишига замин бўлди. Хоразмий содда ва квадрат тенгламалар ечишнинг умумий қоидаларини ишлаб чиққан. Олим индукция (жузъдан кулга) услуги орқали жамики тенгламалар турини олти хилга тасниф қилған. Бу

төнгіламаларни ечиш учун Хоразмий иккى усулни кашф этди — ал-жабр, яъни қарама-қарши ишораларни ягона мусбат ишорага келтириш ва ал-муқобала, яъни бир хил ҳадларни қарама-қарши қўйиш. Бу услубининг аҳамияти жуда катта эди.

Арифметикага онд «Синд Ҳинд» (Ҳинд ҳисоби ҳақида) рисоласи, астрономик жадвал — «Зижи Хоразмий», жўғрофияга онд «Китоб-ас-сурат-ал-ард» («Ер манзараси ҳақида китоб»), тақвимлар ҳақидағи «Китоб-ат-таворих», амалий фалакиётга онд уч рисола Хоразмий қаламига мансубdir. Хоразмийнинг кўпгина асарлари, жумладан, «Қўёш соати ҳақида», «Мусиқа ҳақида», «Тарих ҳақида», «Астролабия ҳақида» каби рисолалари бигичча етиб келмаган.

Мұхаммад Хоразмий тузгани юлдузлар зижиде араб тилин адабиётда биринчи марта синуслар жадвали келтирилди. Хоразмий зижи нафақат шарқ илму фанига, балки Европада аниқ фанлар тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Бу асарининг ал-Мажритий томонидан тўлдирилган нусхаси 1126 йилда Аделард томонидан лотин тилига таржима қилиниди ва ўрта аср Европасида астрономик тадқиқотлар бўйича асосий манба бўлиб қолди.

С. П. Толстов Хоразмийнинг жўғрофия соҳасидаги хизматлари ҳақида гапириб, олимнинг Хазария халифаси элчихонасида таниқли жўғрофиядои сифатида қатнашганилиги тўғрисида маълумот келтиради. Бартольд фикрича, «Китоб-ас-сурат-ал-ард» жўғрофия илмига йўл очиб берди.

Хоразмийнинг арифметика соҳасидаги буюк хизмати шундаки, у Европа ва Яқин Шарқ илмини қадимги хиёдларининг ўзлик ҳисоб тизими билан таништирди. Хоразмийнинг математика фанлари соҳасида доимо пешво бўлганилигидан яна бир далолат — кибернетиканинг мантиқий асоси бўлмиш алгоритм тушунчасининг айнан шундай аталишидир. Бу истилоҳ муайян тартибда бажариладиган амаллар тизимини ифодаласа-да, унинг ҳуруфий маъноси «Ал-Хоразмий демакким», «ал-алгоритм» унинг лотинчалаштирилган шаклидир.

Мураббий—муаллим Хоразмийнинг бой илмий меросидан баҳраманд бўлган Ан-Насавий, Ал-Ҳабаш, Абдул Вафо, Абу Комил, Беруний, Ат-Тусий, Ал-Қоший, Умар Хайём, Улугбеклар математика ва фалакиёт илмиши янги ютуқлар билан янада бойитишиди.

2.2. Абу Наср Форобий

Шарқнинг машҳур мутафаккири, буюк аллома Абу Наср Ӯзлук ибни Тархон ал-Форобий 873 йилда Сирдарё бўйидаги Фороб шаҳри (ҳозирги Чимкент) да турк оиласида дунёга келган. Маҳаллий мактаб таҳсилидан сўнг, Форобий Шом, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Рай шаҳарларида бўлди. Кейинчалик ўша даврнинг йирик илмий маркази — Багдодга келади.

Бағдодда Форобий Сурия, араб, юнон тилларини, табобат, мантик, фалсафа каби фанларни ўрганади. Форобийнинг фалсафага бўлган қизиқиши шу қадар кучли эдик, шу фанин деб олим, ҳатто қозилик мансабини тарк этган. Ривоятларга кўра, Форобий Арасту асарларини юзлаб мартараб ўқир эди. 941 йилда машҳур мутафаккир Дамашққа келади ва умрининг охири, гача (950 й.) шу ерда яшаб ижод этади. У маҳаллий сulton, фан ва маданият ҳомийси Сайфуд—Давлатнинг саройига тез-тез келиб тўтарә эди.

Форобий фалсафа, тарих, социология, математика ва табиий фанларга онд 160 дан ортиқ асарлар ёзди. У мусиқа ва шеъриятининг ҳам билимдони эди. Форобийнинг Арасту таржимаси ва уларга ёзган шарҳларни катта аҳамият касб этади. Юнон фалсафасини ўрганишда Форобий шундай ютуқларга эришдик, замондошлирни уни ҳақли равишда Муаллими Соний деб аташардид (Муаллими Аввал — Арасту). Форобий салоҳиятига Ал-Қиндий (800—879) ва Закариё ар-Розий (865—925) каби машҳур мутафаккирлар ижоди катта таъсир кўрсатди. Улар қомусий билимлар соҳиби эдилар, фалсафа ва тиббиёт билан шуғулланар эдилар. Ар-Розий тиббиёт бобидаги асарлари туфайли «замонасининг Галени» номини олган. У бириинчи марта чечак ва қизамиққа қарши эмлаш усулини қўллаган. Ар-Розий кимёвий моддалар таснифини ишлаб чиқди ва «филогистон» назариясинга асос солди. Бу назария кимё фани тараққиётida муҳим қадам бўлди. Ривоятларга кўра ар-Розий моҳир психотерапевт ҳам бўлган.

Ал-Қиндий Арасту асарларини чуқур бўлган ва ўзи ҳам перипатетизм ақидаларида турган. Худо, ал-Қиндий назарида, шахс эмас, балки мавҳум сабаби аввалдир, «яратувчи, фаол ва қўзгалмас» сабабдир. «Материя — занф куч, у шаклга асос бўлади», «Субстанция ўз-ўзича мавжуддир», «Табиат — ҳаракат ва сокинликнинг ибтидосидир». Булардан келиб чиқадики, табиат

ва худо, яратувчи ва ҳилқат, сабаб ва оқибат каби ўзаро табиий робиталар билан боғланган. Албатта, бундай қарапшлар расман қўллаб-қувватланимаган ва сўнгги даврларда файласуфийнг кўпгина асарлари йўқ қилинган.

Ал-Киндий анъаналарини давом эттириб, Форобий борлиқни олти босқичдан иборат, деб биларди. Биринчи босқич — сабаби аввал ёки худо, иккинчиси — осмоний қурралар, учинчиси — фаол ақл, тўртинчиси — рух жон, бешинчиси — шакл ва олтинчи босқич — материя.

Биринчи сабаб, худо — шакл, миқдор, макон каби хусусиятлардан ҳоли моҳиятдири. Лекин шунга қарамай, худо, Форобий фикрича, айрим хусусиятларга эга — (у мусаффо баҳт (эзгулик), ...соҳф ақл, ... доно, жонли, қудратли ва ирода (Эрк) соҳибиидир».

Мавжуд нарсалар худодан табиий равишда эмас, балки унинг хоҳиши-иродаси туфайли вужудга келади. Худо «бираинчи яралишнинг сабабчисидир», «яралиш жараёни нарсаларнинг кейинги мавжудлигини сақлашдан иборат».

Бевоснта равишда худо фақат илк ақлии-сабаби аввалини билишга қодир ақлни яратади. Илк ақлдан «ўз материясига ва ўз шакли, руҳига эга бўлган олий қурра (сатҳ)» вужудга келади. Бу «олиий қурра» зиддиятни бўлганилиги учун, ундан иккинчи ақл ва иккинчи шакл — рух вужудга келади. Бу жараёни бир неча марта давом этади ва оқибатда «фаол ақл» вужудга келадики, ундан тўрт унсур — олов, сув, ҳаво ва ер, ҳамда ерга хос рух пайдо бўлади. Буларнинг биринкувидан бу турфа олам ҳосил бўлади. Шуннинг билан яралиш жараёни ниҳоясига етади ва табнат даври, яъни ҳаракат ва сукунат бирчиги даври бошланади.

Ҳолик ва ҳилқатни, худо ва борлиқни узвий боғлайдиган бу тизимни пантеизм деб атайдилар. Албатта, Форобий тизимида худо табнат билан айлан эмас, биринчирига мувофиқ эмас, лекин худони мавхум абсолют деб билиб, Форобий уни турдирувчи табиий сабаблар билан бир каторга кўяди. Форобийнинг сабабият ҳақидаги таълимоти Шарқ фалсафасида детерминизм, яъни умумий алоқадорлик гояларининг ривожига катта ҳисса кўшди.

Бунда лейзм, яъни худо ва борлиқ ўртасидаги алоқанинг заифлиги ҳақидаги таълимот унсурлари ҳам сезилилади. Яратувчи ва табнат бир-бираидан оралиқ бос-

қичлар туфайли узоқлашган. Моддий олам тараққиёти ўз ҳолиша рўй беради.

Руҳлар (нафс, жонлар)ни худо яратган. Арасту сингари Форобий ҳам 4 хил жон ҳақида гапиради — моддий, ўсимлик жони, ҳайвоний ва одамга хос жон. Ҳар бир жон индивидуалdir, унинг ўзига хослиги ҳар бир тананинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Танага нисбатан жон шакл вазифасини ўтайди.

Форобий фалсафий қарашларидаги марказий муаммо — шакл ва материя масаласидир. Моддийлик ва жисмийлик мезони, Форобий фикрича, уч ўлчовга эга бўлишиликдир. Шу нуқтаи назардан, Форобий вакуум, бўшлиқ мавжудлигини инкор этади. Бўшлиқ вужудга келган ҳар бир уч ўлчовли маконни албатта бирор бир ўзга модда олади. Бўшлиқ мавжуд эмасдир.

Материяга бир бутунлик, доимилик хос, шаклга эса кўплик ва ўзгарувчанлик хосдир. Шаклларнинг ҳисоби йўқ, материянинг ўзгариши — бир шаклдан иккичи бир шаклга ўтишдан иборат. Материянинг мавжудлиги чексиз ва унинг ўзгаришларини ҳам ниҳояси йўқ, лекин баркамоллнкка эришишнинг муайян йўли бордир. Қуйин шакллар юқори шакллар билан алмашинади. Материя, арастучилик анъаналарига биноан, имконийликнинг пассив асосидир. Шакл, яъни режа, ғоя билан қўшилган тақдирда занф асосдан ҳақиқий, воқеъний нарса вужудга келади. Воқеълик — материя ва шакл биртигидир. Шакл, яъни руҳ ва материя, яъни тананинг бирникувидан инсон вужудга келади. Инсон руҳи ўлмас ва тана ўлимидан сўнг уни тарк этиб, ўзини вужудга келтирган фаол ақлга — абадий руҳий ғояга қайтади. Форобий Платоннинг илгаридан мавжудлик назарияси ва пифагорчилик руҳининг кўчиб юриши ҳақидаги таълимотига қўшилмайди. Форобий фикрича, муайянлик — индивидиум бирламчи бўлиб, унинг қисмлари бўлмиш тана ва руҳ бир-биридан мустақил равишда яшай олмайди.

Инсонга турли хил билиш қобилияти хосдир. Инсон ҳаётининг умумий замини — озиқланишдир. Бунинг асосида инсонда 5 хил сезги — ҳис қилиш (тўйиш), кўриш, таъм билиш, ҳид билиш ва эшитиш қобилияти вужудга келади. Сўнгра, ички руҳий кучлар — хотира, хис-ҳаяжон, нутқ, фикр вужудга келади. Ҳар бир физиологик ва руҳий куч муайян аъзои баданинг вазифасидир. Туғма сифатлардан ташқари фаолият жараёнда орт-

тирилгандын хислаттар, масалан, ҳунар ўрганиш, жуда катта аҳамиятга эга.

Дастлабки маълумот одамга ташқаридан — сезги-лар орқали келади, кейин хотира ва тасаввур ишга тушиди. Билишининг юқори босқичи, Форобий фикрича, ақл — мантиқий фикрлашдир. Сезгилар нарсаларининг сифатлари ва хусусиятларини акс эттиради, ақл эса уларнинг моҳиятига кириб боради. «Ақл ранг ортида яширинган нарсанни билишга қодир». Ақл «нарсалар ва уларнинг хусусиятларидан мавхұмлашған ҳолда билади». Албатта, бунда нарса моҳияти уннинг ўзидан фақат абстракциядагни ажралғандир. Бинобарин, Форобий абстракция, яъни умумий тушучалар табиати масаласини номинализм иштеп назаридан ечади.

Номинализм ва реализм — фалсафадаги иккى оқим бўлиб, умумий тушучалар моҳияти ҳақидаги қарама-қарши, бир-бирига зид назариялардир. Масала шунда эдикк, тур ва жинслар ҳақиқатда мустақил мавжудми ёки фақат фикрда, онгда мавжудми? Бу тур-жинслар, умумий тушучалар сирасига турли категориялар, илмий истилоҳлар, диний тушунчалар (жумладан Худо тушунчаси ҳам) кирап эди. Форобий Муаллими Аввал сингари, якка нарсалар бирламчи, умумий универсалийлар эса иккиламчи, дейди Зоро, «якка» субстанциялар ўз мавжудлигига ҳеч қандай асосга муҳтоҷ эмас, универсалийлар эса умумий субстанция спофатида, улар намоён бўладиган бирламчи нарсаларга муҳтоҷ. Шакт ўз-ўзинча мавжуд эмас, лекин шу билан бирга жисем материясида ҳам эмас. «Қора» тушунчаси қора буюмлар туфайлигина мавжуд, ўз наебатида қора буюмларни улардан мавхұмлаштирилган «қора» тушунчаси орқали билинш мумкин.

Тушунчалар табиати масаласини номинализм фойдасига ҳал этиб, Форобий ақл ва ақлни билиш ҳақидаги муаммони ечишга киришади. Аввало, ақл инсонига табиатан хос бўлган, уни ҳайвондан ажратиб турадиган хусусиятлардир. Инсоний ақл нафақат гносеологик, балки онтологик табиат ва мазмунга эга. Инсоннинг фикрлаш қобилиятини сабабкори руҳ ва ақлини туғдирувчи иниҳоний ақл — ақли куллайдир. Вужудга келган ақл нарсалар моҳиятини билиш имконий қобилиятга эга, бу имконий (моддий) ақлайдир. Имконий ақл материядан шактни ажратади олган ва уни соғ ҳолатда биладиган тақдирда намоён бўлувчи, яъни ҳақиқий ақлга айланади. Шактни билган ва моҳият ҳақидаги билим

билиң қуролланган ақл әнді нарсанынг моддий субст-
рати — асосини билишга интилади. Бунда у моддий
нарсаларнинг асосини, унсурларни тадқиқ этади; бу
босқич ўзлаштирилган ақл деб юритилади. Ниҳоят,
модда ва шакт ҳақидаги билим юксак мавхумот орқали
осмоний ва идеал нарсаларни билишга имкон беради.
Уларни билган тақдирда ўзлаштирилган ақл ҳаракат-
даги, яғни фаол ақлга айланади: бунда у яратувчи би-
лан яна бирлашади. Форобий фикрича, «ақл-ирода ва
амр дүнёсидир», яғни фаол ақл соғиби бўлмиш киши
халқа раҳбарлик қила олади.

Форобийнинг билиш назарияси неоплатоник таъли-
мотга қараганда у қадар мистик әмас. Билиш рацио-
нал, яғни ақлийдир ва фанларни ўзлаштириш жараённи-
да такомиллашади. Билиш йўли айни чоқда камолот
ва баҳтга эришиш йўлидир. Фаол ақлга эришиш баҳти-
га мусассар бўлган ҳар бир киши у дунёда нажот топа-
ди, маънавий баркамолликка эришади. Форобий фикри-
ча, ҳар бир инсон фанларни изчил равишда ўргангани
тақдирда идеал ҳолатга эришади. Фанлар таснифи
(классификацияси) нафақат илмий характерга эга —
у идеалга эришиш йўлини кўрсатади.

Бу йўлдаги биринчи босқич — тил ва тафаккур
шаклларини ўрганишдир, бу — мантиқ ва тилшунослиник-
нинг вазифасидир. Тилшунослик қофия, нахъву сарф,
ҳусниҳат, ўқиши ва шеър битиш кабиларни ўз ичига
олади.

Мантиқ илмига Форобий жуда катта зөтибор билан
қарап эди, зеро мантиқ тилшуносликдан фарқли ўлароқ
ҳар бир тилда мавжуд индивидуал, конкрет, муайян
шаклларни әмас, балки умумий тафаккур тушунчалари
ва қонунлари шаклларини ўрганади. Форобийнинг ўзи
Арасту мантиқини ўрганиш ва такомиллаштиришида
шуидай ютуқларга эришган эдикى, мутафаккирии замондошлари «мантиқий» дега атардилар. Форобий фик-
рича, мантиқ илмининг магзи дедуктив (яғни куалдан
жузъга) хулоса чиқарышдадир. Мантиқ таълимоти бир
неча бўлимлардан иборат: а) тушунча ҳақидаги таъли-
мот; б) ҳукмлар, яғни бирор фикр баён этилган гамтар
ҳақидаги; в) силлогизм, яғни ҳукмлардан хулоса чиқа-
риш ҳақидаги таълимот; г) силлогизм ва муҳокама
турлари — исбот, диалектика ёки жадалийа (мубоҳаса
санъати), софистика (хато фикрга солмоқ йўли), рито-
рика ёки хитобийа (нотиқлик санъати) ва поэтика (сўз
орқали эстетик таъсир этиш санъати) ҳақидаги таъли-

мот. Шундай қилиб силлогизм турлари бештадир—чин, тахминий, ёлғон (хато), қаноатлантирадиган ва хаёлий силлогизмлар.

Фан фақатгина исботта асосланади, қолган силлогизм турлари фанга хатоликлар олиб киради. Бу борада Форобийнинг нубувват ва каромат ҳақидаги фикрлари диққатни жалб этади. Бу масалаларга Форобий рационал, оқилона ёндошади. Агар билиш жараёнини қуидан юқорига, моддий ақлдан фаол ақлга томон ҳаракат деб билсак, нубувват бир босқичдан ўзга босқичга оралиқ босқичларни четлагб ўтилган ҳолдаги ўтиш, яъни интуициядир, лекин шу билан бирга интуиция маълумот ва билимга боғлиқдир.

Таълимотнинг кейинги погонаси — математика бўлиб, у еттита фанни ўз ичига олади: 1) арифметика; 2) геометрия; 3) оптика; 4) фалакиёт (астрономия) ва илмий нужум (астрология); 5) мусиқа; 6) оғирликларни ўлчаш усуллари ҳақидаги фан; 7) механика.

Сўнгра табиатшунослик, яъни физика босқичи келади. У жисмлар тузилиши ва ҳарақатини ўрганади. Бу фан таркибидаги соф физика, минералогия, ботаника ва биология кабилар киради.

Назарий фанларнинг энг сўнггиси — илоҳий метафизика, яъни фалсафадир — у борлиқнинг умумий асослари ва тушунчалари ҳақидаги фандир. У уч қисмдан иборат: 1) соф метафизика, яъни борлиқнинг асослари ҳақидаги фан; 2) фанлар методологияси ёки услубшунослик — у асосий тушунчалар ва конкрет фанларнинг принципларини ўрганади; 3) диншунослик, аниқроғи худошунослик — жисмиз моҳиятлар ва борлиқнинг ибтидоси — худо ҳақидаги фан.

Форобий фикрича, шу фанларни ўрганганд инсон, ниҳоят, жамиятни бошқаришга қодир бўлади. Бунинг учун у сиёсат илмини чуқур бишлиши лозим. Сиёсат илми уч фандан иборат: 1) бошқариш ҳақидаги фан; 2) хукуқшунослик ва адлия; 3) калом — имон ҳақидаги таълимот. Бошқариш ҳақидаги фан ахлоқ-одоб, руҳшунослик, педагогика, анъана ва маросимлар, инсонлар фаoliyatinинг майл ва мақсадлари ва уларга раҳбарлик қилиш усуллари ўрганилади. Бошқаришдан мақсад — умумий баҳтга эришишдир. Бу — фозилона бошқарувда амалга ошади. Лекин жоҳилона бошқарув ҳам борки, у фақат азоб-уқубатлар келтиради, одамларда ёлғон қадриятларни вужудга келтиради, бу — чиннакам баҳт эмасдир. Кўриниб турибдики, баҳт бу.

ерда соф ахлоқий тушунча бўлмай, балки ижтимоий-сиёсий мазмунга эгадир.

Форобий фикрича, жамиятнинг ижтимоий тузилиши мулкчилик ва мулкий даражадан ҳам кўра ҳокимият, қарамлиқ ва касаба муносабатларига кўпроқ боғлиқ. Форобийнинг идеал, комил жамияти — мунтазам тартибдаги жамият: у тирик организмга монанддир, бу жамиятда ҳар бир инсон ўз қобилият ва билимларига яраша ўзининг муносаб ўрнини эгаллади ва ўз вазифаларини ижро этади.

Ижтимоий ҳаётнинг асоси, Форобий фикрича, ижтимоий меҳнат тақсимотидир: бир-бирига ёрдам берувчи одамларнинг бирлашуви орқалигина, ҳар бир киши ўзга кишига мавжудлик учун зарур бўлган нарсаларнинг бир қисмини етказиб турган².

Шунинг учун «Муаллими Соний» ҳунармандчилик ва умуман, ижтимоий-фойдали меҳнатни алоҳида уқтирган.

Идеал шаҳарни бошқаришининг идеал усули — монархиядир. Форобийнинг идеал подшоси одил, маърифатпарвардир. Монарх ўзида ўн икки ижобий фазилатни мужассам этиши керак: оқиғалик, раҳбарлик, қонун-қондаларни билиш, бошқаришининг амалий кўникмаларига эга бўлиш, ҳарбий ишлардан вофиқ бўлиш, одиллик ва ҳоказолар. Шунинг учун жамиятни донишмандлар гуруҳи бошқаргани ҳам маъқул.

Баркамолликка эришишнинг энг муҳим воситалари, дейди Форобий — таълим ва тарбиядир. Таълим унинг фикрича назарий ҳиммат эзгуликларга ўргатса, тарбия эзгу ахлоқий сифатларга ўргатади. Асосий ахлоқий тушунча — эзгулик баҳт тушунчаси билан моҳиятдан бир тушунчалардир. Баҳт — мутлоқ эзгуликдир. Ҳақиқий баҳт рӯёбға чиқишига имкон берувчи нарса — яхшилик, эзгуликдир, унга тўқсунлик қилювчи эса — ёвузликдир.

Форобий ўлгандан сўнг қайта жисмоний тирилиш ҳақидаги ғояни қўлаб-қувватламаган. Зероки, Форобий учун баҳт — бу билим ва ахлоқий камолотга эришидир ва бунга ҳар бир инсон ўз ҳаётни давомида эришмоғи лозим. Форобий ахлоқи бўйича баҳтли инсон камолотга эришган файласуфдир. Ҳаёт давомида тўплангач билим ёхуд эришилган баҳт инсон руҳига улунёда кайхоний ақлга қўшилишга имкон беради.

² Григорян С. Н. Средневековская философия народов Ближнего и Среднего Востока. М., 1966, 156-бет.
6-104

Форобийнинг ижтимоий таълимоти ўрта аср ижтимоий фикр тараққиётида жуда муҳим рољ йиғади. Бу ғоялар таъсирида Ибн Сино, Берунийларнинг ижтимоий қарашлари шаклланган. «Муаллими Соний» фалсафасига бўлган қизиқиши Мир Алишер Навоий ахлоқий қарашларига катта таъсир кўрсатган.

Форобий ижодиётига умумий баҳо бера туриб, шунга таъкидлаш жонзки, мутафаккир ўз даврининг жамики илмий соҳаларини бирлаштирувчи мустақил, мукаммал фалсафий тизимни яратган биринчи Шарқ файласуфи эди. Форобий кўтарган ғоялар ва масалалар Шарқ фалсафасига, Ибн Рушд орқали Farb фалсафий фикр тараққиётига катта таъсир кўрсатади.

2.3. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад иби Юсуф ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва фаолиятига сид маълумотлар оз сақланиб қолган бўлишига қарамай, бизга олимнинг ёшлиги Хоразмнинг Хива, Замахшар, Қиёт шаҳарларида, кейинроқ Хурросонда ўтганлиги маълум. У 976—997 йилларда ҳукмронлик қилиган Сомоний Нуҳ II нинг вазири Абул Ҳасан ал-Утбий (977—982) ҳузурида котиб бўлиб ҳам ишлаган. Хоразмийнинг анча умри Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухорода ўтади ва у 997 йилда вафот этади.

Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг дунёқараси ўша вақтларда Марказий Осиёда кенг тарқалган мұътазилийлар таъсири остида бўлган. У ўзининг бизгача етиб келган ягона «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калитлари») номли асари билан машҳур.

Олим ўзининг «Илмлар калитлари» номли асарида ўша даврнинг ҳамма илмларини таҳлил қилиб, уларнинг мазмунини ва атамаларини шарҳлаш йўли билан тушунтириб беришга ҳаракат қилган. Унда фалсафа, мантиқ, тиббиёт, илму-н-нужум, мусиқа ва бошқа фанларнинг асослари берилган. Хоразмий ўз асарида ўша даврдаги мавжуд фанларни маълум тартибга тушириш ва уларнинг илмий таснифини беришини мақсад қилиб қўйган.

Мутафаккир асарнинг муқаддимасида унинг биринчи қисмида: шариат ва у билан боғлиқ араб илмлари, иккинчи қисмда араб бўлмаган, масалан юнонлар ва бошқа халқлар илмларини таҳлил қилишини мақсад қилиб қўйганини баён этади.

Асарнинг бириинчи «араб» илмлари қисмига ўн бир бобдан иборат «фиқҳ», етти бобдан иборат қалом, ўн икки бобдан борат грамматика, саккиз бобдан иборат иш юргизиш, беш бобдан иборат шеърият ва аруз, тўққиз бобдан иборат тарих фанлари киритилган. Иккинчи қисмига эса араб бўлмаган: уч бобдан иборат фалсафа, тўққиз бобдан иборат мантиқ, саккиз бобдан иборат тиббиёт, беш бобдан иборат арифметика, тўрт бобдан иборат ҳандаса (геометрия), тўрт бобдан иборат илму-и-нужум (астрономия), уч бобдан иборат мусиқа, икки бобдан иборат механика, уч бобдан иборат кимё фанлари киритилган.

Шундай қилиб, асарнинг иккита қисмида тўқсон уч боб бўлиб, уларда 15 та фан баён этилган.

Абу Абдуллоҳ таълимотига кўра илмлар таснифи қўйидагилардан иборат:

I — Шарнат илмлари билан бодлиқ «араб» илмлари:

1. Фиқҳ, яъни ислом ҳуқуқшунослиги.
2. Қалом, яъни ислом асослари.
3. Грамматика (сарф ва наҳв).
4. Иш юритиш.
5. Шеърият ва аруз.
6. Тарих.

II — Назарий фалсафа:

1. Тиббиёт илмлари ва физика (тибб, об-ҳавони аниқлаш, минерология, кимё, механика ва шу кабилар).
2. Қўйи илмлар (арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа) — ўртача илмлар.

3. Илоҳиёт, яъни метафизика — олий илм.
4. Мантиқ.

III — Амалий фалсафа:

1. Этика (инсон ўзинни бошқариши).
2. Уйни бошқариш.
3. Сиёсат — шаҳар, давлатни бошқариш.

Асада юқорида қайд қилиб ўтилган ҳар бир фаннинг предметини аниқлаш, қисқа ва аниқ ҳолда уларнинг мазмунин ёритилиб берилади. Шуни қайд қилиб ўтиш жоизки, Арастунинг фанлар таснифи ҳақидаги таълимоти шубҳасиз Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийга дастуруламал вазифасини ўтаган.

Ал-Хоразмий борлиқни зарурий ва мумкин бўлган турларга бўлиб. Форобий сингари ташқи олам билан бир қаторда худони бирламчи сифат деб таъкидлайди. Лекин олим шу вақтнинг ўзида табиатнинг мустақил

холда мавжуд эканини инкор этмайди, зотан у зарурий борлиқ деганда худони тушунади.

Ал-Хоразмий фикрича ҳар бир нарсанинг асоси материядан иборат бўлиб, у ўз шаклига эга, шаклсиз материя бўлмайди. Ҳар қандай моддийликнинг асосида олов, ҳаво, сув, тупроқ (ер) каби тўртта элемент ётади.

Хоразмий нарсаларни икки кўрнишга ажратади: элементар, яъни бирламчи нарсалар ва ҳосила мураккаб жисмлар. Унинг фикрича, оламдаги ҳар бир ҳодиса ўзининг аниқ макони ва маълум замонига эгадир. Уларнинг ўзгариши шубҳасиз табиий қонунлар асосида содир бўлади, ҳар бир ҳодисанинг маълум сабаби ва макони бўлиб, у бундан ташқарида бўлиши мумкин эмас.

Абу Абдуллоҳ объектив оламининг чекспизлигини эътироф этиб, бўшлиқ мавжуд эканини тан олмайди. У Арасту изидан бориб, моддий бўлмаган мустақили асослар — ақл, нафс ва бошқаларнинг мавжуд эканини таъкидлайди.

Хоразмий «ақл» тушунчасини таҳтил қиласи экан, у «фаол ақл», «моддий ақл» ва «орттирилган ақл»лардан иборат уч хил кўрнишлардаги ақл мавжудлигини эътироф этади. «Орттирилган ақл» деганда у инсоннинг фаоллиги ва билиш ҳаракати самарасини тушунади.

Унинг фикрича табнат — бу табиий оламдаги ҳар бир нарсанни бошқарувчи кучdir; табиий олам эса, ой фалаги остидан то ер марказигача бўлган дунёдир, яъни борлиқdir. Абу Абдуллоҳ фалсафий дунёқарашига перипатетизмий таъсири кучти бўлган. У билимий объектив оламининг ишъикоси деб таъкидлайди. Билимларнинг биринчи маибон Арасту сингари сезги ва идрок деб қайд қиласди. У ҳам бошқа арабийнавис файласуфларга ўхшаб моҳият деб ҳисобланган одам жони (нафси) таълимотини маъқуллайди. Арастуга ўхшаб нафсининг уч хилда, яъни ўсимлик, ҳайвоний ва онгли тури мавжудлигини эътироф этади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг дунёқараши ўша даврининг барча илмларини ўзига қамраб олган қомусий характерда эканини ва у кўп илмий масалаларни тушунишда уларга объектив ҳолда ёндошганлигини кўрсатади. Умуман олганда Хоразмийнинг фалсафий қарашлари ўз даври илмий маҷаниятигагина эмас, балки ўзидан кейинги фалсафий тафаккур тараққиётiga ҳам қўшилган муносаб ҳисса бўлди.

2.4. Абу Райхон Беруний

Абу Райхон Беруний (асли исми Мұхаммад ибн Аҳмад) Хоразмининг қадимги мәркази Кат шаҳрида туғилган. Математика, фалакиётга әрта ҳавас қўйган Беруний 16 ёшдаёқ эклиптика текислигининг экваторга нисбатан қиялтигини ҳаммадан кўра аниқроқ ўлчар әди. 1010 йилда Беруний Хоразмшоҳ Маъмун томонидан ташкил этилган академияга таклиф қилинади. Шу ерда 23 ёшли Беруний ва 16 ёшли Ибн Сино ўртасида фалсафий-илемий мунизара — ёзишма бўлиб ўтади. Бу баҳсда Беруний Ибн Сино жавобларининг айrimларига эътиrozлар билдирган. Баҳс Арастушинг физика китоби ва осмон ҳақида асарларига багишланган әди. Ӯша йиллардаёқ ўзининг мустақил, билишнинг илемий-тадқиқот методини ишлаб чиққан Беруний обрў-эътибоғли илму фан пешволари фикрига шубҳа билдирган. Масалан, ёзишма-баҳсида Беруний Арастушинг самозий дунёлар таълимотига шубҳа билан қараб, Муаллими Аввалининг табнат фалсафасининг заиф томонлари ҳақида гапириб, шундай деб ёзган: «...осмоний ёритқичларининг тўғри чизиқ бўйича ҳаракат қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас».

Беруний биринчи бўлиб ер глобусини яратиб кенг шуҳрат қозонди. Фалакиёт бўйича тадқиқотлар олимига жаҳоншумул шуҳрат келтиреди. Бир қанча вақт Беруний Маъмуншоҳ маслаҳатгёйи ҳам бўлган. 1017 йилда Махмуд Фазиавий Хоразмни забт этганидан сўнг, Беруний Фазинига келади. Султон билан бирга Ҳиндистонда ҳам бўлади. Бу сафар иатижаси ўлароқ машҳур «Ҳиндистон» асари вужудга келадики, унда ҳиндистонлик сарнинг турмуш тарзи, эътиқоди, фалсафаси, турли расм-русларни холисона ва батафсил баён этилган. Беруний қадимий эрон тиллари — авеста тили, сўғд, бақтрия, паҳлавий тилларини мукаммал билганлиги учун санскрит—қадимги ҳинд тилини ўрганиш унинг учун мушкул бўлмаган. Беруний бу тилларда яратилган «Авесто», «Зарвоинома», «Фарвардин», «Бундахшин», «Драхти» асуринг каби кўплаб асарларни, бундан ташқари юнон тилида битилган шоҳ асарларни мутолаа этиб, кўплаб кузатишлар олиб бориб ўзининг машҳур беназир «Осорул-боқия» асарини ёзган. Бу китоб шаклу мазмун, услуб ва қадр қиммати жиҳатидан дунёда ягонадир. Бу асарда Беруний Европа ва Осиё халқлари, жумладан юнонлар, мисрликлар, суряликлар, сўғдлар, хоразм-

ликлар, бақтрияликлар, ҳиндларнинг йил ҳисобининг қиёсий таҳлили, унинг анъана ва маросимлари, турмуш тарзи ва илмий афкори ҳақида батафсил маълумотлар беради. Масалан, олим наврӯз, меҳржон байрамлари, уларнинг тарихи, улар билан боғлиқ бўлган турли маросимлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирган. Ривоятларга кўра, Беруний йилда икки марта фақат шу байрамлардагина дам олар, қолган вақт эса ҳамиша илм-фан билан шугулланар экан.

Беруний «Осор-ул-боқия», «Ҳиндистон», асарларидан ташқари яна «Геодезия», «Китоби Сайдана», «География», «Қонуни Маъсудий», «Минералогия» ва «Китоби-ат-тафхим» (бу унинг форс-тожик тилида ёзган ягона засаридир) кабиларини ҳам ёзган. Беруний қаламига 152 та асар мансубdir.

Беруний формокогиозия, топография, жўғрофия, метеорология соҳаларидаги катта тадқиқотлар олиб борди ва улкан ютуқларга эришди.

Беруний минераллар солиштирма оғирлигини тадқиқ қизаги. «Астрология санъати асарларини ўрганиш учун китоб» асарида Беруний дувоздаҳон, яъни ўн иккни бурж, улар бўйсунадиган сайёralар табиати, самовий күргзларнинг Ердаги иқлимга таъсири ҳақида кўп фикрлар билдирган. «Араблар,— деб ёзган эди Беруний,— барча метереологик ўзгаришларни юлдузларни кўриб чиқишига асосан тушунтиргантар, чунки улар табиатшунослик фанларини билмас эдиар, улар бу ўзгаришларни осмонининг турли қисмларига Қуёшнинг таъсири этишига эмас, балки юлдузларга боғлагандар».

Берунийнинг қимматли фикрларидаи бири Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги ғоядир. Беруний илми нујумда геоцентрик, ҳам гельноцентрик таълимотни қўллаш мумкин, деган мазмунда шундай деб ёзган эди: «Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши астрономияга ҳеч зарар келтирмайди, чунки барча астрономик ҳодисаларни бу таълимот нуқтан назаридан худди геоцентрик таълимот сингарни яхшилаб тушунтириш мумкин».

Беруний «Ер ҳаракатдами ёки ҳаракатсизми» рисоласидаги ғоятари билан Коперник ва Кеплердан бир неча асрга илгарилаган. Мутафаккир сайёralарнинг эллипсоид шаклида эканлиги, дунёларнинг кўплиги, иккича ярим шар ва унда қуруқликнинг бўлиши ҳақида гапуриган.

Беруний ҳинд астроном ва математиклари — Павлис,

Брамагупта, Ариабхаталарнинг (V—VI а.) ижодидан ҳам илҳомланган. Унинг фикрича фалсафа илмига йўл табиатшунослик орқали боради. Ўзи ҳақида Беруний шундай деб ёзган эди; «Мен ҳамиша математика соҳаларидан бири (астрономия) билан жуда боғлиқ бўлгандман ва ўзимни унга бағишладим».

Беруний ўз фалсафий қарашларида деизмга яқин бўлган позицияда бўлган. Худонинг яратувчи эканлигини уқтирган ҳолда, Беруний бу илоҳий биринчи турткни қувватини сақлаб қолиш ва ривожланиши ҳукуқини табиатга беради. Беруний борлиқининг қадимий ва абадий эканлиги ва уч унсур — олов, ҳаво, тупроқнинг ҳам сув унсуридан келиб чиқсанлиги ҳақидаги ғояни илгари суради. «Нима учун Арасту бошқа дунёлар ҳам бор деган файласуфлар фикрини асоссиз деб билади, ҳолбуки, унинг ўзини фикри асоссиз», деб ёзади Беруний. Олим Демокрит ва Эпикур сингари кўп дунёлар ҳақида фикр юритган ва: ...«ўша дунёлар ҳам бизники сингари табиий хусусиятларга эга», — деб ёзган эди.

Беруний моддий дунёнинг абадийлиги ҳақида гапи-рар экан, вақт нима билан ўлчанади, деган савол қўяди. Сайёralар ҳаракати билан, албатта. Фараз қилайлик, деб давом этади. Беруний, худо ва бошланғич материядан бўлак ҳеч нарса бўлмаган. Унда вақт нима билан ўлчанади? Эҳтимол, ўша пайтда бир сония жуда кўп вақтга тенг бўлгандир. Берунийнинг фикрлаш мантиқи замоннинг ўлчовсизлиги, абадийлиги, дунёнинг замондан ташқари яратилганлиги ҳақидаги ғояларга олиб келади. Бу ўта қиммат фикрdir. Материя ва шакл муносабати билан Беруний шундай дейди: «...ҳаракат тамомила материяга тегишли, зероки у руҳни боғлайди ва уни турли шаклларда кезиб юришга мажбур этади. Демак, материя фаолdir ва унга тегишли барча нарса унинг ҳаракатига кўмаклашади.» Беруний фикрича, материя конкретлик (муайянлик) либосига бурканади, у ёки бу нарсада намоён бўлади. Борлиқ — ўзгариш ва тарәққиётдадир, табиатнинг кучи ана шундан иборатдир.

Беруний Арастунинг материянинг узлуксиз бўлинниши ҳақидаги ғоясини инкор этади. Мутафаккир атомистика тарафдори эди. Лекин Левкипп, Демокрит, Эпикур кабилардан фарқли ўлароқ, Беруний бўшлиқ мавжудлигини инқор этгач. Беруний, атомизм таълимотини яна-да бойитиб, атомлар сифат жиҳатидан ўзгариш хусу-

сиятига эга деган фикрни илгари сурди. Бу фикр ҳатто Ар-Розий назариясида ҳам йўқ эди.

Ер куррасини Беруний, жамики самовий курралар сингари мунаvvар шаклда тасаввур этган бўлиб, ундаги барча унсурлар табнатидан қатъи назар унинг марказига интилади, деган фикрга келади. Бу ерда тортишиш кучи ҳақидаги аниқ физикавий тасаввур бўлмаса-да, фалсафий фараз бордир.

Тараққиёт ғояси борасида Арасту ҳам, ҳинд файласуфлари ҳам даврийлик ақидасида турганлар. Улар ҳақида Беруний шундай деб ёзди: «Вақтнинг даврийлиги ҳақидаги уларниг тасаввури ҳақиқатдан ҳам во-кеаъликка мос келади».

Файласуф тажриба ва мантиқни билдишнинг муҳим воситаси ва ҳақиқат мезони деб билади. Беруний фикрича, билдишнинг боштаниши—сезгилардандир ва ҳар бир сезиш жараёнининг ташки кўзғатувчиси ўша нарсанинг шактидир. Беруний сезиш табиатининг икки қисмига — ҳайвонот ва инсонларга хос эканлигини айтади. Мутафаккир фикрича, сезиш жараённда маълум дараҷада онг упсурни бордек. Сезишининг онг билан боғловчи жихатлари бу — эшитиш ва кўриш сезгиларидир.

Билишининг юқори босқичи бўлмиш ақл худо томонидан берилгандир,— дейди Беруний. Унинг вазифаси дунёни билиш, олий мақсади эса табиатдаги уйгунилликка путур етказмаган ҳолда ундан одамлар манфаати, баҳтсаодат йўлида фойдаланишдир.

Инсонда билиш жараённда турли иштибоқ ва хато фикрлар тугилиши мумкин. Беруний фикрича, бу иштибоҳларнинг объектив ва субъектив сабаблари бордир. Хатоликлар вужудга келишининг объектив сабаби инсон сезгилари ва онгининг чекланганигидир. Субъектив сабаблар эса, Беруний фикрича, турлича бўлиши мумкин: айрим одамлардаги түфма камчилик бунга мисол бўла олади. Лекин энг асосий субъектив сабаб — бу манфаатлар зидлиги, айрим олимлар табнатидаги ҳасад билан иллатлардир.

Берунийнинг динга муносабати рационализм руҳи билан йўғрилган. Қуръони Карим сураларининг чин ва ҳақ эканлигини ёқлаб чиққан Беруний айни чоқда диний тасаввурларни итмий билимлар билан араплаштири- масликка чақирган.

Сиёсат билан фаол шуғулланган Беруний жамият ҳаёти муаммолари ва кишилиқ жамиятининг келиб чиқиши масаласига қизиққан. Жамиятининг иайдо бўлиши

сабабини Беруний ҳаётнинг моддий асосларида турли эҳтиёжларда деб билди. Жамият, тамаддун, давлат инсонларнинг озиқ-овқатга, хавфсизликка бўлган эҳтиёжини қондириш воситаси сифатида вужудга келди. Мавжуд анъаналарга биноан, Беруний комил ижтимоий тузумнинг сардорини маърифатпарвар подшоҳда кўради. Ҳукмдорнинг энг асосий вазифаси «қуий ва юқори табақалар ўртасида адолат» ўринатишdir. Бу борада мутафаккир худо олдида барчанинг тенглиги ҳақидаги ислом ақидасини юқори баҳолайди ва аксинча, ҳиндларнинг табақавий бўлниш ҳақидаги гоясига қарши чиқади.

Инсон ҳаётининг маъниси ҳақидаги муаммони ҳам Беруний анъанавий тарзда ҳал этади. Ҳаётдан мақсад— баҳтга эришиш бўлиб, у билишда, илм олишдадир. Берунийнинг дунёқараши, унинг борлиққа, жамиятга, ишонга бўлган қарашлари — бу ўрта аср инсонпарварлигининг ёрқин мисолидир.

2.5. Абу Али ибн Сино

Берунийнинг кичик замондоши, буюк мутафаккир Абу Али Ҳусайн иби Абдуллоҳ иби Сино (980—1037) Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. Болалигидан илмга ишқ қўйган, ўткир зеҳили ва салоҳиятчи Ҳусайн ўн беш ёшлигига фиқҳ ва мантиқ илмини мукаммал эгаллаган эди. Табобат сабоқлари унинг учун шу қадар сингил кечганки, 16 ёшида Иби Сино амалий тиббиёт билан бевосита шуғулланганди. Фалсафага янеда қизиқини ортган ўш олим Арасту «Метафизика»сини бир неча бор ўқиб чиқади, бироқ ҳеч нарсани тушунмайди. Қунцларнинг биринда тасодифан бозордан Форобийнинг «Метафизика шарҳлари» китобини сотиб олди ва шундагина у «Метафизика»нинг моҳияти ва мақсадларини тушуниб етади.

Бухоро амири Нуҳ иби Мансурни оғир хасталикдан даволаган Иби Сино сарой кутубхонасида ижод этини имкониятнiga эга бўлади. Бу кутубхонада иоёб ва антика китоблар мавжуд эди. Ўша китобларни ўқиб, ундан баҳраманд бўлади. Бу ҳақда Иби Сино шундай деб ёзади: «Ёшим ўн саккизга боргандан бу илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим... ва ўшандан берин менда янги бир нарса қўшилгани йўқ»³.

³ Абу Али Иби Сино. Шеърлар ва тиббий достон. Т., 1981, 16—17-бетлар.

999 йилда, 19 ёшли Ибн Сино Бухорони тарк этиб Урганчга келади. Бу даврда чинакам фанлар академияси — «Маъмун Академияси» ташкил этилган эди. Бу академияда Абу Саҳл Масиҳий, Мансур иби Ироқ, Абул-Ҳайр Ҳаммор, Мансур ал-Саълибий каби йирик олимлар тўпланишган эди. 1010 йилда Урганчга қайтган Беруний яна академияга раҳбарлик қила бошлади.

Ибн Сино 21 ёшга тўлганида «Ал-мажмуъ» номли бир асар ёзади ва унда математикадан бошқа барча фанларни баён этади. Сўнгра, ал-Барақий деган қўшиниси илтимосига биноан фиқҳ борасида йигирма жилдча келадиган «Ал-ҳосил ва-л-маҳсул» номли шарҳлар тўплами ва ахлоққа оид «Китоб ул-бирр ва-л-исм» номли китоб ёзиб беради. Барақий бу китобларни шу қадар авайлар эди-ки, ҳатто нусха кўчиришга ҳам ҳеч кимга бермаган.

1017 йилда Хоразмии Султон Фазнавий лашкарлари босиб олади ва Ибн Сино Эронга қочишга мажбур бўлади. Олим умрининг сўнгги дақиқаларигача — 1037 йилнинг 18 шюнгигача Эроннинг турли шаҳарларида ҳаёт кечиради.

Ибн Сино дупёқараши юнон, ҳинд, қадимги эрон, араб фалсафий анъаналарининг таъсирида шакллангандир. Ибн Сино Гален, Гиппократ, Архимед, ар-Розий, Форобий асарларини пухта ўргапган. Юнон фалсафаси илмидаги ютуқлари учун замондошлари Ибн Синони «Шайх-ур-ранс» (Олимлар Сардори) ва «Учинчи муаллим» деб аташган.

Ибн Синонинг фалсафа тарихидаги буюк хизмати шундаки, у Шарқ перипатетизмини муайян тартибга солади. Қомусий билим ва юксак услубий салоҳиятга эга бўлган Ибн Сино, Форобий, ар-Розий ва бошқа йирик шарқ мутафаккирлари илгарни сурған гояларни умумлаштиришга мувваффақ бўлди. Ибн Синодэн кейин бундэй ютуқларга фақатгина андалусиялик (мусулмон Испанияси) Ибн Рушд эришган эди.

Ибн Сино илмий меросига 280 дан ортиқ асар киради, шулардан 185 таси фалсафага оиддир. «Китоб-ushi-Шифо», «Китоб-ун-нажот», «Донишнома» асарлари шулар жумласидандир.

«Шайх-ур-ранс» айниқса табиб сифатида кенг шурхат қозонган эди. Унинг беш жилдли «ал-Қонун фи-тиб» асари Ғарб ва Шарқ табиблари учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган ва хизмат қилмоқда.

Борлиқ ҳақида таълимотида Ибн Сино Форобий-

нинг классик анъаналарини давом эттириди. Жамики мавжуд нарсаларни Ибн Сино иккига бўлади. мавжудлиги ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган зарурий вужуд ва мавжудлиги зарурий вужудга боғлиқ бўлган имконий вужуд. Зарурий вужуд — бу сабаби аввал, худо. Ҳақдир. Бу — соф ақт, мутлоқ ҳақиқатдир. Бу фақатгина Оллоҳга тегинсли бўлган билимдир, бирламчи эманациядир. Ундан жамики мавжудот вужудга келган. Узоқ мушоҳада ва мулоҳазалардан сўнг ақлиниг ўнинчи (фаол) босқичига эришиладики, бунда Ер юзидағи хилқат ва чексиз инсоний руҳлар буниёдга келади. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг дунёмиз ҳиссий ва емирилувчиидир. Мухими, бу жараёнларниг бари детерминизм, жумладан сабабият қонунларига кўра содир бўлади.

Ибн Сино молдий дунё билан биргатикда ҳаракат, замон, макон қабиларниг ҳам ибтидоий ва абадийликни эътироф этган ва бу мантиқан тўгри, зоро ҳаракат, макон ва замон — бу материяниг асосий акциденция, яъни хосса-таридир.

Хиссий дунёниг асосий бирлиги — бу жилемдир. Сайёралар, юлдузлар, минераллар, ҳайвоит олами, одамлар — буларниг барчаси жилемнидир. Лекин бу хилма-хиллик асосида солда моҳиятлар ётади. Азалазалдан бу асосларни тўрт унсур — сув, ер, олов ва ҳаводан иборат деб тушуниб келингани. Ибн Сино, Арас ту сингари бу унсурларни гарчи солда бўлса-да, жисм деб хисоблагай. Ибн Сино уларни оддий асослар деб атайди. Ҳақиқий ибтидоий асос эса — бу сифатлардан коли материя бўлиб, ундан жилемлар ташкил топади. Лекин жилем вужудга келишчда молдийликниг ўзи киғоя эмас. Жилемни жилем қиласидиган ва унга бетакрор хусусият баҳиш этувчи нарса — бу шаклдир. Шаклга кирган ҳар бир жилем узунлик, баландлик ва кенгликка эгалидир. Ҷемак, ҳар бир муайяни жилем материя ва шакл бирлигидир. Лекин борлиқнинг тўла манзарасини яратишда бу ҳам етарли эмас, чунки тажриба шуни кўрсатадики, жисмлардан ташқари жилемсиз моҳиятлар — руҳлар ҳам мавжуддир. Руҳ ёки жон гарчи жилемсиз бўлса ҳам ва жисмларга боғлиқ бўлмаса-да, жисмлардан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Руҳ — бу ҳаёт ибтидосидир. Руҳсиз жилем ўлиқ жилемдир. Бундай жонсиз жисмлар сирасига Ибн Синонинг жамики минераллари ва тўрт унсури киради. Жонли жилемлар эса ҳаракат манбаига эга, яъни мустақил равишда ҳаракат қиласидилар, зоро уларниг табиати ҳаётий куч билан йўғ-

рилган. Етти сайёра, ҳайвонот ва набобот олами, одамлар ҳам жонга эгадирлар.

Ийсон руҳдан ташқари, билишнинг олий қуввати—ақлга ҳам эга. Агар руҳ материя билан бевосита алоқадор бўлса, ақл ундан тамомила мустақилдир. Ақл нафақат инсонга тегишли. Ибн Сино ақл даражалари (жами 10 босқич) ҳақидаги неоплатоник таълимотни сақлаб қолади. Энг олий ақл—биринчи ақл бўлиб, уни Худо юзага келтирган. Бу ақлдан иккинчи ва ҳ. к. даражали ақл вужудга келади (осмоний курралар ва фаришталар) ва ниҳоят энг қуйи даражали ақл—инсон ақли вужудга келади. Инсон ақли Сабаби Аввални билишта қодир. Борлик шу Сабаби Аввалдан пайдо бўлади ва инсон ақли орқали яна унга келиб қўшилади. Ибн Синонинг имони комил эдики, ҳар бир инсон фақат чуқур билим олиш орқалигина чиннакам худо йўлини толиши мумкин.

Шундай қилиб, Ибн Сино таълимоти ва умуман шарқ перипатетизми анъаналари қуийидагичадир: Сабаби Аввал—бу Худодир, яратгувчидир. Ундан зарурий равишда оддий моҳиятлар—материя, шакт, руҳ ва ақл вужудга келади. Улардан мураккаб жисемлар ҳосил бўлади. Жисемлар оддий—чор унесур, жонзи ва жонсиз бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир жисемга турли хусусиятлар—акциденциялар ҳос. Акциденциялар тўққизта бўлиб, улар умумий тушучалар категориялар, яъни борлиқнинг олий турлари дея аталади. Категориялар вазифаси—жисемларни боғлашдир. Улар қуийидагилардан иборат: миқдор, сифат, муносабат, макон, замон, ҳолат, ҳаракат, эга бўлишлик ва мажхуллик.

Ибн Сино натижка тушучаларига алоҳида ургу беради. Ибн Сино фикрича, сабаблар бир неча турларга бўлинади: янги сифатга ўтадиган сабаблар ва ўтмайдиган сабаблар, ҳақиқий ва нореал, ташқи ва ички, таъсир қилувчи ва мақсад сабаблар. Оқибатлар эса икки турга бўлинади: имконий ва зарурий ёки моддий ва шактий оқибатлардир. Охирги сабаб, «сабабларнинг сабаби»—бу мақсаддир.

«Китоб-ун-нажот»да Ибн Синонинг абадият ва яратилиш ҳақидаги мулоҳазалари берилган. Бунда Ибн Сино сабабсиз яратилиш ғоясини рад этади. Унинг фикрича, олам худо томонидан зарурий равишда яратилгандир. Материяни муайян маънода яратилган дсийиш лозим, зеро олий сабаб мавжуд эрурки, материянинг мавжудлиги унга боғлиқдир, яъни у иккиласмчи-

дир. Лекин иккинчи томондан, материя абадий субстанциядир, зеро материя замонга нисбатан бирламчи, аввалдир, қадимийдир. Бошқача қилиб айтганда, материя мавжуд бўлмаган даврнинг ўзи бўлмаган.

Анъянага кўра, мутлоқ сокинлик худога, сабаби аввалга хос, ҳаракат эса — табиатга хос хусусият деб келинган. Ибн Сино ҳаракат ҳақидаги содда, механистик тасаввур билан қониқмайди. Унинг учун ҳаракат — имконийтиқдан воқеъликка ҳар қандай ўтишдир. Бунда изчил ва равон ҳаракат модданинг ички табиатидан келиб чиқади, муңтазам бўлмаган «сакраш»лар эса «майл-хоҳиш» туфайли ёки ташқи туртки сабабли содир бўлади.

Ибн Синонинг макон ҳақидаги таълимоти икки ғояндан иборат: 1) бўшлиқ мавжуд эмас; 2) ҳар бир жисм ўзининг муайян, табиий ўрнига эга. Бўшлиқни инкор этиш борлиқ ҳақидаги таълимотга қарама-қаршиликка йўл қўймаслик учун зарурдир. Фақатгина борлиқ мавжуддир. «Ноборлиқ мавжуддир» деган фикр ҳеч қандай мазмунига эга эмас.

Макон тушунчаси ўрин тушунчасига, яъни бир жисми иккичи жисмдан ажратиб турадиган чегарага мос келади. Демак, умуман макон — бу алоҳида жисмлар ўринларининг йиғиндинсиидир. Бундан келиб чиқадики, «бутун дунё ягона борлиқдир».

Шундай қилиб, моддий дунё шар шаклидаги ягона жисмлардан ташкил топган. Бу жисмлар ўзаро категориявий муносабатлардадир, моддий нарсалардан ташқари идеал моҳиятлар — руҳлар ва ақл ҳам мавжуддир. Руҳ ёки жонлар уч турда бўлади: ўсимлик, ҳайвон ва инсоний руҳлар. Ўсимлик жонни озиқтанишга, ривожланнишга ва кўпайнишга ундейди. Ҳайвоний жон таниш ҳаракатлантиришга ва сезишга ундейди. Ҳайвоний руҳга беш турдаги сезиш хосдир — кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва туйиш. Бу руҳларниг ички кучлари («қувва») шаклини — предметлар образини ва улар билан боғлиқ бўлган гояларни идрок этади (масалан, бўри образи билан боғлиқ «душманлик ғояси» бунга далил бўла олади). Ички сезгиларга эса қўйидагилар киради:

1) «фантазия» — у бешта ташқи сезгилардан шактни қабул қилиб олади; 2) тасаввур — «фантазия» га асосланади; 3) ҳаёт; 4) фаҳм; 5) хотира. Ҳар бир идрок турига миянинг алоҳида бўлими мос келади.

Ақлий инсоний руҳ икки қобилиятга — амалий ва

фикрлаш қобиلىятига эга. Амалий қобиلىят ахлоқий лутфларни англаган ҳолда ҳаракат қылишга имкон беради. Ақлнинг вазифаси эса — жузъдан (хусусий, умумий) куллни ва материядан шаклни ажратиб олишдан иборат. Инсоний ақл ўз тараққиётида икки босқичини ўтайди. Биринчи даража — имконий ҳолатдир, уни ёш боланинг қобиلىятларига қиёслаш мумкин. Имконий ҳолатга Ибн Сино тажрибани ҳам киритади. Иккинчиси — воқеълик ҳолатидир. Бу ҳолатга салоҳият ва қобиلىятлари «ҳамиша фоол ва ҳаракатдаги ақл, яъни биринчи ақл туфайни» ўтади. Худода инҳон билимларни эгаллаган ақл ўзлаштирилган ақлга айланади. «Ўзлаштирилган ақл даражасида инсон имкониятлари жамики мавжуд нарсаларининг биринчи сабабига монанд бўлади».

Ибн Сино фикрича, билиншинг уч тури мавжуд: ҳиссий, ақлий ва мистик билиш — нубувват, яъни пайғамбарона билиш. Барча билимлар мажмуни Худода инҳон бўлгантиги учун, икки йўл орқали билиш мумкиндири: ҳам табиий йўл, яъни ҳиссийликдан ақлий билиш орқали биринчи сабабни идрок этиш, ҳам ғайри-табиий йўл — илоҳийдан ақлта ва упдан инсон сезгиларига келадиган билимни эгаллаш орқали билиш мумкиндири. Ҳиссий билиш воситаси — инъикос, ақлий билишда восита — мантиқий фикр юритиш, нубувват учун эса илоҳий ақл билан мистик тарзда мулоқот — ваҳий восита бўлади. Ҳақиқатни билишга даражаларига кўра турлича эришилади. Ҳиссий билишда ҳақиқат — бу тажрибалар ва сезги кўрсатмаларига мос келадиган билим бўлса, ақлий билишда эса — мантиқий равишда ҳукмлардан хуласа чиқаришдири. Нубувват эса табиатан чин ва ҳақиқатидир.

Арастуизмда илм деганда жиддий мантиқий усуллар ёрдампда исбот этилган фикрлар мажмун тушунилади. Бундай билимнинг ёлгои ва хато бўлиши мумкин эмас. Үндан қуйидаги мuloҳаза, яъни эҳтимолдан йироқ бўлмаган, ҳам чиц, ҳам ёлгон бўлиши мумкин бўлган фикрлар туради. Ва инҳоят, илмий билимларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган софитика, риторика ва поэтика — фикр юритишнинг энг қуян даражаларидир.

Перипатетизм апъаналарини давом эттирган ҳолда Ибн Сино ўзининг билиш назариясида ҳиссий ва ақлий билиншинг ўзаро узвий равишда боғлиқ эканлигини алоҳида уқтириб ўтади. Ҳиссий билишда бешта сезги иштирок этади: уларнишг берган маълумотлари руҳда

сақланиб қолади ва қайта ишланади, сүнгра эса умумий тушунчалар ёрдамида зарур хulosаларга келади-ган ақл ишга тушади. Шу тарзда янги-янги билимлар вужудга келади.

Ақлий билиш қороли — бу мантиқ (ёки силлогистика, яъни тўғри хulosса чиқариш) дир. Мантиқ — бу фикрлаш саңъатидир. Мантиқ ёрдамида таъриф ва тавсифлар берилади, уларнинг асосида эса хulosалар чиқарилади. Мантиқ илмидан боҳабар бўлиш хатолар ва янглишишдан асрайди.

Фанларни тасниф этар экан, Ибн Сино аиъанага кўра уларни амалий ва назарий турларга бўлади. Амалий фанлар предмети инсон хатти-ҳаракатига боғлиkdir. Бу туркумнинг ўзи учта мустақил фандан ибораттадир. Биринчиси — жамиятни бошқарни ҳақидаги фан бўлиб, у а) шаърий қонунлар ҳақидаги таълимот (хўқуқшунослик) ва б) сиёsat илмини ўз ичига олади. Сиёsat — хукуқнинг натижасидир. Иккинчиси — уй хўжалигини юритиш ҳақидаги фан (иқтисолидёт) бўлиб, у жумладан онладаги шахсларнинг ўзаро муносабатини ўрганади. Учинчи фан — этика, яъни ахлоқ-одоб ҳақидаги фандир.

Назарий фанлар предмети одамлар хатти-ҳаракатига боғлиқ эмас. Амалий фалсафа сингари назарий фалсафа ҳам уч қисмдан иборатди. (Шайх-ур-ранс, Арасту сингари, жамники мавжуд фанлар мажмумни «фалсафа» истилоҳи билан айтади). Булар — табнатдан юқори турувчи моҳиятлар ҳақидаги, табнат ҳақидаги фанлар ва ўрта фанлар. Олий назарий фан табнатдан юқори турувчи моҳиятларни ўрганади. У метафизика (мо баъзат-табна) ва илоҳиёт илмидан иборат. Метафизика қўзғалмас мутлоқ борлиқ ва унинг хусусиятлари ҳақидаги илмидир. Илоҳиёт — яратгувчи — худо ва унинг ягоналиги ҳақидаги таълимотидир. Ўрта фан, яъни математика «миқдор», мезон ва адад (сон) ҳақида илм беради. Унинг таркибиңга геометрия, ҳисоб, астрономия, мусиқа, оптика, механика, ҳаракатдаги курралар, турни асбоблар ҳақидаги фанлар ва ҳ. к. киради.

Мантиқ барча илмларнинг умумий методологияси, услубидир. Мантиқ, Ибн Синонинг ёзишича, «мезоний фан», қолган фанлар эса фойда ва зиён ҳақидадир.

Амалий фалсафа бобида Ибн Сино ҳар бир субстанция ўзининг ягона борлиқ таркибидаги ҳолати ва табиий ўринига эга бўлганилиги сингари, ҳар бир инсон ҳам жамиятда ўзига муносиб ўрини эгаллайди, деган

фикрни ёқлаб чиқади. Ижтимоий тақсимотни (бўлиниш) ягона организмда вазифаларнинг тақсимотига киёслаш мумкин. Агар шу тартиб бузилса, бундан бутун жамият зиён кўради. Шунинг учун мулкий ва ижтимоий ҳолатдаги фарқ одамлар ҳаётининг равон бўлишига сабаб бўлади.

Афлотун анъанасига кўра, жамият бошқарувчилари, ишлаб чиқарувчилар ва муҳофаза (ҳимоя) этувчилар, яъни маъмурият, ҳунармандлар ва ҳарбийлар каби гуруҳларга бўлинади. Бу ижтимоий пилтапоя фаол ақл ва сабаби аввалга ҳар жиҳатдан монанд бўлишга интилевчи маърифатпарвар ва одил подшоҳ мақоми билан тугалланади.

Тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш учун жамият адолат қонун-қондаларини барқарор этиши керак. Бу қондалар сўзсиз бажарилиши учун, улар илоҳий мазмунга эга бўлиши лозим, адолат гарови эса ҳам сиёсий, ҳам маънавий муносабатда мутлоқ авторитет (обрў) га эга бўлган одил подшоҳдир.

Ибн Синонинг ахлоқий таълимотидаги асосий тушунча — бу баҳт категориясидир. Баҳт — бу ҳаётнинг мақсади ва якунидир. Арасту анъанасига биноан, баражи хилқат баҳтга, камолотга интилади, мутлоқ баҳт эса — бу ўзида илмий, ахлоқий ва эстетик камолотни мужассам этган худодир.

Ибн Сино илмий-ахлоқий баркамоллик тўғрисидаги Арасту ғоясини сўғийларнинг худога бўлган ишқ-муҳаббат ҳақидаги ғояси билан биргаликда талқин этади. Ишқ худога бўлган муносабатда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, у ижтимоий омил ҳамдир — ишқ инсонга қатор маънавий ва ҳуқуқий бурчларни юклатади.

Барча ахлоқий ва эстетик майди-хоҳишлар ақлга бўйсуниши керак. Шундай қилиб, Ибн Синонинг комил инсон ҳақидаги тасаввури ақлни камолот, олий баҳтга интилиш, яъни эзгулик, оқилона ҳиссий лаззат ва ишқнинг уйғун ҳолда бўлишдан иборат.

Ибн Синонинг фалсафиј таълимоти Шарқ перипатетизми шарқий йўналишининг олий босқичи ва якунн бўлди. Мутафаккирнинг фалсафа, табиатшунослик, табобат илми бўйинча асарлари Шарқ ва Farb фалсафаси ва илму фанининг кейинги тараққиётига баракали таъсир кўрсатди ва илмдаги йўналишини белгилаб берди.

3. ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ АХЛОҚИЙ ДИДАКТИКАСИ

Юсуф Хос Ҳожиб (Юсуф Баласағуний) — XI аср-нинг кўзга кўринган шоири ва мутафаккири. У Марказий Осиёда Қорахонийлар ҳукмронлик қилган даврда яшади ва ижод қилди. У Баласағуний шаҳрида⁴, бу шаҳар гоят гуллаб-яшнаган даврда туғилди.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг бирдан-бир достони бўлмиш «Қутадғу билик» («Баҳт армуғон этувчи билим») билан машҳур бўлиб, бу достон бизгача тўла ҳолида етиб келган. Мутафаккирнинг бошқа асарлари ҳам бўлган деб тахмин қиласидар.

«Қутадғу билик» этик-дидактик асар сифатида Шарқ ўрта асрининг дунёвий адабиётига мансуб турк тилидаги энг йирик ёдгорликларидан биридир. Бу асар араб тилида ёзилган Ибн ал-Мукаффанинг «Китоб ал-адаб ал-Кабир», Ибн Қутайбанинг «Үюн ал-ахбор», ал-Жаҳиддининг «Китоб ат-Таж» типидаги, шунингдек форс тилида ёзилган Низом ал-Мулкнинг «Сиёсатнома», Кайковуснинг «Қобуснома» си ва шу хилдаги Шарқда кенг ёйилган ўйт-насиҳат жанрига оид асарлар сирасига мансубдир.

Ушбу китоб 1069 йилда ёзилган, муаллиф уни Қашқар ҳокими Сулаймон Арслон Қорахоқонга бағишиланган, бунинг учун хон унга Хос Ҳожиб, яъни буюк хоннинг маҳсус маслаҳатчиси унвонини берган.

Юсуф Хос Ҳожиб фаолиятига Қорахоний ҳокимларининг бу қадар юксак баҳо берганлиги ҳамда асарига-фоят катта қизиқиши билан қаралганлиги шу билан изоҳланадики, бир томондан, «Қутадғу билик» феодал жамияти намоёндалари учун этик қоидалар ва хулқ-атвор нормаларининг ўзига хос бир кодекси бўлиб қолган, иккинчи томондан эса, Қорахонийлар сулоласи давлатнинг дәҳқон ва ҳунарманд аҳолиси наздида ўз ҳокимиятининг обрў-эътиборини барқарор этишга, шунингдек қўёни ҳокимлар томонидан тан олинишига интилган. Юсуфнинг фикрича, ҳоким ва унинг теварагидаги кишилар феодал этикаси талабларига батамом мувофиқ равишда ўзларини қандай тутишлари, «давлат илми» қоидаларига биноан бошқаришга қандай ўрганиб олишлари хусусида ана шу китобдан барча зарур билимларни топишлари лозим эди.

² Баласағун — Қорахонийлар мулкларининг маъмурний-сиёсий марказларидан бирин бўлиб, ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри яънида жойлашган.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз замонининг жуда билимдон кишиси эди: достон унинг адабиёт, тарих, фалсафа, этика ва эстетика соҳасида жуда кенг билимларга эга эканлигидан далолат бериб турибди. У Эроннинг қаҳрамонлик эпоси билан таниш бўлганки, «Қутадғу билик» нинг Фирдавсий «Шоҳнома»си каби маснавий шаклида ёзилганлиги бундан далолат беради. Достонда «Шоҳнома» қаҳрамонлари Ануширван, Заҳҳок, Фаридун, Рустам, Афросиёб ва бошқаларнинг номлари тилга олинган. Муаллиф уларни адолат, яхшилик, жасорат каби олижанобликнинг ўзига хос бир мезони сифатида ифодагланган ва булар идеал ҳокимнинг хислатлари тимсоли сифатида берилган.

Юсуф Хос Ҳожибининг этик қарашлари у Ибн Сино меросини, хусусан, давлатнинг мураббийлик функцияси, тарбия билан даволанадиган иллат, муруватли ҳоким жамият ва давлатни соғломлаштириш шарти эканлиги каби масалаларни чуқур ўрганиб чиққанлигидан далолат беради.

Унинг асарини энг муҳим хусусиятлари орасида аввало рационалистик анъаналарни қайд қилиб ўтиш лозимки, бу анъаналар инсон ақл-заковатига, ўз даврининг илғор фани ва маданиятига, назарияни практика билан боғлашга интилишга чуқур ҳурмат билан қарашда ўз ифодасини топади.

Бироқ, ҳукмрон ижтимоий муносабатларнинг бемаънилиги ва адолатсизлигини доно насиҳатлар билан бартараф этиш мумкин деган фикр достонни утопистик асарлар билан бир қаторга қўяди. Шундан кўриниб турибдики, «Қутадғу билик» нинг сўфизм билан чамбарчас боғланлиги тасодифий эмас. Тўғри Юсуф Хос Ҳожиб достонининг ҳамма асосий фикрларини реал ҳаётдан ажратиб олган ҳолда қараб чиқиш керак эмас. у этикада кўпинча ўзининг дунёвий қайғу-аламларини ва баҳтга бўлган конкрет интилишини тасвири тайди.

Достон қаҳрамонлари—ҳоким Кунтуғди адолат рамзи, вазир Ойтўлди баҳт (давлат) рамзи сифатида, вазирнинг ўғли Ўғдулмиш ақл рамзи сифатида муаллиф томонидан ўйлаб топилган, бироқ улар реал дунё на moyндalarидir.

Фақат Ўғдумурmuş қиёфасидагина дунёни тарк этган, ўзини худога баҳш этган зоҳид образи, адолат учун фабол кураш олиб боришга ожиз инсон сифатида кўрсатилганки, унинг норозилиги суст, унинг ўзи эса зоҳидлиқда,

жамиятни тарк этишда, ҳиссий чуқур ўйга ботишда ифодаланган.

Мутафаккир инсон фақат жамиятдагина, бошқа кишилар билан мулоқотда ва ўзаро муносабатларда, ижитимоний фойдалы мәхнатдагина чинакам камолотга этишиди, деган тезисин илгари суради. «Инсонга фойда келтирмайдиган инсон,— деб таъкидлайди у,— ўликдир»⁵.

Мутафаккир жамиятда мәхнат ахли (дөхконлар, чорварлар, ҳунармандлар) ҳал қилувчи роль ўйнашини уқтиради⁶. Шу сабабли Юсуф Ҳос Ҳожиб ҳокимга адолатли бўлишни, ўзбошимчалик ва қонунсизликка йўл қўймасликни маслаҳат беради, чунки бу нарса ахлоқ нуқтаи назаридан мутлақо ёмопликтидир. Ортиқча зулм халқнинг сабр косасини тўлдириши ва исенга олиб келиши мумкин, дейди, у.

Марказий Осиёнинг бошқа кўп мутафаккирлари каби Юсуф Ҳос Ҳожибда ҳам этик қарашлар унинг сиёсий ва социал қарашлари билан чамбарчас боғланиб кетган. Унинг фикрича, ҳокимларнинг ҳам, уларга мутеъ кишиларнинг ҳам ахлоқий камол топиши давлатнинг сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланишига, унинг обрў-эътибори ошишига олиб келади. Доно ҳоким бўлса ақл ва адолат бошқарувнинг негизини ташкил этади. Ақл ва адолат, шубҳасиз, ялпи баҳт-саодат ва фаровонликка олиб келади: жамият аъзоларининг ўзаро муносабатларида ахлоқнинг: дўстлик, садоқат, ҳалоллик, ростгўйлик, ҳурмат ва муҳаббат каби умуминсоний нормалари ҳукмрон бўлади.

Мутафаккир ўз достонида ҳоким билан халқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласига мудом эътибор бериб келади. «Агар бек эл ҳақида ғамхўрлик қиласа», унинг фуқаролари жуда бойиб кетади. Бордию фуқаролар бойиб кетса, унда бекнинг «ҳамма истаклари рӯёбга чиқади». Бошқа бир жойда у тўғридан-тўғри мана бундай деб таъкидлайди: «Агар халқ ўз ахлоқини такомиллаштириб борса, бек ҳам ахлоқ-одобда камол тогиб боради, бордию бек ахлоқ-одобли бўлса, у ўз халқи учун яхшилик қилган бўлади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб «Қутадғу билик» да идеал давлат, гуллаб-яшнаётган эл ҳақидағи ўзига хос бир хаёлий маизарани баён этишга интиладики, гёё бундай элда

⁵ Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билик. Т., 1972, 529-бет.

⁶ Уша асар, 659—667-бетлар.

ҳар бир киши ўз ўрнида бўлади, ижтимоий бурчини фаол адо этиб боради.

Мутафаккир даъвосига кўра, давлатда жамики нарса юксак даражада бўлмоғи учун ҳоким аввало маърифатли ва доно, ақлли, заковатли ва билимдон бўлиши лозим.

Бу ўринда Юсуф Хос Ҳожибининг идеал эл ҳақидаги қарашлари билан Афлотуннинг идеал давлат (полис) ҳақидаги ғояси ўртасида давлатга бошчилик қилаётган шахснинг ёки шахслар гуруҳининг роли ва вазифалари хусусида ўхшашлик борлигини қайд қилиб ўтиш мароқлидир. Афлотун ўзининг «Давлат» асарида давлат ҳоқимияти мумтоз файласуф — аристократларники бўлиши лозим деган фикрга амал қилгани каби Юсуф Баласағуний ҳам ҳокимни энг аввало билим-маърифатли доно киши деб билади. «Қутадғу билик» да «Ҳоқимнинг ақл-заковати» га, унинг давлатпаноҳлиқидаги донишмандлигига: қонун чиқариш борасидаги фаолияти, тарих ва «бошқарув билими» (сиёsat) ни билишига, дунёвий фанлардан ва сарой ахлоқ-одобидан хабардорлигига жуда катта аҳамият берилади. Донишманд фикрича, йайни «идора қилиш илми (ёрдами) билан оддий халқнинг ахлоқи яхшиланади»⁷. Ана шу маънода у қадимий турк мутафаккирлари учун характерли бўлган анъанаlardан қочадики, бу мутафаккирлар ҳали ҳарбий-демократик тузум белгиларини кўп даражада сақлаб қолган, хоннинг доно-донишмандлиги деганда унинг шахсий жасорати, жанг жадалдаги мардликлари, ҳарбий йўлбошчи ва лашкарбоши сифатидаги истеъоди тушуниладиган кўчманчи турк давлатининг шарт-шаротларини акс эттирган эдилар.

Феодал ҳоқим ва унинг теварагидаги кишилар хулқатворининг қоида ва нормаларини баён қилиш билан бирга «Қутадғу билик» да бир қатор бошқа масалалар ҳам қўйиладики, бу масалалар билимнинг турли соҳаларига, хусусан Юсуфининг этик концепциясининг негизини ташкил этувчи ахлоқий дидактикага тааллуқлидир.

Шуни кўрсатиб ўтиш зарурки, Юсуф Хос Ҳожибининг ахлоқий қарашлари унинг барча спёсий, социал ва бошқа ғояларининг негизини ташкил этади. Мутафаккир қимлигидан (ҳоқим ёки оддий киши бўлишидан) қатъи назар кисон бўлиши лозим, чунки «дунёда фақат инсо-

⁷ Юсуф Хос Ҳожиб, Қутадғу билик, 355-бет.

нийликкина абадул-абад қолади»⁸, дейди. Шу сасабли ўз номининг ҳамиша яхшилик билан эсланишини истаган кишига у фақат яхшилик қилишни маслаҳат беради⁹. Ийсонийлик деганда мутафаккир ахлоқий камолотни тушунар эди.

Юсуфнинг эътиқодига кўра, ахлоқий камолот — ийсоннинг буту ҳаёт ва фаолиятининг бирламчи асосидир. У, жумладан, бундай деб ёзган эди: «Кимнинг одоби яхши ва ахлоқи тўғри бўлса, у киши ўз мақсадига ётади ва баҳт унга кулиб боқади», зеро, «яхши ахлоқ—жамники яхшиликларничг замонидир»¹⁰.

Юсуф Хос Ҳожиб жамияттинг қандай табакаларига мансублигидан катъи назар ҳамма кишилар ўтасида самимий ийсонийлик, ҳурмат ва мухабbat туйгулари бўлишини орзу қиласи эди. У ахлоқий принципларга катъий гноя қилиш воситаси билан ўз замонидаги жамиятни бедаво дарддан холос этишини истарди.

Ягона мақсадни кўзлаб жамиятнинг барча табакаларини оғзиңилар сифатида муросага келтириш ва ана шу негизда одил ва гуллаб-яшнайдиган жамият барпо этиши Юсуф Хос Ҳожиб ахлоқий койцепциясининг асосий мазмунини ташкил этади.

Мутафаккир фикрига кўра, дунёда яхшилик ва ёмонликнинг икки тури: туғма яхшилик ва ёмонлик ҳамда кейин пайдо бўлган яхшилик ва ёмонлик мавжуддир. Шунга музофий тараҳа одамларнинг ҳам икки тури — табиатали яхши ва ёруз одамлар ҳамда муҳитига, тарбиясигта яраша яхши ва ёмон одамлар бор.

Бу хил гоявий методологиянинг асосий нуқсони шунда элеки, ўз талқиқот йўлини ad Nomiperdan (яъни мавхум одам) ўз биологик табиатига кўра яхши ёки ёмон оламдан бўшлайди. Юсуф Хос Ҳожибининг агар одам табиатан ёмон бўлса, унга тарбия кор қилмайди, деган хато қондаси ҳам ана шундан келиб чиқади. «Унинг учун хеч қандай малҳам йўқ, у катта фалокатдир»¹¹. Мутафаккир ёмон одамлардан ўзоқроқ бўлишни, улар билан дўст бўлмасликни маслаҳат беради, чунки «дўстлашса, яхши олам ҳам ёмон бўлиб қолиши мумкин»¹², дейди у. До нишмандинг бу ўйт-насиҳатлари биринчи навбатда ҳокимларга қаратилган эди, чунки

⁸ Уша асар, 867-бет.

⁹ Уша жойда.

¹⁰ Уша асар, 185-бет.

¹¹ Уша асар, 185-бет.

¹² Уша асар, 635-бет.

давлатпаноқ теварагида табиатан яхши ниятли, юксак ахлоқ соҳиби бўлган кишилар бўлган тақдирдагина тўғри ишлар қилиш, тўғри фармойишилар бериши мумкин бўлади ва ана ўшандагина мамлакат, шубҳасиз, равнақ топади.

Юсуф Хос Ҳожибининг фикрича, фақат насл-насабли, зодагон кишиларгина юксак ахлоқий хислатларга эга бўлишади, оддий фуқаролар эса, «насл-насабсиз» бўлиб, фақат ёмон ишларгагина лаёқатлидирлар ва ғарзгўйлик, ҳасадгўйлик ва бошқа ярамас тубан иллатлар таъсирида иш тутадилар.

Юсуф Хос Ҳожиб айтадики, оддий халқ (қора авом) нинг ахлоқи тубан бўлади ва шу сабабли кишилар хулқ-авторининг хатто, энг оддий норма ва қондалари иш хам билмайди¹³.

Шу боисдан «яхши кишилар» (ахлоқан комил кишилар), яъни унинг маслаҳатгўйлари бўлишлари лозим. Мутафаккир фикрига кўра, «насл-насабсиз кишидан» бекининг маслаҳатчиси чиқиши мумкин змас, чунки «қоралар» ярамас қилиқларга мойил бўладилар — «булар қуллар, кора танлилардир, бек эса оқ танлидир»¹⁴. Файласуфнинг ана шу қарашларида ҳукмрон синф типик вакилининг қарашлари ўзини кўрсантиб турибди.

Шуниси қизиқарлики, бу ўринда Юсуф Хос Ҳожиб ўзига ўзи зид гапиради ва изчил эмаслигини очиқдан-очиқ ошкор қилиб қўяди: бек юкори наслаб вакили бўлганлиги учун унда яхшилик қилишга туғма мойиллик бўлади, шу сабабли ёмон таъсиридан қўрқмаса ҳам бўлади, зеро, унинг фикрича, асли яхши бўлган кишилар ўз теварак-атрофилаги ёмон кишиларнинг таъсири билан ўзгариб қолмайдилар. Хўш, ундан бўлса, ийма сабабдан хонлардан тоотиб то майда мулк бекларигача баъзи бир ҳокимлар юкори наслабли бўлишларига, яъни мутафаккирларнинг лаъвосича, «туғма яхши» кишила бўлишларига карамай ашадлй зулмкор, поражхўр, кўпинча ўзларининг мұхим ҳокимлик бурчи вазифаларини бажармайдиган ва ўз вактларини бёмаъни кўнгилхўшлиқ ва машшат қилиш билан ўтказадилар.

Мутафаккир ҳукмрои ургу аъзоларининг туғма мұкаммал кишилар эканлиги ҳәқидаги хом хаёл назариядан кочиб қутила олмадики, бу назария уларнинг юксак насл-насабларини мақтаб, кўкларга кўтаришдан ибо-

¹³ Уша жойда, 647-бет.

¹⁴ Уша жойда, 349-бет.

рат эди. У ҳокимнинг ўзини тўғридан-тўғри айблашга журъяят этмади, фақат номуносиб ҳокимларни мисол қилиб кўрсатиб, уларнинг нолойиқ хатти-ҳаракатларини теварак-атрофларидағи кишиларнинг ярамас таъсиридан деб изоҳлади. Юсуф Хос Ҳожиб оқил ҳоким—одамларнинг энг яхшиси бўлиб, у одил ва ҳамма табақаларга ни батан талабчаник қиласи, деб ишонтиришга интилди.

Уз замонасаннинг жуда билимдон кишиси бўлмани Юсуф илмнинг турли соҳаларини жамиятни тараққиёт ва гуллаб-яшинашга олиб келувчи куч деб билиб, уларни әгалашга даъват этди. У илм-фан ва маърифат ёрдами билан ўз даврининг ахлоқий мұхитини соғломлаштириш мүмкінligини таъкидламоқчи эди. Шоир бундай деб ёзган: «Ўқув-идрок бир машъал, кўр; нобийнога кўздир, ўлик тан(лар)га жон ва лол тил(лар)га сўздир¹⁵. Юсуф кишини зулмат ичидағи уйга, билимни эса ана шу уйни нурафшон этувчи машъалага ўхшатади¹⁶. Мутафаккир билим олишга оқилона ёндашишни маслаҳат беради, чунки «ҳамма яхшиликлар билимдан пайдо бўлади, билим ёрдамида иисоннинг мартабаси ошади, номи машҳур бўлади¹⁷.

Мутафаккир учун билим — бу иисонийликнинг бир пойдевори бўлиб, унинг негизида ахлоқан мукаммал шахс шаклланади, билим иисоннинг хатти-ҳаракатини белгилаб беради. Шу боисдан билимли бўлишга интилмайдиган кишиларни Юсуф Хос Ҳожиб ҳурмат қилмайди¹⁸. Унинг фикрича, жамиятдаги нолойиқ ишларга кишиларнинг билимсизлиги, саводсизлиги сабабдир.

Хулоса қилиб айтганда, XI асрда яшаб ижод қилган Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадгу билик» асарида маърифат-парварлик гояларини илгари суради. Ўзи яшаган давр шароитидан келиб чиқиб иисонпарварлик, адолат, сэхнйлик ҳакида ўз ф:кр-мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Асарнинг энг катта тарбиявий аҳамияти шундаки, мутафаккир иисонларни дидактик йўл билан, яъни панд-часиҳат қилиш орқали ахлоқли қилиш мумкин деган илғор гояни илгари сургаанди.

Мутафаккирнинг ахлоқий қарашлари бугунги кунда ҳам ёшлар учун ҳаёт мазмунини белгилашда асосий калит базифасини бажариши шубҳасизdir.

¹⁵ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадгу билик. 319-бет.

¹⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадгу билик, 315-бет.

¹⁷ Уша жойда, 129-бет.

¹⁸ Уша жойда, 89, 91, 315-бетлар.

4. АҲМАД ЮГНАКИЙНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Үзининг «Ҳибатул-ҳақоийқ» номли ахлоқий-дидактика¹⁹ достони билан машхур бўлган Аҳмад Югнакий XII аср охири — XIII асрнинг биринчи ярмила яшади ва ижод қилди.

Бошқа тарихий маълумотларнинг йўқлиги туфайли биз у ҳақда жуда кам нарса биламиз. Достоидан фақат шу нарсагина маълумки, уни Маҳмуд ўғли Аҳмад деб аташган, у Югнак шаҳрида²⁰ туфилган ва туғилишиданоқ кўзи ожиз бўлган.

Аҳмад Югнакий ўз достонини ўша замонининг кўзга кўринган кишиси бўлмиш Дод Сипоҳсоларбекка бағишлаган. Шоир унга мурожаат қиласр экан, уни бир неча бор «шоҳим» деб атайди. Ушбу шахс Аҳмаднинг юртида катта мартабани эгаллаган²⁰, деб ўйлаш мумкин.

«Ҳибатул-ҳақоийқ»—Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида кам ўрганилган асарлардан бириндир. Туркий халқларнинг нодир абадий ёдгорлиги бўлмиши ушбу достон, унда қўйилган ҳамда XII ва XIII асрларда Марказий Осиё жамияти учун характерли бўлган актуал ахлоқий муаммо деярли тадқиқ этилмаган.

«Ҳибатул-ҳақоийқ» нинг мазмунига қараб Аҳмад Югнакийни феодал зиёлилари юқори доираларининг вакили деб хисоблаб бўлмайди, зеро бунга шу нарса асос бўлиши мумкинки, достонда оддий халқ ҳуқуқларининг поймол этилишини оқловчи ғоялар йўқ. Аҳмад Югнакий Юсуф Хос Ҳожибга нисбатан анча демократикроқ. Югнакий одамларнинг ҳаммаси ўз келиб чиқишилари жиҳатидан тенгдирлар, деб тўғридан-тўғри айтади, вазҳоланки Юсуф Хос Ҳожиб келиб чиқиши жиҳатидан кишилар тенг эмас: бир хиллари бес бўлиб туғилади, бошқалари эса оддий киши бўлиб дунёга келади, деб хисоблайди.

Уларнинг ўртасидаги тафовут ғоявий аиъаналар ҳақидаги баҳсадан ҳам кўриниб турибди: Аҳмад Югнакий ўз ижолида IX асрда зоҳидлар (сўфиylар) аббосий халифаларнинг кўзини очиб, уларнинг турмуш тарзи ис-

¹⁹ Югнак шаҳри, талқиқотчиларнинг маътумотларнiga қарагандада, Самарқанд шаҳри яқинидаги бўлган.

²⁰ Олимларнинг ўйлашибча. Тўғрул Қўлич Сипоҳсоларбек бил Шиҳзо амир Муҳаммад — тарихий шахсdir. У Марказий Осиёда Ҳоразмшоҳлар ҳукмронлик қилган даврда яшаган. Олимлар унаюн Гонак шаҳри ҳокими бўлганлиги эҳтимолини истисно этмайдилар.

ломнинг дастлабки асрларидағи андозасига тұғри кел-
маслигини сира құрқасдан уқтирганлардың ҳақидаги
әски ривоятларга таянади.

Ахмад Югнакий, үзидан олдин үтгап мутафаккирлар
каби, дунёнинг, шу жумладан инсоннинг ҳам худо то-
монидан яратылғанлығини тан олади. Уннинг тасаввурни-
ча, худо инсоннинг тақдирини, уннинг хұлқ-атворини ва
бутун ҳаёттің фаолиятини белгилаб берувчи бирдан-бир
жекимдер²¹. Лекин у әйни тоқта да дүнёвий ҳаётнинг маъ-
носи ва гүзаллигини иикор этмайды ва ижтимоий ҳаёт-
нинг үз қаралтери ҳақида муайян тасаввурға әгадир.

Югнакий Шарқ адабиетида кеңейткіштегі мұқоясалар-
га асосланиб, дунёнинг бевағолиги, үткінчилігі ҳақида
гапиради: дунё уннинг назаридан карвон фақат озгина фур-
саттаға тұхтаб үтадиган равотдир. Шу сабабли, деб таъ-
қидлайды у, бу дунёдаги роҳат-фароғатта интилиш бе-
фойда, буни деб азоб-үқубат чекишиң арзимайды, чунки
«сен бугун күриб турған бойлик әртега ғойиб бұлади,
сен үзимнің деб билған буюмлар бошқаларға келиб
кетади»²². Мутафаккир фақат «яхшилик уруғини сепишиш»
учунғина яшашни маслаҳат беради. Бойлик ва камба-
ғаллік эса нисбий түшүнчалардир.

Ахмад Югнакий назарда асосий нарса инсоннинг
үзидан кейинги авлоддар уни ҳақиқиң инсон, доныш-
манд, мураббий деб билишлари учун дунёда яхши ном
қолдиришдір. Шоириң таъқидлашича, үз достонини
у номим одамлар орасыда қолсан деб, китобимни үқиған
кишилар менинг ҳақымда самимият билан әсласынлар,
деб ёзған.

Юсуф Хос Ҳожиб каби Ахмад Югнакий ҳам билим-
ли кишиларнинг мұкаммал кишилар деб ҳисоблайды.
Уларнинг фикрича, нисон билан билимни бир-биридан
ажратиб бўлмайды, фақат билимли кишигиша камол то-
пиши мумкин.

Олим одам — қимматбаҳо динордир,
Нодон, жоҳил одам — қимматсиз сохта пүздири.
Хўш қандай қилиб олим нодон билан
төнглашуви мумкин²³
Олим аёл — эр, жоҳил эркак — хотиндир.²⁴

Шу бойсдан у үқиши ва билим ортиришни маслаҳат
беради, чунки «эр учун билим — сүяқ учун худди илик-
дек, эрнинг чиройиң ақлидадир»²⁵.

²¹ Ахмад Югнакий. Ҳибатул ҳақойиқ. Т., 1971, 155-бет.

²² Ұша жойда, 56-бет.

²³ Ахмад Югнакий. Ұша асар, 40—41-бетлар.

²⁴ Ұғза жойда.

Юқорида жайылғанлардан шундай холоса чиқадики, билимдөңликтік ёки жохилтік — жами یахшилік ёки ёмон-ликтік, эзгу ёки ярамас иштар учун заминдері.

Мутафаккир таъқидлаганидек, инсон олим бүлгандан кейиннің улуғ кишилар даражасында күтарилады үшін қолдирады, «билимсиз киши эса соғлом бўлса ҳам, унинг номи ўзикцир»²⁵.

Аҳмад Юғнакий билан Юсуф Хос Ҳожиб фикрлари ўртасидаги тафовутни күрсатып ўтиш мароқлидир. Аҳмад Юғнакий билимли бўлса аввало камбағаллар учун айниңса мұхим ва ғоят улкан аҳамият касб этади, деб ҳисоблайди, ваҳоланки Юсуф Хос Ҳожиб, билимни фақат имтиёзли синфларғина олиши мумкин — авом ҳалқ билим олишга мойил әмас, унинг учун мұхими тўқ бўлишдир²⁶, деб ўйлади. Юғнакий бир неча бор бундай деб таъқидлайды: «Мол-мулксиз киши учун билим — битмас-тұғанмас мулкдир, камбағал учун билим ечилмас ҳисобдир»²⁷.

Юсуф Хос Ҳожиб сингари Аҳмад Юғнакий ҳам сүкүт қалиншының фойдалылығы ва ортиқча маҳмаданагар-чиликтерінің зарари ҳақида гапиради. Мутафаккир «ахлоқ-олобда» асосий нараса тилдири, уни тия билиш лозим²⁸, деб қаттиқ үқтиради. Аҳмад Юғнакий одамни унинг тишига қараб билib олиш мумкин деб ўйлади. Агар одам ақтли бўлса, у ўз тилинни тия билади, у айтадиган сўзлар чуқур мазмунли бўлади, енгилтак, маҳмадана кишиларни эса сийқа мулоҳазалари шундоққина күрсатып туради, «ақли калтанинг — тили узун» деган мақол бежиз пайдо бўлмаган.

Унинг фикрича, тил — баҳтиёрлик ёки баҳтсизлик сабабидир»²⁹.

Шунни қайд қилиб ўтиш мароқлики, Алишер Навоний ўзининг «Насойимул-муҳаббат» асарида Аҳмад Юғнакийнің номини ҳурмат билан тилга олиб, «Ҳибатул-ҳақойиқ» дәстонидан худди ача шу мисраларни келтиради.

Дардақиқат, кўп сўзлаш ва кўп гапириш — бу айни бир нараса әмас. Кимки сергап бўлса, фақат сўзининг қадрини кетгазади, холос. Аҳмад Юғнакий баъзан тил ҳар қандай қуролдан ҳам оғирроқ ярадор қилиши мумкин деб үқтиради.

²⁵ Уша жойда, 42-бет.

²⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу балик. 647-бет.

²⁷ Аҳмад Юғнакий. Уша асар. 46-бет.

²⁸ Уша жойда, 48-бет.

²⁹ Аҳмад Юғнакий. Уша жойда, 47-бет.

Ўз тилинг билан кишиларда қасос туйғусини
үйғотма,
билки, тил жароҳатласа, (жароҳат) битиб
кетмайди³⁰.

Чуқур мазмунли қилиб гапира билиш — бу катта санъат ва истеъдоддир. Халқнинг доно мақолида «ўт-кир тил — неъмат, узун тил — жазо» деб бекорга айтилмаган.

Шоирнинг фикрича, ҳалоллик ва ҳақгўйлик — инсоннинг зарур фазилатидир, чунки буларсиз у ўз моҳиятини йўқотади. Инсоннинг ҳақгўйлиги ва ҳалоллиги дарражаси мезон бўлиб, мутафаккир шу боисдан муттасил уқтиради: ҳақиқатни маҳкам ушла — ана ўшандагамма яхши одамлар сенга суюнади.

5. ПАҲЛАВОН МАҲМУД ВА УНИНГ АХЛОҚИЙ ҮГИТЛАРИ

Таниқли шопр ва мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд XIII аср охири XIV аср бошларида Марказий Осиёда мўгуллар ҳукмронлик қилган даврда яшади ва ижод қилиди. Унинг таржиман долига онд маълумотлар кам бўлиб бизга шу нарсалар маълумки, у Хоразмда туғилган, қасби мўйнадўзлик ва телпакдўзлик бўлган. Маҳмуд кўп шогирдлар тарбиялаб етиштирган.

Эмондошларининг хабар беришича, Паҳлавон Маҳмуд кўнгли очиқ, камтар ва саховатли, самимий инсон бўлиб, халқ орасидан етишиб чиққан машҳур курашчи паҳлавон сифатида жуда катта обрў-эътибор қозонган.

Энг муҳими шуки, у ўша замоннинг кўзга кўринган шопри бўлиб, унинг шеърлари юксак ғоявийлиги ва чуқур мазмуни билан кўзга яққол ташланиб турган. Унинг шеърлари ҳам Шарқнинг кўп мутафаккирлари ижодига хос бўлган бой фалсафий-ахлоқий мазмун билан йўғрилгандир³¹. Мана олти асрдан буён хоразмликлар уни муқаддас сиймо деб билиб. Хева шаҳрида қурилган кўркам мақбарасни зиёратгоҳга айлантиришгани бежиз эмас.

Гарчи Паҳлавон Маҳмуднинг адабий меросини тадқиқ этувчилар унинг «Қанзул ҳақойик» («Ҳақиқатлар

³⁰ Уша жойда, 48-бет.

³¹ Паҳлавон Маҳмуд — Рубонят (форсчадан ўзбек тилига таржима қилинган шеърлар тўплами). Т. Жалолов томонидан катта сўз боши билан биргаликда нашрга тайёрланган. Унинг шеърларини ўзбек тилига Т. Жалолов, М. Мўйинзода, Васфий таржима қилишган. Т. 1974.

хазинаси») номли оригинал асари бўлган деб хабар қиласаларда, бу асар илм аҳлига номаълум бўлиб қолаверган. Мутафаккирнинг адабий меросидан бизгача фақат баъзи бир шеърларигина етиб келганки, бу шеърларда унинг фалсафий, адабий ва ҳлоқий қарашлари баён этилган. Сақланиб қолган рубонийлар асосида Маҳмуд дунёқарашида ахлоқий дидактика устунлик қиласди, деб ўйлаш мумкин.

Паҳлавон Маҳмуднинг ахлоқ-одоб хусусидаги ўғитнасиҳатлари конкрет тарихий шахсларга бағишланган деб бўлмаса-да (ваҳоланки, биз Юсуф Ҳос Ҳожиб ва Аҳмад Юғнакийда шу ҳолни кўрган эдик), улар мөхнат аҳли манфаатларини ифодаловчи умуминсоний ахлоқ нормаларини талқин этишда ўзининг ноёблиги билан ажralиб туради.

Паҳлавон Маҳмуд ахлоқий қарашларининг ўзига хос белгиси шундан иборатки, унинг учун инсон ва ҳалқ бир-биридан ажратиб бўлмайдиган тушунчалардир, айни чоқда у ҳалқ манфаатларини гайрим шахс манфаатларидан юқори қўяди. Мутафаккирнинг фикрича, инсон ҳалқ манфаатларини биринчи ўринга қўйса, ўз ҳамюртларининг манфаатлари ҳақида жон куйдиришини ўз мақсади деб билса, ани шу ҳамюртларини деб яшаган тақдирдагина буюк бўлиши мумкин:

*Подшоликни истасанг, бўл эл гадоси,
Ўзингчи унчту, бўл эл ошиноси.
Эл тож каби бошга кўтарсан десанг.
Эл қўлин тутгилу бўл ҳокипоси³².*

Маҳмуднинг уқтиришича, одамлар ўз табнатига кўра турличадир: шундай одамлар борки, улар жуда қўли очиқ бўлиб, «кўнгли пок ва гина-қудратни билмайдиган мевали дарахтлар» га³³ ўхшайдилар, уларни ҳамма ҳурмат қиласди ва севади. Аммо шундай одамлар борки, уларда худбинлик ва фақат ўзинингни дейиш устунлик қиласди, бундай одамлардан, дейди у, эҳтиёт бўлиш ва ҳамиша яхши ниятли кишилар орасида яшаш лозим. Борди-ю сен ёмон, нияти бузук одамлар орасига тушиб қолсанг, улардан яхшилик кутма, дўст танлашда эҳтиёт бўл.

³² Паҳлавон Маҳмуд. Рубоният, 78-бет.

³³ Уша жойда, 38-бет.

*Ёмон билан улфат бўлма, юр иироқ,
Йўлингга дон сочиб, қўяди тузоқ.
Ёйни эгри кўриб, тўғрилигидан.—
Ўқ ундан қанчалик қочганига боқ³⁴.*

Аҳмад Югнакий каби Маҳмуд ҳам мўътадил ҳаёт кечиришни насиҳат қиласди.

У оддий халқдан чиққанлиги, турмушнинг аччиқ-чучугини тотганлиги туфайли зебу-зийнат, бойлик нима эканлигини ва булар инсонни қандай оқибатларга олиб келишини яхши билади. Шубҳасизки, жамиятда мавжуд бўлган барча ахлоқий нуқсонларни бойлик юзага келтирганлигини у кўра олади. Шу боисдан у зеб-зийнат ичиди яшашга ҳар қандай интилиш, бойликка хирс қўйини бемаъни эканлигига³⁵, чунки инсон хаётининг мазмуни шундан иборат эмаслиғига ўзи қаттиқ ишонар ва бошқаларни ҳам шунга ишонтиришга интиларди. Асосий гап бойлик ва зебу зийнатда эмас, инсон майли бадавлат бўлмасин, дер эди у, лекин инсон ўзининг инсонлиги билан бой бўлмоғи керак.

*Маҳмуд, ношукурлик оламда ёмон,
Айб — айбу, лек етук одамда ёмон.
Либос эскиргани айбга қўшилмас,
Айбдур бўлса гар кўркамда ёмон³⁶.*

Хулоса қилиб айтганда Марказий Осиёда шарқ уйғониш даври фалсафасига Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Паҳлавон Маҳмуд каби мутафаккирлар катта ҳисса қўшганлар. Айниқса Форобийнинг фалсафа, ахлоқ, мантиқ, санъатга қўшган ҳиссаси жуда каттадир.

IX—XIII асрларда Марказий Осиёда илм-фан тараққиёти учун қулай шарт-шароит вужудга келди. Натижада қатор табиий фанлар, ижтимоий фанлар ривожланди. Бу давр тарихга Шарқ Уйғониш даври бўлиб кирди. Уйғониш даври фалсафасига шу даврда яшаб ўтган олимларнинг ҳаммаси ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Юқорида бу мутафаккирларнинг объектив олам, онг, ақл, билиш, инсон омили тўғрисидаги масалаларни қандай ёритганлиги кўрсатиб ўтилди.

³⁴ Уша жойда, 59-бет.

³⁵ Паҳлавон Маҳмуд. Рубонят. 73-бет.

³⁶ Уша жойда, 48-бет.

Учинчи боб бўйича қуидаги адабиётларни тавсия этамиз:

1. Узбекистон халқлари тарихи. Т. 1. Т., 1992.
2. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т., 1995.
3. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-специални фикрлар тарихидан лавҳалар. Т., 1994.
4. Жумабоев И. Ўрта Осиё этникаси тарихи очерклари. Т., 1980.
5. Хайруллаев М. М. Культурисе наследие и история философской мысли. Т., 1985.
6. Хайруллаев М. М. Ўйганиш даври ва Шарқ мутафаккири. Т., 1971.
7. Хайруллаев М. М. Форобий ва унинг фалсафий риссолалари. Т., 1963.
8. Шарипов А. Великий мыслитель Беруни. Т., 1972.
9. Абу Али иби Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига — Мақолалар тўплами. Т., 1972.
10. Юсуф Ҳожиб. Қутадғу биллик. Т., 1972.
11. Аҳмад Юнакий. Ҳиббатул ҳақойнқ. Т., 1971.
12. Пахлавон Махмуд. Рубонят. Перев. и коммен. Т., Жалолова. Т., 1972.
13. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароонҳар тарихи. Т., 1990.

IV БОБ

XIV—XV АСРЛАРДА МАРҚАЗИЙ ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

1. Даврнинг ижтимоий-сиёсий ва мадғалий ҳаёти.
2. Мир Сайд Шариф Журжонийнинг ғалсафий қарашлари.
3. Улугбекнинг фалакиёт мактаби, унинг табиий-илимий қарашлари.
4. Накшбандийлик — тасаввупнинг асосий оқимларидан бири.
5. Мир Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари.
6. Воиз Кошифийнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари.

1. ДАВРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИИ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ

Марказий Осиёда 150 йил давом этган мўғиллар истилоси даври муайян минтақада яшаётган халқлар 110

учун энг оғир ва ғоят машаққатли йиллар бўлди, чунки мўғиллар шу давргача тарихда ўтган энг даҳшатли ва энг ёвуз истилочилардан эдилар. Мўғиллар Марказий Осиё халқларига ўлим ва қўрқинчиллик, оғат ва харобалик келтирди. Улар Урганчни сувга бостириб, ер билан баробар қилиб текислаб ташладилар. Самарқанд аҳолисининг тўртдан уч қисмини қириб ташладилар. Бухоро, Хўжанд, Термиз ва қатор шаҳарларга жуда катта талафот етказдилар, босиб олинган бу ерларда ўн минглаб аҳоли қириб ташланди.

Мўғил босқинчилари босиб олинган минтақаларда ўзлари эълон қилган маҳсус тартиб-қоидалар асосида маҳаллий халқни талаш, мол-мулкларини тортиб олиш каби иқтисодий жиҳатдан турли хил кулфатларга дучор қилдилар, халқ ниҳоятда оғир аҳволда кун кечирди. Улар Марказий Осиё халқларининг иқтисодий ва маданий ҳаётига жуда ҳам катта зиён етказдилар.

Мовароуннаҳр ва Марказий Осиёда мўғиллар ҳукмронлик қилган бутун тарихий давр ичида мислисиз қаттиқ зулм ва истибдоддан тинкаси қуриган халқнинг босқинчиларга қарши миллий озодлик кураши деярли тўхтамади, минтақанинг гоҳ у, гоҳ бу тумантарида у доимо давом қилиб турди.

Масалан, Ҳурросонда олиб борилгац миллий озодлик курашининг оқибатида қарор топган Сарбадорлар давлати деярли 45 йил яшади. Амир Темурнинг амакиси Ҳожи Барлос томонидан Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида бунёд этилган ва бир неча йил фаолият кўрсатган мустақил давлат тузилганинни қайд қилиб ўтиш мумкин.

Лекин Мовароуннаҳр халқларининг мўғил босқинчилари зулмидан тўла-текис озод этилиши ва муайян минтақада марказлашган давлат тузилиши, буюк соҳиб-қирон Амир Темур шахси ва фаолияти билан босглиқ. 1370 йилда ўз рақиби Амир Ҳусайнни енгиб, Балхни босиб олгандан кейин Амир Темур Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори деб эълон қилинади. Шундан кейин бирин-кетин Бухоро, Хорағим ва Олтин Ўрда, Эрон, Ироқ, Кавказ орти, Кичик Осиё, Миср ва Ҳиндистон каби жами бўлиб 27 мамлакатни ўз салтанатига бирлаштириди. Бу салтанат Балхаш кўли ва Хитойдан то Қора денгиз соҳиллари, Кичик Осиё, Сурғя ва Мисргача, Орол денгизининг шимолий даштларидан то Ҳиндистонгача бўлган йирик бир империяни ўзига қамраб олди.

Марказий Осиё ва бутун Мовароуннаҳрнинг миллий

мустақилликка эришуви муайян минтақадаги мамлакатларнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришларни юзага келтирди. «Амир Темурдек адолатпарвар ва маърифатпарвар ҳукмдор, довюрак саркарда ва узоқни кўра оладиган буюк алломанинг тарих саҳнасига чиқиши,— деб қайд қилиб ўтди Президентимиз Ислом Каримов, соҳибқироннинг 660 йиллик таваллудига бағишланиб Тошкентда ўтказилган халқаро илмий-назарий конференцияда,— тасодифий бир ҳол эмас, балки тарихий зарурият ва замона тақозасидир. Соҳибқирон Амир Темур шахси ва темурийлар даври Марказий Осиёда асрлар давомида шаклланиб қарор топган маданий-маънавий имкониятлар, йигилган тарихий тажрибалар, бой анъаналар ва қадриятларнинг маҳсулидир»¹.

Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк хизмати шундаки, у нафақат Мовароуннаҳр халқларини мӯғил босқинчиларидан озод қилди, шу билан бирга муайян минтақадаги феодал парокандаликка барҳам бериб, бу ерда Марказлашган буюк давлат салтанатини яратди. Мамлакатда нисбатан тинчлик ва осойишталик қарор топди. Бундай ҳолат ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётининг ривож топишига олиб келди. Тарихий маълумотларга кўра Мовароуннаҳр ва Хурросонда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ кенг миқёсда ривожланди, дәхқончилик ишлари анча яхшиланди. Шашарларда қайта тикилаш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди, жуда ҳам ажойиб архитектура иншоатлари бино қилинди, қишлоқ жойларида эса ирригация шоҳобчалари, экин майдонлари кенгайиб борди, экинларга ишлов бериш яхшиланди.

Темур ва Темурийлар даврнинг характерли белгиларидан бири шундан иборат эдикси, шаҳарлар қуриш гуркіпраб ривожланди, фан ва маданият гуллаб-яшнади. Бу жиҳатдан Темурийларнинг пойтахтлари бўлмиш Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари, айниқса, катта мұваффақиятларга эришдилар. Темур ва Улуғбек замонида Самарқанд гоят обод бўлиб кетди, шу боисдан айрим монументал бинолар ўзининг жозибадорлиги билан ҳанузгача кишиларни ҳайратга солади. Ӯша замоннинг меъморлари Шоҳизинда, Гўри Амир мақбаралари, Бибихоним Жоме масжиди, Регистон майдони, Абди Дарун

¹ И. А. Каримов. Амир Темур—фаҳримиз, ғуруримиз. «Халқ сабак», 25 апрел, 1996 йил.
112

комплекси, мадраса ва масжидлар, монументал бинолар каби ноёб ансамбллар билан шаҳарни жуда муҳташам қилган эдилар.

Улуғбек замонида аниқ фанлар: математика, фалақиёт жуда ривож топди, шунингдек диний билимларга, тиббиёт, тарих, ахлоқ, нафосат ва шу каби фанларга муттасил эътибор бериб келинди. Фундаментал фанларни ривожлантириш манфаатлари Улуғбекни янги олий мактаб — илмий тафаккур маркази барпо этиш қарорига олиб келди. Ана шу мақсадда Улуғбек айни бир вақтнинг ўзида учта мадраса: биринчисини 1417 йилда Бухорода, иккинчисини 1417—1420 йилларда Самарқандда ва учинчисини Фиждувонда қурдирди.

Самарқандда 1428—1429-йилларда расадхона қурилиши Улуғбекнинг хизматларидан бири бўлиб, бу расадхонани Улуғбекнинг замондошлари ўз даврларининг энг яхши расадхонаси деб билар эдилар. Ана шу расадхона туфайлигина Улуғбек 1437 йилда ўзининг машҳур Юлдузлар жадвалини тузиб тугаллашга муваффақ бўлди. Улуғбек ажойиб кутубхона яратдики, унда ўша замон фанининг деярли барча соҳаларига тааллуқли 15 000 жилд китоб сақланар эди. Таассуфки, Улуғбек ўлдирилгандан кейин мазкур кутубхона мусулмон руҳннийлари томонидан талон-тарож қилинди, бир қисми эса Истамбулга олиб кетилди.

Шуни айтиш керакки, кўплаб монументал бинолар ва ижтимоий фойдали иншоотларнинг қурилиши Алишер Навоийнинг номи билан ҳам боғлиқdir. Улуғ шоирнинг бевосита иштирокида кўркам саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбараалар ва бир қанча ижтимоий фойдали иншоотлар: ҳаммомлар, касалхоналар, ҳовузлар, кўприклар, йўллар ёқасида работлар ва ҳоказолар бино қилинди.

Ҳиротда Алишер Навоий маблағига энг ажойиб ва кишини ҳайратга солувчи комплекс шаҳарнинг шимолий қисмида — Интил канали бўйида солинган Халосия ёки Ихлосия деб аталмиш мадраса фан, адабиёт ва санъатга хизмат қилишга мўлжалланган эди.

В. В. Бартольд «XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротнинг маданий ҳаёти Самарқандникига қараганда айна юқори эди» деб юксак баҳо беради.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ана шу кўркам Ҳиротда тарихий воқеаларга жуда бой бўлган даврда кечди. Ҳиротда Навоий яшаган муҳит ўзининг машҳур сиймоларига бойлиги билан кишини ҳайратда

қолдирмаслиги мумкин эмас. Навоий билан бирга форсожик адабиётининг энг йирик намояндаси Абдураҳмон Жомий, машҳур рассом Қамолиддин Беҳзод, атоқли хаттотлардан Султон Али Машҳадий ва Мир Алӣ котиб, донгдор созанда Қўлмуҳаммад, тарихнавислардан Ҳофиз Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Исфизорий, Давлатшоҳ ва бошқалар яшадилар ҳамда ижод қилдилар. Ҳиротда айнан ана шу фақе ва санъат жуда ҳам ардоқланган вазиятдагина Навоий даҳоси шу қадар мислсиз куч билан янграй олган эди.

2. МИР САИД ШАРИФ ЖУРЖОНИЙИННИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Юқорида таъкидланганидек, XIV—XV асрларда Самарқандда яшаб ижод этган ва Марказий Осиёда фалсафий-ижтимоий фикр тараққиётига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлардан бири—Мир Сайд Шариф Журжонийидир.

Унинг асли исми Али ибн Мұхаммад Али Ҳусайн Журжонийидир. У 740—ҳижрий (1340 милодий йилда) Гурган (Эронда) шаҳрининг Тоғу қишлоғида туғилган. 1365 йилда Ҳиротга таълим олиш мақсадида келади. Бу ерда Қутбиддин ат-Тахтоний деган файласуфдан таълим олади. Шундан сўнг 1368 йилдан то 1377 йилгача турли мамлакатларда—Рум, Миср, Эронда ўз билимини оширади ва Шероз Дор-уг-Шифоси (тиббиёт билимгоҳи)да муаллимлик қиласади. 1387 йилда Амир Темур Шерозни фатҳ этганида машҳур олимлар қатори: Самарқандга келади. Самарқандда 20 йил яшаб, сермаҳсул ижод этади ва Амур Темур вафотидан сўнг Шерозга қайтиб кетади-ва 1413 йилда оламдан ўтади.

Журжоний грамматика, мантиқ, риторика, ҳуқуқшунослик, фалсафа ва бошқа турли соҳаларда ижод этади. Унинг бизга маълум бўлган 50 дан ортиқ асарлари мавжӯа. Зулардан айримлари машҳур файласуфлар асарларига ёзилган шарҳлардан иборатdir. «Борлиқ ҳақида рисола», «Ойнаи ютинамо» (Жаҳонни акс эттирувчи ойна), Ат-Тахтонийнинг «Шамсийа» асарига шарҳлар, Котиби Қазвенийнинг «Ҳикматул-айн» (Илм манбанинг ҳикмати) номли фалсафий асарига шарҳлар, хоразмлик машҳур файласуф ва астроном Маҳмуд Ҷағминийнинг «Муллаҳхас ал-хайя» асарига шарҳлар ва Носрииддин Тусий тазкирасига ёзилган шарҳлар Журжоний қаламига мансуб. Бундан ташқари Журжонийнинг 114

ний мантиқ илми бўйича улкан асар — «Ат-таърифат» ва «Усули мантиқийа» ҳамда «Одоб-ул-муназара» номли рисолалар ёзган.

Журжонийнинг фалсафий қарашлари Арасту, ал-Форбий, «Ихвон-ас-Сафо» («Соф биродарлар») Беруний, Ибн Сино, ат-Тусий, ат-Тахтоний таъсирида шаклланган. У ҳам объектив борлиқнинг мавжудлигига ишонар ва унинг худодан эманация (хулул, зухур) йўли билан бунёдга келганлигини тарғиб қиласр эди. «Борлиқ ҳақидаги рисола» да Журжоний шундай деб ёзади: «...борлиқнинг воқеъийлиги унинг зарурлигидадир, зарурийликнинг ўзиладидир. Демак, борлиқнинг ҳақиқийлиги табиатан воқеъий, моҳиятан барқарордир»². Журжоний имконий—вужуд бўлиш борлиқнинг зарурий—вужуд—худодан зарурий равишда зухур этиши, келиб чиқиши ҳақида гапирап экан, бунда пантеистик жиҳатларнинг кучли эканлигини кўриш мумкин. «Ойнаи ютиynamo» рисоласи эса беш қисмдан иборат бўлиб, унда имконий—вужуд ва зарурий вужуд истилоҳларига таъриф бериб, ҳар томонлама таҳлил этади. Бундан ташқари, Журжоний беш моҳият ҳақида гапиради: ақл (интеллект), руҳ, бирламчи моҳият, шакл ва қисм³. У табиий борлиқ таснифи ҳақида гапириб, жисмларни содда ва мураккаб турларга ажратади. Содда турга осмоний жисмлар курралар кирса, мураккабига эса тўрт унсурдан иборат бўлмиш: минераллар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамлар киради. Журжоний бунда объекtlарнинг нечоғли руҳга эга эканлигини тасниф мезони қилиб олган.

Журжоний яна руҳ (жон) турлари ва уларнинг инсон табиатини, борлиқни билишдаги роли ҳақида ҳам фикр юритади. У 10 та сезги ҳақида гапириб, уларнинг бештаси (кўриш, ҳид билиш, эшитиш, таъм билиш ва сезиш (тўйиш) сезгилари)ни ташки сезги, яна бештасини (умумий сезги, хаёл, хотира, фикр, ўта ҳаёлчанлик (фантазиялар)ни эса ички сезги деб атайди.

Журжоний фалсафаси диалектик руҳ билан сугорилганdir. У тўрт унсурнинг ҳамиша ҳаракатда эканлиги ва бир шаклдан иккинчи шаклга айланиши ҳақида ёзган ҳамда дунёни бир бутун, яхлит танага нисбат бериб, бу тананинг ҳар бир аъзоси қонуний равишда уз-

² Д ж у р д ж а н и . Рисолат фи таҳқиқ-ул-вужуд, с. 331. «Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане». Т.—77, китобидан олингаг, 194-бет.

³ Д ж у р д ж а н и . «Ойнаи ютиynamo». З—4 б. ўша ерда. 195-бет.

вий боғланганлигини уқтирган. Мантиқ илмида ҳам Журжоний Арасту, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Асириддин ал-Ахрорларнинг анъаналарини давом эттиргди. Фазнавий рисоласига битилган шарҳда Журжоний хулюса чиқаришнинг уч тури: силлогизм, индукция ва аналогия (қиёс) ҳақида гапиради. Шу билан бирга индуктив йўл билан ортирилган билим ҳамиша ҳам ҳақиқатга тўғри келмаслигини таъкидлайди.

Буларнинг барчаси, Журжонийнинг Марказий Осиё ва Эрон ижтимоий-фалсафий фикри тараққиётига улкан ҳисса қўшганлигидан далолат беради.

3. УЛУГБЕКНИНГ ФАЛАҚИЁТ МАКТАБИ, УНИНГ ТАБИИЙ-ИЛМИИ ҚАРАШЛАРИ

Марказий Осиё табиий-илмий ва ижтимоий фикр ва ғоялар тарихида Амур Темур набираси Улугбекнинг мероси муҳим ўрин тутади. Мирзо Улугбек нафақат одил ҳукмдор, балки илму фан тараққиётига ҳомийлик этувчи шахс, буюк астроном, математик, муҳандис, кимёгар ҳам эди, Улугбек 1394 йил, 22 марта туғилди.

Мирзо Улугбек ёшлигиданоқ Афлотун, Арасту, Гиппарх, Птолемей, Муҳаммад Ҳоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино ва бошқаларнинг ғасарларини мутолаа этарди. У ҳомийлик қилған даврда Самарқандда расадхона, кўплаб мадрасалар ва мачитлар, турли илм ўчоқлари қурдирган, 1425—1428 йилларда қуриб битказилган бу расадхона ўзининг замонавийлиги ва асбоб-ускуналарни жиҳатидан беназир эди. Мирзо Улугбек ўзининг астрономик қузатишларини «Зижи Кўрагоний» деб аталмиш жадвалда мужассам этган бўлиб, унда 1018 (ёки 1019) та юлдузларни аниқ координаталарини беради, кўплаб юлдузларнинг номини ва таърифини келтиради.

Мирзо Улугбек ўзининг маърифатпарварлиги билан машҳурдир. У Бухорода қурдирган мадрасаларидан бирининг пештоқига (араб тилида) «ҳар бир муслим ва муслиманинг илм олиши ҳам қарз, ҳам фарздир» деб ёздирган. Улугбек «Чиҳл Үстун», «Боги майдон» каби бир неча бое барпо этади. Улугбек санъат ва адабиёт билан ҳам шугулланар, санъат аҳллари ва шоирларга ҳомийлик қиллар, кўп вақт Низомийнинг «Хамса» сини мутолаа қилар эди. Маълумотларга кўра, Улугбек мусиқа куйлари ҳам яратган, шеърлар битган.

Улугбек замонасининг олимлари, санъат ва адабиёт

аҳлларининг юксак баҳоси ва тақдирига сазовор бўлган эди.

Бироқ илм-маърифат қимматини тушунмаган айрим руҳонийлар, уламолар Мирзо Улуғбекка қарши иш туладилар; бу фитначилар Улуғбекнинг мансабпарамаст ўғли Абдуллатифни ўз томонига оғдириб, отасини ўлдиришга фатво берадилар. 1449 йилнинг 27 октяброда, 56 ёшида Улугбек ёвузларча ўлдирилади.

Улугбек ишини унинг шогирдлари — Муҳаммад Ха-вофий, Қозизода Румий, Ғиёсiddин Жамшид, Абдуали Биржандий, Мансур Коший, Марям Чалаби, Али Қушчи ва бошқалар давом эттириди.

«Зижи Кўрагоний» назарий — кириш қисм ва тўртта катта бобдан иборат. Биринчи бобда муаллиф хитойлар, ҳинидилар, греклар, эронийлар ва бошқа ҳалқларнинг тақвимлари ҳақида, иккинчи бобда амалий астрономия, учинчи бобда сайёralар назарияси ва тўртиничи бобда астрология ҳақида фикр юритади. Бу асар XVII—XVIII асрда яратилган Шаҳобиддиннинг «Зижи Шоҳижаҳоний» ва Савой Жай Сингхнинг «Зижи Муҳаммад шоҳий» асарларига ҳам таъсир кўрсатган.

Улугбекнинг шогирди Ғиёсiddин Жамшид Коший (1436 йилда вафот этган) ҳам математика ва астрономияга улкан ҳисса қўшиди. Жумладан, у ўқлик касрларни, илдиз остидан бутун сонларни чиқаришнинг умумий усулини, Исаак Ньютондан икки аср олдин бешинчи даражага учун бином қоидасини кашф этди.

Самарқанд илмий мактабининг ютуқларидан бири бир сонининг аниқ қийматини ҳисоблаб топиш эди: Европада эса бу қийматни бир ярим асрдан кейингина Ромен аниқлаганди. Улугбекнинг яна бир шогирди — Али Қушчи (1402—1474) эса ўз хulosаларини «Арифметика ҳақида рисола», «Каср ҳақида», «Ал-Муҳаммадийа» рисолалари, «Мантиқ ҳақида», «Ҳандаса мисолларини ечиш ҳақида» рисолалари, «Зижи жадиди Улугбек» ка шарҳлар ва бошқа кўплаб асарларида баён этади. Али Қушчи Самарқанд мадрасасида ва Туркия (Рум)да Аё Суфия мадрасасида мударрислик қилган. Али Қушчининг муҳим аҳамият касб этувчи асарларидан бири — «Астрономик рисолалари»дир. Асар кириш ва олти бобдан иборат бўлиб, кириш қисмида умумий фалсафий мулоҳазалар юритилади. Бунда Али Қушчи борлиқдаги жамики жисмларни оддий ва мураккабга бўлади. Булар минераллар, ўсимлик ва ҳайвонлардир. Али Қушчи Фикрича, ҳар бир содда ва мураккаб заррачага ҳаракат

табиатан хосдир. Бобларда эса уч масала: ҳандаса илми масалалари тўла тарзда, астрономия асослари мухтасар ҳолда ва Ер курраси жўғрофияси ҳам қисқа ҳолда баён қилинади.

Улуғбек ва унинг астрономик мактаби фалакиёт, математика илми тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Бу олимларниң илмий меросини Шарқда Баҳоваддин Омулий, Нажмиддин Алихон, Идо Нақиб. Фарид, Дехлавий, Гарбда — Коперник ва Галилей, Ж. Бруно ва бошқалар давом эттирилар.

4. НАҚШБАНДИЙЛИК — ТАСАВВУФНИНГ АСОСИИ ОҚИМЛАРИДАН БИРИ

Кўриб ўтганимиздек, Марказий Осиёда X—XIII асрларда жуда кўплаб сўфийлик тариқатлари вужудга келди. Амир Темур ва унинг ворислари замонида тасаввудфа янги оқим — нақшбандийя вужудга келди ва у Яссавийя тариқати билан бир қаторда Марказий Осиёда тасаввудфунинг асосии оқимларидан бири бўлиб қолди. Нақшбандийя оқимининг асосчиси бухоролик шайх Баҳовуддин (1319—1389) эди. «Нақшбанд» деб аталишнинг сабаби — Баҳовуддин отаси каби ипак мато гўкир эди ва мис буюмларга нақш ўяр эди.

Нақшбандий машҳур сўфий Абдулҳолиқ Фиждувоний асос солган «Хожагон» («Хўжалар») сулукни ақидаларини тарғиб этиб, уни янада ривожлантириди. Бундан ташқари нақшбандий оқимига сўфиий—шоир Саъдийнинг ҳам таъсири кучли бўлган.

Баҳовуддин Нақшбандий шундай деган эди: «Дил ба ёру, даст ба кор»⁴. (Қалб—ёрга, қўл—ишга). Дарҳақиқат, нақшбандийя кишиларни ижтимонӣ ҳаётда фабол қатнашишга, меҳнатсеварликка чақиради. Бу тоифа сўфиylар ўз ахлоқий камолотини меҳнат билан қўшиб олиб боришини ўзларига мақсад қилган эдилар. Бу таълимот билим олишига иштиёқ уйғотар эди. Ушбу жиҳатлари билан нақшбандийя ижтимонӣ ҳаётнинг турли жабҳаларига — иқтисодий ҳаётдан маънавий маданият, жумладан, адабиётгача уларнинг равнақига ижобий таъсир кўрсатган. Айрим нақшбандийлар, жумладан, Баҳовуддин Нақшбандий ҳам ўша даврда вақф қилинган ерларни, мулкларни ўзлаштириб оладилар. Шун-

⁴ И. М. Мўминов. Философские взгляды Мирзы Бедиля. Т., 1957, 18-бет.

дайлардан бири—йирик шайх ва мулкдор **Хожа Аҳрор** Валийдир.

Хожа Убайдуллоҳ (1404—1490) машҳур шайх Мұхаммад Жомий Бағдодий ва шайх Хованд Тахур наслидан эди. Хожа Аҳрорнинг болалик, ўспириилик йиллари Шош (Тошкент)да ўтган. Кейинчалик Самарқанд мадрасасида таҳсил олади ва Балхда Баҳовуддин Накшбанднинг шогирди Мавлоно Яъқуб ал-Чархий (ваф. 1447) дан сабоқ олади. Султон Абдусаид ва унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзоларнинг хукмронлик йилларида (1451 йилдан кейин) Хожа Аҳрор руҳонийлар орасида катта мавқега эришди. Хожа Аҳрорни Темурийлар тариқат пири деб билдишарди. Иккинчи тараған эса, у аҳолининг турли табақалари орасида ҳам катта хурмат ва эътибор қозонди. Бунинг боисн Хожа Аҳрорнинг худопарастлик, меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик акидаларини тарғиб этиши ва амалиётда ҳам шунгага ҳарарат қилишида эди. Мұхаммад Қозий (ваф. 1515 й.) «Силсилат-үл орифин» да Хожа Аҳрорнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «...роҳ ба ҳақ субҳона ба адади анфоси ҳалоқ аст, аммо бехтарни раҳҳо он ёт, ки роҳате ба дили мусулмоне расони...»⁵ — (яъни, ҳаққа эриншмоқнинг энг яхши йўли шуки, мусулмон қалбига роҳат бахши этсанг...). Яна Ҳожа Аҳрор шунцай деган эди: «Уз гамингни мусулмонга юклатмагил, балки мусулмон дил гамини кўтариб, анинг бирла яшасанг, мана бу-хақиқий ишдур»⁶. Хожа Убайдуллоҳ улуғ бобоси шайх Умар Богистонийнинг фарзанди Хованд Тахурга ишбатан айтган пандларига («Тахур, мулло машав, шайх матав, сўғий машав, мусулмон шав!», яъни Тахур, мулло бўйма, шайх бўйма, сўғий бўйма, мусулмон бўй!»⁷) солиқ бўлиб, мусулмон бўлишни ҳалқка — фуқарога хизмат қилиш, уни золимлар зулмидан сақлаш, зулмни даф этишда, деб тушунди. Ва бунга амал қилди ҳам.

Хожа Ахрор Самарқанд, Тошкент, Қобул каби шахарларда мадраса, хонақоҳ ва мачитлар қурдирди. Масалан, Сўзангарон (Самарқанд) даги Мадрасаи Сафед 1470 йилда қуриб битказилган.

Хәжә Ахрорининг асарлари мусаннафот ва макту-
ботлардан иборатdir. «Фикрат-ул-ориғин» («ёки «Во-

⁵ В. Валихужаев. Хожа Ахрори Валий. Ҳақиқати Ўзбекистон. 5 январь, 1991 й.

⁶ Ушта ёрда. Ҳақиқати Ўзбекистон, 1991 йил, 8 январь сони.

Уша ерда.

ридот»), «Рисолаи волидия», «Рисолаи хуроия» ва турли шахсларга, жумладан, Абдураҳмон Жомий ва Мир Алишер Навоийга битилган мактублар шулар жумла сидандир.

«Фиқрот-ул-орифин» да, хожагон тариқати асослари, хусусан, «зикри дил» — «дил зокир» масаласига доир мулоҳазалар юритилади: Хожай Ҳаҷон Абдулҳолиқ Фиждувоний гуфторлари («Хуш дар дам; Назар бор қадам; Сафар дар ватан; Хилват дар анжуман, яъни, ҳушёрлик ҳар дамда. Назар ҳар қадам узра, сафар ватан ичра, ёлғизлик анжуманда»)⁸ га шарҳлар берилади.

«Рисолаи волидия» да эса нақшбандия сулукининг фазилатлари, одоби-ю аҳлоқ масалалари баён қилинади. Бу асарни Нақшбандийа хонадони иродатмандларидан бири, буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Захрийдин Муҳаммад Бобур ихлос юзасидан 1528—1529 йилларда Аграда ўзбек тилига назм йўли билан таржима қилган.

Хожа Аҳрорнинг Мир Алишер Навоийга ёзган мактублари Ҳазрат томонидан «Муросот — мураққаот» мажмуасига жамланган. Хожа Аҳрор ўғилларидан бирини таҳсил олиш учун Ҳиротга — Жомий ва Навоий назоратига юбориши, бу буюк шахсларнинг самимий муносабатда бўлганлигига далолатdir.

Аҳрорийлар наслларидан кейинги асрларда кўплаб машхур шахслар етишиб чиққан, XVIII асрда яшаган Адо тахаллуси билан шеърлар битган Султонхон Тўра Аҳрорий Самарқандий (у Хирадманд Шайх-ул-ислом ҳам эди) ҳамда XIX аср охири — XX аср бошларининг хушнавис шоирларидан Нақибхон Туғрал Аҳрорийлар шулар жумласидандир.

Нақшбандийа оқимининг кўзга кўринган вакилларидан яна бири Нурийдин Абдураҳмон Жомийдир (1414—1492). Мавлоно Жомий қомусий олим, математик, астроном, йирик тилшунос, сўфий адаб эди. У Хурсонининг Жом шаҳрида туғилган. Отаси Низомиддин Аҳмад йирик руҳоний — шайх ул-ислом эди. Жомий Ҳирот мадрасаси ва Улугбек мадрасасида таҳсил олади. Жомий Нақшбандийнинг издошлиаридан бўлган Шайх Саъдидин Қошғарийга мурид тушиб, тасаввуф бўйича таълим олади. Самарқандда Жомий Аҳрор билан танишади.

Жомий тасаввуфининг кўпроқ назарий масалалари

⁸ И. Мўминов. Философские взгляды Мирзы Бедиля. Т., 1957, 14-бет.

билин, айниқса Шайх Мұхиддин ал-Арабий (1165—1240) каби сүфийлар асарлари билан шуғулланади.

Абдураҳмон Жомий қадимги Юнон фалсафасини қўллаб-қувватламайди; мутакаллимлар — расмий ислом таълимоти намояндлари билан ҳам келиша олмайди. Негаки, Жомий тасаввуфнинг «ваҳдати-вужуд»—пантенизм билан сугорилган таълимотини ёқлаб чиққан эди. Жомий таълимоти Фарбий Европа файласуфларидан ирландиялик Иоанин Эриученинг (810—877) пантенистик онтологиясиغا монанддир.

Жомий таълимотининг энг муҳим жиҳати — инсонпарварлик, инсонийлик ғояларини тарғиб этишдадир. Жомий фикрича, худо табиатда зуҳур этган экан, худо қандай муқаддас бўлса, унинг оқибати — табиат ҳам шундай муқаддасдир. Инсон ҳам шу оламнинг бир қисми экан, у ҳам худо сингари муқаддасдир. Зоро, уни ҳақорат қилиш эмас, балки ҳурмат қилиш керак. Инсон ҳақорат объекти эмас, сифиниш манбаидир.

Инсонни улуғловчи, унинг руҳий дунёсини бойитувчи, инсонни унинг олий мартабасига муносиб этувчи омиллардан бири севги ва вафодорлик туйғуларидир. Севги, ишқ бор жойда ёвузликка ўрин бўлмайди. Ҳаққа ва демак инсонга ишқ ўтида ёнган қалб фақат эзгулика мойил бўлади.

Жомий халқа хизмат қилиш, мұхтожларга кўмаклашишини ўзининг олий мақсади деб билади. Жомий ўз шогирди ва яқин дўсти, ҳамфикри Мир Алишер Навоийга ёзган кўплаб мактубларида мұхтож кишиларга ёрдам бериш илтимоси билан мурожаат этарди.

Мир Алишер Навоий ҳам халқпарвар вазир сифатида устозининг илтимосларини бажо айлаган. Бундан ташқари, Жомий Ҳирот яқинида икки мадраса ва бир хонақоҳ қуради. Жомда бир масжид бино этади, ер сотиб олиб масjidга вақф қилиб беради. 1472—73-йилларда Жомий Маккада, ҳаж сафарида бўлиб қайтади.

Жомий қаламига мансуб 46 асари аниқланган. «Тұхнатул-аҳрор» (бу асар Хожа Аҳрорга бағищланғандир), «Сабҳатул-аброр» каби фалсафий-ахлоқий мазмундаги маснавийлар: «Юсуф ва Зулайҳо», «Хирадномаи Исқандарий», «Лайли ва Мажнун» достонлари, «Саломон ва Абсол», «Силсилат-ул-заҳаб» асарлари шулар жумласидандир.

5. МИР АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИИ ВА АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Узбек халқининг буюк мутафаккири, инсонпарвар шоири Мир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳиротда туғилди. Унинг отаси Ғиёсиддин кичкина темуркйлар саройига яқин турган амалдорлардан эди. Сиёсий ҳаётдаги зиддиятлар, темурийларнинг тож-тахт та-лаши келгилашган бир даврда Ғиёсиддинбек оиласи Ироққа кўчиб кетишга мажбур бўлади. 1452 йилда улар Ҳиротга, Абдулқосим Бобур (1452—1457) саройига қайтиб келишади.

Навоий Ҳирот мактабида таҳсил олади. Машҳад мадрасасида ва Самарқандда Фазлуллоҳ ибн Абулайс хонақоҳида (1466—69) сабоқ олди. 1469 йилда Ҳиротга Бойқаро саройига қайтди. Сабоқдош дўсти Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни аввал мұхрдор, сўнгра эса, амирлик—вазирлик вазифасига тайинлайди. Алишер Навоий 1501 йил, 3 январда вафот этади.

Алишер Навоий ҳамиша ўзининг ижодини ижтимоий фаолият билан бирга қўшиб олиб борди. Ҳазрат Навоий қаламига «Бадойи-ул-бидоя», «Наводир-ун-ниҳоя», беш достондан иборат машҳур «Хамса», сўфийлар ҳақидаги «Насонм-ул-муҳаббат», «Хазойин-ул-маоний» дебони, «Маҳбуб-ул-қулуб», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Сирож-ул-муслимин», «Муҳокамат-ул-лугатайн», «Лисон-ут-тайр» фалсафий достони, Жомий ҳақидаги «Хамсат-ул-мутаҳайири», «Мезон-ул-авzon», Фоний тахаллуси билан форс-тожик тилида ёзган шеърлари мажмуаси — «Девони фоний» ва бошқа асарлар мансубдир.

Алишер Навоий ижодий салоҳиятига Ўрта ва Яқин Шарқ эдабий-илмий мероси, жумладан, ўша даврда ўз анъозаларига эга бўлган туркӣ адабиёт намояндадари — Дурбек, Атонӣ, Саккокӣ, Гадонӣ, Мавлоно Лутфий ва бошқаларнинг фаолияти ва бундан ташқари, ҳинд ва араб адабиёти ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Марказий Осиё халқларининг халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам Навоий ижодиётининг маънавий булоқларидан бўридидир.

Навоийнинг фалсафий дунёқараши вахдати-вужуд, яъни Сөрлиқнинг бирлиги таълимотига асосланади. Олам — ҳудодир, чунки илоҳиёт (вужуди мутлоқ) атрофдаги борлиқ (вужуди доира)да намоён бўлади, ўз ҳусини табиатда зуҳур этади. Бу фоя Навоийнинг кўп-лаб шеърларида илгари сурилади:

*Ашарақат мин қавс шамси анворил худо,
Ер аксин майдада кўр, деб жомдин чиқди садо.*

Навоий «ер аксини майдада кўр...» деганида айнан ўша тоя — илоҳиёт, табиат ва жумладан, инсоннинг бутунлигини назарда тутган. Навоий пантеизми моҳият-эътибори билан инсонпарварлик, табиатни улуғлаш, инсонни мадҳ этишдан иборат. Инсон, Навоий фикрича, худонинг табиатда зуҳур этишининг асосий мақсадидир. Ва ўз навбатида худо ҳам инсоннинг маҳбуби, муҳаббат объектидир:

*Жамолингки меҳри жаҳонтоб ўлуб,
Ҳафо пардаси ичра ноёб ўлуб.
Жамолингга ҷунким зуҳур истадинг,
Кӯёшингга ифшиойи нур истадинг.
Бу навои иктизо айлади ҳўблуғ,
Ки қилғайсан изҳори маҳбублуғ.
Чу маҳбублуғ амри пинҳон эмас,
Ки то бўйламагай ошиқ имкон эмас.
Чу бори ҳуснга иш лойиқ басе,
Керак бўйиди ҳуснингга ошиқ басе.
Чу бир жунбуш этти аён баҳри зот,
Тадид ўлди амвождин копнот⁹.
(«Садди Искандарий»).*

Табиат, Навоий фикрича, бойликлар тумори, инсон баҳти учун керак бўлган бойликлар хазинасидир. Қанлай қилиб илоҳий моя (субстанция) табиатга айланади? Нима учун шундай? Чунки ягона моя ҳар доим камолотга, етукликка интилади. Табиат, борлиқ — ўз етуклигига эришган худодир. Навоий табиат — худони гўзаллиги жиҳатидан Зухрга, баркамолликни эса пешин қуёшига ўхшатади. Навоий бу ғояни «ғунча ва гул» лирик образларида янада тўлақонли акс эттирган. Ғунча ўз камолотини гулнида намоён қилганидек, худо ўз қудратини, гўзаллигини табиатда топади. Навоий ўзининг тасаввуфга оид фалсафиј асари «Лисон-ут-тайр» да таъкидлашича, мавжуд ҳодисаларнинг ҳаммаси (кўплик) илк воқеълик сифатидаги илоҳиётнинг (бирликнинг) зоҳир сифатлари, кўринишидир:

*Бирлик ойчинида зотидир онинг,
Лек мингдан кўп сифотидир онинг.
Ўл сифат оғоқ аро шоев бўлуб,
Барча онинг зотига рожеъ бўлуб¹⁰.*

⁹ Алишер Навоий. Хамса. Тошкент. 619—620-бетлар.

¹⁰ Алишер Навоий. Асарлар. XI том. Т. 1966, 19-бет.

Илохиёт атрофдаги барча нарсаларда зуҳур этар экан,
у инсоннинг қалбида ҳам ўз аксини топади.

Мутаасиб бўлсанг сифотиллоҳ ила,
Жазм этарсан хотири огоҳ ила.
Ким сен — ўқ ҳар неким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
Зотинг ижмолига тағсилсен,
Ҳар вужуд ишқолога таъвилен.
Ўз вужудингға тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен ўзингдин истагил¹¹.

Шундай қилиб, худо ҳар кимнинг қалбидадир, лекин уни ақл (хирад) билан англаш мумкин эмас, уни белгиташда инсон ақли етмайди. Бу масала айниқса машҳур сўфий Фаззолий таълимотида катта ўрин тутади: худо иш манбай экан, унга руҳий кечинма—зикри дил йўли билангина эришиш мумкин.

Бу гоя расмий ислом — қалом таълимотидан фарқ қиласди: мутакаллимлар худонинг борлигини мантиқий мулоҳазалар асосида ақл билан исботлаш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Навоий фикрича, худони топиш, сезиш учун инсондан риёзат (қалбни тозалаш), маърифат (дунёни билиш, ўзликни ва демак, худони билиш) талаб қилинади. Инсон унга ўзининг амалий ҳаракатлари, ахлоқий поклиги билан етиши мумкин. Масалан: «Лисон-ут-тайр» да қушлар подшоси — афсонавий Семурғ (худонинг мажозий тимсоли)ни қидириш сафарида бўлган қуилар (кишиликнинг мажозий тимсолидан бири раҳнамо Ҳулҳуд (шайх, муршиндинг мажозий тимсоли)га шундай бир савол беради: «Лаънати Иблис (шайтон) мени доимо васвасага солиб, ножӯя хаёлларни кўнглумга келтиради, ундан қутилиш чораси нимада?» Ҳулҳуд жавобида айтадики, Иблис ташқаридаги ғайри-табиий куч эмас, балки ўз нафсинг ва хулқингдаги иллатларнинг ифодасидир. Иблис — инсоннинг нафси балосига учраганлигидир, ундан қутилиш йўли нафси тийишда эканлиги кўрсатилади:

Нафс ҳукми бирлаким қўлсанг ҳар иш,
Иржаюр ул комдин шайтонға тиши.
Демаким шайтонға бўлмишмен залил,
Ул сенинг нафсингни айлабдур вакил¹².

¹¹ Алишер Навоий. Лисон-ут-тайр. 218-бет.

¹² Алишер Навоий. Лисон-ут-тайр, 122-бет.

Демак, инсон аввало ўзидаги иллатларни бартараф этиши керак. Бунинг учун жоҳилликдан маърифатга, ёмонликдан яхшиликка ўтиш талаб қилинади:

*Бордур инсон зотида онча шараф,
Ким ёмон ахлоқни этса бартараф¹³...*

Маълумки, тасаввуфда маънавий етукликка эришган шахс — ориф яхши билан ёмонни, куфр ила имонни, дайр (бутхона) билан Каъбани бир-биридан фарқ этмайди. «Лисон-ут-тайр» нинг маърифат водийси васифида шу ҳақда батафсил фикр юргизилади. Унда, маърифат йўлида худо — ҳақни билишнинг юз туман минг йўли бордир, дейилади. Шунинг учун маърифат йўлида Мусо пайғамбар ўз душмани фиръавнга роҳрав. Маҳди (Исо пайғамбар) ўзининг ашаддий душмани — Дажжол (Антихрист) билан бир мазҳабдан ўрин олади. Уларнинг йўлларида ихтилоф бўлса ҳам, лекин ҳаммасининг мақсадлари битта — ҳақиқатни билишdir, дейди Навоий. Бундай ўта муҳим қарапашлардан барча динларнинг тенглиги гояси келиб чиқади. Бу гоя Навоий даври ижтимоий тафаккурида эришилган муҳим ютуқлардан биридир. Буюк мутафаккир шоир динлар ташқи кўринишдангина ўзаро бир-биридан фарқланади, аслида уларнинг ҳаммаси битта мақсад — ягона ҳақиқатни билишнинг турлари йўлларидир, деган хуносага келади:

*Мунда соликка тафовут бўлди фош,
Анга меҳробу, мунга бут бўлди фош.
Бўлди ўз ирфони ҳар кимга сифот,
Кўп тафовут қилди пайдо маърифат¹⁴.*

Навоийнинг бу қарапашлари унинг комил инсон назарияси билан чамбарчас боғлиқдир. Навоийнинг ахлоқий идеали Суқрот, Афлотун, Арасту, Искандар Зулқарнайн, Фарҳоду Ширин сингари ижобий қаҳрамонларнинг образларида бадиий ифодаланади. Шоир достонларида улар тарихий шахслар сифатида талқин этилмайди, балки булар унинг ахлоқий дунёқарапашига монанд бадиий образлардир.

Навоийнинг таъкидлашича, дунёни билиш учун инсонга билиш қобилияти ато этилган. Бу фикрни Навоий

¹³ Уша асар. 217-бет.

¹⁴ Уша асар 179-бет.

Қуръон оятлари билан мустақкамлайди. Бу қобилият—
билиш воситаларидирким, сезги, ақл, хотира ва тафак-
курдан иборатдир. Навоий «Ҳайратул-абброр» достонида
билиш жараёнини бадиий иборалар орқали қўйидагича
тасвирлайди: «Инсоннинг мияси ва тани—қўрғондир;
моддий борлиқ эса шу қўрғоннинг атроф-муҳити, ақл—
шу қўрғон ёки сарой соҳиби, подшоҳдир; инсоннинг
5 сезги аъзолари эса шу қўрғон (ва подшоҳ)ни ташқи
муҳит (мамлакат) билан боғловчи йўлларидир; ва ни-
ҳоят, хотира—хазинабон, барча инжууларни (маълумот-
ларни) йигувчи шахсдир»¹⁵. Шу тариқа инсон ўз ҳис-
сиёти ва тафаккури орқали борлиқни тадқиқ этади, ун-
дан ўзининг пок мақсадларида фойдаланади.

Буюк инсонпарвар шоир ўз салафлари Форобий ва
Ибн Сино ҳамда бошқа мутафаккирлар сингари илм-
маърифатга ахлоқий тус беради: илм аввало инсоннинг
маънавий камолотга эришиш воситаси бўлиши керак.
Илм кишиларни юксак фазилатларга жалб этиш, улар-
ни дунёпарастлик иллатларига нисбатан бепарволик ру-
ҳида тарбиялаш қуролидир. Навоий фикрича, инсон-
нинг қадр-қиммати унинг мол-мулки билан эмас, балки
маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву обод¹⁶.

Алишер Навоий ижтимоий-сиёсий масалалар бора-
сида Абу Наср Форобий сингари ижтимоий таълимот
яратди. Навоий айниқса ўша пайтда муҳим бўлган мам-
лакатни бошқариш масаласига катта эътибор берди.
Ва буни вазир сифатида амалиётда тадбиқ этишга
уринди. Навоийни мамлакатни якка ҳукмронлик (мо-
нархия) билан бошқариш усули кўпроқ қаноатлантириди.
Навоий «Сади Искандарий» ва бошқа асарларида
шоҳни—боғбонга, мамлакатни эса бօгга қиёслайди.
Подшоҳ, яъналар, ҳалқ ўртасидаги нисбатларни яъна «чўпон ва
пода» ҳамда ўхшатади¹⁷. Навоий фикрича, агар боғбон
оқил, меҳнатсевар бўлса, унинг бօғи гуллаб—яшиайди.
Шу сингари агар подшоҳ оқил, маърифатли, билимдон,
адолатпарвар бўлса, ҳалқини севса, унда мамлакат ҳам
сбод бўлади. Акс ҳолда у ҳаробага айланади.

¹⁵ В. Ю. Зоҳидов. Мир идеяй и образов Алишера Навои. Т., 1961.

¹⁶ Алишер Навои. Ҳамса, 71-бет.

¹⁷ В. Ю. Зоҳидов. Ўша асар, 337-бет.

Навоий «Саддий Искандарий» да идеал подшо образини яратади. Бу — Шарқ халқлари ривоятларида кенг тарқалган Искандар Зулқарнайн образидир.

Искандар — етук олим, доғашманд подшо, истеъдодли сардор ва халқпарвар даєлат арбоби — ислоҳотчидир. Айни ҷоқда, Искандарда комил инсонга хос хусусиятлар ҳам тасвирланади: у дили ва нияти пок, саҳоватли, камтарин ва мулоийим шахс; доно подшо ва дунё сирларини билишга қизиқувчи ақл-заковат эгасидир. Навоий бу образни яратар экан, ўзининг эзгу мақсади — жамиятни ҳикмат, адолат билан бошқариш керак, деган ижтимоий ғояни илгари суради.— «Саддий Искандарий» да Навоий инсонпарварлигига хос сиёсий назария (комил инсон таълими) нинг узвий равишда ифодаланишини кўрамиз.

Шу хусусиятларга кўра, Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари Европадаги Ренессанс гуманизмига монанддир.

Навоий бадиий воситалар орқали подшонинг нуфуз-эътибори, шон-шуҳрати ҳамда қудрати унинг ҳашаматли саройлари ва ҳайбатли қўшинлари билан белгиланмайди, балки подшонинг ўз халқига нисбатан меҳр-муҳаббати, адолатли сиёсати ва ҳайр-саҳовати билан ўлчанади, деган эзгу ғояни ёқлаб чиқди.

Навоий таҳт талашиб уришишни, ўзга халқларни асоратга солишини ва хунрезликни (Хусравининг арман халқига нисбатан уруши бунга яққол мисолдир) қоралади. Фотиҳ Искандарга келсак, у дунёни фатҳ этишда шуҳратпастлик мақсадида эмас, балки инсониятни севиш, унинг оғир қисматини енгиллаштириш, ер юзида адолатли тузум ўрнатиш, коинот сирларини билиш каби юксак ғоялар билан рағбатланганлиги достон мазмунидан аёндир.

Навоий халқлар орасидаги дўстликни тараннум этди. Навоий достонларининг қаҳрамонлари турли мамлакатлар, турли миллат вакилларицидир: Ширин — арман қизи, Фарҳод — чин ўғлони, эронлик Шопур, ҳинди Маъсуд, Лайли ва Мажнун араб элига мансуб, Искандар ва унинг маслаҳатчилари бўлмиш Арасту, Бухрот, Сукрот, Файсогуре (Пифагор) кабилар — юноналардир.

Мана Искандар ва Арасту ўртасидаги савол-жавоблардан бири. Унда подшонинг одиллиги нималардан намоён бўлиши ҳақида гап боради:

Искандар:

«...Шоҳиким эрур одилнинг жозими,
Не ишлар экан одилнинг лозими?

Арасту:

«Шоҳиким анга адл бунёд ўлур,
Натижка бу ким, мулки обод ўлур.
Чу мулк ўлди обод, халқи ғаний,
Яқиндурки, маъмур ўлур махзани.
...Яна улки чун адли зоҳир дурур,
Бори қавм ила хайли шокир дурур¹⁸...

Навоий буюк давлат арбоби — вазир сифатида ўз ижтимоий идеалини ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилиди. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари ўртасидаги низо-адоватларни бартараф қилишга ҳаракат қиласар эди. Айниқса у ободончилик ва маданий ҳаёт соҳасида жуда катта хизматлар қилди.

Навоий ташаббуси билан (кўпинча ўз маблағидан) кўплаб бинолар, хонақоҳлар, масжидлар қурилди, ҳовуз ва ариқлар қазилди.

Халосия ва Жамоатхона хонақоҳи, Сари Хиёбон, Ҳавзак, Чилдухтарон, Гарноб ва Панждеҳ каби работлар. Тусдан Машҳадгача қазилган ариқ (70 км га яқин) ва бошқалар шулар жумласидандир. Буларнинг рўйхати Навоийнинг «Вақфия» ва Хондамирнинг «Макорим-ул-ахлоқ» асарларида берилган.

Навоий ўз даврининг илм-фан ва адабиёт аҳлига ҳомийлик қилган. Машҳур рассом Беҳзод, Хаттот Сulton Али, тарихчи Мирхонд, шоир Осафий ва бошқалар Навоий ҳомийлигига камолга етганлар.

Навоий ҳазратларининг яна бир тарихий хизмати шундаки, буюк мутафаккир туркий тилни «Масиҳ анфоси» (Исонинг илоҳий нафаси) — (Ҳусайн Бойқаро) ила «тирилтирилганидадир». Навоий кўп асарларини ўзбек тилида ёзиб, бу тилнинг бадиий дурдоналар яратиш учун катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатиб берди.

Мир Алишер Навоий нафақат ўзбек адабий-фалсафий тараққиёти, балки қозоқ, туркман, тоҷик, қирғиз, қорақалпоқ, татар ва озарбайжон халқлари маданий тараққиётига баракали таъсир кўрсатди. Буюк шоирлар — Машраб, Ҷуқимий, Нодирабегим, Фурқат, Мирзо Фатали Охундов, Абай, Абдулла Тўқай, Махтумқули,

¹⁸ Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 560-бет.

Бердақ ва бошқалар Мир Алишер Навоий адабий месросидан баҳра олиб, унинг анъаналарини давом эттиридилар.

1991 йилда инсоният Алишер Навоийнинг 550 йиллик табаррук тўйини зўр мамнуният билан нишонлади.

Навоий асрлари жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо инжулар каби қўшилиб, ўз қадр-қимматини асло йўқотмайди.

Хулоса қилиб айтганда, XIV—XV асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар Амир Темур авлодларининг ақл-заковати билан bogлиқdir. Чунки бу даврда Самарқанд, Хоразм, Рум ва бошقا жойларда илм-фан тараққиёти юқори поғонага кўтарилиган эди. Мовароунаҳр ва Хурсоңда илм-фани ривожланиши учун имконият яратилиган эди. Бу даврда йирик олимлар Мир Сайд Шариф Журжоний,, Улуғбек, Али Кушчи, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби мутафаккирлар етишиб чиқдилар. Бу донишмандлар олам, ҳаёт ҳақида ўлмас асрлар яратдилар. Бу мутафаккирларнинг фалсафий қарашлари бугунги авлод учун ҳам битмас-туганимас манба ҳисобланади.

6. ВОИЗ КОШИФИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИИ ВА АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий таҳминан 1440 йилларда Хуросон вилоятидаги Сабзавор шаҳрининг Байҳак кентида туғилиган. Унинг ота-онаси, болалиги ҳақида ҳозирча ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ. Бизнингча у бошланғич маъдумотин Сабзаворда олади. У араб, форс, ўзбек тилидан ва математика, астрономия, химия, адабиётдан тўлиқ маъдумотли бўлади. Ёшлигиданоқ воизлик, («сўз санъати») билан шуғулланади. Натижада Сабзаворда ўзи ёш бўлса-да кўзга кўрилган воиз бўлиб танилади. Кейинчалик Нишонурда, 1455—1468 йилларда эса Машҳадда яшаб воизлик қиласди. 1468 йилнинг охириларида Ҳусайн Воиз Кошифий Хиротга келади. Тарихчи олим Сайд Нафисий¹⁹ нинг айтишича Кошифий умрининг охирида Ҳиндистонга сафар қиласди. Унинг бу сафари ҳақида ҳам ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Ҳусайн Воиз Кошифий икки қиз,

С. Нафиси. «История поэзии и прозы в Иране». М., 1967 йил.

бир ўғил фарзанд кўрган. Уғли Фахриддин Али Сафий ўз даврининг катта шоири, ёзувчisi, олими бўлган.

Хусайн Вонз Кошифийдан кўп илмий, бадний, таржима қилингани асарлар мерос қолган. У ахлоқ-одобга, адабиётшуносликка, тарихга, кимё фани, фалакиёт, математика, мусиқага, воизлик санъатига, дин тарихи, тиббиётга, давлатни бошқаришга багишланган 200 дан ортиқ асар ёзганлиги манбалардан маълум. Бундан ташқари у ўз даврининг кўзга кўринган илоҳиётчи олими бўлган. Ҳадисларни, Қуръонни Каримни ёддан билган, ҳатто Қуръонни оддий халққа тушуниши осон бўлиши учун тўрт китобдан иборат шарҳ ҳам ёзган. Хусайн Вонз Кошифийнинг «Ахлоқи Мухсиний», «Рисолати Хотамиа», яъни «Китоби Хотамнома», «Анвори Суҳайлий», яъни «Калила ва Димна», «Тафсири Ҳусайнний», «Жавоҳирнома» каби ўндан ортиқ асарлари араб, татар, эски ўзбек, урду, турк, немис, инглиз, француз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Ҳозирги кунда Кошифий асарлари Париж, Лондон, Берлин шаҳарларида Ироқ, Туркия, Эрон, Тоҷикистон, Россия, Афғонистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва бошқа мамлакатларининг кутубхоналарида сақланмоқда.

Кошифийнинг фалсафий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий қарашларининг шаклланишида мамлакатда давом этаётган тож-тахт учун курашлар, адолатсизлик, нопоклик, алдамчиликлар ва бошқа кўпгина салбий жиҳатлар ўз таъсирини кўрсатди. Кошифий Хусайн Бойқаронинг давлат вонзи сифатида ҳар куни оддий халқ ичидаги юрди, уларнинг ҳаёти билан яқиндан танишди, орзу-армонларини, норозиликлари сабабларини ўрганди. Оддий халқ адолатсизликларнинг қурбони бўлаетганини, алдашлар, айёрликлар кучайганини ҳар қадамда учратди. Бу аҳволдан Кошифий кўп норози бўлди, азият чекди. У кишиларни инсофга чақириш, подшо ва ушинг одамларини сахий, очиқ кўнгил, меҳрибон, адолатли, меҳнатсевар, ҳалол, пок бўлишга чақириди.

Хусайн Вонз Кошифий «Ахлоқи Мухсиний» асарининг «Покизалик баённида» бобида: «Ақлнинг шартни будурки, то имкон борича фаришталик қувват бергай ванда хайвонот нисбатига майл қилмағай²⁰, — деб ёзган эди. Мутафаккир ақлга катта баҳо бериб, уни инсон учун

²⁰ Кошифий. «Ахлоқи Мухсиний». Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзмалар фонди, инд. 3020 (форс тилида), 39-бет.

керак бўладиган энг зарур нарса деб тушунади. Уни инсонни мукаммал қилувчи, номуносиб ҳаракатлардан чегараловчи маъниавий қувват деб билади. Ақл аста-секин вужудга келиб мукаммаллашуви, ўсиши мумкинлигини айтади. Инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турувчи нарса бу ақл, яъни онгдир,— дейди. Биз Кошифий қарашларида таъкидламоқчи бўлган илғор, ибратли жиҳат шу эдикни, у инсон, унинг ақли ва онгининг табиат, моддийликка нисбатан нисбий мустақиллик, ижодий фаоллигини кўра билган. Бундан кўринадики, Кошифий гарчи илоҳиётчи бўлса-да, табиатни, онгин тўғри тушунади, борлиқ ҳаёт ҳаракатдан иборат эканлигини кўрсатади. Кошифийнинг «Қўл қуввати кўнгил қувватига тобедур»²¹,— деган гапларида ҳам умуман объектив борлиқни, табиатни тўғри тушунганилигини кўриш мумкин.

«Ахлоқи Мухсиний»нинг «Адолат» бобида шундай ёзади: «Бузурглар, айтибдурларки, ҳамма ҳалойиқ ақлга муҳтождир ва ақлни тажрибага эҳтиёжи бордур. На учунким тажриба ақлни ойнасидурки анда иш салоҳи сувратин мушоҳада қилур»²². Мутафаккирнинг бу фикри ўз даврига нисбатан илғор, содда, табиий илмий дунёқараш ва инсонпарварлик унсурлари бор дейишга имкон беради. Негаки, юқорида айтганимиздек, Кошифий ақлни инсон учун керак — дейди. Тажрибани — ақл ойнаси деб тушуниши мутафаккир замонасининг энг олд мезанде турганилигини кўрсатади. Ақл орқали вужудга келтирилган ғояни практика—тажриба амалга оширади. Шунинг учун ҳам Кошифий тажрибани «ақл ойнаси» деб атайди. У худо ва борлиқ бир-бирига зид нарсалар эмас, балки ҳар иккалasi ҳам алоҳида-алоҳида мавжуд нарсалардир, деб содда ҳолда фикр ўнсурларини намоён қиласди. Кошифийнинг фалсафий қарашлари ахлоқийликка, борлиққа яъни ҳаракат, инсон ақлига, инсоннинг билиш қобилиятининг ўзгаришига асосланади. Унинг фикрича борлиқ, ҳаёт яъни ҳаракат барча мавжуд нарсаларнинг асосидир.

Ҳусайн Вонз Кошифийнинг ахлоқий таълимотининг фалсафий асоси, демак ҳаёт, давр, бишм, ақлдир. Жамиятдаги талаб ва одатлар, қонунлар ахлоқий покликни шакалтадиган асос ва мөъёрдир. Билишнинг вазифаси воқелик, табиат, борлиқ қандай бўлса уни шундай ўрганиш, текшириш, унинг моҳиятини кўрсатиш

²¹ Кошифий. Ўша асар, 14-бет.

²² Кошифий. Ўша асар, 42-бет.

бўлса, ахлоқнинг вазифаси инсон учун нима фойда-ю нима зарарли эканлигини англатиш, ёмонликни йўқотиш, яхшиликни вужудга келтиришдан иборатdir.

Хусайн Вонз Кошифий ижтимоий-сиёсий қарашларида жамият ва давлат тузумига, уни қандай бошқариш кераклигига, унда инсоннинг тутган ўрнига катта эътибор берган. Кошифий «Ахлоқи Мухсиний», «Китоби Хотамнома», «Анвори Суҳайлий», «Тафсири Хусайнний» асарларида жамият, давлатни, лашкарларни, кишиларни бошқариш ҳақидаги таълимотни илгари сурди. Мутафаккир давлатни одилона бошқаришда сиёсатдан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлайди. «Ахлоқи Мухсиний» асарининг ўттиз иккинчи бобини «Сиёсат»га бағищлайди, «Сиёсат»нинг (1. Жазо беришда шиддат кўрсатиш, дўқ-иўписа қилиш. 2. Ҳукмронлик кўрсатиш. Ҳукмдорининг ўз қўли остидагиларни скавозлаш ва қўрқитни йўлдари билан бўйсундириб интизомда сақлаш) маъноси кишини замга солмоқ бўлур ва истилоҳ маъноси мамлакатни забт қилмоқ ва ҳар кимни ўзига муносаб ўрнига ўлтиргизмоқ зарур. Сиёсат 2 қисмидир. Ўз нағенга сиёсат қилмоқ ва яна бири файрига²³— деб сиёсатин кенг маънода тушуниб, катта баҳо беради.

*«Агар шоҳлар сиёсат тигин эмига қилмаса соҳир,
Жаҳонда пок сув ичмакка бўлмаса ҳеч ким
қодир»²⁴*

деб сиёсатни мамлакатни бошқариш учун зарур, у шахсийгина эмас, балки ижтимоий ишдир— деб тушунади. Подшо мамлакатни ўзига хос сиёсати туфайли бошқаради. Сиёсат адолатли бўлса мамлакат, жамият ривож топади, ҳалқи фаровои яшайди. Сиёсатни одил подшолар, одилона бошқариши керак — деб хулоса чиқаради,— мутафаккир:

*Мамлакат тобқой сиёсатдин низом,
Гар сиёсат бўлмаса етгай ҳалал.
Тобмагай олам иш асло тузути,
Бесиёсат ҳеч вақту ҳеч маҳал.*

Ёки:

«Адол (адолат) сиёсатиз мавжуд бўлмас. Сиёсат хор бўлса, сардорлик заниф бўлур. На учунким мулку— миллат зийнати, дину давлат мусаллаҳи сиёсатдур²⁵—

²³ Кошифий. Шша асар. 135-бет.

²⁴ Кошифий. Шша асар. 139-бет.

²⁵ Кошифий. Шша асар. 212-бет.

деб мамлакат тараққиётини, адолат қарор топишини ҳам Кошифий сиёсатга боғлайды. Сиёсатни фақат мамлакатни бошқаришдаги ижтимоий роли билангина эмас, балки сиёсий ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам аҳамиятга эгадир,— деб таъкидлайди.

Хусайн Вонз Кошифий ижтимоий-сиёсий қарашлари билан танишар эканмиз, уни мамлакат ҳаёти, давлат тузумини яхши билган сиёсатчи эканлигига амин бўламиз. «Мамлакат заволи неча нарсададур?» — деган саволга у: уч нарсадир, деб жавоб беради:

1. —Подшоҳларга хабар пўшида (махфий, яширин) — бўлмоқда.

2. —Азозил (шайтон) ва сифлат (тубан, пасткаш) — тарбият тобмоқда.

3. —Амалдорлар раиятларга зулм қишлоқмода. Ҳакиқатдан ҳам мамлакатлардаги ҳар бир воқеа-ҳодиса ҳақидаги хабар подшога махфий равишда етказиб турилса, подшо уларга жазо бераверса, кишилар тарбиясиз, ахлоқсиз бўлса, подшо одамлари халққа зулм ўтказаверса, албатта, мамлакат таназзулга учрайди, норозилик келиб чиқади. Шунинг учун ҳам Кошифий подшоҳларга насиҳат қилиб чақимчи кишининг гапига ишонма, халқни яхши хуљали қилиб тарбияла, амалдорларинг халққа жабр-зулм етказмасин дегандай бўлади. Мутафаккирларнинг ҳар бир фикрини атрофлича таҳлил қилисак, уларга мос келувчи ўша даврнинг маълум ва машҳур «замона зўрлари» мавжудлигига амин бўламиз.

Хусайн Вонз Кошифий Ҳирот мадрасаларида талаabalарга кўп вақт таълим-тарбия берган. Шу билан бирга у бутун Ҳурсон мамлакатининг кўпгина шаҳарларида ахлоқ-одоблан ваъз айтган. Унинг «Ахлоқи Мухсиний», «Рисолати Хотамиа» («Қитоби Хотамнома»), «Анвори Сухайли», «Ахлоқи Карим», «Жавоҳирнома», «Лаб лубоби маънавий иштихоби маснавий»²⁶ ва бошқа асарларида одоб-ахлоқ ҳақидаги таълимотини илгари суради. Бу асарлардан Ҳирот ва бошқа шаҳарлардаги

²⁶ Каранг: Кошифий «Ахлоқи Мухсиний». ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, Қўлламалар фонди, инт. 3022, 318 варак, 1494 й., ёзилган, Ақо Мирзо Иброҳим нашри, форс тилида; инт. 1663, таржимон Ураз Мұхаммад, 165 ўзбекча; инд. 13817, Мулло Сафарбек Мұхаммад нашри, 207 варак, ўзбекча, охиридан бир вараги йўқ. Рисолати Хотамиа—«Қитоби Хотамнома», инт. 1486 йилда ёзилган, 1502 йилда Султон Али Машҳади кўчирган. «Анвори Сухайли», инт. 443, 486 вараг форс тилида.

мадрасаларда талабалар учун дарслик сифатида фойдаланилган. Мутафаккир бу асарларида ўзининг ҳаётдан олган сабоқлари, тажрибалари асосида ҳалқчиллик, инсонпарварлик, ижтимоний ҳаёт ҳақидаги ва адолат, ҳалоллик, соғдиллик, поклик, тўғрилик, ростгўйлик ҳақидаги фикрларини ўқимишли, қизиқарли ҳикоятлар ёрдамида байён этади. Бу асарлар Кошифийнинг тили билан айтганда «Ҳикматли амалий» (яъни анъанавий Шарқ фалсафаси талаблари) асосида ёзилганligидан жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ҳусайн Вонз Кошифий ахлоқий қарашларида 1) инсонпарварлик, 2) ҳалқлар дўстлиги, 3) ватанпарварлик, 4) меҳнатга онгли муносабат, 5) жамоатчилик принципларин ўз аксини топганини кўрамиз. Лекин Кошифий буларни принцип деб эмас, балки ахлоқийликкниң асосий белгилари деб ўйлади. Ҳар бир ҳалол, пок, бошқаларга ёруғ юз билан қарайдиган, бир-бирини ҳурматлайдиган, қўллаб-қувватлайдиган, ёрдамини дариф тутмайдиган инсон ахлоқлидир,— дейди. У инсонни дунёдаги энг юксак олижаноб мавжудот деб билади.

*Одам номи яхшилик билан эслаш туфайли
боқийдир,*

*Ҳаётлик айёминг ҳосили яхши ном
орттиришибдир²⁷,*

дэйди. Бу Вонз Кошифий ахлоқий таълимотининг асосий етакчи ғоясиdir.

Ҳусайн Вонз Кошифий ҳалқقا баҳтсизлик ва давлатга зарар келтирувчи кишиларни етти тоифага ажратади:

1. Дилюзорлар.
2. Ножинс ва номуносиб фазилатлар билан таниқли кишилар: яъни ҳасад қилувчи, баҳиллар, мўмсиқ (хасис)лар.
3. Дунҳиммат (1. Дун—паст; 2. Разил, нокас, ҳимматсиз, пасткаш, хасис), яъни пасткаш ва разил кишилар.
4. Туҳматчилар, гийбатчилар.
5. Хони ва аҳмоқлар.
6. Хони ва сотқинлар.
7. Тўла сўзлик (сергаплик), паришонгўйлик, яъни тақмалар²⁸.

²⁷ Кошифий «Рисолати Хотамийа»—«Қитоби Хотамнома» форс тилида, инт. 4388, 10-бет.

²⁸ Кошифий. «Ахлоқи Мухсиний». 39-боб, 180—196-бетлар.

Кошифий ёмонликни яна хунрэзлар (қон түкувчи, раҳмсиз), фитна ангезлар (фитна құзғатувчи, ғовба солувчилар), хунхор (қонхүр), айёрпеша (айёрликни хунар қилиб олғанлар), мавсуф (мақтандыр), қабиқ сиyrat (ёмон хулқли) кабиларни дилозорлар деб атайди. Булар бадфеъл, янын возжигулманьеа деб шундай маслаҳат беради: «Бадфеъл элни вилюятдан йүқ этмак хубдиr, ҳар дараҳтким ёмондур кесмаги марғубдиr»²⁹— деб буларни давлат ахлигага бісёр зиёни бор, эхтиёт бўлш керак,— дейди. Булардан ташқари мутафаккир сұханицилар — сўз элтувчилар, гаммозлар, чақимчилар, соҳибгаразлиқ (ёмонниятлик), ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик, ҳақ иошинислар (ҳақиқатин тан олмовчи, қадрламовчи, нонкўр кишилар), баҳил, мўмсиқ, дўнхиммат (паст, ионок, разил), сифла (пасткаш, хасис), ғийбатчи, ёлғончи, лақмаларни ҳам ёмон тоифага киритади. Бу сифатлариниг ҳар бирига алоҳида-алоҳида таъриф берилади, қизиқарли ҳикоят, ривоятлардан мисоллар келтириб фикр исботланади. Кошифий барча кишиларга қарата: «Сен чақимчи бўлмагил, эй бехабар, бегуноҳлар оҳидан қилгил ҳазар»³⁰,— деб нола қилади.

Ҳусайн Вонз Кошифий ёмонликка яхшиликни қарши қўяди. Мутафаккир яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам инсонни ўзинга, теварак-атрофдаги одамларга боғлиқ,— деб тўғри хулоса чиқаради. Яхшиликни таркиб топтириш билишга боғлиқдир. Ёмонликни йўқотиш эса кўп ҳолларда полшоларга боғлиқдир — дейди. Кошифийнинг ўз замондошларидан фарқи шундакп, у ёмонликнинг белгиларини аниқ кўрсатиб, йўқотиш йўлтарини ҳам чизиб беради.

Ҳусайн Вонз Кошифий яхшилик ва ёмонлик, адолат, виждон, бурч категориялари ҳақида ҳам атрофлича фикр юритади.

Ахлоқ нормаси — инсонларнинг хулк, феъл-атворларини тартибга солиб турувчи ахлоқий талаблардир. Ахлоқ нормалари инсонга жамият томонидан қўйилади. Ахлоқ нормалари ижтимоий мазмунга кўра умумиссоний характерга эга бўлади. У инсоннинг хатти-ҳаракатини бошқаради.

Ҳусайн Вонз Кошифий ахлоқ нормаларини ҳам кишиларда бўлиши шарт бўлган инсоний фазилат деб тушунади ва улар тахминан 30 га яқин бўлади. Бу инсоний фазилатларга сабр, ҳаёл, инфрат, покизалик, событи-

²⁹ Ўша асар, 39-беб, 184-бет.

³⁰ Ўша асар, 15-беб, 42-бет.

қадамлик, авф, сахийлик, саховат, тавозе, такаббурлик, ростгўйлик, шижаат, камтарлик, бедорлик ва хушёрлик, фаросат, баланд ҳимматлилик, ҳаракатчанлик, юввошлик, мулойимлик, днёнатлилик, аҳдиға вафолик, шошма-шошар бўлмаслик, андишалилик, иззат-хурматни билиш, сир яшира олиш, вақтни ғанимат деб билиш тўғрисида ҳам ибратли фикрлар билдиради. Бу фазилатларнинг ҳар бирига мутафаккир алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтади. Кошифий ахлоқли инсон деганда илм-маърифатга интигувчи, ҳақиқат ва адолатни севувчи, унинг учун курашувчи, адолатсизликка қарши курашувчи, мард, ҳаракатчан олижаноб, сахий, очиқ қалб инсонин тушунгани. У инсонни табиатнинг неъмати деб билган.

Ҳусайн Вонз Кошифийнинг фалсафий, ахлоқий қарашлари бугунги кунда ҳам аҳамиятлидир.

Туртинчи боб бўйича қуидаги адабиётлар тавсия этилади:

1. Каримов И. А. Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз. «Халқ сўзи» газетаси, 25 апрель, 1996 йил.
2. Ӯзбекистон халқлари тарихи. Т., 2, 1992.
3. Ӯзбекистонда ижтимоий-фақсафий фикрлар тарихидан. Т., 1995.
4. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т., 1990.
5. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-спесијал фикрлар тарихидан лавҳалар. Т., 1994.
6. Жумабоев И. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Т., 1980.
7. Ҳайруллаев М. М. Культурное наследие и история философской мысли. Т., 1971.
8. Алшинер Навоний (туғилганлигининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция материаллари). Т., 1991.
9. Аҳмедов Б. Амир Темур. Т., 1996.
10. Мўминов И. М. Амир Темурининг Ўрта Осиё тарихидан тутган ўрин ва роли. Т., 1993.
11. Алломалар сарвари (Мирзо Улугбек тавалдудининг 600 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция маъruzalari тўплами). Т., 1995.

**СҮНГГИ ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ
ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ
ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ
(XVI асрдан — XIX асрнинг биринчи ярмигача)**

1. XVI—XVIII асрларда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт.
2. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.
3. Бобораҳим Машраб дунёқараши.
4. XVIII аср охири XIX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фикрлар.
5. Муҳаммад Ризо Огаҳий.

**1. XVI—XVIII АСРЛАРДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ**

XV аср охири XVI аср бошларида Мовароуннахр ва Ҳурросонда Темурнийлар ҳукмронлиги емирилиб, Шайбонийхон ҳукмронлиги ўрнатилади. Шайбонийхон 1510 йилда Эрон сафовийлари билан бўлган жангда ҳалок бўлгандан сўнг, у тузгай давлат тобора занфлашиб боради. Натижада, Бухорони аштархонийлар эгаллаганларидан сўнг (1599 й.) биринчкетини Бухоро, Хоразм ва XVIII аср охиринда Кўқон мустақил хонликлари вужудга келди.

Гарчанд бу сиёсий тарқоқлик ўзаро урушлар туфайли ижтимоий тараққиётни сустлашибган бўлса-да, маънавиятда Навонӣ даври руҳи ҳали ҳам сезилиб турарди. Адабиёт, тасвирий санъат, наққошлиқ, архитектура, ҳаттотлиқ санъати тараққий этди.

XVI асрнинг биринчи ярмида ўзбек тилида ёзилган қатор бадиний ва тарихий асарлар вужудга келди.

Жумладан «Бобурнома»да Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ҳалқлари тарихи, турмуш тарзи, бу ерларнинг жўғроғияси, ҳайвонот ва наботот олами ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Бундан ташқари «Бобурнома»да адаб ўз ҳаёти-фаолияти, насл-насаби ҳақида, ҳалқларнинг турли урф-одатлари ва уларнинг келиб чиқиши ҳақида батафсил ёзади. Айниқса, тарихий манба сифатида «Бобурнома»нинг қиммати чексиздир.

XVI асрнинг иккинчи ярмида ижод этган шоирлардан Мушфиқий машҳурдир. Мушфиқий Абдуллахон саройида хизмат қилган. Мушфиқий қаламига лирик шеърлардан иборат уч девон ва кўплаб сатирик шеърлар мансубдир. Мушфиқий Навоий сингари риёкор шайхларни, зулмкор ҳукмдорларни қаттиқ танқид остига олиб, уларни фош этади.

Бу давр адиларида янга бири Мутрибий эди. Мутрибий ўзининг «Тазкират шу-шуаро» асари билан танилди.

Илму фан, гарчи ўтган асрлар суръатида бўлмаса ҳам, тараққий этарди. Математикага оид ҳисоб услуби ҳақида рисола; Амин Аҳмад Розийнинг жўғрофияга онд «Ҳафт иқлим» лугати бунга мисолдир. Тиббиёт илми ҳам ривожланиб борди. 1541 йилда Муҳаммад Мирак Самарқандий тиббиёт ва доришуносликка оид йирик рисола ёзди. XVII аср табиби Абдулгозий эса «Мано-фөъ ул-инсон» асарида касалликнинг 120 дан кўпроқ хилини тилга олиб, уларни даволаташ йўлларини кўрса-тади.

Мусиқа илми бобида ҳам улкан ютуқтарга эришилди. XVI асрда яшаган бухоролик Мавлави Кавқабий мусиқа илмига оид назарий асар яратди. XVII асрда яшаган машҳур оҳангсоз Дарвешали Чангий «Туҳфат-ус-сурур» номли мусиқа ҳақида рисола ёзди.

Ҳаттотлик санъети бўйича ижод этган Султон Али Машҳадий. Мир Али Ҳаровий, Дўст Муҳаммад Бухорий каби ҳаттотлар ўз замонида машҳур эдилар.

Қамолиддин Беҳзод ва унинг мактаби анъаналари-ни XVI асрда Жамолиддин Самарқандий ва бошқа мусавиirlар давом эттирилар.

XVI—XVII асрларга келиб ҳалқ оғзаки ижоди жози-бали достонлар билан бойиди. Бу даврда «Алпомиш», «Гўрӯғли», «Тоҳир ва Зуҳра», «Ошиқ Ғариф ва Шоҳса-нам» каби ҳалқ достонларининг турли вариантлари юзага келди.

XVII асрда диний адабиётда Аҳсанийнинг «Силси-лат-ул-авлиё», Сўфи Оллоёрининг «Мурод-ул-орифин», «Туҳфат-ул-толибин», «Маслак-ул-муттақин», «Сабот-ул-ожизин» каби тасаввуфга онд асарлари юзага келади.

Бу даврда (XVI—XVII) яшаган йирик файласуф — Юсуф Қорабогий (ваф. 1647 й.) дир. Қорабогий Форобий, Ибн Сино, Тусий каби Шарқ файласуфлари таълимотини давом эттириди. Унинг таълимотида перипате-

тизм тасаввуф билан чатишган эди. Бу нарса, умуман Шарқ мусулмон фалсафаси намояндалари га хос эди: улар турли фалсафий ва соф диний қарашларни ягона, умумий назарияга бирлаштирар эдилар: улар учун нуввват ва ҳиссиёт ила эришилган билимлар бир-бiri-ни ишкор этмай, аксинча тўлдиради.

Мана шундай «мураккаб» таълимот яратганлардан бири машҳур файласуф ва шоир Мирзо Бедил (1644—1721) эди. Унинг «Ирфон», «Чор унсур» асалари ва шеъру ғазалари сўнгги давр адилари, файласуфларига катта таъсир кўрсатди.

XVI—XVII асрларда архитектура соҳасида ҳам улаки муваффақиятларга эришилди. Тошкентда Шайхантоҳур мақбараси, Кўкалдоҳ мадрасаси, Бароқхон мақбараси, Бухорода Мирараб мадрасаси (1535—1536). Масжиди Калон (1540—1541), Абдуллаҳон мадрасаси (1590), Самарқандта «Шердор» (1619), «Тиллакори» (1646), Нодир Девонбеги мадрасалари, «Хожа Аҳрор мазорати» (1632), Хевада Араб Муҳаммад мадрасаси, Анушанинг «Оқ масжиди» ва бошқа масжиду мадрасалар бунёд қилинди.

XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида эса архитектура соҳасида Хоразм мактаби донг таратди. Бу ерда қурилган «Мадрасан Шерғозихон» (1719), «Мадрасан Муҳаммадами иноқ» (1770), «Муҳаммад Раҳимхон» мадрасаси, «Оллоқулихон мадрасаси» (1832) «Раҳимқули мадрасаси», «Муҳаммадниёз Девонбеги мадрасаси» ва бошқа бинолар бебаҳо тарихий ёдгорликлардир.

Бу даврда Бухорода («Мадрасаси Домло Турсунжон») ва Кўқонда («Мадрасаси Мир», «Офтобойим», «Хўжадоддоҳ» мадрасалари) ҳам турли бинолар қад кўтарди. Лекин бу биноларнинг кўпине қурилиш техникаси ва ўз қимматига кўра XVII асргача қурилган муҳташам бинолардан орқада қолишмас эди.

Халқ усталари яратган бу бинолар тарихимизнинг узвий қисми, бебаҳо ёдгорлигини дарсиз.

2. МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мирзо Абдулқодир Бедил ўтмишнинг машҳур мутафаккирларидан. Бедил насабига кўра ўзбекнинг барлос қавмидандир. Лекин у Ҳиндистонда яшаб ижод этган. Бедил 1644 йилда Банголиянинг Азимобод шаҳрида туғилди. Унинг ҳаёти мураккаб бир даврда ўтди: бу

давр Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи барҳам топаётган ва Фарбий Европа мамлакатларининг Ҳиндистонга колониал урушлари бошлангаётган бир давр эди.

Мирзо Бедил мадрасада бирмунча таҳсил кўргандан сўнг, Мирзо Аврангзеб ўғли Муҳаммад Аъзамшоҳ ҳарбий кучларига хизматга киради. Кейинчалик у ердан кетиб, Шайх Қамош, Шоҳфозиллардан сабоқ олади ва ўз умрини тамомила фалсафага бағиштайди.

Бедил 1721 йилда Деҳлида вафот этди. Бедил 16 китобдан иборат «Куллиёт», «Чор унсур», «Ирфон» (билим), «Нуқот» (хикматли сўзлар) каби фалсафий асарлар, «Рубонёт», «Газалиёт» каби шеърий тўпламлар яратди. Бедил ижоди — мураккаб, у ўз таълимотида сўфийлар, мутакаллимлар истилоҳларидан фойдаланади. Уша даврда ва ундан кейинги асрларда ҳам Бедил асарларини ўқишининг ўзи бир санъат ҳисобланган.

Бедил ҳинд фалсафасини мукаммал ўрганган. Ҳинд пантенизми, араб, форс ва Марказий Осиё фалсафаси Бедил дунёқараши шаклтанишига зўр таъсир кўрсатди. У юнон фалсафаси, айниқса, Афлотун ва Арасту таълимотини ҳам чуқур ўрганити.

Бедил дунёнинг бирлиги ҳақида тапириб шундай дейди: «бир ниҳолдан чиққан мева икки хил бўймаганидек, ҳақиқат иккига бўлинмайди»¹. Бедилнинг фикрича, борлик, дунё ташқи кўриннишдан моддий, лекин ички моҳият жиҳатидан илоҳийdir. Бу ҳақда Бедил ўз шеърларидан бирида шундай дейди: «гарчи уруғдан ниҳол ўсиб чиқса ҳам, шу уруғнинг ўзи мевадан ташқари эмас, мева эса дараҳтдан ташқарида эмас, оламдараҳт, мева-инсон, уруғ эса ҳақдир, шоҳ ва баргларни мева деб билиш кўрлинидир»². Абдурауф Фитрат Мирзо Бедилни Шарқ Гегели деб атагани бежиз эмас. Бедилнинг «уруг» истилоҳи Гегелнинг «дунёвий руҳи»-га монанд. «Уруг»—«ҳақ» илоҳиётдир. «Дараҳт» эса Гегелнинг «мутлоқ руҳнинг бегоналашуни» истилоҳига, яъни моддий оламга мос келади.

Бедил мевани инсонга, унинг миясига нисбатан беради, «ҳақ»—уруг шу мева ичида эканлигини, яъни фикр мияда пайдо бўлишини, инсон, илоҳий ҳақиқатни излайдиган ягона хилқат эканлигини таъкидлайди.

¹ Бедиль. Қуллиёт. Ирфон, литогр. изд. Бомбей, 1299 г. ж. 6-бет.

² Бедиль. Куллиёт. Ишорат ва Хикоет... 46-бет.

Бедил илоҳиёт, борлиқ ва инсоннинг бир бутунлиги
ғоясини қўйнадаги мисраларда талқин этади:

... *Онро, ки пари хаёл карданӣ,*
*Беруни дўйкони шишалар нест*³.

Яъни шишагар ўз дўйонидан ташқарида ҳеч вақт
ижод қўлмаганидек, одамлар пари деб хаёл қўлган ху-
до ҳам табнатнинг ўзидадир. Бу ғоя Фаридиддин Аттор-
нинг (Навоийнинг ҳам) худо — афсонавий Семурғ (ху-
руфий маъноси — 30 қуш демакдир) жамики қушлар-
нинг, яъни уни «излайдиган» кишиликнинг ўзидир, де-
ган фикрини эслатади.

Мирзо Бедил таълимотида диалектиканинг ажойиб
намуналари бор. Бедил дунёнинг абадийлиги, ҳамиша
ҳаракатдаги ва бунда конкрет нарсалар, жумладан,
инсонлар ҳам келиб-кетиши, ўткинчи эканлиги, ҳақида
гапиради: «... табнат—ҳақиқати азалдир, ламъязилнинг
бенишон маъносидир...»⁴ (ламъязил — араб истилоҳи,
«йўқолмас» демакдир, худога нисбатан қўлланилади.)

Бедил яна шундай ёзади «... (бу ҳақиқати азалнинг)
навоси ўз созининг мадҳу саносидир, ... борлиқ («ҳас-
ти») мутлоқдир, биз эса одам (ўткинчи, «ҳеч нарса»)
дирмиз, биз унинг созидаги торидирмиз»⁵.

Табнатдаги ўзаро борлиқни яна шундай талқин қи-
лади:

Ийқ бўйласдан туриб жаҳон бўйламайсан,
*Тупроққа айланмасдан жон бўйламайсан*⁶.

Олам (ийқ бўймоқ, ўлим). Бедил фикрича, янги ву-
жудлар пайдо бўлиншининг манбандир.

Бедил тўрт элемент (унсур) ҳақида ганирар экан,
уларнинг барчасинп ҳаво унсурида бирлаштиради. Ҳаво,
Бедил фикрича, раҳмоний нафас — илоҳийдир. Бедил
ҳавони яна «сория», яъни ҳамма нарсага кириб борув-
чи сайёравий куч деб ҳам атайди. Бу «нафси раҳмоний»
дан «бухори латиф» — нозик буғ вужудга келади. Бу
нозик буғ руҳ сифатида ўсимлик, ҳайвон ва одамларда
ҳар хил тақсимланади. Бу руҳ моддалар учун шакт
бўлиб, улар уйғуйликдадир:

Аввал модда, сўнг эса сурат,
*Суратдан ташқарида маъни ийқ асло*⁷.

³ Бедил. Куллиёт. Кукор. 3-бет.

⁴ Бедил. Куллиёт. Нўғон. 8—9-бетлар.

⁵ Уша ёрда.

⁶ Уша асар. 27-бет.

⁷ Уша асар. 18-бет.

Бедил фикрича, ҳаводаги олов, ер, сув зарраларидан, уларнинг ҳаракатидан моддий одам — ўсимлик, ҳайвонот ва инсонлар вужудга келади. Бу зарраларга табиатан «муҳаббат» ва «аламий» (ғазабланиш) ҳусусиятлари хосdir: олмоснинг мис ёрдамида синдирилиши, симобининг оловдан «итарилшини», кунгабоқарнинг қуёшга талпиниши бунга мисолдир, дейди Бедил⁸.

Бедил илм-маърифат, унинг аҳамияти ҳақида шундай деб ёзади:

*Илм ҳар жойда тадбир кағилидир,
Ғалаба таъсир далилдир⁹.*

Бунда Бедил илмнинг инсон фаолиятидаги муҳим қўлланма эканлигини ва унга иштилиш зарурлигини уқтиради. Бедил таълимотининг муҳим жиҳатидан бири шуки, у илмнинг амал билан, бевосита фаолият билан уйгунликда қўшиб бориш зарурлигини таъкидлаган: «бе амал, илм бори дил аст», яъни амалсиз илм инсонга (дилга) юқдир¹⁰.

Бедил ҳиссий билиш ва ақлий билиш (тасаввур, хотира, фикрлаш, хаёл) нинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида ҳам ганиради. Бедил: «агар назар олдида ҳеч нарса бўйлмаса, ҳеч кимда шуур ҳосил бўймайди», деб ёзиб, билишнинг сезгилар фаолиятидан бошланишини уқтиради. Бедил ақлий билишга катта эътибор берди ва унинг билишдаги аҳамияти катта эканлигини таъкидлаб шундай деб ёзади:

*Кас надиid он чй ақл начамояд,
Баста аст он ки ақл нақиояд¹¹.*

Яъни, ақл кўрсатиб бермаган нарсани инсон била олмаган, ақл билан очилмаган изерсалар инсон учун номаълумлигича қолади.

Бедил ўзининг ахлоқий ва ижтимоий-спёсий таълимотида муҳим масалаларни тадқиқ этади. Бедил ўзининг кўнглиса асарларида ҳазрати Иисонни мадҳ этади, инсоннаварварлик, меҳнатсаварлик, даққонийлик, маърифатпарварликка даъват этади. Бедил «Нукот» асарида «карам» тушунчаси устида тўхталиб, унинг марҳамат, ҳайрли ишдан иборат эканлигини бир неча мисол-

⁸ Бедиль. Куллиёт. Чор-Унсур. 101-бет.

⁹ Бедиль. Куллиёт. Ирфон. 21-бет.

¹⁰ И. М. Мўминов. Философские взгляды Мирзы Бедиля. 103-бет.

¹¹ Бедиль. Куллиёт. Ирфон. 162-бет.

лар орқали тушунтиради. Чуюнчи, бўз ерларда дараҳт экиш, ниҳол ўстириш, йўқсилларга мадад, кўзи ожизларга тўғри йўл кўрсатиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ва шу кабилар — карамдир, дейди у. Бедил ўз рубоийларида, ғазалларида одамларда учрайдиган иккисозламачилик, алдамчилик, такаббурлик, худбинлик каби иллатларни фош этади:

*Бадгўйлар билан ошино бўйма,
Яхшилардан бегоналашма¹².*

Бедил жамиятнинг моддий эҳтиёжини қондирадиган табақалар ҳақида ва товламачилик билан кун кўрадиган судхўрлар, ялқовлар каби найрангбоз табақотлар ҳақида гапиради. Бедил жамият ривожланишида деҳқончилик катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди, заҳматкаш Бобо Деҳқон мөхнатини шарафлайди, унинг nochor аҳволига ачинади:

*Ғайр соғар ба мавж мегирад,
Соҳиби чашма ташна межирад¹³.*

Яъни, ўзгалар қадаҳдан май ичадилар. Чашма соҳиби эса ташниаликдан ўлади.

«Чашма соҳиби» — ҳаммани тўйдирадиган ва ўзи тўёлмайдиган деҳқондир. Яна шеърида Бедил ҳирс, нафс ҳақида гапириб, шундай дейди:

*Ҳамон ҳирс оташи алангалашар экан,
Ўтин ўрнига мурувват куйиб, кулга айланади¹⁴.*

Бедил адолатсиз давлаг, жамият ҳақида гапирав экан, Навоий сингари одиллик салтанатини орзу қиласади:

*Ҳар кимки, бедиллар (ошиқлар, nochorлар) га
мадад берар экан.*

Унинг юлдузи сира сўнмайди.

*Ҳар ердаким, иқбол қасри барпо этилар экан,
Бу қаср нарвони — заиф-ночорлар ҳимояси
бўлади¹⁵.*

Бедил одамларни ижтимоий-фойдали мөҳнат билан шуғуланишга, уни севишга даъват этиб, мөхнатиниг

¹² Уша асар. 74-бет.

¹³ Уша асар. 75-бет.

¹⁴ Уша асар. 76-бет.

¹⁵ Уша асар. 32-бет.

нисон қадр-қимматини белгиловчи муҳим омил экан-лиги ҳақида ёзади:

*Наҳот Мусо чўпон бўйшидан ор қилган бўлса?
Иброҳим иморатсозликдан нима йўкотди?
Бу чаманда ҳар гулнинг ўз баҳори бор эди,
Кўли бут ҳар кишинг ўз иши бор эди¹⁶.*

Буюк мутафаккир Мирзо Бедилнинг тараққийпарвар фояларӣ Аҳмад Дошиш, Муқимиӣ, Фурқат, Асирий, Хо-жа Савдо, Хислат ва бошқа шоирлар томонидан ривож-лантирилди.

Бедил асарлари жаҳон маданиятни хазинасидан муносиб ўрини эгаллади ва ҳануз китобхонлар томонидан севиб ўқилади.

3. БОБОРАҲИМ МАШРАБ ДУНЁҚАРАШИ

Буюк ўзбек шоир, тасаввифини ўирик дарғаларидан бири Бобораҳим Машраб («машраб» — илоҳий майдан сархуш демак) 1653 йил Андижон вилоятида таваллуд топди. У дастлабки билимни маҳаллий мактабда олди. Бобораҳим Наманганга келиб шайх Бозор Охундга шогирдликка тушиб ундан илоҳиётни ўргана-ди. Кейинчалик у Қашқарга беради ва машҳур эшонлардан бўлмиш Офоқ Ҳўжага мурид бўлади. Машраб етти ўилича Офоқ Ҳўжанинг хизматини қилади. Машраб ўз шеърларида руҳонийларини ҳажв қилгани учун 1711 йилда Балх ҳокими Маҳмудбий Қатағон томонидан осиб ўлдирилди.

Машраб ҳам, худди бошқа сўфиylар сингари, ўзи-нинг худога — яратгаига бўлган муҳаббатини, ишқини шеърларида баён этади. Буни у кўпинча мажозий шаклда — нарвонанинг шамга интиши мисолида из-ҳор қилади. У Боязид Бистомий, Мансури Халлож, Насимиӣ, Фаридиддин Аттор каби сўфиylарни ўз асарла-рида тилга олади, мадҳ этади:

*Ёши етмишга етиб сотгурди ўзини Боязиð,
Маърифат бозорида, кўргил, на савдо қилди
иши¹⁷*

*Шайх Шиблӣ, Шайх Аттору аналхақ сүхбатин,
Кирди иҷти бодани Мансурни дорда қиласи иши.
Куфр айтди, деб Насимиӣ терисини сўйдилар,
Гўшту пўстин сўйлатиб оламга гўё қилди иши¹⁷*

¹⁶ Бедиль, Куллиёт. Ирфон. 53-бет.

¹⁷ Машраб. Девон. Тошкент. 1980, 230-бет.

Машраб ҳамиша шу илоҳий ишқ ила яшади (... Ано-
дин қай куни туғдим сенинг ишқингда оҳ урдим...)¹⁸, бу
ишқ-муҳаббат Машрабнинг томирларида жўш уради:

*Турага тоқатим йўқдур,
Юрага ҳолатим йўқдур,
Юракда ишқ ўти кўпдур,
Мани йўқлар киши борму?*¹⁹

Машраб «ёр» образи орқали худони тасвирлаб, унга
эришмоқ учун киши ўз ўзини билмас даражада «маст»
бўлмоғи керак дейди:

*Ошиқ улдур танда жонин билмаса,
Маст бўлиб хонумонин билмаса.*

*Жумла яксон бўлса ишқ олдида хор,
Ўлдирур мақсади ошиқ пойдор*²⁰.

Еки:

*Расво бўлгил ҳалқ узра, номинг олиб кетсунлар,
Туфроқ бўлгил ер узра, сени босиб ўтсунлар*²¹.

Сўнгги мисра Яссавийнинг «Туфроқ бўлгил, олам
сенни босиб ўтсин» сатрларига ўхшаш. Қарийб барча
тасаввуф намояндалари ижодида шу «тупроқ» сўзига
дуч келамиз. У нима ўзи? Аввало «тупроқ» — диний
ишенчларга асосланган назмий нақш. Одам Атони худо
тупроқдан яратган. Тасаввуф фалсафасида тупроқ ун-
суридан энг покиза сифатлар — сабр, умид, эзгу хулқ
ва муруват кабилар вужудга келганлиги зикр этила-
ди. Оловдан эса, бунга қарши ўлароқ,— нафс, кибр, та-
ма, ҳасад пайдо бўлади. Бундан ташқари тупроқ ва
сўз — жаннат мулки, шамол ва олов — дўзах ичидағи
нарсалар. Демак, шоир инсонни эзгу хулқ соҳиби, му-
руватли ва илоҳий зот шарафига эришишга чақирган.
«Тупроқ» ўз ишқига вафодорлик рамзидир. Кенгроқ
маънода эса, тупроқ — Она Ватан рамзи. Чунопчи,
одам Ватан билан бирликка эришса, у на фақат ўз эли-
нинг, балки олам аҳлиниңг эҳтиромига сазовор бўлади.

¹⁸ Узбек адабиёти. 4-томлик, В. Зоҳидов таҳрири остида, 3-том,
Т., 1959, 314-бет.

¹⁹ Уша ерда, 313-бет.

²⁰ В. А. Абдуллаев. Узбек адабиёти тарихи. Т., 1964, 68-бет.

²¹ Уша ерда, 69-бет.

Машраб тасаввуф анъаналарини давом эттириб, чин мусулмон бўлиш учун масжиду хонақо эмас, аввало, қалбда Илоҳга муҳаббат бўлиши кераклигини ўз шеърларида баён этади. Шоир бир ғазалида дейники:

*Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?
Қолғон Иброҳимдин ул эски дўконни на қилаи²²*

Бу ерда тилга олинаётган «эски дўкон» Каъбадир. Машраб шаккоклик қиласяптими? Йўқ. Машраб ўз қалбидаги Оллоҳга бўлган муҳаббатини Каъбага бўлган муҳаббатидан устун қўймоқда. У Оллоҳга тааллуқли бўлган барча нарса бирдай муқаддасdir, деб таъкидляяпти. Каъба ҳам, инсон юраги ҳам муқаддасликда тенгdir. Машраб Илоҳга муҳаббат ва илоҳга сифиниш тушунчаларини фарқ этмас эди. Бу ғоялар табиатан, Худо ва инсон муштараклиги — пантеизмни янада куҷайтиради.

Машраб меҳнаткаш халқнинг, камбағалларнинг ноңкор аҳволини кўриб ачинади, бой амалдорларишинг, кўп-лаб руҳонийларнинг фирибгарлик, порахўрлик, макр-ҳийла билан шуғулланаётганлигининг шоҳиди бўлади, уларга нисбатан ғазаби ошади:

*Дили тифи ситамдин пора бўлғон
халқин кўрдум,
Тани дарду аламдин ёра бўлғон
халқин кўрдум.
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлғон
халқин кўрдум.
Муҳаббат дашибида овора бўлғон
халқин кўрдум.
Жунун тугён этибдур ҳар бириси
бехабар танҳо²³.*

Еки:

*Нижжа, саййид, бегу хон сардорлар бадкор эса,
Зулм тифин тез этурда ҳар бири номдор эса,
Косалес қаззоб шайхлар бу ватанда бор эса,
Мазлум эллар инграшибуким парча нонга зор эса,
Куфр эсиға Машрабидек раҳнамо пайдо бўлур²⁴.*

²² Узбек адабиёти, З-том, 305-бет.

²³ Машраб. Девон. Тошкент, 1980.

²⁴ 1, 2, 3. Узбек адабиёти тарихи, 78—80-бетлар.

Машраб шеърларининг исёнкорона, халқчил руҳи шоирни ҳукмдорлар томонидан ҳамиша қувғин қилинишига сабаб бўлди. Аксинча, халқнинг оғзидан унинг ғазаллари, «Гарифона» усулидаги шеърлари тушмас эди. Боз устига, шоир сатрлари содда ва равон, мусикий мақомларга монанд. Бу нарса Машрабнинг мусикий назарияни яхши билганилигидан далолат. (Сетор деманг, ҳоли дилим сўргучи таңбур)¹. Ҳаттоки, ҳанузгача ҳофизларимиз Машраб шеъру ғазалларини куйга солиб, айтиб келадилар. Шоир қатлидаи сўнг Шавкат Бухорий: «Сен Машрабни ўлдирганинг билан барибир, унинг шуҳрати ортавсрэди»², деганида тўла ҳақли эди. Дарҳақиқат, ўша даврда ва ундан кейинги асрларда янги янги Машраби Сонийлар пайдо бўлди.

Машрабнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзган шеърлари «Девонаи Машраб» (ёки «Девони Машраб», «Эшонқ Шоҳ Машраб») девонига жамланган. Бундан ташқари, Машрабга диний-фалсафий, афсонавий ҳикоятлардан ташкил топган «Кимё» ва Жалолиддин Румий (Балхий) таъсирида ёзилган тасаввуфга оид «Мабданур» асари тааллукли.

Машрабнинг сатрлари худди ҳозиргина ёқилган машъаладек ҳарорат ва нур тарқатиб тураверади.

4. XVIII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ—XIX АСР БОШЛАРИДА УЗБЕКИСТОНДА ИЖИМОЙ-СИЁСИЙ ФИКРЛАР

XVIII аср охири — XIX аср бошларида Узбекистонда мавжуд ҳонликлар — Бухоро ва Хева ҳамда эндиғина ташкил топган Қўйон ҳонлиги ҳукмронлиги даврида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт хийла юксалди. Бунга монанд равишда маданий ҳаётда ҳам жонланиш юз берди.

Уша даврда Салоҳий, Ҳувайдо, Умар Боқий, Киромий, Нишотий, Амир (амир Умархон), Фазлий, Адо, Гўлханий, Фозий, Махмур, Нодир, Нодирабегим, Маҳзума, Увайсий, Мунис, Ҳозиқ, Шавқий, Огоҳий, Машдан, Комил Хоразмий каби ва бошқа кўплаб шоиру, шоиралар етишиб чиқди.

Ушбу адиллар тасаввуф анъаналарини ривожлантириб, асарлар ёздилар, тасаввуф фалсафасини бойитдилар. Масалан, ўшлиқ Ҳувайдо Машраб ғазалларидан таъсиirlаниб, шундай ёзган эди:

*Дарди йўқ танни Ҳувайдо тан дема
Бўйласа бир зарра анда дарди ишқ...*

Еки:

*Ҳамма эл айтур дўзах ўтидин қаттиқ ўт йўқ деб,
На қаттиқ ўт экан дўстлар тирик ўлмай жудо
бўлмоқ²⁵.*

Туркманларнинг машҳур классиги Маҳтумқули ва хевалик шоир Турди ўртасидаги мушоирада эса XV асрда қатл этилган озар сўфий шоири ёдга олинади:
Турди:

*Ул нимадур қиёматга қўйдилар?
Ул нимадур емадилар, тўйдилар?
Ул ким эди, товонидан сўйдилар?
Шоир бўлсанг, шундан ҳабар бер бизга!*

Махтумқули:

*Ул номоздур, қиёмагга қўйдилар.
Ул дийдордир емадилар, тўйдилар,
Насимиини товонидан сўйдилар,
Биздан салом бўлсин, жазоб шундайдир²⁶.*

Машҳур шоира, андижонлик Раҳмонқулийнинг қизи Мөхларойим Нодира (Комила), хоразмлик Шермуҳаммад Мунис ва бошқа кўплаб шоирлар ижодида тасаввуф анъаналарининг давомини кўриш мумкин. Бу давр адабиётининг яна энг муҳим ҳусусияти ҳажвчилик (сатира ва юмор) жанриининг такомиллашуви ва кенг қулоч ёйнишидир. Ҳажвий-танқидий руҳдаги асалар яратишда, айниқса Паҳлавонқули Равнақ, Мужрим Обид, Муҳаммад Шариф Гулханий, Махмур, Ҳозиқ ва бошқалар довруғ таратдилар. Масалан, хевалик Равнақ замонасиининг нопок шахслари, нокас, очкўзларининг кирдикорларини очиб ташлайди, боз устига бу «тескари» дунё ўша жоҳулларини иқболга лойиқ деб, доно олимларни эса хор этажагидан шоир фарёд чекади:

*Кимки жоҳилдур ани лойиқи иқбол кўрууб,
Кимки олимдур ани қисмати иðбор недур?
Кимки нокасдур ўзин давлатга еткач ўнугтиб,
Қайда билгай они ким дўст недур, ёр недур?²⁷*

²⁵ Уша асар, 152-бет.

²⁶ Уша асар, 168-бет.

²⁷ Ўзбек адабиёти тарихи, 176—177-бетлар.

Бу Зуллисонайн шоир Мужрим Обид ҳам ўз замонасининг айрим шайхларининг тубанлашиб кетганличини, макр ва ҳийланни ўзларига одат қилиб олганликларин очиб ташлайди:

*Алдаб эл молин егунча заҳар ніңш этган құлаі,
Холие даврон ганимат, айла истиғфор шайх²⁸.*

Мұхаммад Шариф Гулханийнинг «Зарбұлмасал» и ҳажвиёт бобидаги нодир асарлардан. Бу асар халқ әртаклари йүссида ёзилған мұккаммал сюжетли, мажозий, ўтқир сатирик асардир. Гулханий бу асарда халқнинг мазмундор мақолларидан, ҳикматли сұзларидан ва қочириқ гапларидан мохирлек билан фойдаланади. У, феодал ҳукмдорлар ва уларнинг лаганбардорларини, сарой аҳли ва айрим ҳийлагар руҳонийларининг кирди-корларини мажоз йўли билан фош этди. У икки тиlda ажойиб ғазаллар, ҳажвиялар битди, амир Умархонга атаб қасидалар ёзди:

*Амири кишвари шаръам, ливои адл дар дастам,
Ки мижтоҳи дари фатху зафар бошад ҳар
ангуштам²⁹.*

(Шаринат ўлкасининг амириман, адолат байроғи қўлимда бўлганлиги сабабли ҳар бармоғим ғолиблик ва зафар эшигининг калитидир).

Мазкур даврда Қўқон адабий муҳити етиштириб берган яна бир шоир Махмурдир (асли исми Маҳмуд). Шоирнинг шеърий девонида ҳажвий-танқидий руҳдаги 69 асари (3417 мисра) жамланган. Айниқса, Махмурнинг «Ҳапалак» ғазали ва «Таърифи вилояти Курама» номли муҳаммаси алоҳида ажралиб туради. Аввалги асарда Махмур айрим қишлоқларнинг ҳароб эканлигини зўр ачиниш билан тасвиirlаб, бу оғир аҳволни енгиллаштириш мақсадида хондан илтифот, адолат қилишни талаб қилади:

*Эй жаҳондори зафар, кағқабаи даври фалак,
Гўш қил қиссан қишлоқи ҳароби Ҳапалак...
Дема уй, балки заминкардур, агар кирса киши,
Ҳар тараф бетига ўргайлар аниңг кўршапалак³⁰.*

²⁸ Уша асар, 229-бет.

²⁹ Уша асар, 273-бет.

³⁰ Уша асар, 298-бет.

Курама вилоятининг таърифидан ҳам бу жойининг, Ҳапалак қишлоғига ўхшашлигини англаш қийин эмас. Махмур замонасининг фосиқ, порахўр, нодон кишиларини «Дар ҳажви хўжа Мир Асад», «Дар ҳажви домло Атои Аштий», «Дар сифати ҳаким Туробий ҳазор халта», «Дар ҳажви Маҳмуд Курама» каби ўнгаб шеърларида аёвсиз фош этади. Масалан, Махмур «Дар домло Атои аштий» номли мухаммасида порахўрликини илдизи билан йўқ қилиш зарурлигини уқтиради:

...Хусусан сарвари эшон Атои афсанни маъман,
Зи рӯи порахўри гашта бо дину наби душман.
Илоҳо дар жаҳаннам соз жон ини дила газбон³¹.

(Хусусан, порахўрликдан дину пайғамбарга душман бўлган порахўрлар ва улаҷининг бошлиғи Атоининг жойини дўзахнинг қоқ ўртасидан қиласи, Илоҳим).

Мазкур давр шоири адаблари жамият турли ижтиёмий иллатлардан ҳоли бўлиши учун адолатли, шоҳ ҳукмронлик қилиши даркор, деган гояни ёклав чиқишиди. Бу ҳол, умуман, Шарқ ижтиёмий фалсафаси анъанааларига мосдир.

5. МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ

XVIII асрининг иккинчи ярми — XIX асрининг бошларида яшаб ижод этган адаблар ижодида лириканинг ҳам ажойиб намуналари бор. Улар Навоий, Жомий, Саъдий, Ҳофиз, Бедил, озар шоирларидан Фузулий, Соиб Табризий ва бошқаларнинг ғазалларига мухаммаслар боғладилар, назиралар ёздиilar. Таржимошлик ишида катта ютуқларга эришилди. Айниқса хоразмлиқ Муҳаммадизо Огаҳий таржимада ҳам, тарихий-бадиий проза асарлар яратишда ҳам ўз замондошларидан устун турар эди. Огаҳий Хева хонлиги тарихи ҳақида Мунис бошлаган «Фирдавс-ул-иқбол» ни ёзиб тугатди, форсий ва туркӣ шеърлари мажмуи — «Таъвиз-ул-ошиқин» девонини яратди. Огаҳий Саъдийнинг «Гулистан», «Насиҳатномаи Кайковус» ии, Жомий «Баҳористон» и ва «Саломон ва Абсол» и, «Юсуф ва Зулайҳо» сини, Низомий «Ҳафт пайкар» иини, Ҳусайн Вонзининг «Ахлоқи Муҳсенний» асарини, Ҳусрав Дехлавийнинг «Ҳашт биҳибт» асарини, Хондамирнинг «Равзат-ус-сафо» тарихий асарини, Ҳилотийнинг «Шоҳу гадо» сини, Восифий, Мирхонд, Ризоқули Ҳидоятларининг асарлари-

³¹ Уша асар, 252-бет.

ни — жами 18 асарпи форсийдан ўзбек тилига маҳорат ила таржима қилган. Оғаҳий бир неча ўнлаб кишилар бажариши лозим бўлган вазифани бир ўзи бажарган. Бу учинг ҳам бадиий маҳоратидан, ҳам форсийни мұкаммал билганилигидан далолатдир.

Оғаҳийнинг ижодида пантеизм элементларини кўп-лаб учратамиз. Оғаҳий тасаввуфдаги пантеизм тарафдоридир. Оғаҳий ўз шеъриятида «Тариқи ҳақиқат» ва «Тариқи мажоз» йўлинни уйғунлаштиришга ҳаракат қилди, кўп ҳолларда «Тариқи мажоз» йўлни танлаб дунёни образли-эмоционал идрок қилишга йўл очиб берди. Тасаввуфдаги «Тариқи мажоз» йўли баъзан ногига сўфийлик қобигини қолдириб амалда реал ҳаётни, нарсаларни, инсонни кўйлашга имкон берди.

Оғаҳий дунёқарашининг энг мухим хусусиятларидан бири реал инсонга туганмас муҳаббат, жамият ҳаёти, оддий ҳалқ ҳаёти, реал ижтимоий жараёнларга чексиз қизиқишидир. Бу қизиқишини фақат шоир шеърияти эмас, балки тарихий асарлари, таржима асарларининг характери ҳам кўрсатиб турибди.

Оғаҳийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари жамият ва унинг ҳаёт фаолиятининг асосий жабҳалари тўғрисидағи гояшар энг мухим муайян тарихий реалликни тушуниб олишга интилиш, минтақада мустақил давлатчиликнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оддий ҳалққа ғамхўр бўлиш, илм-маърифатни эгаллашга чақирик, маъниавият ҳомийин бўлмиш ҳукмрон шоҳнинг ролини алоҳида таъкидлаш, биродаркушлик урушларини таниқид қилиш, адолат гоясига содик қолиш, ислом динининг инсонпарварлик имкониятларидан фойдаланишга интилиш билан характерланади.

Оғаҳий давлат бошлиғининг ахлоқий фазилати ҳақида Ферузга 40 та қўмматли маслаҳатлар беради.

Шоир фикрича, шоҳ энг мухими адолатли, саховатли, раҳм-ишафқатли бўлиши керак:

*Эй шоҳ, карам аллар чоғи тенг тут ёмону
яхшини,
Ким, меҳр нури тенг тушиар вайрону обод
устина.
Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча
йил,
Сайр эт Сулаймондек агар таҳтинг қуриб обод
устина³².*

³² Оғаҳий. Асарлар, 2 жилд, Тошкент, 1972, 37-бет.

Огаҳийнинг юксак инсонпарварлик рухи билан суғорилган ғоялари хон ва шоир Ферузнинг сиёсий-маърифий тарбиясига таъсир қиласди.

XIX аср Хева хонлигидаги иқтисодий ҳаётнинг асосий хусусиятларидан бири товар-пул муносабатларининг ривожланишидир. Пулнинг бой феодаллар қўлида тўпланиб қолиши, моддий бойликларнинг мамлакат ташқарисига чиқиб кетиши, уларда пулнинг қуяратига ишончни, пулга ружу қўйишни вужудга келтирган бўлса, меҳнаткаш халқда пулнинг қудрати олдида ожизлик, унга эришиш истаги пулнинг илоҳийлашувинга олиб келди.

... Жүссаси тирноғ юзи янғлиғ кичик,
Лек улуғлар шиқининг расвосидир.
Васлини истаб жаҳон бозорида,
Оlam аҳли бошида саедосидур.
Хам фақиру, хам ғани девонаси,
Ҳам қарису, ҳам йигит шайдосидур³³.

Огаҳий бу чистонда пул фетешизми туфайли кишилар маънавиятида пайло бўлгани салбий иллатларни танқид қиласди, маънавий носоғлом жамиятни фош қиласди. Замона аҳлида юксак ахлоқий фазилатларнинг камситилишини, меҳр-оқибатнинг йўқлигини танқид қиласди. «Танга» чистони пул фетешизмининг маънавий зарарларига қарши буюк шоир қалбининг исёнидир.

Огаҳий эстетик қарашларини таҳлил қилиш бир қанча илмий-назарий хуласалар чиқариш имконини беради: унинг эстетик қарашларида шарқ перипатетиклари эстетикаси, тасаввуф эстетикаси. Навоий мактаби анъаналари юксак даражада мужассамлашиди; энг қимматли қадрият бу инсонни куйлашдир, инсон илоҳий асоснинг ердаги олий даражада намоён бўлишидир, бу дунёнинг зийнатидир; гўзаллик ҳақиқий ва мажозий ишқининг уйғун тарзда намоён бўлишидир; Огаҳий лирикаси, умуман ижодий мероси ўзбек халқи эстетик тафаккурининг катта ютуғидир.

Гуманизм Огаҳий дунёқарашининг негизидир. У мурakkab, кўп компонентли ва айли вақтда яхлит ҳодисадир. Фалсафий ва адабий анъаналарнинг гуманистик қадриятларидан самарали фойдаланишга, шарқ мутафаккирларининг уйғониш даври ғояларидан, даставвал,

³³ Огаҳий. Таъвизул-ошиқин. Тошкент, 1960, 567-бет.

Навоий ва нақшбандийлик диний-фалсафий анъанарапидан, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятидан фойдаланишга қаратилгандир.

Шоир:

*Тонг эрмас Огаҳий аҳли жаҳон шеърингга
майл этса,
Нединким, ҳар сўзинг назм ичра бир
гавҳарга ўхшайбўр³⁴.*

деб бежиз фикрламаган.

Огаҳий ғазаллари билан айтиладиган хоразмча услубдаги ашуалаларни ҳалқ ҳамон севиб тингламоқда.

XVIII аср иккинчи ярми — XIX аср биринчи ярмида яшаб ижод этган адаблар фаолияти сўнгги даврлар ижтимоий-фалсафий фикри тараққиётига баракали таъсир кўрсатди, жумладан, маърифатпарварлик ғояларининг кенг қулоч ёйишига замин ҳозирлади.

XVI—XVII асрларда ижтимоий-сиёсий аҳвол энг мураккаблашган давр эди. Темурнийлар тоҷ-таҳт учун талашиб маданий ҳаётни бирмунча издан чиқарган бўлишига қарамай бу даврда Мирза Бобур, Мирза Абдулқодир Бедил, Бобораҳим Машраб каби исёнкор мутафаккирлар етишиб чиқди. Бобур, Бедил, Машраб ҳаётининг мазмуни, фалакнинг беқиёслиги, оламни бевафолиги тўғрисида ўз мушоҳадаларини билдириб ўтганлар. Бобур, Бедил, Машраб ҳам ҳалқ ўртасида файласуф шоир сифатида ном қозонганлар.

XVIII асрнинг иккинчи ярми — XIX аср бошларида Марказий Осиёда учта хонликий вужудга келиши ижтимоий-сиёсий фалсафий фикрлар тараққиётида маълум маъниода ижобий роль йўнади. Бу даврда Кўқон адабий муҳити вужудга келди. Бу ерга кўп ижодкорлар, олимлар тўпланишди. Биз имкони борича бу ижодкорларнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларини тадқиқ қилиб беришга ҳаракат қилдик.

Бешинчи боб бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати қуйидагилардан иборат:

1. Узбекистон ҳалқлари тарихи. 2-том, Т., 1992.
2. Узбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т., 1995.
3. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрлар тарихидан лавҳалар. Т., 1994.

³⁴ Уша асар, 372-бет.

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ — XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ- ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

1. Дэвринг таснифи.
2. Комил Хоразмийнинг фалсафий қарашлари.
3. Аҳмад Доинишинг ижтимоий-сиёсий қарашлари.
4. Муҳаммад Аминхўжа Муқимий.
5. Зекиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат.
6. Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий.
7. Азаз Ўтар ўғли.
8. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.
9. Жадидчилик ва унинг гоявий-сиёсий йўли.

I. ДАВРНИНГ ТАСНИФИ

XIX аср иккинчи ярмида Марказий Осиёда юз берган энг асосий воқеа рус империясининг ўлкамизни бошиб олиши, босқичма-босқич истило этишидир. Маълумки, фақатгина Бухоро амирлиги вассал қарамлигига қолди. Бу доғ 1920 йилгача давом этди. Хева хонлиги ҳам қисман мустақил эди. Ўтган аср охириларида рўй берган бундай сиёсий ўзгаришлар, албатта, ижтимоий-маданий ҳаётга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Турли завод-фабрикалар билан бир қаторда матбоя муассасалари вужудга келди. Тошкент, Хева литографиялари (бу ерда 1880 йилда босилган биринчӣ китоб Алишер Навонӣ «Ҳамса» си эди), Самарқанд, Қўлон, Бухоро топографиялари шулар жумласидандир. Бу ишларнинг йўлга қўйилиши халқ учун муҳим маърифий аҳамиятга эга эди.

Туркистонда 1880 йиллардан бошлаб рус-тузем мак-

таблари очила бошлади. XX аср бўсағасида эса, янги усул мактабларининг пайдо бўлишида Сандрасул Саидазиз ўғли, Абдулла Авлоний, Рустамбек Юсуфбек, Ҳамза каби қўплаб атоқли педагог — муаллимлар катта роль ўйнадилар.

1871 йилда Тошкентда «Ліаркасий Осиё миллий жамияти» тузилди. Бу жамиятда нафақат рус олимлари, балки маҳаллий халқ орасидан чиқкан олимлар ҳам бўлган. Хусусан, табиатшунос Олимхўжа Юнус ўғли жамият фаолларидан эди¹.

1870 йилда Тошкентда «Туркистон вилоятининг газети» ва «Туркистанские ведомости» рўзномалари чоп этила бошланди. Уларда турли расмий, илмий мақолалар билан бирга, жаҳон ва ўрус адилари асарлари таржимаси чоп этиларди.

Халқ оғзаки ижоди беқиёс ўсди. Ҳўжа Насриддин Афанди, Алдар кўса, Қал каби қаҳрамонлар билан боғлиқ латифалар, асарлар мажмуи янгилар билан бойиди. Бу давр маданий-адабий муҳити маърифатпарвар, демократ шоирларнинг, мутафаккирларнинг ажойиб силсиласини етиштируди. Аҳмад Дониш (1827—1897), Фурқат (1858—1909), Саттархон Абдулғаффор ўғли (1843—1902), қорақалпоқ фарзанди Бердақ (1827—1900), Муқимий (1859—1903), қозоқ фарзандлари Абай Кўнонбоев (1845—1904) ва Чўқон Валихонов (1835—1866), татарлардан етишиб чиқкан Абдулла Тўқай (1886—1913) ва Қаюм Носирий (1824—1902)лар, ўзбек шоирлари — Дишоди Барно (1800—1906), Анбар отиши (1870—1915) ва Нозимахон (1870—1925)лар, Завқий (1853—1921) ва оташнафас Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889—1929), Садриддин Айний (1878—1949)лар шулар жумласидандир.

2. КОМИЛ ХОРАЗМИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

XIX аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларидан бири Комил Хоразмий 1825 йилда Хевада туғилади. Адабининг асли нисми Муҳаммадниёс бўлиб, Комил унинг адабий таҳаллусидир.

Равшанки, Комилга бундай таҳаллус бежиз берилмаган, чунки у ўз даврининг «стук» камолотга эришган шоир, машҳур сўз устаси ва кўзга кўринган давлат арбоби ҳам эди. Комил Хоразмий Левада Саид Му-

¹ И. Мўминов. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане канца XIX и начала XX вв. Т., 1957, 68-бет.

ҳаммадхон хонлиги даврида саройда хаттотлик вазифасида ишлайди ва 1865 йилда Муҳаммад Раҳимхон давлат тепасига келгандан кейин у мирзабоши лавозимига кўтарилади. Саройда ишлаган даврларида Комил Хоразмий хаттотлик ва мирзабошилик ишлари бўйича 50 нафардан ортиқ шогирдлар тайёрлаб етиштиради.

Комил Хоразмий давлат арбоби сифатида Хоразм халқининг маънавий маданиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади. Унинг иштирокида Хева шаҳрида нашриёт ташкил қилинди. Унда даставвал Алишер Навоий ва бошқа буюк алломалариниң адабий асарлари чоп этилди. 1883 йилда эса бевосита Комил Хоразмий раҳнамолигида рус тузем мактаби очилди. Бу эса ўша давр ёшларининг дунёвий ишлардан баҳраманд бўлишларида мұхим аҳамият касб этди.

Комил Хоразмий 1899 йилда 74 ёшида вафот этди. Унинг бизгача қатор шеърлари билан бир қаторда маҳсус «Девони» ҳам етиб келган. «Девон» адабининг турли даврларда ёзган қатор ғазал ва маснавийларини ўзида мужассамлаштирган. Комил, энг аввало, бадиий ижод соҳибидир. Шунга кўра унинг фалсафий муаммоларга багишланган маҳсус асари йўқ эди. Аммо унинг мазмунан бой кўп қиррали адабий меросини таҳлил қилиш мутафаккирнинг фалсафий ва ахлоқий дунёқарашларининг туб моҳиятини очишга имкон беради.

Комил дунёқарашини қараб чиқар эканмиз, унинг эклектик характерга эга эканлиги кўзга ташланиб туради. У каломнинг маълум ақидаларини ҳам, баъзан эса тасаввуфга таалуқли қарашларини ҳам эътироф этади. Комилнинг фикрича шундай бир замон бўлганки, унда худодан бўлак конкрет ҳеч нарса мавжуд бўлган эмас. Бошқача айтганда бу «борлик» ўзида, худо ўзида, конкрет бўлмаган кўринишдаги, йиғилган, имконият кўринишга боғлиқ эди. Жавҳар (субстанция) ҳам, араз (акциденция) ҳам бўй (ҳид) ҳам йўқ бўлган мавжудотларга, инсонларга забон (тил) ҳам берилмаган эди. Уларнинг ўзи ҳали мавжуд эмас:

Эди жон қушлари ҳуснинг гилига вола ул кунким,
Не гулда ранг бу (й) зоҳир, не булбулда фиғон
пайдо.

Не жавҳар, не араз, не жисму жон пинҳон эди
барча,

Эдинг эй подшоҳ боргоҳ ломакон пайдо².

² Комил. Девон. Қўлёзма 2 (а) бет.

Худо бу ҳолатда, яъни йиғилган борлиқ ҳолатида узоқ турга олмас эди. Худо ўзини зухур этиш, ўзини намоён қилиш, ҳусини кўрсатиши лозим эди. Комилнинг шоирона тили билан айтганда ўзининг кўрининишини «рангли гулистон» қилиши лозим эди. Шу сабабдан у дастлаб ўсимликларни, яъни гул аргувонларни қаро туфроқдан пайдо қилди, турли алвон лолалар, гуллар олам гулшанида юз очди, ўсимликлар, дараҳтлар, меваларни яратиб, боф ва боғбон пайдо бўлди, яъни инсон яратилди.

Буларни яратишдан мағсад нима эди?

Комилнинг фикрича, худо барча мавжудотни, инсону бошқа маҳлукотларни, қолаверса бутун коинотни ўзининг мавжуд экантигини кўрсатиши учун, уни на-мойиш этиш учун яратган. Демакки, бутун табиат худо мавжудлигининг гувоҳи, далилидир:

*Вужудининг шоҳидидур коиноту инсу жон,
йўқса*

*Санго эрмас алар исходидан ҳеч муддао пайдо.
Жамоли безазолингга чу мазҳар қилдинг ашёни,
Гулистонларга бўлди ранг бў(й) нашу намо
пайдо³.*

Инсон кўнглида баъзан шундай даҳрий фикрлар ҳам мавжуд бўлиши мумкинки, уларга жавоб топиш мушкул иш. Ана шундай даҳрий саволлардан бири: худо вужудининг аввали, яъни унинг туғилиши, бошланиши борми? Унинг тамом бўлиши, ҳалок бўлиш замони борми? Бу саволларга Комил қуидагича **жавоб бергандек бўлади:**

*Вужудингга бўла олмас чун агад аввал азал
охир,*

Қачон орозу анжомингга бўлғай бир зиён пайдо⁴.

Демак худонинг на аввали, на охири бор. Унинг мавжудлигининг чеки, чегараси ҳам, бошланиши ҳам йўқ. Уни ҳеч ким яратган эмас, у ўзича мавжуд. Аксинча у бутун мавжудотнинг яратувчисидир. Оламнинг яратувчисидир. У (худо) «кун», дейиш билан барча набобатни, ўсимликларни, жамодотни—жонсиз табиатни ва маҳлукотни, инсонларни, инсу жонни яратган:

³ Уша асар, 3 (6) бет.

⁴ Уша асар, 2 (а) бет.

*Каломи мұжазинг ғу дүйди икки ҳарфга амр,
Набототу жамодоту ҳам үлди инсу жон пайдо.*

Бу ерда «икки ҳарф» дейиши билан Комил арабча «кун», яғни «пайдо бўл» деган худо амрига ишора қиласди. («Қуръон» 2 сурә, 3 оят; 6 сурә, 72 оят).

Бу оламни, коинотни яратган худо уни ўзида бошқаради. Демакки, у (худо) хоҳласа бор, хоҳласа йўқ қиласди. Оламдаги барча воқеа-ҳодисалар Олоҳининг амридан ташқарида мавжуд бўлмайди. У оламии иккига бўлиб яратган. Бирининий, яғни «у дунё». Бу дунё фоний, ўткинчидир.

Демак худо азалдан мавжуд эди, уни ҳеч ким яратган эмас, унинг бошланиши — аввали ҳам, йўқолиши — охири ҳам йўқ. Унинг мавжудлигининг чеки, чегараси йўқ. У ўз ҳолича азалдан мавжуд. Унинг мавжудлигининг замонда бошланиш, маконда жойлашиш нуқтаси йўқ. У макондан ташқари мавжуд. У кўздан ниҳон мавжуд:

... Зихи эрмас вужудингга замон зоҳир макон
пайдо.

Десам пайдо ниҳонсен, борсен десам ниҳон пайдо.

... Эй подиоҳ боргаҳи ломакон санго,
Хилват саройи қурбида берди макон санга.

Комилнинг дунё ва унинг тузилиши, табиат ва ҳайвонот олами тўғрисида, инсоннинг унда тутган ўрини ҳақидаги маснавийси ҳам диққатга сазовордир. Бу маснавийда шоир Навоийнинг «Ҳайратул-аббор» достонида шу масалалар юзасидан 17-мақолотда билдирилган мулоҳазаларни давом эттираётгандай, шу соҳада янги бир фалсафий фикр баён қилмоқидай бўлади.

Бу маснавийда Комил олами шоироиа тил билан уч бўлакка бўлиб тушунтиради. Яғни биринчиси «боги ҳаёт», иккинчиси «боги набот», учинчиси «боги жамод». Бу атамаларни ҳозирги тилимизга ўғирсак, уларни «ҳаёт боғи», «усамликлар Ҷоғи», «тошлар боғи» дейиши мумкин. Комил дунёни гўзга зийнатли иморатга ўхшатади. У етти қат осмон ва етти қат ердан иборат:

Фаршини устоди ясаб етти қат,
Сакфини ҳам айлади етти қабат.
Барчасининг рангин этиб ложуварж,
Қоқди кавокибдан анго қубба зард.
... Айлабон уч боғи мусафро бино,
Қўйди «Маволиди салос» от анго.

... Ҳар бирига истар эрсанг ўзга от,
Деса бўлур бирини «Боғи ҳаёт».
Қолган иккисин ёсоғон үстод,
Деди гулестони наботу жамод.

У шоирона ташбиҳлар орқали ҳайвонот олами «боги ҳаёт», ўсимликлар олами «боги набот», жонсиз табиат, тошлар ва минераллар олами «боги жамот» ни таърифлайди.

Комил Хоразмий ҳам ўзидан олдин ўтган кўплаб мутафаккирлар каби тасаввуфга мансуб эканининг шоҳиди бўламиз ва унинг қарашларида пантеизм фалсафий йўналиши яқъол сезилиб туради. У оламни уидаги бор мавжудотни худонинг зухури, Оллоҳ жамолининг акси деб тушунтиради.

Ўз даврининг илгор зўёниларида бири бўлган Ко-
милнинг тасаввуфга, фалсафага доир асарлар билан
ҳам яқиндан таниш бўлганилиги кўриниб турибди. Маъ-
лумотларга қараганда унинг шахсий кутубхонаси Хива
хонлигидаги энг бой кутубхоналардан бири бўлган.
Бу кутубхонада ўзбек ва форс-тожик адабиёти клас-
сиклар асарлари, тарихий китоблар билан бир қаторда
тасаввуфга, фалсафага оид турли асарлар мавжуд бўл-
ган бўлиши ҳам мумкин. Тасаввуфга оид чўкур маз-
мунли шеърлари бундан далолат бериб турибди.

Комил инсон ўлимидан кейин унинг жони нариги дунёга кетади деган ақидаларга учалик ишолмас эди. Баъда қиласиган у дунёниг хуру филмонларидан кўра нақд бўлган ушбу дунё лаззатлари, ўз севикли ёри билан бўлган висол дамларидан баҳраманд бўлишини афзал кўрар эди. Унинг кўпгина газалларида у дунё хуру филмонларига, жаннат боғларининг серфайз ҳавосига «фоний» дунёдаги севикли ёри, реал табнат гўзалликлари қарама-қарши кўйилади:

Сенсизин, эй дилрабо, жаннатда гилмон
Дейман гилмонки, бал жисмим аро жон
Бўлмаса васлинг мұяссар, эй пари пайкар
Тубию кавсар била фирдавсу ризвон ўлмасун.
Лаъли жонбахшинг фироқида манго, эй гулузор,
Гулшани жаннат ицида оби ҳайвон ўлмасун.

Комил насия кавсарига умид қилиб, реал дунё лаззатларидан кечган руҳонийларнинг иши хом эканлигини таъкидлайди ва уларнинг бу ҳолатини сатира орқали ифода этади:

*Ўқув аҳли тақво наимозу риё
Тутиб ўзларини комилу порсо.
Тикилиб нася кавсарга кўз борҳо,
Қилиб тарқ маъшуқу май доимо,
Иши хомлардур, иши хомлар.*

Комил реал борликнинг инсон ҳаёти учун энг азиз неъмат эканлигини, фақат реал дунёгина инсон учун қиймат касб этишини чуқур ҳис қилган ҳолда ўз ҳаётини афсонавий хуру фильмон, оби ҳайвон, фирдавсу ризвонларга кўз тикиб эмас, балки реал мавжуд бўлган ҳаёт лаззатларига, бадиий ижод завқига, инсонлар қалбини афсонавий орзу-ҳаваслардан покловчи илм-маърифатга интилиб яшашни тарғиб қилди. Шунинг учун ҳам «Ҳаётим боиси не оби ҳайвон, не Масиҳодур» деган эди шоир бир газалида.

Комил дунёқарашининг ташаккулини белгилаш қийин муаммодир. Чунки унинг ғазаллари қачои ёзилганлигини ўзи тузганга қараб белгилаш мумкин эмас. Шарқда, хусусан ўзбек адабиётида ҳам, девон тузган шоир ўзи ёзган шеърларини қачон ва қаерда ёзганлигини кўрсатиб кетмаган. Бундан ташқари, Комил ғазалларида бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган кайфиятлар ва қарашлар мавжудки, шоир гоҳ шодликни, гоҳ эса ғам андуҳни, гоҳида ҳаётга ишонч, оптимистик руҳни, бъязап эса пессимистик кайфиятларни ифода этади. Унинг ғазал ва бошқа жанрдағи асарлари сўфиёна, тақдир ҳукми (фатализм), гедонистик мотивлари билан ҳам суғорилган.

3. АҲМАД ДОНИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЕСИИ ҚАРАШЛАРИ

Бухоролик Аҳмад Дониш (1827—1897) — ўзбек ва тоҷик ҳалқарининг илк маърифатпарварлари дандир. У шоир, мутафаккир, мунахжим, муҳандис-қурувчи, моҳир ҳаттот, мусиқачи, касби кори бўйинча муаллим эди. Аҳмад Дониш Шоҳин, Савдо, Ҳайрат каби шоирларга устозлик ҳам қилган.

Аҳмад Дониш уч марта (1858, 1868, 1870 й.) Марказий Россияга саёҳат қилди: Москва ва Петербургда

Бухоро амирлиги вакили бўлган эди. Узининг таассу-ротларини «Навоидур-ул-вақое»: («Ажойиб воқеалар») асарида ёзиб қолдирган. Ахмад Дониш қаламига «Меъери тадаюн» («дин меъери») ва «Бухоро амирлари тарихи» асарлари ҳам мансуб.

Аҳмад Донишнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари маърифатпарварлик руҳи билан суғорилгандир. Аҳмад Дониш конституцион (чекланган) яккаҳокимлик (монархия) тарафдори сифатида Бухоро амирлиги ижти-моий тузумини ислоҳ эгиш бўйича дастур ишлаб чиқ-кан эди. Дониш фикрича:

- аввало, шоҳ адолатли ва кучли бўлиши керак;
- шоҳ адолатли бўлса-ю, амалдорлар, ҳукамолар золим, нодон бўлса, барибир шаҳарлар ҳаробага ай-ланади.
- шоҳ бирор бир қарорга келишдан олдин, албатта маслаҳат кенгашини чақириши шарт; бу кенгаш оқи-лу олимлардан иборат бўлиши керак;
- бу маслаҳат кенгашидан ташқари, шоҳ сиёсатга алоқаси бўлмаган, лекин ҳаётий тажрибага эга бўлган пуръақи шахсларга ҳам мурожаат этиши мумкин;
- ижтимоий-сиёсий ҳамда кундалик ҳаётда «му-сулмон ахлоқи» қонуни-қондаларига амал қилиши шарт;
- мардум орасида илм ва маърифат ишларини яхши йўлга қўйиши керак;
- амир уруш масаласида бир неча талабларга риоя этиши шарт⁵. Чунончи, аскарларга яхши маош тўланиши, уларни керакли қуроллар билан таъминлаш зарур. Уруш ҳолати мавжуд бўлса ҳам, ҳамма вақт тинчлик йўлини қидириш керак ва ҳ. к. Лекин афсус-ки, амир Музаффархон бу шартларни қабул қиласа-ди. Аҳмад Дониш саройдан четланилган.

Аҳмад Дониш ижтимоий-фалсафий қарашлари бу-гунги кунда ҳам ўз аҳамиятини ва қимматини йўқот-ганича йўқ. «Бухоро осмонидаги порлоқ юлдуз» (С. Айний) ҳозирда ҳам заррин нур таратиб турибди.

4. МУҲАММАД АМИНХУЖА МУҚИМИЙ

Муқимиий (1850—1903) машҳур ўзбек демократ, маърифатпарвар шоири. Муқимиий Кўқонда туғилган ва дастлабки билимини ўша ерда олган. Кейинчалик

⁵ Аҳмад Дониш. Наводир-ул-вакое. Рукопись. Л., 187-б. «Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане» китобидан олинди. 290-бет.

Бухорои Шариф мадрасаларидаң биррида таҳсил олади ва яна Қўқонга қайтади. Шоир ўз умри давомида Тошкент, Исфара, Шоҳимардон, Фарғона ва бошқа шаҳарларга саёҳатлар қилди. Ўз таассуротларини ҳажвий усулда «Саёҳатнома» ларда баён этди. Муқимий турмушни диққат ила кузатиб, ҳоким гуруҳларга мансуб амалдорлар, мингбошилар, бўлис бошлиқлари ва бошқаларни кучли танқид остига олади:

*Мингбоши Эшдавлат акам,
Аммо қуруқ савлат скам.
Килса чиқим гар бир дірам
Ўйқу қочиб, бедор экан⁶.*

Хасис, зиқна бойларни Муқимий мана шундай таниқид қиласар эди. Муқимий чор чиновниклари, колонизатор капиталистларининг кирдикорини очиб ташланни мақсадиди «Ҳәжви Виктор бой», «Воқеан Виктор», «Дар шикояти Лахтин», «Ҳожи қадоқчи», «Гап тўғрисида гап» каби ўнглаб ҳажвий шеърлар ёзди. Муқимиининг «Кўр Ашурбой Ҳожи» номли ҳажвий исъри «Туркистон вилоятининг газети» да босилган.

Муқимий замондошлари Юсуф Сарёмий, Фўрқат, Завқий сингари лирик, сўфиёна шеърлар ҳам битди. Шарқ адабиёти вакилиларини зўр иштиёқ билан мутоблаа қиласан Муқимий, айниқса, Абдураҳмон Жомийни ўзининг устози деб биллиб уни доимо ёдга олади:

*Муқимий зарраи ҳам чун офтоби ховари Жомий
Заифу ожизим, кун дастгирӣ, ёвари Жомий⁷...*

(Муқимий Жомий олдида қўёш атрофида айланувчи заррадир. Заифман, ожизман, қўлиздан тут, ёрдам қил, эй Жомий)...

Муқимий мухаммасу, мураббаълари, қўпчилик ғазалларининг тили ҳам содда, ҳам раюн. Шунинг учун ҳам бўлса керак, улар халқ ҳастига сингиб кетган. Мана улардан энг машҳури, биз севиб тинглайдиган «Тановор»—«Кўнглум сандадур» мураббаъсидан парча.

*Энди сендек, жоно, жоноч қайдадур,
Кўриб гул юзингни боғди бандадур.
Сақлай ишиқинге токи жоним тандадур;
Ўзим ҳар жойдаман, кўнелми сандадур...*

⁶ F. Қ. Каримов. Узбек адабиёти гарихи. З-китоб, Т., 1966, 133-6.

⁷ Уша асар, 95-бет.

... *Бовужуди сўрмай ўттиг Муқиминг,*
 Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадор⁸.

Муқимишниң ижодий мероси жаҳон адабиёти ҳазинасидан муносиб ўрини эгаллади. Шоирининг бадпий апъаналарини унинг замондоши Зокиржон Фурқат давом эттири.

5. ЗОКИРЖОН ХОЛМУҲАММАД ҮГЛИ ФУРҚАТ

Фурқат (1858—1909) Кўқонда ҳунарманд оиласидаги тугилди. Кўқонда ёски мактаблағининг бирида бошлиғи чаводини чиқарди ва шу ерда мадрасада таҳсил олди. Адабиётга эрта ҳавас кўйган Зокиржон ўзининг биринчи шеърини болалик пайтидаёқ ёзган эди:

Менинг мактаб аро булдур муродим,
 Хатимдек чиқса имло-ю саводим⁹.

Илму фанга муҳаббат қўйган Фурқат ҳамиша маърифатпарварлик гояларини тараинум этди.

Шоир Марғилон, Тошкент, Самарқанд, Боку, Истамбул, Миер, Булғория, Юнонистон, Ҳиндистон, Кўхисандиб (Цейлон), Кашмир каби шахар ва ўлкаларга саёҳат қилиди, ҳалиқ турмушин билан, тарихи билан танишиди. 1893 йилда Фурқат Тибет орқали Хитойга ўтди ва Хўтсан шаҳрига келди, унда бир неча вақт яшаб, Ёркент шаҳрига ўтди ва шу ерда турғун бўлиб қолди. Шу ерда оиласи бўлди. Фурқат Ёркентда вафот этди.

Фурқат ўз асарларида муҳаббат лирикасининг жуда гўзал намуналарини яратди. «Фасли навбаҳор», «Истар кўнгугу», «Ул қаро кўз» ва шу каби бошқа кўп шеърларида ҳаёт гўзалигини тараинум этали.

Фурқат ижодиётининг яна бир муҳим хусусияти — маърифатпарварлиқdir. Фурқатининг ушбу гояларини тарғиб этувчи «Гимназия», «Ілм хосияти», «Театр ҳақида манзума», «Виставка хусусида» ва бошқа асарлари унинг Тошкентда яшаган даврида майдонга келди. Фурқат шеърларида илм-маърифатга, тараққиётга итилиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди:

Дейин сўз илмин хосиятидин,
 Баён айлаб, анинг моҳиятидин.
Керак одамга қилғай илм ҳосил,
 Жаҳондир ўтмагай то маҳз жоҳил¹⁰.
 («Илм хосиятидан»).

⁸ Уша асар, 103-бет.

⁹ Ўша асар, 149-бет.

Фурқат бошқа бир шеърида таъкидлашича, илм-фан бир машъял бўлиб, у инсоннинг баҳт-саодати йўлини ёритиб туриши керак:

*Илоҳи, равшан этгил Фурқатийға,
Чироги илм кўнглин зулматига¹¹.*

(«Акт мажлиси хусусида» дан).

Шоирнинг «сайдинг қўябер сайёд...» мусаддаси эса ҳақиқий эркинлик, озодлик мадҳиясидир. Бу шеър, умуман демократик адабиётнинг энг яхши намунала:ридан биридир. Сайёдга хитоб тарзида ёзилган бу шеърда сайёд зулм, зўрлик тимсолти, сайд (ов) эса тутқинлик тимсолидир.

Фурқатнинг уч ҳароботий таржитъанди эса тасаввух фалсафасига ондидир. 90 мисрадан иборат бу катта ҳажмли шеър моҳияти эътибори билан фалсафий йўналишдаги асардир. Шеър «уч қаландар»—«уч аламкаш» тилидан ёзилган:

*Уч ҳароботий эрурмиз сокини майхонамиз,
Хўм бошидин чарх уруб, монанди бир
парzonамиз.
Маст ўлубмиз жиёшини майдан ажаб девонамиз,
Холимиз дунё ғамидин, фориги кошонамиз.
Ёр бизнинг еримиз, жонон бизнинг жонимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак йўқ эзур армонимииз¹².*

Фурқатнинг сўфиёна асалари жумласига яна «Бор-масмиз» ғазали ҳам киради.

Фурқат ҳамиша ватан ишқи билан, айрилиқ дарди билан яшади. Ўз ғазалларида ватанга муҳаббат, ватан-парварлик гояларини тараниум этди:

*Адашган ит каби Фурқат қаён борсум
билоғимасман,
Қачон бўлғайким, тоғайман хабар ёру
диёримдан.*

Бу ғазал Нодирабегимнинг Амир Умархонга ба-ғишлиб ёзилган «Фигонким гардиши даврон айрди

¹⁰ Уша асар, 163—165-бетлар.

¹¹ Уша асар, 165-бет.

шоҳсуворимдин ...» дея бўшланадиган ғазалига назира тарзида ёзилган. Бу нарса Фурқатнинг Нодирабегимга ихлоси баланд бўлганилигидан ҳам далолатdir.

Фурқатнинг Муқимий сингари «Саргузаштнома» шаклида асар ёзганлиги эҳтимол қилинади. Лекин бу асар ҳали топилмаган.

Фурқат нафақат шонир, балки табобат, илми нужум, тарих, этнография, шеърият илми билди жиҳдий шуғулланган олим ҳамдир. Фурқат «Чор Дарвеш», «Нух манзар» каби асарларни ўзбек тилига ўйргандир.

Фурқат асарлари ҳамиша китобхонларнинг севимли асарлари қаторида туражак.

6. УБАЙДУЛЛА УСТА СОЛИҲ ЎҒЛИ ЗАВҚИЙ

Завқий тахаллуси билан шеърлар ёзган ўзбек шоир Убайдулла уста Солиҳ ўғли (1853—1921) Қўқонда туғилган. Дастилбки саводини чиқаргандан сўнг Қўқондаги «Мадрасаси олий» ва «Чаллак» мадрасаларида таълим ола боштайди. Лекин онлавий шароит туфайли ўқишип тўхтатишга ва ота касби — маҳсидўзлик билан шуғулланишга мажбур бўлади. Завқий ижодий ҷалоҳиятига Қўқон адабий мұҳити, жумладаи, Муқими, Нусрат, Мухайир, Нодим Наманғоний, Рожий, Тошхўжа Асирий каби шонирлар катта таъсир кўрсатди.

Завқий 1898 йилда Муқими билан бирга Фарғона водийси бўйлаб саёҳатга чиқишиди. 1900 йилда эса тогаси билан Арабистон, Кичик Осиё, Миер ва бошқа мамлакатларда бўлди. Натижада Завқий ҳам Муқими ки Фурқат сингари «Саёҳатнома» лар битди. Булар — «Сув жанжали», «Обид мингбоши ҳақида ҳажв» ва «Шоҳимардан хотираси» помли асарларлир. Бу «Саёҳатнома» даги аксар шеърлар ҳажв йўли билан ёзилгандир. Масалац, Завқий бир неча йиллар давомида турган Каримбобо қишлоғида сув муаммосининг нечоғли мушкул эканини «Сув жанжали» саёҳатномасида баён этади. Бу асарда қишлоқ миробининг пора берган, қўй сўйиб, тўйи кийдириб, меҳмон қилган бойларга сув бериб, дәққонлар ерини сувсиз қақшатгани жуда равшан тасвиrlenади:

*Бир газда пешвоз қўй сўйиб,
Ҳожи миробга тўйи қўйиб,
Кунлар ўтар шу хил тўйиб,
Қўнгиллари хушхол экан.*

*Хоҳ рози, хоҳ бўйлсин хуноб,
Юрт-элга сув бермай мироб,
Хожи ерин қилмиши сироб,
Деҳқон учун қаттол экан¹³.*

Завқий «Воқеати қози сайлов» ва «Қаҳатчилик» номли икки достон ҳам ёзган. Аввалги достонда даҳа қозилнинг катта иора бериб сайлангани мулла Ҳакимжонниң кирдикори очиб ташланса, кейинги достон тарихий-сиёсий воқеалар баёнига багишлангандир. «Қаҳатчилик» достонида 1916 йилдаги Кўқонда юз бергани норозитик галаёни, биринчи жаҳон уруши натижасида вабо ва очлик-қаҳатчилик азобига гирифтор бўлгани халқнинг аҳволи тасвиirlаб берилади:

*Қаҳатчилик бўйлди бу Фарғонамизда,
Топиллас парча нон вайронамизда ...¹⁴.*

Завқий ажойиб лирик шательлар ҳам битган. «Мен кимга дей» мухаммаси, «Офарин» газали ва бошқалар шулар жумласидандир.

Завқий Фурқатининг «Уч хароботий» таржиъбандининг ғоявий йўналишида «Бодан васлинг» газалини ёзди. Мана ўша сўфиёна газал байтлари:

*Бодан васлинг қачонким нўши этибон қонамиз,
Тонегача ҳижронда бўлгайму бизи майхонамиз?
Руҳни ғолиб айлагил, шоҳум, маҳалли кишту
мот,
Ишқ базми ичра шатранж ўйнағон уч
донамиз...¹⁵.*

Завқийнинг бой ижодий мероси, ҳажвиёти, лирик ашъори, ижтимоий-тарихий мазмунда ёзган мухаммаслари катта тарихий, маърифий аҳамиятга эгадирлар.

7. АВАЗ ҮТАР ҮФЛИ

Яна бир ўзбек маърифатпарвар шонри, демократ адиб, Завқийнинг кичик замондоши — хевалик Аваз Үтар ўғлидир (1884—1919). Аваз Үтар — Хоразм алабий мухити таъсирида камслуга етган сўз санъаткори.

¹³ Ўша асар, 162-бет.

¹⁴ Ўша асар, 213-бет.

¹⁵ Ўша асар, 217-бет.

Шоир илғор халқпарварлык, ватаппарварлык ғояларининг Хоразмдаги қизғин тарғиботчиси бўлиб етиша бошлади.

Аваз Ўтар «Саодат-ул-иқбол» девонини тузди. Шоир қаламига бир неча соқийномалар (Аваз Ўтаргача шеърнинг бу шаклидан кам ғойдаланилган), ижтимоий-сиёсий мазмунда ёзилган шеъру ғазаллар ҳам мансуб. Бу шеърларининг кўпин 1920 йилдан Хоразмда чиқа бошлагали «Инқилоб қўёши», «Хоразм хабарлари» рўзномаларида нашр этилган.

Аваз Ўтар лирик шеърларини ҳамда «ишиқ илоҳий» ни куйловчи мухаммас ва ғазалларни ўқир эканмиз, шонрининг бевосита Навоий «тариқати» га амал қиласланлигининг гувоҳи бўламиз. Дарҳақиқат, Аваз Ўтар Навоий ҳазратларини ўзининг беназир устози деб билур эди:

*Дилдўз баси ривояти ишқ,
Жонсўз Авази ҳикояти ишқ,
Бу нав дурур ишқияти ишқ,
То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли анга наво бўлубдур¹⁶.*

Бу мухаммас Навоийнинг «Чор девони» даги «Кўзунг не бало қаро бўлубдур. Ким жонға қаро бало бўлубдур» байти билан бошланадиган ғазалига бўлган гайдир.

Аваз Ўтар сўфиёна мазмуидаги шеърларидан ташқарни, ҳажв услубида ҳам қитъя, рубонйлар ёзган. Масалан, бир шеърида Аваз Ўтар инсофу диснатдан йироқ кишилар ёмонларининг ёмони, улар ҳатто меҳнаткашлар молу мулкини талашда қиёмат кунидан ҳам кўркмасликларини, имонсиз. эканларини рўй-рост айтади:

*Ёмонларнинг ёмони андоқ одамдур жаҳон ичра.
Йироқ ўлғуси то ўлғунча инсофу диснатдин.
Олиб мазлумлар молини юз минг зулм — кин
бира,
Килир беҳонимон хаевӣ этмайин явми
қиёматдин¹⁷.*

Аваз Ўтар қитъалари ичидаги «Фалоний» сўзи билан бошланувчи ҳажвий туркум учрайди. Шоир бу шеър-

¹⁵ Уша асар, 196-бет.

¹⁶ Уша асар, 267-бет.

ларида замонасининг бадфеъл, нобоп, жоҳил, зиқна кимсаларини фош этади. Масалан:

*Фалоний гарчи кўп олий насабдур,
Вале нодону жоҳил, беадабдур,
Адабдур издиёди баҳту иззат,
Анча бу важҳдин маҳфи лақабдур¹⁸.*

Аваз Ўтар ўз ижодининг сўнгги босқичида (1914 йилдан кейин) озодлик ва маърифатпарварлик ғояларини тараннум этувчи асарлар яратди. Халқ ўртасида кенг шуҳрат топган «Халқ», «Уламоларга хитоб», «Сипоҳийларга», «Тил», «Мактаб», «Фидойи халқим», «Топар экан қачон?» каби шеърлари шулар жумласидандир.

Шоир «Тил» шеърида ўзга тилларни ҳам ўрганиш зарурлиги, тил орқали илм хазинасига эга бўлиш мумкинлиги, тил турли маданиятлар ўртасидаги «робита» — алоқа воситаси эканлигини уқтиради ва ёшлиларга қарата шундай хитоб қиласди:

*Ғайри тилини саъзи қилинг билгали ёшлар,
Лозим сизга ҳар тилни билув она тилидек¹⁹.*

Аваз Ўтар ижодида озодлик, хуррияг тароналари ҳам мавжуд. Шоир ўзининг қўйидаги шеърида жаҳон уруши оловини ёқувчи кимсаларга қарши нафрат ила шундай дейди:

*Эй алами анжум аро ром суронлар,
Сизларда даҳи бормидур аҳком суронлар.
Миллионлара бир кимами қилғучи ҳукумат,
Кибр ила ҳиругуру, ҳасаду, қийну, хусумат²⁰.*

Аваз Ўтарнинг демократик, маърифатпарварлик ғояларини тараннум этгувчи асарлари, лирик шеъру ғазаллари жуда катта ахлоқий-маърифий ва тарихий аҳамиятга эгадир. Аваз Ўтар асарлари жаҳон хазинасига бебаҳо инжулар каби қўшилиб, энг яхши анъана-ларни куйлагувчи санъат асари бўлиб қолади.

8. ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

Буюк ўзбек шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Қўқонда табиб оиласида туғилган. Мактаб ва мадраса тақсилидан сўнг, Ҳамза Ўзбекистоннинг турли шаҳарла-

¹⁷ Уша асар, 266-бет.

¹⁸ Уша асар, 268-бет.

рида бўлди. «Ниҳоний» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлади. Ҳамза ўрус тилини ўрганиб, Қўқонда янги услубдаги мактаб очиб, унда етимлар ва камбағал оиласлар фарзандларими бепул ўқита бошлади. 1913 йилда Ҳамза Афғонистон, Ҳиндистон, Арабистон, Туркия, Жанубий Русия каби ўлкаларга саёҳат қиласди, ҳаж сафарини адо этади. Қўқонга қайтганидан сўнг яна маориф соҳасида ишлай бошлайди, адабий-бадиий ижод билан шуғулланади.

Бу даврда Ҳамза «Девони Ниҳоний», «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар» тўплами, «Янги саодат ёхуд миллий рўмон» асари, «Заҳарти ҳаёт» пьесаси ва сиёсий ҳамда маърифий лирикага онд кўплаб шеърлар ёзди. Улардан айримлари шоир муҳаррирлик қилган «Кенгаш» ва «Хуррият» мажалаларида босилиб турди.

Шоир ўзининг кўпгина шеърларида Муқими, Фурқат сингари илм-маърифатни тарғиб этади.

1927 йилда Ҳамза Ҳакимзода «Ўзбек хотин-қизларига» шеърни яратди. Маълумки, 20-йилларда аёлларни илм-маърифатга тортиш, жамият ишларига жалб этиш гоят муҳим масалалардан эди. Шоир бу гояни зўр бадиий маҳорат билан ифода этади:

*Келди очилур чогинг ўзлигинг намоён қил.
Парчалаб кишиналарни ҳар томон паришон қил.
Мактаб, анжуман боргил, унда фикр очиб гоҳи,
Илму фан тиги бирла жоҳил бағриниң қон қил.
Сояларда сарғайған юзларинг қилиб гулгун,
Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил²¹.*

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мавжуд жамият ишларидан, жумлайдан ўта кучли табақаларни асоратлари натижасида камбағалларининг почор аҳволи ва бу тенгизликтин бартараф этиш учун озодлик кураши гояси, хуррият, адлу ҳақоният тароналарини ўзининг «Тукматчилар жазоси», «Паранжи сирлари», «Бой ила хизматчи» драмаларида ва «Майсарапиниг иши» комедиясида ҳамда кўплаб публицистик мақолаларида гўлаконли ёритади.

Ҳамза ўзбек театрининг вужудга келишида улкан роль ўйнаган дарғалардан эди. Ҳамза ўзи ташкил этган бадиий труппада драматургнинг кичик пьесалари-

¹⁹ Ҳаша асар, 270-бет.

²⁰ Ҳаша асар.

дан тортиб драмалариғача сақналаштырылди. Бу труппа ўсиб, отахон театр — Ҳамза номидаги театрға айланди.

Ҳамза Ҳакимзода ўзбек маданияті тараққиетінің катта ҳисса құшды ва буни халқымыз ҳеч қаңон унұтмайды. Мустакиллик ва озодлик күйінен сифатида у ҳамон халқымыз руҳига құвват бахш этмоқда.

9. ЖАДИДЧИЛИК ВА УНИНГ ФОЯВИЙ-СИЕСИЙ ПУЛИ

XIX асрнинг охирларига келиб Ӯзбекистонда ижтимоий-фалсафий ва маданий-маърифий мазмунға әга маърифатпарварлык ғояларининг көнг тарқалиші Түркистан халқтарининг ижтимоий-сінёсінің маңынави қаётида жиғдій ўзгарыштарға олиб келди. Түркистанда 1870 йиллардан бошлаб яғын тиіндегі мактаблар очила бошланды, ўзбек ва рус тилларыда яғын рўзиомалар ташкыл қилиниб, уларда турли хил хабарлар, илмий ва адабий мақолалар, таникты жаҳон ва рус адибларининг асарлари чоп этила бошланды. Маърифатпарварлык ғоявий-сінёсий йўналишининг асосий мақсади Россия мустамлакачиллик сиёсати натижасында маңынави қашшоқтыкка тушиб қолған Түркистан халқтарини қарамалык зулмидан озод қилиши, уларнинг жаҳондегі бошқа ривожланган мамлакаттар халқтары қатоғри юксак цивилизация сары тараққий қилишини таъминлашдан иборат эди. Бунга эришинининг бирдан-бир йўли халқни саводхон қилиш, уларни замонавий илм-маърифат истиқболидан баҳраманд қилишда леб билдишлар.

Минтақамизда көнг қулоч ёзған маърифатпарварлык ғоялари негизида XX асрнинг бошларыда яғынча йўналиш — жадидлар ҳаракати шаклланады ва қарор ғопади²¹.

«Жадид» сўзининг дугавий маъноси «Яигиллик» дес макдир. Улар Бухорода «Ёш бухороликлар», Хоразмда «Ёш хеваликтар» деб аталыб, минтақамиз маңынави тарихига янгилик олиб келишгә ҳаракат қилиндиар.

Жадидлар мамлакатни эски қоюқлик ҳолгидан күтқариб, яғын босқичга чиқарып, миллй мустақиликка эришиш учун курашда жоибозлик күреатдилар. Жадидчилик дастлабки шаклланышы даврида ўз таркибига кўра турли хил қатламдаги табакатарини ўзинде

²¹ Ҳамза Ҳакимзода Ниёсий. Асарлар тўплами. З-жизд, Тошкент, 1981, 64-бет.

бирлаштирган эди. Масалан, мадраса талабалари, майда савдогарлар, янги усуллари мактаб ўқитувчилари в. х. Кейинчалик сапоат корхоналари эгалари, йирик савдогарлар ҳам жадидчilik ҳаракатига қўшилиб, майдий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турдилар. Миллий зиёлиларининг аксарият қисми жадидлар ҳаракатининг фаол ишгироқчилари эдилар.

Жадидлар ҳаракатининг таркиби турли даражадаги ижтимоний қатламлардан иборат бўлганнинг учун ҳам уларининг қарашларида хизмат-хизматлик, ўша давр ижтимоний ҳаёти кун тартибига қўйётган масалаларни турлича талқин қилиш, уларни ўзларининг мағфаатларни нуқтан назаридан изоҳлаш ҳоллари содир бўлиб турган эди. Шундай бўлса-да, жадидизм майдум мағкуравий қарашлар тизими сифатида ўша даврларда мамлакатимизда шаклланиб келаётган капиталистик тараққиёт эҳтийжтарини ифодаловчи ижтимоний-сиёсий оқим сифатида қарор топди. Лекин минтақамизда миллий озодлик ҳаракати кучайиши муносабати билан жадидлар орасидан меҳнаткаш ҳалқ оммасининг мағфаатларини ҳимоя қитувчи баъзи вакиллар етишиб чиқиб, Узбекистон ҳалқлари ижтимоний ривожланиши тарихида катта ҳурматга сазовор бўлдилар.

Марказий Осиёда жадидизм шаклланиши ва ривожланишида Туркия, Татаристон ва Бошқирдистон илгор зиёлилари катта таъсир кўрсатдилар. Ўзбекистонда маърифатпарварлик гояларини кенг ёйиш ва илгор тажрибаларни ўрганиш учун ўзбек зиёлиларидан Усмон хўжа Боқчасаройга, Ҳамид Хўжа Истамбулага, бошқалари Оренбург ва Қозон шаҳарларига бориб келдилар.

Жадидлар ҳаракатининг тадқиқотчилари таъкидлашибича, Туркистонда жадидлар ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланиши учта босқични ўз бошидан кечирган.

Биринчи босқич — 1880 йиллардан 1905 йилгача бўлган даврлар. Бу давр маърифатпарварлик йўналишининг шаклланиши ва ривожланиши билан характерланади. Муайян йўналиш эски феодал тузими тартиботларига қарши қарати, ган бўлиб, унинг илгор намобидлари ўз Ватанининг истиқболини илгор рус маданияти ва фани билан яқинлашиши ва унинг ютуқларини ўзлаштириши зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Муайян даврда Аҳмад Доиши ва Фурқат маърифатпарварлик йўналишининг бош ташкилотчилари сифатида майдонга чиқдилар.

Иккинчи босқич — 1905 йилдан 1917 йилгача Октябрь түнтишигача бўлган даврни ўз ичига олади... Бу даврда жадидлар ҳаракатининг бошчиларидан С. Айний, А. Авлоний, Беҳбудий, Мунаввар Кори, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Уларнинг хизмати, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, янги усулдаги мактаблар очиш, ўкув қўлламалари ёзиш, ойнома ва рўзномалар ташкил қилиш, дунёвий фанларни кенгтарғиб қилиш билан чегараланиб қолмайди, балки улар ўша давр жамиятининг ижтимоний-сиёслий ҳаётида кенг ва фаол иштирок қилдилар, ҳатто ўзининг матбуоти аниқ дастурга эга бўлган маълум мақсадни кўзлаган партиялар, ёпиқ типдаги янги ташкилотлар, ўртоқлик жамоалари тушиб, мустамлакачилик спёсатига қарши ташвиқот ишларини олиб бордилар.

Учинчи босқىч — Октябрь түштаришидан 30-йиллар-нинг охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр жадидлар учун ғоят мураккаб ва оғир сипов йиллари бўлди, чунки бу даврларга келиб вазият кескин ўзгарди. Шунга кўра улар юзага келган янги ижтимоий-тарихий вазиятга қарэб иш олиб борнишга мажбур бўлдилар.

Жадидлар бу даврда күпроқ яиги мактаблар очиш, ўзбек тили ва адабиёти соҳасида испоҳотлар ўтказиш, матбуот эркинлигини талаб қилиш, профессионал театрлар ташкил қилиш соҳасида фаол иш олиб бордилар. Лекин барнибир жадидлар фаолиятининг марказий масаласи миллый мустақидлик гояси масаласи эди. Ушадавр ижтимоий ҳаёти шаронтидаги сиёсий тузим жадидлар илгари сураётган гоялар социализмга қарши кураш кайфиятларини ифода эта оладиган ижтимоий-фалсафий йўналиш сифатида шаклланишига йўл қўймас эди.

Туркистанда XX асрнинг 40-йилларига қадар хукм сурған ва тоят самарали фаолият кўрсатган жадидизм ҳаракати юронги зулмат ичидаги ёруғ нур эди. Лекин бу нур бутуни Туркистан бўйлаб кенг қулоч ёзиб ривожланиб кета олмади. Аксинча, 1937—38-йиллардаги сиёсий қатагон жадидлар ҳаракатини бутунлай барбод этди. Унинг йирик вакилларидан Файзулла Хўжаев, Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат, Абдулла Қодирий ана шу даҳшатли қатагоннинг қурбои бўлдилар.

Мустабид совет тузими шароитида жадидизм ҳаракатига түғри баҳо бериш ва уни муносиб тақдирлаш

имкониятига эга эмас эдик. Аксинча жадидизм миллатчилик гоясими тарғиб қилювчи пантюркизм ва панисламизм мағкураси тарафдори деб эълон қилинган эди.

Ўзининг билими, ақл-заковати, иймони, эътиқодини, бутун ҳаётини ўзбек халқининг миллий озодлиги, Ватанимизининг миллий мустақиллиги ва баҳтли келажаги учун сафарбар этган жадидлар ҳаракатининг ғоялари зое кетмади, улар жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги туфайли ҳозирги кунда тўла равишда рўёбга чиқмокла.

Жадидлар ҳаракатининг назарий асосчиларида ғири Маҳмудхўжа Беҳбудий 1874 йилда Самарқанд шаҳрида туғилди. У ёшлигиданоқ илм-маърифатга қизиқиб, ҳисоб-китоб, ҳуқуқий, диний илмларни, араб ва форс тилларини чўқур ўргана борди. 1894 йилдан бошлаб отаси вафот этгандан кейин қозихонада миরза лавозимида ишлади. 1900 йилда у Макка ва Мадинага ҳаж қилиб борди. Миер, Туркия шаҳарларига саёҳат қилди. 1903—1904 йилларда Беҳбудий Петербург, Москва, Қозон, Уфа, Оренбург каби Россиянинг йирик шаҳарларига бориб, рус маданияти билан танишди, татар жадидчилик ҳаракатини ўрганди.

Беҳбудий узоқ сафардан қайтгандан кейин, ўз уйида камбагал онла болалари учун янги усул мактабини очди, шу мактабда тарих, жуғрофия, адабиётдан дарс берди. Ўзбек ва форс тилларни бир неча дарслеклар ёзи. У «Алифбо», «Китоб ат-тифи», «Амалиётни Исломия», «Мухтасари тарихи Исломия», «Жуғрофи умрони руси», «Мухтороби жуғрофияти турки» каби асарларнинг муаллифидир.

Беҳбудий Самарқанд шаҳрида кутубхона ташкил қилди. 1913 йилдан «Самарқанд» рўзномаси ва «Ойна» ойномасини нашр қилдира бошлади. Муайян рўзнома ва ойномалар саҳифаларида ўша даврнинг долзарб муаммоларига оид қатор мақолалар эълон қилди. Беҳбудий ўзбек театршунослигига муносиб ҳисса қўшди. Унинг «Падаркуш» пьесаси саҳналаштирилди ва халқ томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Россия мусулмонлари миллий-озодлик ҳаракатининг ифодачиси — 1905 йилда ташкил топган мусулмонлар партияси раҳбарияти Беҳбудийнинг фаолиятига юксак баҳо беради. Давлат думасининг ишлаб чиқишида қатнашиш учун 1914 йилда уни Петербургга таклиф қилишади. Мусулмонлар партияси фракцияси доимий равишда Беҳбудий билан маслаҳатлашиб турган ва Тур-

кистон ўлкаси бўйича бўлаётган ўзгаришлардан уларни хабардор қилиб, миңтақамиздаги ривож топаётган миллий озодлик ҳаракатига илҳом баҳш этган.

Беҳбудий Туркистондаги жадидлар ҳаракатининг намоёндаларидан Мунаввар қори, Фитрат, Файзулла Хўжаев ва бошқалар билан учрашиб, умриининг охиригача ўз халқининг маънавий ва сиёсий озодлиги учун кураш олиб борган. Беҳбудий 1919 йилда Қарши шаҳрида ёвузларча ўлдирилади.

Жадидлар ҳаракатининг негизини ташкил қилувчи бош масалалардан бирни илм-маърифат тизимини ислоҳ қилишдан иборат эди. Улар ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ва давлатни бошқариш соҳаларида замонавий дарражада иш олиб бора оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласини кўтариб чиқдилар. Энг дастлабки ислоҳ, Беҳбудийнинг таъкидлашича, мактаб ва мадрасадан бошланмоғи даркор, чунки миллатнинг ҳаёт даражаси таътиим-тарбия соҳасида эришилган ютуқлар билан белгиланади. Беҳбудий «Ойна» ойномасининг 1913 йилги 6-сонида боснилиб чиққан бир мақоласида агар биз маданият ва иқтисод соҳаларида бошқа миллатларга қарам бўлишини истамасак, биз миллий суддиялар, адъюватлар, ўқитувчилар, давлат арбоблари, инженер, саводли тижкоратчиларни тайёрлашимиз зарур. Улар савдо идоралари, банкларда бизга ёрдам беришлари, бизнинг манфаатларимиз, динимизнинг ҳимоячилари бўлмоқлари зарур, деб ёзган эди.

Шуниси диққатга сазоворки, жадидлар фақат миллий доирада чекланиб қолмадилар. Улар бошқа мамлакатлар ва халқлар эришган илм-маърифат ва маданият ютуқларини матбуотда кенг тарғиб ва ташвиқ қилдилар. Ҳатто улар иқтидорли ўқитувчиларни хорижий мамлакатларга юбориб ўқитиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Масалан, талантли ёшларни нафақат Манка, Мадина, Миср, Истамбулга, балки Россиянинг университетларига ҳам юбориб ўқитишни маъқул кўрдилар.

Жадидлар ҳаракатида барча туркӣ халқлар учун ягона тил яратиш зарурлиги ҳақидаги ғоя ҳам кўтарилиб чиқилди. Айнан ана шу тил воситасида барча туркӣ халқларни ягона. Иттифоқҳа бирлаштириш имконияти мавжуд, дейди улар. Бундай гоянинг асосий муаллифи ва тарғиботчиин Исмоил Гаспиринский эди. Лекин муайян ғояни барча жадидлар ҳам тўла-тўқис маъқуллаб чиқмадилар. Масалан, дейди Беҳбудий, мусулмон-

ларни бирлаштирувчи энг түғри йўл бу форс, араб, турк ва рус тилларини ўрганишдир. Биз учун форс тили мадраса ва уламолар тили, араб тили диннимиз тили бўлса, турк тили Туркистон ахолисининг асосий қисмининг тилидир. Рус тили биз учун ниҳоятда зарур, чунки биз Россия фуқароларимиз. Биз банк, савдо идоралари, суд муассасалари, нотариус, темир йўл ва бошқа замонавий ҳаёт хизматларига муҳтожмиз. Рус тилини билмасдан туриб, савдо, саноат тараққиёти, дин ва миллат учун хизмат қила олмаймиз. Масалан, бизда ҳозир, миллатимиз ва динимиз фойдаси учун давлат думасида чиқиб гапирадиган одамларимиз йўқ. Араб тили дин учун қанчалик зарур бўлса, рус тилини билиш ҳам бизнинг ҳаётимиз учун шунчалик зарурдир. Агар араб тилини билмасак динни, рус тилини билмасак бойлиники қўлдан чиқарамиз. Турк ва форс тиллари ҳақида гапиришининг ҳожати йўқ²².

Миллатимиз учун ғоят фойдали бу ҳикматли хитобномалар худди бутунги кунимизга қарата айтилаётган-дек сезилмоқда. Ўзбекистоннинг мустақилиги ва порлоқ истиқболини ўйлаган ҳар бир киши бу доно сўзларни ўз ҳаётний фаолиятининг бош мезони қилиб олмоғи даркор.

Жадидлар ўзларининг қарашларида диний-фалсафий муаммоларни ёритишга ҳам катта эътибор бердилар. Уларнинг бу соҳадаги таълимотларининг негизида дин билан фанни муросага келтириш гояси ётади. Бир томондан, ўрта аср Шарқидаги фан ва маданий тараққиёт ютуқларини ислом динига боғлаб таҳлил қилган бўлсалар, иккинчи томондан ўша давр ҳаётидаги юз бераётган ижтимоий ҳодисаларни ислом ва шариат қоидалари асосида ҳал қилишни таъкидлаган эдилар. Уларнинг фалсафаси материалистик ва атеистик дунё-қарашга зид эди. Улар ўзларининг фалсафий ва наза-

²² Собиқ инўролар тузими шаронтида жадидчиллик ҳаракатини ўрганиш ва ёшлига ўргатиш, унинг ғоявий-сиёсий ва назарий асосларини таҳлил қилини имкони бўлмади, чунки жадидчиллик реализм «миллатчилик» сўчми деб қаралиб келинди. Унинг йирик намоёндаларидан ўзлаб-юзлаб кишилар хазқ душмани деб эълон қилинниб, узоқ Сибирга сургун қилиниб, қатогон этилдилар. Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиши оқибатида жадидчиллик ҳаракати ҳақидаги тарихий ҳакиқат қайта тикланди ва эндиликада ҳақимиз жадидчиллик ҳаракатининг Ватанимиз мустақиллиги мислий озодлик тарихидаги тутган ўрии ва ролига муносиб баҳо бераб, унинг ўлмас намоёндаларига чуқур ҳурмат билан қараладилар.

рий мулоҳазаларини Қуръони Карим ва Ҳадислар асосида исботлашга ҳаракат қиласидар. Шу вақтнинг ўзида улар Европа идеалистик фалсафасидан кенг фойдаланишини маслаҳат қиласидар.

Жадидлар ҳаракатининг сиёсий дастури Туркистоннинг мустақиллиги учун курашиш вазифасига қаратилган эди. Лекин ўша тарихий шароитнинг ғоят мураккаблиги, маҳаллий буржуазиянинг заифлиги, чоризм маъмуриятига тўла қарамлиги, оташин мустақиллик ғояси билан қуролланган кенг меҳнаткашлар қатламларининг бўлмаганлиги туфайли мустамлакачиларга қарши жиддий кураш олиб бориш имкониятини бермади.

Шуниси характерлики, жадидлариниң сиёсий дастури Туркистонда конституцион подшолик тузумини ўринатишга қаратилиган эди. Кўп сонли партиялар орасидан жадидлар кадетлар партиясини маъқулладилар ва минтақамизда шу тиидаги партия тузуш зарурлигини ёқлаб чиқдилар. Беҳбудийнинг фикрича, Туркистон халқлари учун тўғри келадиган Кадетлар партиясидир, чунки бу партия подшоҳни халқ билан мулоқотда бўлишига имконият яратиб беради. Шунга кўра у 1905 йилда ташкил топган мусулмонлар партиясига хайриҳоҳлигини алоҳида таъкидлайди ва шу партияниң Туркистонда тинчлик ва осойишталик ўринатишда, жама мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилишига комил ишонт билан қарайди.

Жадидлар сиёсий дастурининг асосий йўналишларидан бири ҳукумат маъмуриятининг мусулмонларнинг дин ишига муттақо аралашмаслиги, маҳаллий идора қилиш тизимида ўз-ўзини бошқаришини ўринатишдан иборат эканлигидир. Бу партия бундай ишни фақат давлат думаси орқалигида эмас, балки конституцион-монархия тузуми орқали ҳам амалга ошириш мумкин, деб билдилар.

Беҳбудий Туркистонни идора қилишини ислоҳ қилиш ҳақида маҳсус лойиҳа ишлаб чиқади. Бу лойиҳага кўра Туркистонда мусулмонларнинг диний ва фуқаролик ишлари билан шугулланувчи марказлашган маҳаллий бошқарма тузиш зарурлигини таъкидлайди. Туркистон мусулмонлари учун, дейди у,— бундай бошқарма суждек ва нондек зарур, бусиз биз иймонимизни йўқотамиз ва фалокатга гирифтор бўламиш²³.

Беҳбудий қози судлари ишларига алоҳида эътибор

²³ «Ойнома» ойномаси, 1915 йил, 12-сон,

билин қарайди. Улар шариат асосида майды жинонай ва фуқаро ишларини кўриш билан шуғулланар эдилар. Беҳбудий чоризм ҳукуматининг маҳаллий қози судяларни тугатиш ҳақидаги ниятларини қаттиқ қоралаб, қандай бўлмасин уларни сақлаб қолишига чақиради. Мусулмонларнинг қози судлари ва диний бошқармаси ҳақидаги масала — миллатнинг ҳаёт-мамот масаласидир, дейди у. Беҳбудий қози судяларини мусулмонларнинг диний ва фуқаролик бошқармаси ихтиёрига беришни таклиф қиласди. Унинг фикрича, бу бошқарма қозилар судининг ҳукмларини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган кассацион инстанция бўлмоғи зарур ва шу билан бирга суд тизимини давр талабига мослаштириб ислоҳ қилиш лойиҳаларини тайёрлаш билан ҳам шуғулланиши зарур.

1917 йилги феврал инқилобидан сўнг бир муддат жадидлар дастурини амалга ошириш учун имконият юзага келгандай бўлди. Чор ҳокимиётининг афдарилиши Туркистонда ҳам бошқа минтақалардагидек мустамлакачилик сиёсатига барҳам бериш ва халқнинг миллий зулмни бартараф этишга қаратилган миллий-озодлик туйғуларини кучайтириди. Үлкадаги маҳаллий аҳолининг сиёсий онгида кескин ўзгаришлар содир бўла борди: «Шурон Исломия», «Шурон Улома» сингари партиялар ташкил топди.

Жадидлар ҳаракатининг яна бир кўзга кўрингани ирик вакилларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов эди.

Мунаввар қори «Шўрои Исломия» партиясининг вақтиначалик илк дастурини ишлаб чиқсан сиймодир. Унинг таъкидлашича бу партия қўйидаги ишларни бажармоғи керак.

1. Туркистон мусулмонлари ўртасида замон талабларига мос сиёсий, илмий ва иқтисодий ислоҳотлар зарурлигини тарғибот қилиши;

2. Туркистон мусулмонларини ягона бир мақсад ва ягона гоя асосида бирлаштириш учун барча чора ва тадбирларни амалга ошириш;

3. Халқни янги муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлашга чақириш;

4. Мамлакатни идора этиш шакллари ҳақида маълумотлар тарқатиш ва таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш²⁴.

²⁴ Узбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т., Узбекистон, 1995, 231-бет.

Бу дастурда Туркистоннинг бошқарув давлат тузуми ҳақида аниқ фикр ва мулоҳазалар билдирилган бўлмаса-да, «Шўрои Исломия» партияси раҳбарлари Мунаввар қори, Мустафо Чўқоев, Беҳбудий ва бошқалар Туркистон муҳторияти таъсис этилишини, молия, адлия, бошқарувда ва маориф соҳаларида мустақиллик ўрнатилиши, матбуот эркинлиги бўлишини қатъий талаб қилдилар.

Жадидизмининг яна бир таниқли арбоби Ҳожи Абдурауф Фитратдир. Фитрат «Мунозара», «Сайҳо», «Баёноти саиёҳи ҳиндий», «Раҳбари нажот», «Оила» каби асарлар ва қатор илмий мақолаларнинг муаллифи дир.

Ҳожи Абдурауф Фитрат Туркия таҳсилни кезлари ҳаж сафарини адо этган, ислом дини тарихига оид асар ҳам ёзган: у «Тарихи мухтасари ислом» («Исломнинг қисқача тарихи») деб аталади. Асар муқаддимасида тарихи пътмига таъриф берилади, унинг умумий ва хусусий тарихга бўлишини ва ислом тарихи хусусий тарих эканлиги таъкидланади. Бу асар шуниси билан қимматга савсеворки, унда нафақат Мұхаммад пайғамбар жанобларининг, халифан рожидонларнинг хаёт-фаолияти, уларнинг фазилат ва хиссатларӣ, шу билан бирга ислом зуҳуригача бўлган Рум, Эрон ва араб мамлакатларининг саъволи боссин бўлганингандир.

Жадидчилик ҳаракатининг, жадид адабиётининг кўзга кўрининг вакилларида яна бирি Абдулла Қодирий (Жузқунбой) дир. Абдулла Қодирий ўзбек рўмоннавислигининг асосчиси, забардаст адидир. А. Қодирий 1896 йилда Тошкентда, Бешоғоч даҳа, тўртинчи Эшонгузар маҳалласида туғилган. Эски мактаб ва рус-тузем мактабларида таҳсил олган.

1914 йил 1 апрелда «Садойи Туркистон» рўзномасида, «Тошкент хабарлари» устунида, «Яиги масжид ва мактаб» номли мақоласи босилади. А. Қодирий ўзининг мана шу биринчи мақоласида Эшонгузар маҳалласида Йўлдош Ҳожи жаноблари бино қилган яиги масжид ва мактаб ҳақида маълумот беради²⁵.

1914—1916 йиллар мобайнида «Бахтсиз қўёв», «Жавондоз», «Улоқда», «Жинлар базми» каби жиддий, пишиқ пьеса ва ҳикоялари нашр қилиниади. «Бахтсиз қўёв» пьесаси 1915 йилда Колезия (Свердлов) театрида саҳналаштирилган. Худди шу йили А. Қодирий мадрасага ўқишига киради.

²⁵ Ҳабибулла Қодирий, Отам ҳақида. 38-бет.

1919 йилдан сўнг А. Қодирий «Озиқ ишлари» рўзномасида муҳаррир ва бир йилдан сўнг касабалар шўросида саркотиб бўлиб ишлайди. «Иштирокион» рўзномасида турли мақолалар билан ҳам чиқиб туради. «Муштум» мажаласига асос солади. А. Қодирий фельетон ва бошқа танқидий мақолаларида («Нафси шайтон», «Давосиз дардлар», «Чуви чиқди», «Тарвузи қўлтиғидан тушди» ва х. к.) фақат ўз манфаатинингина кўзловчи мултони савдогарлар, исрофчи бойлар, илммаърифатни қўйиб, ёмон йўлларга кириб кетган чапани безорилар, суллоҳ, сурбет, лаганбардорлар, мансабпраст, эмалга мингач, ўзини унутиб қўювчи шахслар ва ҳоказслар қаттиқ танқид остига олинади.

Адибнинг кўзга кўринган ҳажвий қиссаларидан «Калъя махзумнинг хотира дафтаридан» ҳамда «Тошпўлат тажанг нима дейди?» каби асарлари диққатга сазовердир.

1924 йилда А. Қодирий Московга бориб, Давлат Журналистлар институтида ўқиди. Лекин шунда ҳам ижодий фаолиятини тўхтатмайди. «Масков хатлари», туркуми, «Миллий ашулачимиз фалончи Италиядан ўқиб қеътдими?» каби фельетон ва мақолалар ўша ерда ёзиландир.

1925 йилда эса А. Қодирий ўзининг ilk рўмони — «Ўтган кунлар»ни ёзиб тугатади. Маълумки, бу асарда адаб мозлийга мурожаат этиб, ўзбек халқини XIX асрнинг биринчи ярмидаги ҳаётини тасвир этади, ўша давр ижтимоий тартиблари ва ҳаёт қоидаларининг ҳаддан ташқари адолатсизлигини ва босьманилигини фош этади.

А. Қодирий моҳир таржимон ҳам эди. У рус ва Овропа, татар ёзувчиларининг асарларини, чуончи Гоголнинг «Ўйланиш», Чеховнинг «Буқаламун» («Хамеленон»), Месучионинг «Николо маҳдум иштони», Бокаччонинг «Чопилла таҳтум», Эмиль Золянинг «Лурд», «Рома» (пәрчалар), Абдулло Шуносийнинг мактаблар учун ёзилган «Физика курси» ўқув китобини таржима қилган. А. Қодирий рус тилшуноси Юдахийга 15000 сўзли рус-ўзбек лугатини тузишда катта ёрдам берган.

Абдулла Қодирий 1938 йилда қатағон этилган. Тухмат, разелат, жаҳонат қурбони бўлган бу забардаст адаб сиймоси халқ юрагида адабий яшайди.

Олтинчи боб бўйича қўйидаги адабиётларни тавсия этамиз:

1. Ўзбекистон халқлари тарихи, 2-б. Т. 1992.
2. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидаи, Т., 1995.
3. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрлар тарихидан лавҳалар. Т. 1995.
4. Мўминов И. М. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. Т. 1994.
5. Қабулов Н. Хоразм адабий муҳити. 2-китоб. Урганч, 1992.
6. Воҳидов Ҳ. Ф. Ўзбек маърифатпарварларининг социологик қарашлари. Т., 1966.
7. Қосимов Б. Жадидчилик «Ёшлик». 1990. № 7.
8. Эргашев Б. Х. Идеология и национально-освободительное движение в Бухарском Эмирате. Т., 1991.
9. Каримов Ж. Жадидчилик нима?. «Санъат», 1990, № 12.
10. Каримов Ж. Тарихий ҳақиқат муқаддасидир. «Мулоқот». 1992. № 3—4.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
I б о б. МАРҚАЗИЙ ОСИЁДА ИЛҚ ФАЛСАФИЙ—АҲЛОҚИЙ ФИКРЛАРНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.	
1. Энг қадимий фалсафий ва аҳлоқий фикрлар сарчашмалари	5
2. Марказий Осиёе, қадимий ёзма ёдгорлик таридаги фалсафий ва аҳлоқий фикрларниң ифода этилиши	15
II б о б. ИСЛОМ — МУСУЛМОН ҲАЛҚЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ,	
1. Ислом фалсафаси ва унинг моҳияти	34
2. Ислом ва унинг асосий оқимлари	39
3. Тасаввубуф (сүғифизм) фалсафаси	44
III б о б. МАРҚАЗИЙ ОСИЁДА ШАРҚ РЕНЕССАНСИ (УЙГОНИШ) ДАВРИ ФАЛСАФАСИ.	
1. IX—XIII асрларда Марказий Осиёда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва маънавий маданият	64
2. Шарқ уйғониш даври фалсафаси	72
2.1. Мұхаммад Мусо Хоразмий	73
2.2. Абу Наср Форобий	75
2.3. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий	82
2.4. Абу Райҳон Беруний	85
2.5. Абу Али ибн Сино	89
3. Юсуф Хос Хожибининг аҳлоқий дидактикаси	97
4. Аҳмад Юғноқийнинг аҳлоқий қарашлари	104
5. Паҳлевон Маҳмуд ва унинг аҳлоқий ўйтлари	107
IV б о б. XIV—XV АСРЛАРДА МАРҚАЗИЙ ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ.	
1. Даврнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти	110
2. Мир Сайд Шариф Журжонийнинг фалсафий қарашлари	114
3. Улуғбекнинг фалакиёт мактаби. Унинг табиий-илмий қарашлари	116
4. Нақшбандийлик — тасаввубуфнинг асосий оқимларидан бири	118
5. Мир Алишер. Навоийнинг ижтимоий-фалсафий ва аҳлоқий қарашлари	122
6. Воиз Кошпийининг ижтимоий-фалсафий ва аҳлоқий қарашлари	129
V б о б. СҮНГГИ ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИДА МАРҚАЗИЙ ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ. (XVI асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача)	
1. XVI—XVIII асрларда ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт	137
2. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари	139
	181

3. Бобораҳим Машраб дунёқараси	144
4. XVIII аср иккинчи ярми — XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фикрлар	147
5. Муҳаммад Ризо Огаҳий	153
VI б о б. XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ — XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИӢ ФИКРЛAR ТАРАҚҚИЕТИ.	
1. Даврниң таснифи	154
2. Комил Хоразмийнинг фалсафий қаравалари	155
3. Аҳмад Дошишининг ижтимоий-сиёсий қаравалари	160
4. Муҳаммад Аминхўжа Муқимий	161
5. Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат	163
6. Убайдулла Уста Солиҳ ўғли Завқий	165
7. Аваз Үтар ўғли	166
8. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий	168
9. Жадидчилик ва унинг гоявий-сиёсий ўйли	170